

04  
ОДИЛҚОРИЕВ Х.Х.


# Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНЧИЛИК ТИЗИМИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

ОДИЛҚОРИЕВ Х.Х.

ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИНИНГ  
ҚОНУНЧИЛИК ТИЗИМИ



ТОШКЕНТ – 2008

**Одилқориев Х.Х.** Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик тизими. Масъул муҳаррир: юридик фанлар доктори, профессор **З.М. Исломов.** – Т.: ТДЮИ, 2008. – 220 – б.

**Масъул муҳаррир:** юридик фанлар доктори, профессор  
**З.М. Исломов**

**Тақризчилар:** доцент **М.А. Ахмедшаева**  
доцент **И.Т. Тультеев**

Мазкур монографияда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик тизими илмий – назарий таҳлил қилинган бўлиб, унда қонунчилик тизимининг моҳияти, таркиби, функциялари, принциплари, ижтимоий вазибалари ва турлари ёритилган. Шунингдек, қонунчилик тизимига тегишли институт ва жараёнларининг муҳим жиҳатлари ҳамда хусусиятлари ўрганилиб, жамият тараққиётининг объектив қонуниятларидан келиб чиқиб, ижтимоий муносабатларни қонунчилик воситасида тартибга солиш механизмлари ва уларнинг ривожланиш истиқболлари кўрсатиб берилган.

Асар ўқитувчилар, тадқиқотчилар, аспирантлар, адъюнктлар, магистрлар, талабалар, илмий ходимлар ҳамда кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган.

**ISBN 978-9943-332-07-2**

© **Одилқориев Х.Х.**

© Тошкент Давлат юридик институти, 2008 йил.

## СЎЗ БОШИ

Истиклол шарофати билан мамлакатимизда демократик янгиланишлар бошланди ва ҳозирга қадар изчил ҳамда жадал амалга оширилмоқда. Жамиятимизнинг барча таркибий тизимлари қатори ҳуқуқий тизимда ҳам янгиланиш ва замонавий модернизациялаш жараёнлари муваффақиятли кечмоқда. Айниқса, ҳуқуқий тизимнинг жўшқин қисми ҳисобланган қонунчилик тизими, таъбир жоиз бўлса, ўзгаришларнинг энг фаол (тезкор) таъсирланувчи объекти бўлиб майдонга чиқмоқда. У ҳуқуқий тизимнинг амалий шакли, бевосита ифодалаш воситаси бўлган лиги сабабли илғор демократик ғояларни ўз мазмунига энг аввал, яъни биринчи бўлиб сингдиради.

Маълумки, даставвал, давлатчилик асосларига ҳуқуқий пойдевор сифатида ҳуқуқий тизим гултожиси – Конституция қабул қилинди. Президент И.А.Каримов «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши, мамлакат ҳудудида улкан сиёсий воқеа, янги Ўзбекистонни қарор топтириш жараёнидаги муҳим қадам бўлди... Конституция суверен давлатимизнинг қонунчилик-ҳуқуқий негизини шакллантиришнинг асосий пойдевори, мустақил давлатчилигимизнинг тамал тоши бўлди»<sup>1</sup> – дея таъкидлайди. Дарҳақиқат, Конституция қонунчилик тизими барпо этиш ва ривожлантиришнинг асоси сифатида хизмат қилиб келмоқда.

Эндиликда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг барча элементлари барқарор ҳаракатланишини таъминлаш энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Бунинг учун қонунчилик тизимининг ҳар бир таркибий қисмини такомиллаштириш ҳамда улар ўртасидаги ўзаро фаол алоқадорликни қарор топтириш лозим.

Жамият ва давлат бошқарувида қонунчилик тизимининг аҳамияти беқиёсдир. «Мустаҳкам ҳуқуқий негиз бўлгандагина, – дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов, – ўзини оқламаган эски тизимни тўла ишонч билан

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон – буюк келажак сари. Т.: "Ўзбекистон", 1998, 539 - бет.

кайта куриш, маданий бозор иқтисодиётига эга бўлган янги жамият куриш мумкин»<sup>1</sup>. Ана шундай ҳуқуқий негиз қонунчилик тизимини шакллантириш орқали вужудга келтирилади.

Ўзбекистонда рўй бераётган муҳим ўзгаришлар, яъни қонунчилиқни либераллаштириш, парламент ислохотларини амалга ошириш, суд-ҳуқуқий тизимини демократлаштириш билан боғлиқ жараёнлар ҳам қонунчиликда ўз аксини топмоқда. Ўзбекистон Республикаси ўзининг 16 йиллик мустақил ривожланиш даврида жамият ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва маданий соҳалари билан бир қаторда давлат ва жамият қурилиши, ҳуқуқий тизимни такомиллаштириш борасида ҳам қатор ютуқларни қўлга киритди. Жумладан, 2001 йил 29 августда жинойат жазо қўллаш сиёсатини либераллаштирилиши, шунингдек 2008 йилнинг 1 январидан ўлим жазоси бекор қилиниши ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши муносабати билан Жиноят кодекси, Жиноят – процессуал кодекс ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга муҳим ўзгартиришлар киритилиши, шунингдек янги Фуқаролик кодекси, Меҳнат кодекси, Оила кодекси, Божхона ва Солиқ кодекслари қабул қилиниши боис қонунчилик тизими муайян маънода либераллашди, судлов жараёнининг мазмуни сезиларли даражада демократлашди ва бу тенденция давом этмоқда.

Мазкур асарда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик тизимини ҳозирги давр нуқтаи назаридан илмий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилиш мақсади кўзланди. Жумладан, қонунчилик тушунчаси, моҳияти, унинг ҳуқуқий тизимдаги ўрни, мамлакатимиз қонунчилик тизимининг ҳуқуқий демократик давлат қуришдаги аҳамияти ва ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги хусусиятлари очиқ берилди. Шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими таҳлил этилиб, уларнинг қонунчилик тизимидаги ўрни ва аҳамияти кўрсатилди.

Ўзбекистон Республикаси кўплаб халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга (пакт, конвенция, шартнома ва ҳ.к.) қўшилган. Бу, ўз

<sup>1</sup> Қиримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Т.3. –Т.. 1996, 192-бет.

навбатида, тегишли халқаро ҳуқуқий нормаларнинг Ўзбекисон қонунчилигига имплементация қилинишини тақозо этади. Амалдаги қонунчилигимиз ҳам халқаро ҳуқуқ нормаларининг устунлигини эътироф этади. Шу нуқтаи назардан, қонунчилик тизими инсоннинг демократик ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлаш учун жаҳон стандартлари, халқаро ҳуқуқ тамойилларига тўла мос бўлмоғи лозим. Энг муҳими, қонунчилик инсон ҳуқуқларига оид қондаларнинг амалга оширилиш механизми, конституциявий-ҳуқуқий тартибга солишнинг турли жиҳатларини ақс эттириши зарур. Маълумки, демократик фуқаролик жамиятини барпо этишда инсон ҳуқуқларининг таъминланганлиги муҳим аҳамият касб этади. Худди шундан келиб чиқиб, адолатли ва инсонпарвар қонунчиликни қарор топтириш, жамият ва давлат ҳаётидаги долзарб вазифалардан саналади. Таҳлилимиз давомида бу борада ҳам муносабат билдирилади.

Китобда қонунчилик ва жамиятнинг сиёсий тизими ўзаро боғлиқ равишда таҳлил этилиб, сиёсий тизимнинг норматив асослари, уни демократик ислоҳ этиш ва янада эркинлаштириш муаммолари ҳамда бу борада мустақиллик йилларида эришилган ижобий ютуқлар тарихийлик, реал воқелик замирида кўрсатиб берилган. Шунингдек, давлат органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш соҳасидаги фаолияти, уларнинг ўзаро тизимли алоқадорлиги ва ҳамкорлиги батафсил ёритилган. Сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотларнинг қонуниятлари ва тенденцияларини англаб етиш ҳамда уларни ифодалашга саъй-уриниш қилган ҳолда, эркинлаштириш ва демократлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштиришга йўналтирилган тақлиф ва мулоҳазалар билдирилган.

Қонунчилик тизими хусусида илмий таҳлил юритиш ва унинг мазмунини кенг омма эътиборига етказиш мазкур асарнинг марказий мавзуси ҳамда бош мақсадидир. Унда қонунчиликнинг мазмун-моҳияти, функциялари, қоида ва принциплари мамлакатда демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш манфаатлари нуқтаи назаридан ёритилган. Фикримизни янада аниқроқ ифодалайдиган бўлсак, мамлакатимиз қонунчилик тизими

Ўз ички салоҳиятига кўра, ҳуқуқий давлатни шакллантириш учун ҳуқуқий пойдевор вазифасини бемалол ўтай олади. Шунга асосланиб таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик тизими ҳуқуқий давлатнинг иктисодий асослари, сиёсий шакли, ҳуқуқий маданияти ва маънавий устунлари вужудга келиши ҳамда ривожланишига тўла-тўқис хизмат қилади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз қонунчилигининг жадал ривожланаётганлиги ислоҳотлар даврининг ўзига хос хусусиятидир. Шу боис асарда қонунчиликни такомиллаштириш стратегияси масалаларига алоҳида эътибор қаратиш ниҳоятда долзарбдир. Ўзбекистон Республикасида қонун ижодкорлик жараёни учун ва қонунчиликни истиқболдаги тараққиёти учун Конституция стратегик асос эканлиги илмий ва амалий жиҳатдан асосланган. Конституция қонунчиликнинг барча соҳалари учун асосий манба ҳисобланади. Қонунчиликнинг алоҳида тармоқларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда конституциявий принцип ва қоидалар конкретлаштирилади ҳамда ҳаётга жорий этилади.

Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг мазмуни миллий истиқлол мафқураси ғоялари билан ҳамо-ҳанглиги мамлакатимиз ҳуқуқий тизимининг ўзига хос алоҳида хусусияти ҳисобланади. Мафкура ва миллий истиқлол ғояси бугунги кундаги марказий масалалардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ўринли таъкидлаганидек, «Ўз келажаги ҳақида қайғурадиган миллат ҳеч бир даврда миллий ғоя ва миллий мафқурасиз яшамаган ва яшай олмайди. Мафкура бўлмаса, ҳар қайси давлат ва жамият, қолаверса, ҳар қайси инсон ўз йўлини йўқотиши муқаррар»<sup>1</sup>.

Бугунги кунда қонунчилик тизимининг маънавий-ахлоқий салоҳияти, унинг воситасида аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқий нормаларни кундалик ҳаётда амалга ошириш ҳамда қонунчиликни муҳофаза этиш механизмини такомиллаштириш каби кўплаб масалалар ўта муҳим аҳамият касб

<sup>1</sup> Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: Ўзбекистон, 2000, 5-6-бетлар.

этмоқда. Табиийки, улар китобхонда катта кизикиш уйғотади ва халқимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда, айниқса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг хусусиятларини мукаммал ўрганишда фойдали манба бўлади, деб умид қиламиз.

Қонунчилик тизимини ўрганиш ҳамда ҳуқуқий тафаккур, сиёсий ва ҳуқуқий дунёқараш, онг ҳамда юридик маданиятни шакллантириш, жамиятдаги давлат – ҳуқуқий воқеликлар хусусида мунтазам тизимли билимлар ҳосил қилиш ҳуқуқий давлатнинг маънавий – маърифий заминини ташкил этади. Ўрганиш ҳамда таҳлил доирасида «қонун», «қонунчилик», «қонунчилик тизими», «норматив-ҳуқуқий ҳужжат» каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Қонунчилик тизимига тегишли ҳодиса ва жараёнларнинг муҳим, зарурий ва энг умумий томонларини ўрганиш орқали жамият тараққиётининг объектив қонуниятларини изоҳлаш, ижтимоий ҳаёт мақсадларини аниқлаш ва ижтимоий муносабатларни қонунчилик воситасида тартибга солиш механизмларини очиш, уларнинг ривожланиш истикболларини кўрсатиб бериш юридик фанимиз олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади.

Қонунчилик тизими мамлакат ҳуқуқ тизими асосида шаклланади. У ҳуқуқ тизимининг реал ва амалий ифодасидир. Маълумки, ҳуқуқ тизими унинг ички тузилиши, ҳуқуқ тармоқлари (соҳалари) нинг бир бутун йиғиндиси сифатида тавсифланади. Ҳуқуқ тизимининг мазмунидан келиб чиққан ҳолда қонунчилик тизимининг асосий йўналишлари ва тармоқларини белгилаш мумкин. Унга кўра қонунчиликнинг куйидаги соҳалари, турларини таснифлаш мумкин: давлат қурилиши соҳасидаги қонунчилик тармоғи; Конституция асосидаги конституциявий қонунчилик; фуқаровий ва оилавий муносабатлар соҳасидаги қонунчилик; маъмурий бошқарув соҳасидаги қонунчилик; меҳнат муносабатларини тартибга солувчи қонунчилик; қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунчилик; табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчилик; жиноят-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик; одил судлов соҳасидаги



қонунчилик; капитал қурилиш соҳасидаги қонунчилик; солиқ қонунчилиги; божхона муносабатларини тартибга солувчи қонунчилик ва ҳоказо. Ҳозирги даврда ушбу масалаларга алоҳида эътибор қаратиш, қонунчилик соҳаларини чуқур илмий тавсифлаш ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш манфаатларига хизмат қилади.

Юқорида таъкидланганидек, мамлакатимиз қонунчилигида янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар вужудга келиши давом этмоқда. Жамият ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётини замонавий маърифий тамойиллар асосида ислоҳ этишда қонунчилик бениҳоя катта роль ўйнайди. Шу боис давлат тузилиши, демократик сиёсий тизимнинг мавжуд бўлиши, ҳуқуқий муносабатлар оқилона тизимининг ташкил этилиши кўп жиҳатдан мамлакатимизда яратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ва уларнинг амалда қай даражада қўлланилишига боғлиқдир. Мазкур асарни яратишда нафақат мустақиллик йилларида тўпланган давлат-ҳуқуқий тажрибамизга, конституциявий тамойиллар ва назарий билимларга, балки умуминсоний ҳамда миллий-маънавий қадриятларга, ҳозирги замонда дунёда мавжуд давлатчилик ва ҳуқуқшунослик концепцияларига, шунингдек ҳалқимизнинг асрлар оша шаклланиб келаётган бой ҳуқуқий меросига қатъий таянилди.

Шунингдек, ушбу манба аҳолининг ҳуқуқий онгини ва юксак ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга, улар фаолиятида қонун устуворлиги, қонунга ҳурмат ва унга итоатгўйлик кўникмаларини ҳосил қилишга хизмат қилади. Ишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимлилик ва манتيкий кетма-кетлик қоида-сига амал қилган ҳолда таҳлил этилиб, ҳар бирининг ўзига хос хусусиятлари аниқ мисоллар асосида очиб берилган. Мавзулар, унда ўрганиладиган масалалар имкон қадар содда изоҳланди, бу уларни ўзлаштиришни осонлаштиради ва кенг жамоатчиликка фойдали бўлиши мумкин. Талабчан китобхоннинг мавзу бўйича баён қилинган мулоҳазалар ҳамда илгари сурилган таклифлар хусусидаги фикри муаллифнинг кейинги ижодий изла-нишларига ижобий туртки бўлади, деган умиддамиз.

# I. ҚОНУНЧИЛИК ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИ

Давлат қонунлар орқали ўз иродасини, амалга ошираётган ҳуқуқий сиёсатнинг мазмунини жамиятнинг барча аъзоларига етказди, ўз фаолиятига расмий тус беради. Демократик мамлакатларнинг қонунлари ўзида халқнинг иродасини, ижтимоий онги ва маданиятини, орзу-интилишларини умумлаштирган ҳолда акс эттиради. Қонунларнинг энг асосий ижтимоий вазифаси – жамиятда тартиб, интизом ва барқарорликни таъминлашдан иборат. Аслида қонун ижтимоий тажрибанинг мужасамлашган ифодаси, қайта-қайта такрорланиши оқибатида ҳаётдан ўрин олган ва умумэтироф этилган ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий шакли сифатида майдонга чиқади.

И.А.Каримов II-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XVI сессиясида сўзлаган нутқида: «Юзга яқин қонунлар... қабул қилингани, бу ҳужжатлар биринчи навбатда эл-юртимизнинг қиёфасини ҳар томонлама ижобий ўзгартириш, мамлакатимизнинг салоҳияти ва беқиёс имкониятларини очиб беришда, уларнинг бугунги ва келгуси авлодлар манфаати учун ишлатиш йўлида ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши»<sup>1</sup> – ўта муҳимлигини алоҳида таъкидлади. Қонунлар, шунингдек, бутун қонунчилик ҳужжатлари йиғиндиси давлат ва жамият ҳаётининг ҳуқуқий асосини ташкил қилади. Улар давлат билан халқ, давлат билан фуқаро ўртасидаги алоқалар қатъий ҳуқуқий заминга таянган ҳолда раван ва мўътадил амалга ошишини таъминлайди. Мамлакатда қонуннинг устувор бўлиши, қонунга нисбатан чинакам ҳурматнинг шаклланиши зарурлигининг боиси шундаки, қонунда халқ иродаси ўз ифодасини топади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов таъкидлаганидек, биз қонун устуворлигига катта аҳамият бераётганимизнинг сабаби шундаки, «қонунчилик давлатнинг куч-қудратини, унинг халқ хоҳиш-иродасига таяниб иш олиб боришини кўрсатади»<sup>2</sup>. Қонун чиқарувчининг мақсади эса, самарали

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. – Т.: 13. – Т., 2005, 95-бет.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. – Т.: 13. – Т.: «Ўзбекистон», 2005, 169-бет.

қонунлар воситасида ижтимоий муносабатларни давлат ва жамият манфаати нуктаи назаридан муҳимлик даражасини белгилаш ва тартибга солишдан иборат<sup>1</sup>.

Умуман олганда, жамият ҳаётида ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда қонунларнинг ўрни бекиёсдир. Аммо бир қарашда оддийгина бўлиб кўринган «қонунчилик» тушунчаси ҳали ҳануз баҳсли бўлиб қолмоқда. Аниқроғи, бу борада аниқ бир тўхтамга келингани йўқ. Ҳолбуки, норматив (меъёрий) – ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида сўз юритилганда «қонунчилик» ибораси кўп ишлатилади. Шунингдек, амалиётда «қонун ҳужжатлари» ва «қонунчилик ҳужжатлари» тушунчалари ҳам кенг қўлланилмоқда. Шу ўринда бир неча саволлар тугилади: «Қонунчилик» ўзи нима? Қонун ҳужжатлари билан қонунчилик ҳужжатлари тушунчалари ўртасида фарқ борми? Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси нимани англатади?

Ҳуқуқ назарияси ва амалиётда «қонунчилик» тушунчасини турли маъноларда ишлатилиши кузатилади. Шу нуктаи назардан, қонунчилик тушунчасининг энциклопедик таърифига эътибор қаратайлик. Унга кўра, «қонунчилик» тушунчасининг қуйидаги икки изоҳи мавжуд: 1) қонунчилик – давлат томонидан ўз функцияларини амалга оширишнинг асосий усулларидадан бири бўлиб, давлат ҳокимияти органлари томонидан қонунлар чиқаришда ифодаланади; 2) қонунчилик – ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси ёки ижтимоий муносабатларнинг бир соҳаси (фуқаролик қонунчилиги, жиноят қонунчилиги, маъмурий қонунчилик ва бошқалар). Ўзбекистон Республикасида қонунчилик тушунчаси қоида бўйича, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Республиканинг конституциявий қонунлари ва қонунлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматиининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив ҳужжатларини қамраб олади<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> *Одильқориев Ҳ.Т.* Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. –Т.: 1995. 29-30-бет.

<sup>2</sup> Қарағ: *Юридик энциклопедия / проф. У.Т. Таджиханов таҳрири остида.* – Т.: «Шарк», 2001. 617-бет.

Берилган биринчи изоҳга кўра, «қонунчилик» – қонунларни яратиш билан боғлиқ тушунча сифатида намоён бўлади. Иккинчи изоҳнинг мазмуни бўйича эса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуи ҳисобланади.

Қонунчилик тушунчасига берилган мазкур тавсифга ойдинлик киритиш учун унинг луғавий мазмунига аҳамият берайлик. «Қонун» ибораси арабча сўздан олинган бўлиб, унга «чилик» сўз ясовчи қўшимчаси кўшилиши орқали «қонунчилик» сўзи пайдо бўлмоқда. Масалан, боғдорчилик, дехқончилик, чорвачилик сўзларида ҳам «чилик» қўшимчасини кўшиш орқали муайян *фаолият* назарда тутилади. Бу қоидага амал қилинадиган бўлса, қонунчилик ҳам фаолият ҳисобланади. Яъни, юқорида берилган биринчи изоҳдаги қоида келиб чиқади. Аммо ҳуқуқий амалиётда, берилган изоҳнинг иккинчиси кўпроқ ишлатилади. Шу ўринда, Ўзбек тилининг изоҳли луғатига мурожаат қилиш жоиз. Унда, қонунчилик – қонун белгилаш ва унга қатъий риоя қилиш; қонунни маҳкам ушлаш эканлиги эътироф этилади<sup>1</sup>. Бизнингча, бу изоҳга қўшилиб бўлмайди ва у кўпроқ қонунийлик тушунчасига тўғри келади.

Масалага ойдинлик киритиш учун ҳуқуқшунос олимларнинг фикрига мурожаат этайлик. Масалан, проф. Р.З. Лившицнинг фикрича, қонунчилик тушунчасини аниқлаш – бу фақатгина назариянинг муаммоси эмас. Бу масалага ёндашув ҳуқуқни қўллаш ва ҳуқуқий тартибга солиш масалалари билан ҳам боғлиқ. Шу нуқтаи назардан қонунчилик тушунчасини икки хил, яъни кенг ва тор маънода тушуниш мумкин. Қонунчилик кенг маънода қонунчилик фаолияти билан шуғулланувчи орган томонидан қабул қилинадиган ҳужжатлар шунингдек, қонун ости ҳужжатлари (бошқарув органлари томонидан қабул қилинадиган ҳужжатлар) дан иборат. Қонунчиликни тор маънода тушуниш эса, фақатгина қонун чиқарувчи органнинг ҳужжатлари (қонун ва парламент қарорлари)ни назарда тутати<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – М., 1981. 598-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: *Лившиц Р.З.* Теория права. – М., 1994. С.111.

Давлат ва ҳуқуқ умумий назарияси асарида (М., 1998) Ёшлишича қонунчилик ҳуқуқнинг, ҳуқуқ манбалари тизимининг мавжудлик ҳодисасини ифодалайди, ҳуқуқ қонунчиликлдан ташқарида яшай олмайди. Қонунчилик воситасида ҳуқуқий қоида ва талаблар расмий ҳуқуқий норма кўринишига эга бўлади, уларни ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжатга жамлашга имконият яратилади<sup>1</sup>.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида таъкидланишича ҳам ҳуқуқий амалиётда ва назарийётда «қонунчилик» ибораси кенг ва тор маъноларда ишлатилади. Қонунчилик (кенг маънода) – мамлакатда амал қилувчи барча норматив-ҳуқуқий актларнинг йиғиндиси бўлиб, бунда давлат ҳокимиятининг олий вакиллик ва бошқарув органлари чиқарадиган меъёрий ҳужжатлар назарда тутилади. Соф, тор маънодаги қонунчилик деганда эса, қонунлар ва парламент палаталарининг норматив қарорлари йиғиндиси тушунилади<sup>2</sup>.

Ҳуқуқшунос олим А.Я. Сухарев таҳрири остида чоп этилган юридик энциклопедияда «қонунчилик» иборасига қуйидаги таъриф берилган. Қонунчилик кенг маънода объектив ҳуқуқни ифодалашнинг ташқи шакли, халқ иродасининг давлат-ҳокимияти иродаси тарзида ифодаланиши, ушбу ироданинг умуммажбурий қоидалар сифатида мустаҳкамланишидир; қонунчилик ҳуқуқ яратиш ваколатига эга бўлган идора чиқарадиган меъёрий ҳужжатларнинг (парламент томонидан ва референдум натижасида яратиладиган қонунлардан тортиб, то маҳаллий ҳокимият идоралари қабул қиладиган ҳужжатларгача) комплекси<sup>3</sup>.

Қонунчилик ҳуқуқни ифодалашнинг ташқи шакли деган фикрни қўшимча изоҳлаш лозим. Ҳуқуқнинг ташқи шакли деганда уни ифодалашнинг усуллари, йўллари тушунилади. Бунда демократик жамиятда халқ иродасини «қонун даража-

<sup>1</sup> Карант: Общая теория государства и права. Академический курс в 2-х томах. Под. ред. проф. М.Н. Марченко. Том 2. Теория права. – М., 1998, С.236-237.

<sup>2</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.12. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси». Давлат илмий нашриёти, 2006. 205-бет.

<sup>3</sup> Российская юридическая энциклопедия / глав. редактор А.Я. Сухарев. – М.: Изд. Дом ИНФРА М., 1999, С.339.

сига кўтариш», ҳуқуқий нормаларни ифодалаш, расмийлаштириш усуллари назарда тутилади.

Қонунчилик муҳим ижтимоий вазифани бажаради. У жамият ҳаётининг барча соҳаларини тартибга солишга, ўзгартиришга, ривожлантиришга хизмат қилади ва шу тариқа ҳуқуқий давлат барпо этишга асос яратади. Айнан қонунчилик демократия институтларини юридик жihatдан расмийлаштиради, мустақамлайди ва ривожлантиради. Қонунчилик туфайли ҳокимият вакиллик органларининг обрўйи ортади, фуқаролик жамияти институтлари шаклланиб, ривожланиб боради, халқнинг ўзини ўзи бошқаруви қарор топади, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланади, ошқоралик, плюрализм ва кўппартиявийлик ривожланади, давлат идораларининг фаолияти такомиллашади. Қонунчиликнинг тор маънодаги таърифига кўра, олий қонун чиқарувчи ҳокимият органи томонидан чиқариладиган меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар тизими тушунилади. Қонунчилик таркибига кирувчи нормалар принципиал, умумдавлат аҳамиятига эга бўлиб, умуммажбурий юридик кучга эга бўлади ва одатда, бошланғич, бирламчи асос сифатида эътироф этилади<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонунига кўра, қонунда белгиланган шаклда қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида қонунчилик ҳужжатлари нормаларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжат норматив-ҳуқуқий ҳужжат, дейилади ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар *қонунчилик ҳужжатлари* (таъкид бизниқи) ҳисобланади (1-3-моддалар). Фикримизча, бу ерда қонунчилик тушунчаси кенг маънода қўлланилмоқда.

Назаримизда қонунчиликни кенг маънода тушуниш, қонуннинг мавқеини маълум даражада тушириб, уни қонун ости ҳужжатлари билан тенглаштиришга олиб келади. Аммо, бундай тушунишнинг бошқа бир томони ҳам мавжуд. Яъни, қонунчиликни кенг маънода тушуниш баъзи бошқарув органлари ходимлари ва фуқароларга, кенг аҳоли оммасига одат

---

<sup>1</sup> Ўша жойда, 340-бет.

бўлиб қолган. Юридик амалиётда қонунчилик тушунчасининг қайси мақсадда ишлатилаётганлигига қараб ўзига хос талқин этиш кузатилади. Масалан, бирон-бир соҳага оид қонунчилик (фуқаролик қонунчилиги, меҳнат қонунчилиги ва бошқалар) ҳақида сўз юритилса, кўп ҳолатларда шу соҳага тааллуқли ҳам қонунлар, ҳам қонун ости ҳужжатларининг йиғиндиси тушунилади. «Қонунчилик» иборасини бу тарзда тушуниш шунчалик кенг тарқалганки, ижтимоий онгда унинг тўғри илмий-назарий талқинига эришиш осон кечмайди. Қонунчиликнинг кенг ва тор талқинларини ҳар доим ҳам бир даражада тушуниш, – проф. З.Р.Лившиц фикрига кўра, тўғри эмас. Қонунчиликнинг маъноси нафақат илмий, балки айни амалий аҳамиятга ҳам эга. Ушбу масаланинг тўғри ҳал этилиши қонуннинг ҳуқуқий тартибга солиш механизмидаги мавқеини белгилашга ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Шу сабабли ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш жабҳаларида қонунчиликни тор, соф юридик маънода тушуниш лозим. Бу тушуниш қонун ва қонун ости ҳужжатларининг юридик кучини фарқлаш масаласига бориб такалади. Бошқа ҳолларда, яъни, ҳуқуқни ўрганиш, кодификация қилиш борасида қонунчиликни кенг маънода ишлатиш мумкин<sup>1</sup>.

Ҳуқуқий давлат барпо этиш шароитида «қонунчилик» **ибо**расини соф илмий маънода тушуниш мақсадга мувофиқдир. Аникроғи, «қонунчилик» тушунчасида референдум (умумхалқ овози) асосида ва қонунчилик фаолияти билан шуғулланувчи орган – парламент томонидан қабул қилинадиган қонунларни ёки «қонунларни яратиш фаолияти»<sup>2</sup>ни тушуниш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, юқорида таъкидлаганимиздек, «қонун ҳужжатлари» ва «қонунчилик ҳужжатлари»нинг назарий таҳлилига алоҳида эътибор бериш лозим. Чунки, айрим адабиётларда *қонунчилик ҳужжатлари* тушунчаси ўрнига *қонун ҳужжатлари* ва аксарият расмий манбаларда *қонун ҳужжатлари* ибораси

<sup>1</sup> Лившиц Р.З. Теория права, С.113.

<sup>2</sup> Карант: Пиголкин А.С., Студеникина М.С. Статья “Законодательство” – В кн.: Российская юридическая энциклопедия / глав. редактор А.Я. Сухарев. – М.: Изд Дом ИНФРА. – М., 1999, С. 340; Лившиц Р.З. Теория права. – М., 1994, С.112.

кенг ишлатилаётганлиги ҳуқуқшунослик назариясида турли англашилмовчиликлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Бу масалага профессор Ҳ.Т. Одилқориев куйидагича муносабат билдиради: «Амалдаги қонунчиликда «қонун ҳужжатлари» деган ибора кенг қўлланилмоқда. Сўнгги вақтларда ушбу иборанинг талқини билан боғлиқ муаммоли вазият юзага келди. Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонунининг 6-моддаси «Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари» деб номланган. Бу ерда «Қонун ҳужжатлари» иборасининг ўрнига «номатив-ҳуқуқий ҳужжатлар» деган иборани қўллаш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Фикримизча, Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги қонун 6-моддасининг биринчи қисми ҳуқуқ назарияси фанининг ҳар қандай мантиқий хулосаларини четга суриб қўяди: унда «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар – қонун ҳужжатлари ҳисобланади», деб ёзилган. Демак, бундан барча ҳуқуқий норма яратувчи идоралар қабул қилган ҳужжат қонун ҳисобланади, деган хулоса чиқади»<sup>1</sup>. Тўғри, ушбу безовталанишда жон бор. Бу масала устида жиддий ўйлаб кўриш ва назарий жиҳатдан пухта, аниқ-тиниқ тўхтамга келиш лозим. Олим ўз фикрини давом эттириб, яна куйидагиларни ёзади: «Хўш, «қонун ҳужжати» деган терминда қандай маъно жам бўлган?

Бу рус тилидаги «Законодательные акты» сўзларининг номақбул таржимасидир. «Қонун ҳужжати» деганда эса давлатнинг олий вакиллик органи томонидан чиқариладиган норматив-ҳуқуқий мазмундаги ҳужжатлар тушунилади. Масалан, бунда қонун ва парламент, унинг палаталари қабул қиладиган қарорларни тушуниш керак. Фандаги норматив-ҳуқуқий акт ҳақидаги назарий таълимотга кўра, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари том маънода қонунчилик ҳужжати ҳисобланмайди»<sup>2</sup>. Фармонлар ва ҳукумат қарорлари аслида қонун

<sup>1</sup> Қаранг: *Одилқориев Ҳ.Т.* Қонунларни шарҳлашда конституциявий суднинг ўрни ва роли. / Жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашнинг назарий-амалий муаммолари: Илмий мақолалар тўплами. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006. 10-бет.

<sup>2</sup> Уша жойда, 10-бет.



ости ҳужжатлари бўлиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар туркумига киради. Демак, «қонун ҳужжати» ибораси ўрнига амалдаги расмий тилимизда «қонунчилик ҳужжати» иборасини ишлатишимиз ўринли бўлади. Чунки, «қонун ҳужжати» деганда қонуннинг ўзидан ташқари яна қандайдир алоҳида ҳужжати бор, деган маъно чиқиши мумкин.

Ижтимоий ҳаётда рўй берган ўзгариш албатта қонунчиликда ҳам ўз аксини топиши, унга таъсир кўрсатиши табиий. Бу нарса айниқса қонунларда яққол ифодаланadi. Шу маънода олиб қараганда, бугунги қонунчилик ўз мазмунига кўра кечагисидан тубдан фарқ қилади. Бунинг асосий сабаби истиклол даври қонунчилигида ижтимоий ҳаёт воқеликларини теранроқ англашга ва тўлароқ очишга ҳаракат қилинаётганлигидир. Шу билан бирга, янги давр қонунчилигида «ижтимоий тараққиётни башорат қилиш ва келажакка йўналтирилган ҳуқуқий нормалар яратиш муҳим ўрин тутмоқда»<sup>1</sup>. Зеро, қонунчилик тушунчасининг мазмун-моҳиятида аслида қонунлар ётади. Қонун давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳаларини ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий воситаси, самарали усули ҳисобланади.

Қонунчилик категориясини чуқур илмий тушуниш учун унинг тизимли (системали) хусусиятидан келиб чиқиш ва ижтимоий динамик тизим сифатидаги қирраларини очиш лозим. Фалсафий комусий луғатда: «tizim, система (қисмлардан иборат бутун) – ўзаро муносабат ва алоқада бўлган, муайян яхлитликни ҳосил қилувчи кўп қисмлар (элементлар) мажмуи», – деб таъриф берилган<sup>2</sup>. Яна шу манбада қуйидаги изоҳларни учратиш мумкин. «Система» – яхлит бир бутунлик сифатида ташкил топган объектни ифодаловчи ижтимоий-фалсафий категория. Одатда, системани энг умумий тарзда элементлар ўртасидаги ўзаро алоқалар бирлиги сифатида таърифлайдилар. Система тушунчаси ўз маъносига кўра «алоқа», «элемент», «бутун», «бирлик», «структура», (элементлар ўртасидаги алоқа-

<sup>1</sup> Қаранг: Якубов А. С. Теоретические проблемы формирования правовой основы учения о преступлении: предпосылки, реальность, перспективы. – Т.: Академия МВД. 1996. – С. 12.

<sup>2</sup> Фалсафа: комусий луғат (тузувчи ва масъул муҳаррир Қ. Назаров). – Т.: «Шарк», 2004, 398-бет.


лар схемаси) тушунчалари билан боғлиқ. Ҳозирги замон фалсафасида системалилик билиш объектларининг хусусияти сифатида қаралмоқда. Эндиликда фақат билимларни система-лаштириш тўғрисида эмас, балки билимда объектни худди система сингари тавсифлаш хусусида фикр юритилмоқда. Системани билиш объектларининг фундаментал хоссаси сифатида талқин этилиши предмет ва ҳодисаларни чуқурроқ ўрганишга имконият яратмоқда. Ушбу ўринда системали тадқиқ этишининг асосий вазибалари: система элементлари, алоқалари ва структурасини, элементлар ўртасидаги боғлиқликни ажратишдир. Системанинг моҳиятини методологик тушунишга кўра, системалилик объект ва ҳодисаларнинг ўз хоссаси деб эмас, балки фаолиятнинг аниқ бир мақсадга йўналтирилиши, тафаккурни ташкил этиш сифатида таърифланади<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, система атроф – муҳитдан, ижтимоий ҳаётдан ажратиб олинган ўзаро ички муносабат ва алоқалар асосида бирлашган бир қанча элементлар ва уларнинг структура тузилмаларининг яхлит бир бутунлигидир.

Адабиётларда системанинг органик ва сумматив турлари фарқланади. Системани органик (таркибий) деб тан олиш учун элементлар йиғиндиси (суммаси) мавжуд бўлиши етарли эмас. Бунинг учун объект ўз таркибий элементлари ва уларнинг структура тузилишига эга бўлиши, бу қисмлар эса ўзаро алоқадор ва боғлиқ бўлиб, маълум функцияни бажаришга сафарбар этилган бўлиши керак. Айнан ана шундай органик система (структура) тоифасига ҳам ҳуқуқ, ҳам қонунчилик киради<sup>2</sup>. Системанинг элементларига ўзаро алоқадорлик ва ички мутаносиблик хосдир. Бу қонунчилик тизимида айниқса яққол кўзга ташланади. Системанинг муҳим жиҳати, - деб ёзадилар И.В. Блауберг ва Б.Г.Юдин, – структуравий хусусиятнинг бирлиги, яъни воқеликнинг ички таркибий қисмларга эғалиги, бу қисмлар ўртасида поғонали (иерархик) бўйсунуш мавжудлиги ҳамда

<sup>1</sup> Фалсафа: қомусий лугат (тузувчи ва масъул муҳаррир К. Назаров). – Т.: «Шарк», 2004. 370-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: Теория государства и права / под ред. проф. В.К. Бабаева. – М., 2006. С. 420.



бу қисмларнинг нисбий мустақиллигидир<sup>1</sup>. Структуравийлик ва қисмларнинг иерархик бўйсунishi қонунчилик тизимига хос хусусиятлар ҳисобланади. Чунки, қонунчилик ўз ички структура тузилишларига эга ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонунчилик тизимида ўз юридик кучига кўра ўзаро иерархик, поғанали бўйсунish муносабатида жойлашадилар. Проф.С.С.Алексеев ҳам системалар назарияси хусусида фикр юритиб, воқеа ва ҳодисаларнинг тизимли ва структурали тавсифига эътибор қаратади. Шунингдек, ҳодисалар ҳаракатининг ички механизми билан боғлиқ функционал таҳлилига урғу беради. Шу маънода у ҳуқуқ ва қонунчиликни норматив система (меъёрий тизим) деб атайд<sup>2</sup>.

Қонунчилик жўшқин норматив система сифатида жамият мавжуд бўлишига, муқим ва барқарор бўлишига, тартибли ривожланишига шарт-шароит яратади; жамиятнинг узлуксиз ривожланиш механизмларини мустаҳкамлайди ва такомиллаштиради<sup>3</sup>. Бу ерда шундай диалектик боғлиқликни пайқаш мумкин-ки, бир томондан, қонунчилик тизими жамиятни ривожлантириш омили бўлиб хизмат қилади, иккинчи томондан, жамиятнинг ривожланиб бориши, айти вақтда, қонунчилик тизимини такомиллаштиришни тақозо этади.

Дарҳақиқат, қонунчиликни такомиллаштириш – шубҳасиз мураккаб жараён бўлиб, унда фақат ваколатли давлат идоралари ҳамда депутатларгина эмас, балки олимлар, мутахассислар, шунингдек, оддий фуқаролар ҳам иштирок этадилар. Шу муносабат билан қонун чиқариш жараёнида сиёсий институтлар ва нодавлат жамоатчилик ташкилотларининг ролини мустаҳкамлаш, қолаверса, аҳолининг сиёсий фаоллиги ва ҳуқуқий миқдони оширишга таянган ҳолда ижтимоий ҳаётни янада демократлаштириш жуда муҳим аҳамият касб этмоқда ва ҳуқуқий давлат куриш шароитида долзарб вазифага айланиб бормоқда.

<sup>1</sup> Блауберг И. В., Юдин Б. Г. Понятие целостности и его роль в научном познании. – М., 1972, С.16.

<sup>2</sup> Қаранг: Алексеев С.С. Восхождение к праву: поиски и решения. – М.: "Норма", 2001, С.46.

<sup>3</sup> Алексеев С.С. Ўша асарда, 55-бет.

## II. ҚОНУНЧИЛИК ТИЗИМИНИНГ ПРИНЦИПЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

Ҳуқуқ тизими ва қонунчилик тизими – бир-бирлари билан узвий боғлиқ ва мустақил категориялар ҳисобланади. Улар шакл ва мазмуннинг ўзаро нисбати сифатида намоён бўлади. Ҳуқуқ тизими ўз таркибига кўра, ҳуқуқнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солиш билан боғлиқ ички тузилишини акс эттиради. Қонунчилик тизими эса ҳуқуқнинг манбалари йиғиндиси сифатида унинг ташки шаклини намоён қилади.

*Ҳуқуқ тизими ва қонунчилик тизими ривожланишининг тенденцияларини* тадқиқ этиш нафақат назарий, балки амалий муносабатлар учун ҳам долзарб ҳисобланади. Бундай масалаларнинг илмий ечими, авваламбор, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни рўйхатга олиш ва тизимлаштириш, қолаверса, Ўзбекистон Республикаси қонунларининг мажмуини яратиш учун биринчи даражали аҳамият касб этади. Қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш амалдаги ҳуқуқ тизимига қанчалик мувофиқ келса, ундан қутилаётган натижалар шунчалик самарали бўлади.

Жамият турли хил ижтимоий муносабатлар мажмуидан иборатдир. Ижтимоий муносабатлар хилма-хил бўлишига қармасдан, айна пайтда, мазмунан муайян гуруҳларга бирлашади. Улар яхлит бир ижтимоий тизимни ташкил этади. Бу, ўз навбатида, ушбу муносабатлар тизимини тартибга соладиган ҳуқуқ нормаларининг ҳам тегишлича гуруҳланишини, тизимли хусусиятга эга бўлишини белгилайди.

*Ҳуқуқ тизими* – бу ҳуқуқнинг ички тузилиши, «ички қурилиши», таркиби бўлиб, у ҳуқуқнинг қандай қисмлардан иборат эканлигини ва қисмлар ўртасидаги муносабат ҳамда нисбатни ифодалайди. Ҳуқуқ тизими объектив табиатга эга. Бунинг маъноси шуки, мавжуд ижтимоий муносабатлар ва уларнинг реал манзараси ҳуқуқ тизимини белгиловчи омил ҳисобланади. Ижтимоий муносабатларнинг ўзгариши, янгилалиши ҳуқуқ тизимида ўзининг айнан аксини, аниқ ифодасини

тонадн, шу жихатдан ҳар бир давлатнинг ҳуқуқ тизими шу жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг инъикоси, ифодаси ҳисобланади. Маълумки, ҳар қандай ҳуқуқ давлат томонидан ўрнатилган ва бажарилиши ҳокимият воситалари билан таъминланадиган нормалар йиғиндисидан иборат. Айни вақтда, бу нормалар мажмуи бетартиб тарзда жамланган бўлмай, балки қисмлари ўзаро мувофиқлик, боғлиқлик асосида бирлашган ҳуқуқий тизимдир. Бу тизим бир пайтда умумийлик ва алоҳидалик, мустақиллик ва боғлиқлик, ўхшашлик ва фарқланиш хусусиятларига эгадир. Ҳуқуқ тизимини ташкил этган нормаларнинг умумийлиги ва бирлиги уларда ифодаланган давлат иродасининг ягоналиги, вазифалари ва мақсадларининг муштараклиги билан белгиланади.

Ҳуқуқ тизими қуйидаги хусусиятларга эга:

– *биринчидан*, ижтимоий муносабатларнинг мазмунидан келиб чиқиб объектив равишда шаклланади ва мавжуд бўлади;

– *иккинчидан*, у яхлит ижтимоий организм сифатида ҳуқуқнинг ички тузилишини, яъни бу тизим қандай ички «қурилма» дан иборатлигини кўрсатади;

– *учинчидан*, ҳуқуқ тизими уни ташкил этувчи юридик нормаларнинг муайян гуруҳларга бирлашишини ифодалайди;

– *тўртинчидан*, ҳуқуқ тизимини ташкил этувчи юридик нормаларнинг ва улар бирлашган гуруҳларнинг ўзаро фарқланишини, таснифланишини кўрсатади;

– *бешинчидан*, ижтимоий муносабатларнинг мазмуни, хусусияти ва уларнинг ўзига хослиги юридик нормаларнинг ҳам маълум даражада ихтисослашувига, соҳаларга ажралишига сабаб бўлади.

Ҳуқуқ тизимидаги структуравий тузилмалар ўзининг ташкилий қурилиши ва алоқаларининг мураккаблиги билан биридан фарқ қилади (масалан, горизонтал, вертикал, матрицали ва тўғри йўналишли алоқалар ва ҳ.к.) Тараққиётнинг ҳозирги ҳолатига мос келадиган таснифга кўра, ҳуқуқ тизими – ҳуқуқ нормалари, ҳуқуқ институтлари ва ҳуқуқ тармоқлари (соҳалари)дан иборатдир. Ижтимоий муносабатларнинг табиа-

ти ва мазмунидан келиб чиқиб, ҳуқуқ тизими турли ҳуқуқ соҳаларидан иборат бўлади. Уларнинг ҳар бири ўзининг предметига ва ушбу предмет мазмунини ташкил қилувчи муносабатларни тартибга солувчи методи (услуги)га эга. Ҳуқуқ соҳалари тузилишида нормалар, институтлар, ёрдамчи институтлар (субинститутлар) соҳа ости (подотрасли)<sup>1</sup> ҳуқуқлар ажралиб, ўз навбатида, соҳанинг умумий ва махсус қисмларини ташкил қилади. Ҳуқуқ соҳаси ва унинг таркиби ҳам бир вақтда шаклланмайди, ташкил топмайди, давлат ва жамиятнинг ривожланиш босқичига қараб уларнинг моҳияти ва вазифасида муайян ўзгаришлар юз беради, яъни ҳуқуқ соҳалари ёки соҳа ости “кичик ҳуқуқ соҳалари” пайдо бўлади, улардан баъзилари ўз аҳамиятини йўқотади.

Лекин ҳуқуқ соҳаси моҳиятининг ўзгариши, янги ҳуқуқ соҳаси ва ҳуқуқ институтлари субъектив ёндашиш йўли билан эмас, балки объектив сабабларга кўра, яъни жамиятнинг у ёки бу даврда мавжуд бўлган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва сиёсий тизимнинг қандай даражада ривожланган бўлишига қараб шаклланади.

**Ҳуқуқ нормаси** ҳуқуқ тизимининг бирламчи элементи бўлиб, у давлат томонидан ўрнатиладиган, ҳокимият характерига эга бўлган ҳулқ-атвор ва хатти-ҳаракат қондасидир. Ҳуқуқ нормаси ҳуқуқ тузилмаси ичида бошлангич ўринда бўлиб, яхлит ҳуқуқда бўладиган ўзгаришларни ўзидан ўтказиши. Шу боис унинг ҳуқуқ тизимининг бошқа элементларига таъсири анча сезиларли, агар таъбир жоиз бўлса, уни ҳуқуқнинг «ўлчов бирлиги», «бирламчи мезони» дейиш мумкин.

«Ҳуқуқ нормаси – яхлит ҳуқуқ тизимининг асосий ҳужайраси, бўғинидир. Ҳуқуқни шакллантириш ва татбиқ қилиш жараёни, қонунчилик, барча юридик тушунчалар, ҳуқуқ тизими ва ҳатто назариянинг негизида ҳам бевосита ёки билвосита тарзда ҳуқуқ нормаси ётади»<sup>2</sup>, - деганда доцент М.А.Ахмедшаева тўла

<sup>1</sup> Қаранг: Раҳмонқулов Х.Р. Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳуқуқ тизими. Ўқув кўлланма / проф. М.Х. Рустамбоев таҳрири остида. – Т.: ТДЮИ, 2007, 5-бет.

<sup>2</sup> Ахмедшаева М.А. Ҳозирги замон давлати ва ҳуқуқи назарияси муаммолари. Ўқув кўлланма. Масъул муҳаррир проф. З.М. Исломов. – Т.: ТДЮИ, 2006, 187-бет.

ҳақли. Ҳар бир ҳуқуқий норма давлат ва жамият томонидан муҳим бўлган муайян турдаги аниқ ижтимоий муносабатни тартибга солишга йўналтирилган бўлади. Ҳар бир норма ўзида бирон-бир хатти-ҳаракат, хулқ-атвор қондасини, муайян юриш-туриш моделини ифодалайди<sup>1</sup>. Масалан, Конституциянинг 51-моддасига биноан, фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар. Ушбу ҳуқуқий норма фуқароларнинг давлат ва жамият олдидаги бурчини адо этиб, умум манфаатига хизмат қиладиган бюджет маблағлари захирасини ташкил этишга ўз ҳиссасини қўшиши ҳақидаги қатъий қондани мустаҳкамлайди.

Ҳуқуқ нормасининг аҳамияти шундаки, ижтимоий жиҳатдан муҳим бўлган илғор ғоялар, қадриятлар норма воситасида ижтимоий муносабатлар мағзига, жамият ҳаёти мазмунига сингдирилади. Бошқача вазият ҳам бўлиши мумкин, бунда ижтимоий ҳаётда ўрин эгаллаётган ижобий ғоялар ва муносабатлар ҳуқуқий норма ёрдамида расмий тарзда мустаҳкамланади<sup>2</sup>.

Ҳуқуқ нормаси ҳуқуқий муносабат субъектлари учун умуммажбурий, бажарилиши шарт бўлган қатъий талаб, императив қоидадир. Ҳуқуқ нормаси Конституция ва қонунларда белгиланган тартиб асосида махсус ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти натижасида шакллантирилади. Ҳуқуқий норманинг мажбурийлик табиати унинг моҳиятини акс эттирувчи хусусият бўлиб, уни бошқа ижтимоий нормалардан ажратиб туради. Ҳуқуқий норманинг мажбурийлиги ёки нормативлиги ҳуқуқнинг меъёрий тизим эканлиги моҳиятига бориб тақалади.

**Ҳуқуқ институти** ҳуқуқий нормаларнинг алоҳида гуруҳи бўлиб, у ижтимоий муносабатларнинг муайян турини тартибга солади. Одатда, ҳуқуқ институти ҳуқуқий нормаларнинг унча катта бўлмаган барқарор гуруҳи бўлиб, у ижтимоий муносабатларнинг мазмун жиҳатдан яқин турини тартибга солишга хизмат қилади. Демак, агар ҳуқуқий норма ҳуқуқий материянинг бирламчи элементи бўлса, ҳуқуқ институти эса унинг

<sup>1</sup> Ахмедшоева М.А. Ўша асарда, 187-бет; Лавиц Р.З. Теория права. – М., БЕК, 1994, С.102.

<sup>2</sup> Лавиц Р.З. Теория права. – М., БЕК, 1994, С.102.

дастлабки ҳуқуқий умумлашмасидир. Ҳар бир тармоқ ўз ичига ўзаро яқин бўлган бир қатор институтларни қамраб олади ва улар тармоқнинг таркибий қисми, бўлаги, бўғини сифатида намоён бўлади. Айни пайтда, ҳуқуқ институтлари муайян мустақилликка эга, чунки улар маълум даражада мустақил масалаларни тартибга солади. Ҳуқуқ институтига бирлашувчи нормалар худди уларнинг асосини ташкил этувчи ижтимоий муносабатлар сингари турдош, ўзаро мазмунан бир йўналишдаги нормалар бўлиши лозим. Улар маълум бир ҳуқуқ соҳасининг ичида алоҳида тоифани ташкил этади. Институт – соҳанинг (тармоқнинг) таркибий бўғини, яъни тизимнинг элементи каби хусусиятларга эга бўлади<sup>1</sup>. Ҳуқуқ институтларига мисол қилиб, маъмурий ҳуқуқда – мансабдор шахс институти; фуқаролик ҳуқуқида – даъво муддати, шартномалар, олди-сотди институтлари; конституциявий ҳуқуқда – сайлов тизими, фуқаролик институти; жиноят ҳуқуқида – зарурий мудофаа институти; оила ҳуқуқида – никоҳ институти ва бошқаларни келтириш мумкин.

Ҳуқуқ институтларини турлича гуруҳлаштириш мумкин. Энг аввало, биз уларни ҳуқуқ тармоқлари бўйича ажратамиз: маъмурий ҳуқуқ институтлари, фуқаролик ҳуқуқи институтлари ва шу кабилар. Демак, қанча ҳуқуқ тармоғи бўлса, шунча йўналишдаги ҳуқуқ институтлари мажмуи мавжуд. Бунда институтларни турларга ажратиш мезони вазифасини ҳуқуқ тармоқлари ўтайди. Ҳаётда шундай бўладикки, муайян бир ижтимоий муносабат бир ҳуқуқ тармоғи институти билан тартибга солиниб қолмасдан, бир неча тармоқ институтлари билан ҳам тартибга солиниши мумкин. Шу муносабат билан тармоқ институтлари ва тармоқлараро институтлар (аралаш институтлар), ҳамда оддий ва мураккаб (комплекс-мажмуавий), регулятив (тартибга солувчи), кўрикловчи ва таъсис этувчи (мустаҳкамловчи) ҳуқуқ институтларига ажралади.

**Ҳуқуқ тармоғи** – бир турдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи юридик нормалар ва ҳуқуқ институтларининг умумий мажмуи. Ҳуқуқ тармоғи ҳуқуқни тизимлашнинг анча

<sup>1</sup> Каранг: *Общая теория государства и права. Академический курс.* – Т.: 2. – М., 1998, С. 233.



юкори даражаси хисобланади ва у маълум яхлитлик ва мустакиллик билан тавсифланади. Таъкидлаш лозимки, баъзи ўқувилмий адабиётларда ҳуқуқ тизимининг юкорида кўрсатиб ўтилган тузилмавий элементларидан ташқари яна ҳуқуқ тармоқчаси (кичик тармоқ – подотрасль) ва субинститутлар ҳам ажратилади. Ҳуқуқ тизимида тармоқларнинг ажралиб чиқишига асос бўлиб, унга бўлган объектив зарурат хисобланади, давлат эса бу заруратни ўз вақтида англаб, уни расмийлаштиради, холос.

Тармоқ конун чиқарувчи орган томонидан ўйлаб топилмай, балки ижтимоий ва амалий эҳтиёж маҳсули сифатида шаклланади. Ижтимоий муносабатларнинг у ёки бу соҳасининг мазмун ва сифат жиҳатидан турдошлиги муайян ҳуқуқ тармоғининг алоҳида мустақил шаклланишини тақозо этади, шу боис у ёки бу ҳуқуқ тармоғининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ҳуқуқий тартибга солишга муҳтож бўлган ижтимоий муносабатларнинг тегишли соҳаси мавжуд ёки мавжуд эмаслигига боғлиқ бўлади. Айни пайтда, ҳуқуқ тармоқлари ҳам ўзларининг ҳажми, ижтимоий муносабатларга таъсири ва умуман ҳуқуқий тартибга солишда тутган ўрни билан фарқланади ва бу фарқ кўп жиҳатдан улар тартибга соладиган ижтимоий муносабатларнинг табиати, мазмуни ва аҳамияти билан белгиланади.

Юкорида таъкидланганидек, мустақил ҳуқуқ тармоғи ташкил топиши учун қуйидаги шартлар мавжуд бўлиши лозим:

– у ёки бу муносабатларнинг ўзига хослигининг муайян даражаси:

- бу муносабатларнинг ҳажми, кўлами ва миқдори;
- вужудга келган муносабатларни бошқа ҳуқуқ тармоқлари нормалари ёрдамида тартибга солишнинг имкони йўқлиги;
- бу муносабатларни тартибга солишнинг алоҳида усулини қўллаш зарурлиги.

Анъанавий тарзда илмий-ўқув адабиётида ҳуқуқ тармоқларига қуйидагилар киритилади: конституциявий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, молия ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи, ер ҳуқуқи, қишлоқ хўжалиги

хуқуқ, экология хуқуқи, фуқаролик-процессуал хуқуқи, жинс-процессуал хуқуқи ва бошқалар.

Шундай қилиб, хуқуқ тизими мураккаб, кўп тузилмали ва ҳаракатчан яхлит тузилма бўлиб, ўз ичига, профессор С.С. Алексеев таъкидлаганидек, қуйидаги бир неча даражаларни олади:

1) алоҳида норматив қоида тузилмасини (хуқуқий нормаларни);

2) хуқуқий институт тузилмасини;

3) хуқуқий тармок тузилмасини;

4) хуқуқнинг яхлит умумий тузилмаси (хуқуқ тизими)ни.

Буларнинг ҳаммаси бир бутун яхлитликда анча мураккаб ижтимоий хуқуқий таркибни ташкил этади. Айни пайтда, хуқуқ тизими даражалари ўзаро мантиқан ва мазмунан боғлиқ бўлиб, улар бир-бирини сабаб ва оқибат нисбати тарзида такозо этади.

*Оммавий ва хусусий хуқуқ.* Таъкидлаш жоизки, жаҳон хуқуқий тизимларининг кўпчилигига у ёки бу тарзда хуқуқнинг хусусий ва оммавий хуқуққа ажратилиши хос<sup>1</sup>. Хусусий хуқуқ алоҳида шахсларнинг эҳтиёжини қондириш ва манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган бўлса, оммавий хуқуқ эса давлатнинг умумий манфаатларини муҳофаза этади. Хусусий ва оммавий хуқуқнинг шаклланиши қадимги Римга бориб такалади. Унда хуқуқ иккига: «*jus publicum*» ва «*jus privatum*»га ажратилган бўлиб, уларга Рим юристлари тавсиф беришган. Масалан, Ульпианининг фикрига кўра, оммавий хуқуқ Рим давлатининг ҳолатига, мақомига тааллуқли «*ad statum rei Romanae spectat*»; хусусий хуқуқ эса алоҳида шахслар фойдасига тааллуқлидир «*ad Singulorum utilitatem*»<sup>2</sup>. Хуқуқ ҳимоя этадиган манфаатлар мазмуни, характери хусусий ва оммавий хуқуқ соҳаларини ажратишнинг мезони ҳисобланган. Оммавий хуқуқ доирасига давлат манфаатини муҳофаза этувчи хуқуқий нормалар кирган, хусусий хуқуқ соҳасига эса алоҳида шахслар манфаатини ҳимоя қилувчи нормалар кирган. Шуниси эътиборга

<sup>1</sup> Қаранг: Алексеев С.С. Частное право. – М.: Статут, 1999; Раҳмонқулов Х.Р. Ўзбекистон Республикасининг миллий хуқуқ тизими. – Т.. 2007, 6-7- бетлар.

<sup>2</sup> Қаранг: Новицкий И.Б. Основы Римского гражданского права. – М., "Юр. лит". 1972.

молики, Римда оммавий ва хусусий ҳуқуқ ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг характериға кўра анча фарқланган. Хусусан, оммавий ҳуқуқ учун *jus publicum privatorum pactis mutari non protest*, яъни оммавий ҳуқуқ нормалари алоҳида шахсларнинг келишуви билан ўзгартирилиши мумкин эмас, деган тамойил хос бўлган. Бундай нормалар императив нормалар, деб аталган. Яъни, сўзсиз бажариладиган, мажбурий, ҳокимона-бўйруқ характеридаги нормалар.

Хусусий ҳуқуқ ҳам муайян ҳуқуқ соҳаларидан ташкил топган кичик ҳуқуқ тизимидан иборат. Ушбу тизимға кирган ҳуқуқ соҳалари воситасида жамият аъзоларининг, давлат ташкилотларининг хусусий манфаатлари ифодаланган, мустакиллик ва яққа мулкдорларнинг (жисмоний шахслар, юридик шахслар) ташаббускорлиғиға асосланган муносабатлар тартибга солинади. Бундай муносабатлар ёйик қизик (горизонтал) аҳамиятға эға бўлган, яъни бир тарафнинг иккинчи тарафға ҳуқуқий жиҳатдан бўйсинишиға асосланмаган, мустакил ва тенг ҳуқуққа эға бўлган иштирокчилар ўртасида вужудға келадиган муносабатлардан иборат.

Хусусий ҳуқуқ тизими таркибига фуқаролик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи, халқаро хусусий ҳуқуқ ва бир тарафнинг иккинчи тарафға ҳуқуқий бўйсунушиға асосланмаган муносабатларни тартибға солувчи бошқа ҳуқуқ соҳалари киради<sup>1</sup>.

Хусусий ҳуқуқ учун ваколат берувчи нормалар хос бўлган.

**Моддий ва процессуал ҳуқуқ.** Ҳуқуқ тизимидаги тармоқлар моддий ва процессуал ҳуқуққа бўлинади. Конституциявий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, молиявий ҳуқуқ, ер ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи ва меҳнат ҳуқуқи ўз мазмуниға кўра моддий ҳуқуқ ҳисобланади ва улар инсонлараро, уларнинг хилма-хил тузилмалариаро реал таркиб топадиган муносабатларни тартибға солади. Бу муносабатлар мулк шакллари, мулкка эғалик қилиш, ундан фойдаланиш, уни тасарруф этиш, мулкни олиш ва сотиш, давлат бошқаруви соҳасидаги муносабатлар,

<sup>1</sup> Қаранг: Раҳмоновлов Х.Р. Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳуқуқ тизими. Ўқув қўлланма / проф. М.Х. Рустамбоев тахрири остида. -Т.: ТДЮИ. 2007, 7-бет.

фуқароларнинг меҳнат фаолиятлари, ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда вужудга келади<sup>1</sup>.

Ҳуқуқнинг процессуал тармоқларига эса жиноят-процессуал, фуқаролик – процессуал ва хўжалик-процессуал ҳуқуқ тармоқлари киради. Сўнги йилларда маъмурий-процессуал ҳуқуқини расмийлаштиришга ҳаракатлар бўлмоқда. Улар турли низолар, келишмовчиликларни ҳал этишнинг, жиноят, маъмурий, хўжалик ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг тергов қилиниши ва судда кўришнинг, ташкилий-жараёний масалаларини тартибга солади. Масалан, жиноят ҳуқуқи моддий нормалари қандай қилиш жиноят эканлигини ва шу хатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун тайинланадиган жазонинг умумий асосларини белгилаб берса, жиноят-процессуал ҳуқуқи нормалари уни тергов қилиш, судда кўриш тартиби каби қатор таомилларига оид масалаларни мустаҳкамлайди. Моддий ҳуқуқ билан процессуал ҳуқуқ ўртасида узвий боғлиқлик борлиги яққол кўриниб турибди. Улар бир-бирини тақозо этади ва узвийликда бир бутун яхлитлик касб этади. Шундай қилиб, *ҳуқуқ тизими* – бу ҳуқуқнинг объектив равишда шаклланган ички тузилиши бўлиб, у ҳаракатдаги, ўзаро бир-бири билан боғланган барча юридик нормалар, институтлар ва ҳуқуқ тармоқларини ўзига қамраб олади, ички узвий алоқадорлик, ва айни пайтда, тартибга соладиган муносабатларнинг хусусиятларидан келиб чиқадиган фарқлар билан тавсифланади<sup>2</sup>.

Ҳуқуқни ҳуқуқ институтлари ва тармоқларига ажратиш икки мезон, яъни *ҳуқуқий тартибга солишнинг предмети* ва *ҳуқуқий тартибга солишнинг усули (методи)* орқали амалга оширилади.

Қонунчилик тизими, аввало, ҳуқуқий нормаларни расмийлаштириш (мустаҳкамлаш) ҳамда ифодалаш шаклини ўзида акс эттирувчи ҳуқуқ манбаларининг муштарак йиғиндиси, иккинчидан, ҳуқуқ манбалари тузилишини, яъни норматив-ҳуқуқий

<sup>1</sup> Давлат ва ҳуқуқ назарияси. / Ҳ.Бобоев ва Ҳ.Одилқориевларнинг умумий таҳрири остида. – Т., 2000. 317-318-бетлар.

<sup>2</sup> Давлат ва ҳуқуқ назарияси. / Ҳ.Бобоев ва Ҳ.Одилқориевларнинг умумий таҳрири остида. – Т., 2000. 318-бет.

хужжатлар тизимини намоён қилувчи ҳуқуқнинг ташқи кўри-нишидир. Юридик адабиётларда қарор топган умумий эътироф-га кўра, **қонунчилик тизими** – қонунчиликнинг структуравий тузилиши бўлиб, норматив-ҳуқуқий хужжатлар ва қоидалар-нинг қонунчилик соҳалари ва институтларига уюшган барқарор гуруҳланишида ўз аксини топади ҳамда ижтимоий муносабат-ларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларнинг ўзаро ички ало-қадорлигига асосланган муштарак йиғиндиси сифатида май-донга чиқади. Қонунчилик хужжатларининг ягона тизимга бири-кишида уларнинг юридик кучи асосий мезон вазифасини ўтайди<sup>1</sup>.

Шунинг учун ҳам қонунчилик тизимининг принциплари ва функциялари ҳуқуқ принциплари ва функциялари билан ҳам-ҳангдир. Лекин, шу билан бирга биринчисининг иккинчисидан муайян фарқлари ҳам бор. Қонунчилик тизими принциплари, ҳеч муболагасиз, унинг моҳиятини англашга кўмак берувчи асо-сий жиҳатлардан бирини, асосий ўзагини ташкил этади. Улар ғоя-лар, нормалар ва муносабатларни қамраб олиб, бутун ҳуқуқий ҳаётга муайян мантиқ, мазмун-маъно, уюшқоқлик, собитқадам-лик, ички мутаносиблик ҳамда уйғунлик бахш этади. Янада аниқ-роқ таъриф қиладиган бўлсак, қонунчилик тизими принципа-рида, бамисоли, қонунчилик ривожининг бутун дунёвий таҳриба-си, инсоният маърифий тараққиётининг маҳсули ўзининг мужас-сам ифодасини топади. Принциплар қонунчиликнинг шаклла-нишида йўналиш берувчи мўлжал сифатида майдонга чиқади.

**Қонунчилик тизими принциплари** қонунчиликнинг шакл-ланиш жараёни, ривожланиши ва ҳаракатланишининг раҳбарий ғояси, ибтидо қоидаси, етакчи мезони тарзида намоён бўлади. Аввало, қонунчилик тизими принциплари жамиятнинг сиёсий-ҳуқуқий ҳаётига, мамлакат ижтимоий тизимига мутгасил сингиб боради. Улар нафақат қонунчиликнинг моҳиятини, балки унинг мазмунини тавсифлайди, наинки унинг ички тузилиши, статик ҳолатини, балки уни қўллаш жараёнини, қонун чиқариш фаолия-тини қамраб олади, қонунчиликни амалга оширишнинг динами-

<sup>1</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.: 12. -Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси». Давлат илмий нашриёти, 2006. 206-бст.

касани акс эттиради. Қонунчилик тизими принциплари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашнинг бутун жараёнига, уларни қабул қилиш ва чиқаришга, ҳуқуқий талабларга риоя этиш кафолатлари ўрнатилишига бевосита таъсир кўрсатади.

Қонунчилик тизими принциплари ўзига хос таянч ҳодиса бўлиб, уларга бутун қонунчилик тизими асосланади. Мазкур раҳбарий тамойиллар давлатнинг қонун ижодкорлиги фаолияти учун йўналтирувчи машъал бўлиб хизмат қилади. Қонунчилик тизими принциплари умуммажбурий тусга эга бўлганлиги сабабли улар қонунчиликнинг барча тармоқлари ва институтлари, нормалари ҳамда ҳуқуқий муносабатлар ўртасидаги, объектив ва субъектив ҳуқуқ ўртасидаги ички бирликни, уйғунликни ва ўзаро алоқадорликни таъминлашга кўмаклашади.

Ўз моҳияти ва табиати жиҳатидан қонунчилик тизими принциплари тасодифий эмас, балки жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тизими томонидан бевосита белгиланади. Бундан ташқари, улар мазмунига мамлакатда мавжуд давлат ва ҳуқуқ, ҳукмрон сиёсий ва давлат режими, жамият сиёсий тизимининг қурилиши ҳамда амал қилиш тамойиллари ўз таъсирини ўтказади.

Қонунчилик тизими принципларини уларнинг мазмуни, намоён бўлиш жабҳаси ва хусусиятларига қараб турли мезонлар асосида таснифлаш мумкин. Масалан, қонунчиликнинг типи ва ҳаракатланиш кўламига кўра, уни ижтимоий тузум мазмунини акс эттирувчи принциплар деб баҳолаш мумкин. Шунингдек, қонунчилик тизими принциплари ўз табиатидан келиб чиқиб, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, мафкуравий, ахлоқий ва махсус-юримдик турларга бўлиб ўрганилиши мумкин. Ҳуқуқшуносликка оид адабиётларда ҳуқуқнинг умумий, хусусий, махсус, соҳавий ва тармоқлараро принциплари тўғрисида ҳам фикр-мулоҳазалар мавжуд<sup>1</sup>.

Қонунчилик тизимининг барча принципларини икки катта гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга *умумий* характерга эга бўлган принципларга халқаро ҳуқуқ нормаларида назарда

<sup>1</sup> Қаранг: Теория государства и права / Под ред. проф. В.К. Бабаева. –М., 2006. С.224-245.

тутилган принциплар ва Конституцияда мустаҳкамланган принципларни киритиш мумкин. Масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми (Устави)да келтирилган принциплар аксарияти Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг «Ташки сиёсат» – деб номланган бобида ўз аксини топган.

Иккинчи гуруҳга эса *хусусий принциплар* мансуб бўлиб, одатда, бундай принциплар бевосита қонунчилик ҳужжатларининг ўзида (қонуннинг муқаддимасида, моддаларида) мустаҳкамланади; баъзан қонун нормаларининг мазмунидан ҳам келиб чиқиши мумкин. Масалан, Конституциямизда бир қатор ўта муҳим принциплар мустаҳкамланган. Жумладан: «Давлат суверенитети» (1-боб), «Халқ ҳокимиятчилиги» (2-боб), «Конституция ва қонуннинг устунлиги» (3-боб), «Ташки сиёсат» (17-модда) асосий принциплари ҳамда «Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдида масъуллиги» (2-модда), «Давлат ҳокимиятининг бўлиниши» (11-модда), «Сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллиги» (12-модда), «Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги» (18-модда) каби принциплар. Булар бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар учун ҳам принципиал аҳамиятга эга. Демак, бу принциплар умумий характерга эга бўлган принциплар ҳисобланади.

Биринчи гуруҳдаги принциплар *қонунчилик тизимининг умумий принциплари* қаторига киради. Бу принциплар бутун ҳуқуқий тизим асосида туриши билан характерланади. Мазкур принциплар таҳлили орқали у ёки бу мамлакат қонунчилик тизимининг мазмун-моҳияти, табиати, ўзига хос хусусиятлари, ҳаракатланиш сифатлари ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Юқорида таъкидланганидек, бундай принциплар халқаро ҳуқуқ нормаларида ва Конституцияда намоён бўлади. Чунки, бир томондан, мамлакатимизда халқаро ҳуқуқ нормаларининг устунлиги принципи эътироф этилса, иккинчи томондан, конституциявий нормалар бутун қонунчилик тизимининг тамал тоши ҳисобланади. Қонунчилик тизимининг *универсал принципларига* қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) Қонунчилик тизимини шакллантириш ва унинг реал ҳаракатланишини таъминлашда *демократизм принципи* муҳим ўрин тутди. Мазкур принцип Конституцимизнинг муқаддима-сида ўз аксини топган бўлиб, унда «инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш» ғояси илгари сурилади. Бу эса, ҳар қандай қонунчиликда ушбу ғоянинг устуворлигини тақозо этади. Шунингдек, қонунчилик ҳужжатларини яратиш соҳасида халқнинг, бевосита халқ вакиллари бўлмиш депутатларнинг, жамоат бирлашмалари ва нодавлат ташкилотлар, сиёсий партияларнинг, фуқароларнинг ҳуқуқий сиёсатни шакллантириш ва қонунчиликни такомиллаштиришда кенг иштироки орқали намоён бўлади. Қонун нормаларини қўллаш жабҳасида демократизм тамойили ҳуқуқни қўлловчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларни ташкил этиш ва фаолият юритиш тартибида, даставвал одил судловни амалга ошириш жараёнида, уларнинг фуқароларга яқинлигида, аҳоли учун юридик ёрдамнинг реаллиги даражасида ўз аксини топади.

Хусусан, Ўзбекистонда авж олдирилаётган суд-ҳуқуқий ислоҳотининг заминида ҳам демократик жиҳатларни чуқурлаштириш масаласи ётади. Бунда судларнинг мустақиллигини таъминлаш, одил судлов механизминини демократлаштириш, адвокатлар мавқеини кучайтириш, суд жараёнида прокурор билан адвокатнинг ҳуқуқий мавқеини тенглаштириш, прокуратура ва милиция фаолиятини инсон ҳуқуқларини таъминлаш нуктадан назардан ислоҳ этиш кабилар кўзда тутилади. «Жамиятда демократия қай даражада эканлигини белгиловчи камида учта мезон бор, - деб таъкидлайди Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов. Булар - халқ қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлигидир. Ҳуқумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқаролар давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир. Ана шу уч соҳада ҳақиқий силжишлар бўлмас экан, демократия ҳақидаги ҳамма гап-сўзлар ё халққа хушомад қилиш ёки оддий сиёсий ўйин бўлиб қолаверади»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳафсизликка таҳлил, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. -Т., 1998, 156-157-бетлар.



**2) Қонунийлик принципи.** Ўзбекистон Республикасида мамлакат Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар (Конституциянинг 15-моддаси).

Қонунийлик принципи барча мутасадди идоралар, мансабдор шахслар ҳамда фуқаролар хатти-харакатида қонунга итоат этиш, унинг талабига оғишмай риоя қилишда намоён бўлади. Қонунийлик умумийлик ва ягоналик сифатлари билан характерланади. Қонунга итоат этиш барча субъектлар учун умумий талабдир. Айни вақтда, қонундаги ҳар бир қоида ҳуқуқий муносабатнинг барча иштирокчилари учун ягона талаб сифатида майдонга чиқади. Бошқача қилиб айтганда, қонун устувор ва бутун мамлакат ҳудудида ягонадир. У бир хилда тушунилиши ва бир хилда бажарилиши лозим. Қонунийлик принципининг қонунчилик тизимида амал қилиши ва намоён бўлиши Конституциямизнинг 16-моддасида бевосита акс этган. Яъни: «Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас». Асосий қонуннинг 15-моддасидаги «давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар... Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар» деган принцип ушбу давлат, давлат органлари ва мансабдор шахслар қабул қиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунига, уларнинг иерархиясига ҳам тааллуқлидир. Ҳуқуқий ҳужжатни яратувчи ҳар бир субъект ўзининг Конституция ва қонунларда белгиланган ваколатлари доирасида фаолият юритади.

**3) Инсонпарварлик принципи.** Бу принцип бир қатор халқаро ҳужжатларда («Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси», «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт», «Иқтисодий ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро Пакт ва б.), Конституцияда ўз аксини топган. Жумладан, давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди (43-модда). Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлаш-

маларининг ғайриқонуний хатти-харакатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади (44-модда). Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир (45-модда). Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар (46-модда), Оила жамият ва давлат муҳофазасидадир (63-модда). Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди (64-модда). Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар (66-модда). Келтирилган ушбу қоидалар нафақат Конституциянинг инсонпарвар мазмун-моҳиятини ифодалайдиган нормалар, балки бутун қонунчилик тизимига сингиб бораётган инсонпарвар ғоя, қадрият, тамойил-талаблардир.

Қонунчилик тизимининг инсонпарварлиги қонунчилик ҳужжатларида мустаҳкамланган иқтисодий ҳамда ижтимоий-сиёсий тузум фуқаролар манфаатига хизмат қилишини, шахс учун қулай шарт-шароитлар, имтиёзлар яратилишини назарда тутди. Қонунчиликда шахсни таҳқирловчи, қийновчи, унга нисбатан ғайриинсоний муносабатни назарда тутувчи қоидалар бўлиши мумкин эмас. Мамлакатда вужудга келтирилган кафолатлар тизими фуқароларни ғайриҳуқуқий хатти-харакатлардан ҳамда уларнинг оқибатларидан ҳимоялашга хизмат қилмоқда. Бундай инсонпарварлик билан йўғрилган конституциявий қоидаларнинг қонунчилигимизга сингдирилганлигини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик, Оила, Меҳнат кодексларида, «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунларда ва бошқа қонунларимизда бевоқиф кузатиш мумкин.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 99-моддасига кўра, шахснинг ҳаёти ва соғлиғи, шаъни ва кадр-қиммати, шахсий дахлсизлиги, ишчанлик обрўси, шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, хусусий ва оилавий сирини, номга бўлган

хукуки, тасвирга бўлган хукуки, муаллифлик хукуки, бошқа шахсий номулкий ҳуқуқлари ҳамда туғилгандан бошлаб ёки қонунга мувофиқ фуқарога тегишли бўлган бошқа номоддий неъматлар тортиб олинмайди ва ўзга усул билан бошқа шахсга берилмайди. Вафот этган кишига тегишли бўлган шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий неъматлар қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда бошқа шахслар, шу жумладан ҳуқуқ эгасининг ворислари томонидан амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 3-моддасига биноан, барча фуқаролар оилавий муносабатларда тенг ҳуқуқларга эгадирлар. Никоҳ тузиш чоғида жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи ҳамда бошқа ҳолатларга қараб бевосита ёки билвосита чеклашга, бевосита ёхуд билвосита афзаликлар белгилашга ҳамда оилавий муносабатларга аралашашига йўл қўйилмайди. Оилавий муносабатларда фуқароларнинг ҳуқуқлари фақат қонунга асосан ва фақат оиладаги бошқа аъзоларнинг ҳамда ўзга фуқароларнинг ахлоқи, шаъни, кадр-қиммати, соғлиғи, ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида зарур меъёрдагина чекланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 6-моддасига кўра, барча фуқаролар меҳнат қилиш ҳуқуқларига эга бўлиши ва улардан фойдаланишда тенг имкониятларга эгадир. Жинси, ёши, ирки, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ ҳолати ва мансаб мавқеи, динга бўлган муносабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига мансублиғи, шунингдек ходимларнинг ишчанлик қобилиятларига ва улар меҳнатининг натижаларига алоқадор бўлмаган бошқа жиҳатларига қараб меҳнатга оид муносабатлар соҳасида ҳар қандай чеклашларга ёки имтиёзлар белгилашга йўл қўйилмайди ва булар камситиш деб ҳисобланади.

**4) Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципи.** Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил

ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгилаб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.

Мазкур принцип куйидаги жиҳатлар билан тавсифланади. Биринчидан, мамлакатда барча фуқаролар тенг ҳолат ва ҳуқуқий мақомга эгалиги. Давлат ўз қонунлари билан фуқароларга бир хилдаги шароит ва тенг имкониятлар яратиб беради. Ҳамма бир хилдаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга. Бироқ, улардан фойдаланиш амалда турлича бўлади. Масалан, биров олий ўқув юртига киради, бошқа фуқаро эса бу ҳуқуқдан фойдаланмайди.

Иккинчидан, ушбу принцип умумфуқаровий ҳуқуқларнинг тенглигида ифодаланади. Бу ҳуқуқлар, аввало, Конституцияда ва бошқа қонунларда мустаҳкамланади. Булар фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи ва сайланиш ҳуқуқи, меҳнат қилиш ҳуқуқи, билим олиш ҳуқуқи, тиббий ёрдамдан фойдаланиш ҳуқуқи, турар жойга, хусусий мулкка эга бўлиш ҳуқуқи ва ҳоказолардир.

Учинчидан, мазкур принцип фуқароларнинг қонун олдида бирдек масъуллигида ифодаланади. Қонунни бузган ҳар бир фуқаро, ҳар бир мансабдор шахс (шу жумладан, юридик шахс) беистисно ўз қилмиши учун жавоб бериши шарт.

**5) Давлат ва фуқаронинг ўзаро масъуллиги принципи.** Ушбу принцип ҳам мамлакатимиз Конституциясида ўз аксини топган. Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бири-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, уларда суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас (19-модда). Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт (20-модда).

Давлат билан шахс бир-бирлари билан муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлар орқали боғлиқ бўлишлари лозим. Бу демократик

сиёсий тизим ва адолатли давлат бошқарувининг муҳим талабларидан биридир. Башарти, бир томондан, давлат, давлат идоралари ва мансабдор шахслар, иккинчи томондан, фуқаролар ўз зиммаларидаги қонуний мажбуриятларини адо этмасалар, тегишли юридик жавобгарлик келиб чиқади. Бундай ҳолларда фуқаро давлат олдида, давлат эса (ўз мансабдор шахслари ва идоралари орқали) фуқаро олдида қонунда белгиланган мажбуриятларни ўтайди. Мазкур юридик муносабат ҳамда алоқадорлик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг зарурий шартидир. Қонунчилик тизимининг умумий универсал принциплари қаторига, шунингдек, ижтимоий адолат, тенг ҳуқуқлилик, ҳуқуқ ва мажбуриятлар бирлиги, ҳуқуқнинг устуворлиги кабилар ҳам қиради.

Бундан ташқари, қонунчилик тизимида *махсус-юридик принциплар* ҳам мавжуд. Илмий адабиётларда махсус-юридик принциплар тоифасига анъанага кўра қуйидаги принциплар киритилади:

– халқаро ҳуқуқ нормаларининг ички қонунчилик нормаларидан устунлиги;

– Конституция ва қонунларнинг устунлиги;

– қонун нормаларининг бутун мамлакат аҳолиси учун умумий-мажбурийлиги ҳамда уларнинг бошқа ижтимоий нормалардан устуворлиги;

– мамлакат ҳуқуқий тизими таркибига кирувчи нормаларнинг зиддиятсизлиги ва қонуннинг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан устунлиги;

– ҳуқуқнинг оммавий ва хусусий ҳуқуққа бўлиниши; ўз навбатида уларнинг нисбатан мустақил ҳуқуқ соҳалари ҳамда институтларига бўлиниши;

– ижтимоий адолат ва тенглик принципи;

– қонунда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларнинг юридик кафолатланганлиги;

– юридик мезонларнинг адолатлилиги, ҳуқуқ бузилиши учун юридик жавобгарликнинг муқаррарлиги;

– суд томонидан тайинланадиган жазоларнинг содир этилган ҳуқуқ бузилишига мослиги;

– айбсизлик презумпцияси ва бошқалар<sup>1</sup>.

**Қонунчилик тизимида тармоқлараро принциплар** бир неча қонунчилик тармоқлари доирасида амал қиладиган принциплардир. Ушбу принциплар одатда бир-бирига тур жиҳатдан яқин турувчи қонунчилик соҳаларини қамраб олади (масалан, жиноят-процессуал қонунчилиги ва фуқаролик-процессуал қонунчилиги учун умумий бўлган принциплар). Маълумки, моддий жавобгарлик принципи меҳнат қонунчилиги, фуқаролик қонунчилиги, оила қонунчилиги соҳаларида қўлланиладиган принципдир. Исботланган айб учунгина жавобгарлик принципи эса Жиноят кодекси ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс моддаларида мустақамланган. Мазкур принцип фуқаролик қонунчилигида ҳам асосий дастуруламаллардан бири ҳисобланади<sup>2</sup>. Конституциявий даражада мустақамланган айбсизлик презумпцияси принципи ҳам тармоқлараро хусусиятга эга. Мазкур принцип жиноят қонунчилиги, маъмурий қонунчилик, жиноят-процессуал қонунчилик ва бошқа тармоқларда қатъий талаб даражасида қўлланилади.

**Қонунчиликнинг соҳавий принциплари** муайян бир қонунчилик соҳаси доирасида амал қилади. Масалан, ер қонунчилиги учун «ерга эгалик қилиш шакллариининг кўплиги ва уларнинг тенглиги» принципи, «ернинг фуқаролик муомаласида бўлиши» принципи, «ер устидан давлат бошқарувини амалга ошириш» принципи, «ерда мустақил хўжалик юритиш ва ердан фойдаланувчи субъектларнинг тенглиги» принципи, «ердан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, ердан фойдаланганлик учун ҳақ тўланиши» принципи ва ҳоказолар<sup>3</sup>.

Шунингдек, фуқаролик-процессуал қонунчилигида қуйидаги принциплар раҳбарий роль ўйнайди: судьяларнинг сайлаб қўйлиши, уларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунуши принципи, ишларни кўришда коллегиялик принципи, ишларнинг

<sup>1</sup> Каранг: Общя теория государства и права. Академический курс в 2-х томах. Под ред. проф. М.Н. Марченко. Т.2. Теория права. – М., 1998, С.24-25.

<sup>2</sup> Лившиц Р.З. Теория права. – М., 1994, С.199.

<sup>3</sup> Давлат ва ҳуқук назарияси. / Х.Бобоев ва Ҳ.Одилкориевларнинг умумий таҳрири остида, Т.:, 2000. 223-бет.

ошкора кўрилиши принципи, ишда қатнашаётган тарафларнинг тенглиги принципи, низоларни кўришда баҳслашиш, оғзакилик ва бевоситалик принциплари.

Қонунчиликнинг ҳар бир соҳаси умумий ва тармоқлараро принципларга таянишдан ташқари фақат ўзигагина хос принципларга ҳам асосланади. Ушбу принциплар биргаликда нафақат қонунчиликнинг соҳаси учун, балки бутун қонунчилик тизимининг тузилиши ва ҳаракатланишига асос бўлади.

Қонунчилик тизимининг моҳияти ва ижтимоий вазифаси унинг функцияларида яққол намоён бўлади. **Қонунчилик тизими функциялари** – ижтимоий муносабатларга юридик таъсир этишнинг асосий йўналишлари бўлиб, уларнинг мазмуни қонунчилик тизимининг моҳияти ва жамият ҳаётидаги ижтимоий вазифаси билан белгиланади. Қонунчилик тизими, аввало, жамият ҳаётининг турли жабҳаларига – иктисодиётга, сиёсатга, ижтимоий соҳага, маданий-маънавий муносабатларга тартибга солувчи ижобий таъсир кўрсатади ва шу тариқа иктисодий, сиёсий ва тарбиявий мазмундаги умумижтимоий функцияларни бажаради.

Қонунчилик тизими функциялари кўйидаги хусусиятлар билан тавсифланади:

*биринчидан*, қонунчилик тизими функциялари Конституция ва қонунчиликнинг моҳиятидан келиб чиқади ва унинг жамиятдаги вазифаси билан белгиланади;

*иккинчидан*, қонунчилик тизими функциялари – ижтимоий муносабатларга ҳуқуқий таъсир этишнинг шундай йўналишлари-ки, уларни амалга ошириш эҳтиёжи қонунчиликнинг ижтимоий ҳодиса сифатида мавжуд бўлиши заруриятидан келиб чиқади;

*учинчидан*, функциялар қонунчилик тизимининг энг муҳим, жиддий сифатларини ифода этади ва жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида қонунчилик олдида турган туб вазифаларни бажаришга йўналтирилади;

*тўртинчидан*, қонунчилик тизими функциялари унинг ижтимоий муносабатлар муайян турини тартибга солувчи фаол ҳаракатининг йўналишини акс эттиради. Шу сабабли, қонун-

чилик тизими функцияларининг муҳим белгиларидан бири унинг динамизми, фаол ҳаракатланиши ва регулятив таъсир этишидир;

*бешинчидан*, қонунчилик тизими функциялари ижтимоий ҳаётда узвий давом этиш хусусиятига эга, бу уларнинг изчиллиги, узлуксизлиги, барқарор ҳаракатланишини билдиради.

Қонунчилик тизими функцияларини ҳуқуқ функциялари сингари икки турга ажратиш мумкин: *регулятив* (тартибга солувчи) ва *негатив* (қўриқловчи) функциялар.

*Қонунчилик тизимининг регулятив функцияси* қонунчилик ҳужжатларининг жамият аъзолари юриш-туриши ва ҳуқуқатворининг ижобий, барча учун умумий талабларни ўрнатишидан, ижтимоий муносабатларни юридик ташкиллаштиришидан, инсонлар ўртасидаги ижтимоий алоқаларни уйғунлаштириши ва барқарорлаштиришидан иборат. Бу функциянинг мазмунидан келиб чиқиб, қонунчилик таъсирининг яна икки йўналиши ҳақида гапириш мумкин: *регулятив-статик* ва *регулятив-динамик* функциялар.

*Қонунчилик тизимининг регулятив-статик, яъни тартибга солувчи – мустаҳкамловчи (барқарорлаштирувчи) функцияси* деганда, қонунчилик ҳужжатларининг ижтимоий муносабатларга, уларнинг мавжуд ҳолатини, эришилган даражасини мустаҳкамлашга, расмийлаштиришга, барқарорлаштиришга қаратилган таъсири тушунилади. Кишилар ўртасидаги муносабатларнинг муайян ҳуқуқий институтлар тарзида мустаҳкамланиши, расмийлаштирилиши ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий мақсадидир. Бу функция ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқий ҳолатини белгилашда, жумладан, инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлашда, давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг ваколатларини белгилашда, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ўрнатишда ифодаланади. Қонунчилик тизимининг мазкур функциясида унинг табиати яққол акс этади. Чунки, фуқароларга ва юридик шахсларга ҳуқуқий ваколатлар берилади, улар шу ваколатлар доирасида эркин фаолият юритадилар. Бу чегара қанчалик кенгайса, инсонлар шунчалик эркин ҳаракатланадилар.



**Қонунчилик тизимининг регулятив-динамик, яъни тартибга солувчи – ривожлантирувчи функцияси** деганда, қонунчилик тизимининг ижтимоий муносабатларга таъсир этиб, уларнинг келгусидаги ривожланишини, ўзгариш ҳамда такомиллашувини белгилаб бериши тушунилади. Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, қонунчилик ҳужжатлари ижтимоий муносабатларнинг тараққиётини, ҳаракатланиши (динамикаси)ни расмийлаштиради. Мазкур функция мажбурият юкловчи нормалар воситасида амалга оширилади. Масалан, қонунчиликда фуқаролар зиммасига қатор мажбуриятлар юклатилади: солиқларни тўлаш, ҳарбий бурчни адо этиш, меҳнат интизомига риоя қилиш, шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш ва ҳоказолар. Тартибга солувчи – ривожлантирувчи функция фаол тоифадаги ҳуқуқий муносабатлар шаклида рўёбга чиқади. Булар фуқаролик, меҳнат, маъмурий, молия ва бошқа қонунчилик соҳалари институтларида ўз аксини топади.

Қонунчилик тизимининг регулятив функциясини амалга оширишда кенг тарқалган усуллар куйидагилардир:

– қонунчилик воситасида фуқароларнинг ҳуқуқий-муомала лаёқатини белгилаш;

– фуқароларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш (мустаҳкамлаш) ва ўзгартириш;

– давлат идораларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳамда мансабдор шахсларнинг ваколатларини белгилаш;

– юридик шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш;

– ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирувчи, ўзгартирувчи ва бекор қилувчи юридик фактларни белгилаш;

– ҳуқуқ субъектлари ўртасида аниқ ҳуқуқий алоқани ўрнатиш (тартибга солувчи ҳуқуқий муносабатлар);

– аниқ ижтимоий муносабатларга татбиқан ҳуқуқий тартибга солишнинг оқилона типини белгилаш.

Юқорида санаб ўтилган хусусиятларни умумлаштириб, қонунчилик тизимининг регулятив функциясини шундай таърифлаш мумкин. **Қонунчилик тизимининг регулятив (тартибга**

**солувчи) функцияси** – қонунчилик тизимининг ижтимоий вазифаси билан белгиланган бўлиб, у хулқ-атворнинг ижобий қондасини ўрнатишда, жамият, давлат ва фуқаролар манфаатларига оид муносабатларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қўмаклашиш мақсадида ҳуқуқ субъектларига субъектив ҳуқуқлар бериш ва юридик мажбуриятларни юклашда намоён бўлади.

Ижтимоий муносабатларни ҳимоялашда, кўриқлашда ва ривожлантиришда қонунчиликнинг аҳамияти бекиёс. Қонунчилик тизими доимо ижтимоий муносабатларни муҳофаза этиш воситаси бўлиб хизмат қилади.

**Қонунчилик тизимининг кўриқловчи функцияси** – унинг ижтимоий вазифаси билан белгиланган ҳуқуқий таъсир этиш йўналиши бўлиб, у умумий аҳамиятга молик, ўта муҳим иқтисодий, сиёсий, маънавий ва бошқа ижтимоий муносабатларни муҳофаза этишга, уларнинг дахлсизлигини таъминлашга йўналтирилади ва шу билан бирга жамиятга ёт, зарарли муносабатларни ижтимоий ҳаётдан чиқаришга қаратилади.

Кўриқловчи функциянинг хусусиятлари куйидагилардан иборат:

*биринчидан*, у қонунчиликни кишилар хулқ-атворида таъсир этишнинг алоҳида воситаси сифатида таърифлайди. Қонунчилик бу вазифани жазо қўллаш, тақиқлар ўрнатиш ва юридик жавобгарликни амалга ошириш билан огоҳлантириб, инсонлар иродасига таъсир ўтказиш орқали бажаради;

*иккинчидан*, унда давлат ҳуқуқий қондалар воситасида қандай ижтимоий кадриятларни ўз ҳимоясига олганлиги тўғрисида ижтимоий муносабат субъектларига ахборот етказилади;

*учинчидан*, у жамиятнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти даражасининг, қонунчиликдаги инсонпарварлик асосларининг кўрсаткичидир.

Қонунчиликнинг кўриқловчи функциясига хос хусусиятлар уни давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза этиш фаолияти билан қиёслганда, янада аниқроқ намоён бўлади. Тегишли давлат идоралари ҳуқуқ субъектлари томонидан қонун талаблари сўзсиз қатъий бажарилишини таъминлайди, жамиятда қонунга итоатгўйлик ва қонунийлик мухитини вужудга келтирадilar. Бу қонун бузили-

ши фактини аниқлаш, уларни тергов қилиш ва айбдорларни юридик жавобгарликка тортиш орқали таъминланади.

Шундай қилиб, қонунчилик тизимининг кўриқловчи функцияси - ижтимоий муносабатларни ҳимоялашга йўналтирилгандир.

Юқорида келтирилган барча фикрлар қонунчилик тизимининг умумий функцияларига тааллуқлидир. Бундан ташқари, ҳар бир қонунчилик соҳасининг ўзига хос функциялари ҳам мавжуд.

Масалан, Конституциянинг қуйидаги функциялари мавжуд:

– давлатнинг ва унинг маъмурий-худудий бўлинмалари ҳуқуқий мақомини белгилайди;

– давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқий мақоми ва ваколатларини белгилайди;

– фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини белгилайди ва кафолатлайди; шаҳе – жамият – давлат ҳуқуқий муносабатларини мувофиқлаштиради;

– қонунчилик тизимининг асосий йўналишларини белгилайди ва бошқалар.

Шундай қилиб, қонунчилик тизимининг принциплари ва функциялари қонунчиликнинг жамият ҳуқуқий ҳаётига муайян изчиллик, мантиқийлик, собитқадамлик, ички мутаносиблик ҳамда уйғунлик бахш этишини таъминлайди. Қонунчилик ривожининг бутун дунёвий тажрибаси, инсоният маърифий тараққиётининг ҳосиласи сифатида намоён бўлади.

### III. ҚОНУНЧИЛИК ТИЗИМИНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ (СТРУКТУРАСИ)

Қонунчиликни тизим сифатида ўрганиш қонунчиликнинг бутун мазмун-моҳиятини очиб беришда муҳим аҳамият касб этади. Тизимли тадқиқотларнинг долзарблиги икки муҳим ҳолат билан белгиланади. *Биринчиси*, ҳаётнинг табиий ва ижтимоий шарт-шароитларини тизимли, яхлит ва мажмуа тарзида англашнинг амалий эҳтиёжи ўсиб бораётганлиги бўлса; *иккинчиси*, замонавий назарий ва амалий билим ҳамда фаолият шу даражада чуқурлашиб, ихтисослашиб бормоқдаки, ижтимоий ҳаёт ва ижтимоий амалиёт худди бир-бири билан мутлақо алоқаси бўлмаган, алоҳида қисмларга ёки фаолият шаклларига бўлиниб кетганга ўхшайди. Шундан билим ва ижтимоий фаолиятни нафақат тизимлаштириш, шу билан бирга ижтимоий ҳаёт ҳамда ижтимоий фаолиятни яхлитлаштириш, синтез орқали улар орасидаги боғлиқликларни очиб бериш эҳтиёжи вужудга келади. Айнан шу вазифани тизимли тадқиқотлар ҳал этади<sup>1</sup>.

«Тизимлар назарияси»га кўра, ҳар қандай тизимнинг таркибий тузилиши муайян қоидалар ва мезонлар асосида ташкил топади. Бирон-бир тизимни чуқурроқ англаш учун тизим асосида ётадиган ушбу мезонларни аниқлаш лозим. Бу қонунчилик тизимини ўрганиш учун ҳам зарур бўлиб, унинг натижасида қонунчиликнинг нималарга асосланиб «қурилганлиги», ундаги элементларнинг жамланиши ва бўлиниши асосида нима ётганлигини билиб оламиз.

Қабул қилинган қонунларни амалга ошириш механизми аниқ ва камчиликсиз ишлагандагина қонун чиқарувчи муайян ижтимоий натижани кутиши мумкин. Бунда барча зарурий ташкилий тузилмаларнинг саъй-ҳаракати, қонунни қўллаш эса ваколатли, виждонли, таълим ва тарбия кўрган шахсларнинг қўлида бўлиши талаб қилинади. Қонун ҳамда давлат органлари актларини ҳаётга татбиқ этиш ҳуқуқшунослик фани ва амалиё-

<sup>1</sup> Қаранг: Керимов Д.А. Философские основания политико-правовых исследований. – М., Мысль, 1986. С. 200 – 201.

ти учун биринчи даражали аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳуқуқий ҳодисаларни тизимли, ўзаро алоқада ва яхлитликда олиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир<sup>1</sup>.

Юқорида таъкидланганидек, тизим муайян таркибий қисмлар, бўлинмаларнинг бир бутун муштараклигидир. Шундан келиб чиққан ҳолда, қонунчилик тизими алоҳида ижтимоий ҳодиса сифатида бир қанча таркибий қисмлар (элементлар)ни бирлаштиради. Қонунчилик тизимининг таркибий қисмлари бир биридан ўз мазмуни ва моҳияти, мақсади ва вазифалари, тузилиши ва шакли, ҳаракат доираси ва майдони ҳамда бошқа хусусиятлари билан фарқ қилади. Қонунчилик тизими тузилишининг мураккаблиги уни ташкил этувчи таркибий қисмларнинг кўплиги, ҳар бирининг алоҳида функцияси мавжудлиги ва ўзаро муносабат (алоқа)да ҳаракатланишида намоён бўлади.

Қонунчилик тизими мустақил ҳуқуқий ҳодиса сифатида норматив-институциявий тузилма эканлиги ҳақида юқорида таъкидлаб ўтган эдик. Норматив-қонунчилик юридик тизимларнинг ривожланиши, – С. С. Алексеевнинг кузатишига асосан, – дунё миқёсида, айниқса роман-герман ҳуқуқий тизимида рўй бераётган муҳим ривожланиш тенденциясидир<sup>2</sup>. Бу тенденция доирасида куйидагилар намоён бўлмоқда: а) ҳуқуқда норматив умумлашмаларнинг даражаси ортмоқда ва, аввало, бевосита тартибга солинувчи аҳамиятга эга бўлган тизимли умумлашмалар ривож топмоқда. Гап бу ерда қонунчилик тизими, унинг таркибий тузилмалари ривожланаётганлиги ҳақида бормоқда. Бунда нафақат ҳуқуқнинг, қонуннинг интеллектуал кучи, балки уларнинг тартибга солувчи салоҳияти (энергияси) ошмоқда; б) тизимли норматив тузилмалар (яъни, қонунчилик)нинг даражаси юксалиши сабабли ҳуқуқда органик (таркибий) тизимлилик хусусиятлари кенгрок қулоч ёзмақда, натижада унинг институциявий тузилма сифатидаги хусусиятлари ривожланмоқда;<sup>3</sup> в) ҳуқуқнинг структураси такомиллашуви баробарида қонунчилик

<sup>1</sup> Қаранг: Тоджиханов Б. У. Ҳуқуқий сиёсат ва ҳуқуқий тизимни модернизациялаш. – Т.: 2007. 103-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: Алексеев С.С. Теория права. – М.: БЕК, 1995, С.184.

<sup>3</sup> Алексеев С.С. Теория права. С.184-185.

тизими мукаммаллашмоқда. Ҳукукий тизимнинг норматив тузилмалари, яъни қонунчиликнинг тизимли хусусият касб этиб бораётганлиги унинг тартибга солувчи таъсирини кучайтиради.

Қонунчиликда тизимлилик белгиларининг кучайиши ёки қонунчилик тизимининг муттасил ривожланиши ҳуқуқ ижодкорлиги билан шуғулланадиган ваколатли давлат органлари фаолияти профессионаллашувини, ҳуқуқ ижодкорлиги системали, кодекслашган кўриниш касб этиши билан боғлиқ. Айнан кодекслашган ҳужжатларда норматив тузилмалар тизимли (системали) сифатларга эга бўлади. Кодекслаштириш қонунчиликни тизимлаштиришнинг асосий тури бўлиб, унда ҳукукий қондалар мазмунан ва мантиқан тизимлаштирилади<sup>1</sup>. Кодекс воситасида норматив-ҳукукий материал ўзаро мувофиқлашади, унификациялашади, мантиқан изчиллашади.

Ҳар қандай тизим ички таркибий элементлардан таркиб топади. Қонунчилик тизимининг таркибий тузилишини ўрганишда унинг ҳуқуқ тизими билан алоқадорлигига эътибор қаратиш зарур. Қонунчилик тизими билан ҳуқуқ тизими бир-бирига яқин тушунчалар бўлсада, ушбу ўхшашлик нисбий характерга эгадир, чунки уларнинг ўртасида бир қатор жиддий фарқлар мавжуд.

*Биринчидан*, қонунчилик тизими билан ҳуқуқ тизими ҳар доим ҳам бир-бирига мос келавермайди. Баъзи ҳолларда муайян ижтимоий муносабатлар тизимини қамраб олувчи ҳуқуқ соҳаси мавжуд бўлсада, қонунчилик соҳаси ҳали яратилмаган бўлади (масалан, молия ҳуқуқи, экология ҳуқуқи, кишлок хўжалик ҳуқуқи ва шу к.) Бундай ҳуқуқ соҳаларини тартибга солувчи нормалар турли ҳукукий актларда ўз аксини топган бўлиб, уларни қонунчилик тизими ҳолига келтириш лозим бўлади. Яна шундай ҳолат ҳам бўладик, ҳуқуқ соҳаси бўлмагани ҳолда қонунчилик соҳаси мавжуд бўлади (масалан, божхона кодекси, солиқ кодекси, ҳаво кодекси ва шу к.). Бирок, ушбу йўналишларда ҳали мустақиллик ҳуқуқ соҳалари шаклланиб улгурганича йўқ. Шу билан бир вақтда, ҳам ҳуқуқ соҳаси, ҳам қонунчилик соҳаси бир-

<sup>1</sup> Қаранг: Лившиц Р.З. Теория права. – М., БЕК, 1994, С.121.

бирига мос келадиган ҳолатлар мавжуд (масалан, жиноят ҳуқуқи – Жиноят кодекси, фуқаролик ҳуқуқи – Фуқаролик кодекси, меҳнат ҳуқуқи – Меҳнат кодекси, маъмурий ҳуқуқ – Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс каби ҳуқуқ ва қонунчилик соҳалари).

*Иккинчидан*, қонунчилик тизими ўзининг ҳажми жиҳатидан ҳуқуқ тизимидан кенгроқ бўлади. Яъни, қонунчилик тизими мазмун-моҳиятига кўра бирон-бир ҳуқуқ соҳасига кирмайдиган қондаларни ҳам ўз ичига қамраб олган бўлиши мумкин (норматив ҳужжатнинг чиқарилиш мотиви ва мақсадини ўз ичига олган турли дастурлар, низомлар, кўрсатмалар ва ҳ.к. Масалан, 1993 йил 8 январда қабул қилинган «Ички ишлар идораларида хизмат ўташ тўғрисида»ги вақтинчалик Низом, 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий Дастури» ва бошқ.).

*Учинчидан*, ҳуқуқ тизимини тармоқларга ва институтларга бўлиш асосида *ҳуқуқий тартибга солишнинг предмети* ва *ҳуқуқий тартибга солиш усули* ётади. Қонунчилик тизимида эса, ижтимоий ҳаётнинг муайян соҳаларини тартибга солиш асосида нафақат ҳуқуқий тартибга солиш предмети ва ягона усул мавжуд бўлиши, балки тартибга солиш даражаси, яъни кодекслашган ҳужжатнинг мавжуд бўлиши мезон сифатида талаб этилади<sup>1</sup>.

*Тўртинчидан*, ҳуқуқ тизимининг ички тузилиши (ҳуқуқ нормаси, ҳуқуқ институти, ҳуқуқ тармоғи) қонунчилик тизимининг ички тузилиши билан айнан мос келмайди. Қонунчилик тизимининг вертикал тузилиши норматив-ҳуқуқий актнинг юридик кучи ва уни чиқарган органнинг ваколатидан келиб чиқиб белгиланади. Бунда қонунчилик тизими муайян мамлакатнинг миллий-давлат тузилишини акс эттиради. Масалан, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тизими республика қонунчилиги ва Қорақалпоғистон Республикаси қонунчилигини ўз ичига олади, Россия Федерацияси қонунчилик тизими федерал қонунчилик ва федерация субъектларининг қонунчилигидан иборат. Ҳуқуқ тизимининг бошланғич элементи ҳуқуқ

<sup>1</sup> Қаранг: *Ливинц Р.З.* Теория права. – М., 1994, С.118-119.

нормаси бўлса, қонунчилик тизимининг бошланғич элементи-ни қонуннинг моддаси ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг моддаси, бўлим ва бандлари ташкил этади.

*Бешинчидан*, ҳуқуқ тизими ҳар доим объектив тусда мавжуд бўлса, қонунчилик тизими аксарият ҳолларда қонун чиқарувчи идоранинг субъектив иродаси ифодасини акс эттиради. Ҳуқуқ тизимининг объективлиги шунда намоён бўладики, бунда кишиларнинг хулқ-атворида юз бераётган ижтимоий муносабатларнинг турли кўриниши ва томонлари табиий равишда майдонга чиқади<sup>1</sup>.

«Ҳуқуқ тизими» ва «қонунчилик тизими» тушунчалари мазмун билан шаклнинг ўзаро нисбати тарзида майдонга чиқади. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, ҳуқуқ тизими ҳуқуқнинг моҳиятини, *мазмунини* ифодаласа, қонунчилик тизими ҳуқуқнинг баён этилиш *шаклини* ифода қилади. Ҳар қандай воқеа, ҳодиса ва предметнинг маъно-моҳияти, ижтимоий вазифаси ва функцияларини уларнинг шакли ўзида мужассам этади. Яъни, шакл ҳодиса ва предмет мазмунининг мавжудлигини таъминлаш воситасидир. Шунга кўра, «қонунчилик» ҳуқуқнинг мавжудлигини, «қонунчилик тизими» эса ҳуқуқ тизими мавжудлигини ифодалайди. Ҳуқуқий нормалар қонунчилик ҳужжатларида мустаҳкамланади, юридик қоида тарзида расмийлаштирилади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳуқуқ тизими ҳуқуқнинг ички тузилиши, ички таркибий қурилиши бўлиб, унинг мазмуни ўзи тартибга соладиган ижтимоий муносабатлар характери билан белгиланади. Қонунчилик тизими ҳуқуқ тизимининг ташқи шакли сифатида ҳуқуқнинг манбалари тузилишини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар йиғиндисини (бирикмасини) акс эттиради. Ҳуқуқ, ҳуқуқий нормалар қонунчиликдан ташқарида мавжуд бўла олмайди, усиз амал қила олмайди.

**Қонунчилик тизими** – ҳуқуқнинг мазмуни ва ички таркибий тузилишини мустаҳкамловчи, расмийлаштирувчи, моддийлаштирувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар йиғиндиси ҳисоб-

<sup>1</sup> Қараг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.: 12. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси». Давлат илмий нашриёти, 2006. 205-бет.



ланади. Қонунчилик тизими ҳуқуқ (қонун) ижодкорлиги фаолияти орқали ҳуқуқ нормаларининг яратилиши, расмий ҳужжатларда мустаҳкамланиши ва уларнинг тизимлаштирилиши (системалаштирилиши) оқибатида вужудга келтирилади.

Турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг юридик кучи бўйича ўзаро нисбати Конституцияга, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилган давлат органининг ваколати ва ҳуқуқий мақомига, шунингдек ҳужжатларнинг турларига мувофиқ белгиланади. Ҳар бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўзига қараганда юқорироқ юридик кучга эга бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бўлиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иерархиясида энг юқори ўринни эгаллайди. Конституция давлатимизнинг қонунчилик-ҳуқуқий негизини шакллантиришнинг асосий пойдевори, мустақил давлатчилигимизнинг тамал тоши ҳисобланади<sup>1</sup>. Конституция ўз мазмун-моҳияти билан қонунчилик тизимини уюштирувчи “марказ” бўлиб, қонунчилик тармоқларини шакллантирувчи ва ривожлантирувчи бирламчи асос вазифасини ўтайди. Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Мустақил Ўзбекистоннинг илк Конституцияси – давлат ва жамият ҳаётининг Асосий Қонуни қабул қилинганлиги биринчи босқичдаги қонун чиқариш фаолиятининг гултожиси бўлди. Конституция ёш давлатимиз чинакам мустақиллигининг, янги ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар дунёга келишининг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда»<sup>2</sup>.

Ўзбекистоннинг Конституцияси мамлакатда амал қилувчи ҳуқуқнинг муҳим асосий манбаидир. У ўзига асосланган янги норматив ҳужжатларни қабул қилиш учун (ҳуқуқий тизимни «ташқаридан» ўзгартириш) юридик база бўлиб хизмат қилади, шу билан бирга ҳаракатдаги ҳуқуқий нормаларнинг конституциявийлиги ҳақидаги (ҳуқуқий тизимни «ичидан» ўзгартириш)

<sup>1</sup> Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: «Ўзбекистон», 1998, 539-бст.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир. –Т.: 3. – Т.: «Ўзбекистон», 1996, 201-бст.

масалани счиш учун ҳам мезон бўла олади<sup>1</sup>. Асосий қонун ҳуқуқнинг бош манбаи сифатида, қонунчиликнинг турли соҳалари муштараклигини, яхлитлигини ва ўзаро ички мувофиқлигини таъмилайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16-моддасига мувофиқ, барча ҳуқуқий ҳужжатлар Конституцияга мос ва унга таянган бўлиши лозим. «Бирорта ҳам қонун ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас». Ушбу принцип билан Конституциянинг устунлиги принципи биргаликда Асосий қонуннинг ҳуқуқий тизимдаги устуворлигини таъминлайди. Конституция қонунчилик тизимининг умумий ғоялари ва принципларини ўзида мужассам этади. Ўзбекистон қонунчилик тизимининг таркибига Қорақалпоғистон Республикаси қонунчилиги ҳам қиради. Бу мамлакатимиз қонунчилик тизимининг ўзига хос муҳим хусусиятидир.

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонунининг 7-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикасида қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида ва уни ижро этиш учун қабул қилинади ҳамда унинг нормалари ва принципларига зид келиши мумкин эмас.

Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигига эришганидан сўнг ўзининг мустақил қонунчилик тизимига эга бўлди. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тизимининг иерархиясини Конституциядан кейин конституциявий қонунлар, кодекслар, жорий қонунлар, парламент палаталарининг норматив қарорлари ташкил этади. Юқорида кўрсатиб ўтилгандек, қонунчиликнинг кенг талқинига кўра, бу тизимга Президент фармонлари, Ҳукумат қарорлари, вазирликлар ва давлат кўмиталарининг, маҳаллий давлат органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳам қиради.

**Конституциявий қонунлар** амалдаги Конституцияга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш учун қабул қилинади.

<sup>1</sup> Саидов А.Х. Тоғжонов У.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Т.: 1. Давлат назарияси. – Т.: 2001. 497-бет.

Айрим олимлар қабул қилиниши конституцияда назарда тутилган қонунларни конституциявий қонунлар, деб ҳисоблашни маъқуллайдилар. Олимлар орасида Конституциявий қонунлар масаласида ягона фикр мавжуд бўлмаганлиги сабабли, ҳозирга қадар конституциявий қонунларга мукамал, ягона таъриф шаклланмаган. Фикримизча, расмий тарзда Конституциявий қонунлар мақомини олган қонунларни конституциявий қонунлар деб аташ мақсадга мувофиқ.

Ҳозирга қадар республикамызда «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги<sup>1</sup> (1991 йил 30 сентябрь), «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида»ги<sup>2</sup> (1994 йил 22 сентябрь) конституциявий қонунлар қабул қилинган. 2002 йил 4 апрелда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг саккизинчи сессиясида «Референдум яқунлари ва давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг асосий принциплари тўғрисида»ги<sup>3</sup> конституциявий қонун қабул қилинган эди. Мазкур конституциявий қонунни таърифлаб, Президент И.А.Каримов: у «Референдум натижаларини қонунчилик тилида ифодалаб - муҳрлаб беради ва асосий қонунимиз бўлмиш Конституциямызга тегишли ўзгартиришлар киритишга асос бўлади», – деган эди. Ушбу қонун «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ҳолда 2002 йил 27 январь куни ўтказилган референдум асосида икки палатали парламент тузиш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартириш тўғрисидаги икки муҳим масала бўйича қабул қилган қарорига кўра демократик ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш йўлини тасдиқлаган умумхалқ овоз бериш натижаларидан келиб чиқадиган янги қонунларни ва амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиришларни белгилайди.

Бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий, очиқ демократик давлат барпо этишни ҳамда фуқаролик жамиятини шаклланти-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1994 й, 10-сон, 250-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1991 й, 11-сон, 246-модда.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 4-5-сон, 60-модда.

ришни бош мақсад қилиб белгилаган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, шунингдек референдумда билдирилган халқ иродасига асосланган ҳолда қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир ишларнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат: қонун устуворлигини, ҳокимият қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд тармоқлари ўртасида мувозанатни, улардан ҳар бирининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш; халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормалари асосида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатларини таъминлаш; сиёсий ҳаётнинг, давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларини изчил эркинлаштириш; нодавлат нотижорат, жамоат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа демократик институтлари янада мустаҳкамланиши ҳамда ривожлантирилиши учун кафолат ва шароитларни таъминлаш; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва давлат ҳокимияти марказий органларининг ваколатларини жойлардаги бошқарув органларига босқичма-босқич ўтказиш, ижро этувчи ҳокимият органлари, шу жумладан, мудофаа ва хавфсизликни таъминловчи тузилмалар фаолияти устидан назорат механизмини шакллантириш ва кучайтириш (*«Референдум якуилари ва давлат ҳокимиятини ташкил этишининг асосий принциплари тўғрисида»*ги конституциявий қонуннинг 1-2-моддалари).

2002 йил 12 декабрда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги<sup>1</sup> ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги<sup>2</sup> конституциявий қонунлар, 2003 йил 24 апрелда эса, Конституциянинг давлат ҳокимияти органларига оид XIV, XVIII, XX, XXIII бобларига тегишли тузатиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги конституциявий қонун қабул қилинди. Бунда Ўзбекистонда икки палатали парламентга ўтиш муносабати билан Олий Мажлис палаталарининг ҳамда Президентнинг ваколатлари қайта тақсимланди, ҳуқуқат фаолияти ва сайлов тизимига

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002, 12-сон, 214-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002, 12-сон, 213-модда.

доир конституциявий нормалар такомиллаштирилди. 2007 йил 11 апрелда эса, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонуни қабул қилинган. Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тизимига бевосита алоқадор бўлган энг муҳим ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи, шунингдек давлат ҳокимияти идораларининг тузилиши ва ваколатларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи, конституциявий нормаларни ўзгартирувчи қонунлар **конституциявий қонунлар** мақомини олиши лозим. Конституциявий қонунларни қабул қилиш тартиби бошқа қонунларни қабул қилиш тартибидан фарқ қилади. Конституциявий қонунларни қабул қилиш ҳамда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Сенат аъзолари умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози талаб қилинади<sup>2</sup>.

**Қонунлар** Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тизимининг асосий ва муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунининг 8-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатларни тартибга солади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ёки референдум ўтказиш орқали қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқни расмийлаштириш ва ифода этишнинг энг кенг тарқалган шакли (манбаи), – норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосийси – **қонундир**. Қонунлар давлатнинг олий вакиллик қонун чиқарувчи ҳокимият идораси томонидан Конституцияда белгиланган демократик тартиб (процедура) асосида яратиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатдир. Юридик фанда қонуннинг мазмуни ва шаклини тушуниш учун илмий абстракция йўли билан мантиқан ажратиб ўрганиш

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2007. 15-сон. 151-модда.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.: 12. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси». Давлат илмий нашриёти, 2006. 205-бет.

одат тусига кирган. Аммо, реал ҳаётда эса буни амалга ошириш осон эмас, улар бир-биридан ажралган ҳолда мавжуд бўлмайди. «Ҳуқуқнинг мазмуни маълум шаклсиз намоён бўлмаганидек, унинг шакли ҳам аниқ мазмунсиз бўлиши мумкин эмас. Ҳуқуқнинг мазмуни, у айнан шакллантирилганлиги, расмийлаштирилганлиги туфайлигина намоён бўлади»<sup>1</sup>.

Ҳуқуқдаги мазмун ва шакл бирлиги айнан унинг норматив талқинини белгиловчи асосий жиҳатдир. Шу билан бирга айтиш лозимки, у ёки бу давлат органи томонидан чиқарилган ҳар қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳам жамият иродасини «қонун даражасига» кўтаравермайди. Мамлакатимизда қонун ижодкорлик фаолияти активлашганлигини, турли давлат идоралари, вазирликларнинг норма ижодкорлиги кенгайиб бораётганлигини ҳисобга олиб, шунингдек қонуннинг аҳамиятини таъкидлаш мақсадида қуйидаги таклифни илгари суришни лозим топамиз. Ҳуқуқ назарияси фани доирасида турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ва бошқа манбаларда мавжуд бўлган нормаларнинг «жамиятнинг давлат иродаси»ни акс эттирувчи ҳужжат эканлигини белгиловчи, Конституцияга асосланган аниқ илмий мезонларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Конституцияга асосланган ҳолда бу мезон талаблари қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– конституциявий ва жорий қонунларнинг Конституцияга тўла мос бўлиши;

– қонунлар, фармонлар ва ҳукумат қарорларининг ҳокимиятлар бўлиниши принципига асосан ишлаб чиқилган бўлиши;

– ижроия ҳокимият ва бошқарув органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Конституция ва қонунларга мувофиқ бўлиши;

– мамлакатда чиқариладиган барча қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий актларнинг халқаро ҳуқуқий ҳужжаларга,

---

<sup>1</sup> Мицкевич А.В. Источники (формы выражения) российского права. Историко-теоретический очерк // Закон: основание и толкование / Под ред. А.С. Пиголкина. – М., 1998, С.24.

уларда мустаҳкамланган умумэтироф этилган халқаро стандартларга мувофиқ бўлиши;

– ҳуқуқнинг барча турдаги шакли (манбаларида) мустаҳкамланган нормаларнинг инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларига оид халқаро талаб-мезонларга, Конституциядаги асосий принцип ва нормаларга мос бўлиши ва бошқалар.

Давлат қонунчилик фаолияти орқали сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маданий ва мафкуравий ҳаётнинг ҳамма соҳаларидаги энг муҳим масалаларни ҳал этишга қаратилган, юқори юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар яратди. Қонун ижодкорлиги ёки қонунчилик ҳар қандай давлатнинг ажралмас функцияси ва шундай бир фаолият йўналишики, унда давлатнинг олий вакиллик идораси ижтимоий тажрибани умумлаштириш асосида жамиятга давлат раҳбарлигини амалга ошириш ҳамда ижтимоий муносабатларни тартибга солиш мақсадида қонунлар яратди, мавжуд қонунларни ўзгартиради ва эскирганларини бекор қилади.

Қонунлар, таъбир жоиз бўлса, қонунчилик жараёни давомида ишлаб чиқиладиган «маҳсулот»дир. Қонун ижодкорлиги эса, адабиётларда тўғри таъкидланганидек, «кўп қиррали ижтимоий ходиса бўлиб, у ҳуқуқий давлат қуришнинг зарурий шартидир. Ҳуқуқ ижодкорлиги натижасида меҳнаткашларнинг хоҳиш-иродалари қонунларда ўз аксини топади, ҳуқуқий норма тусини олади»<sup>1</sup>. Қонун ижодкорлиги давлатнинг ҳуқуқий нормалар яратишга қаратилган махсус фаолияти бўлиб, бу фаолият натижасида ижтимоий муносабатлар тур ва сифат жиҳатидан умумлаштирилиб, ҳуқуқий норма яратилади. Шу жиҳатдан ҳуқуқий норма «ижтимоий муносабатлар ва одамлар ҳулқ-атвориининг абстракт моделидир».<sup>2</sup>

Юқорида кўриб ўтганимиздек, ҳуқуқ тизими ҳуқуқнинг ички тузилиши, ички таркибий қурилиши бўлиб, унинг мазмуни ўзи тартибга соладиган ижтимоий муносабатлар характери билан белгиланади. Қонунчилик тизими ҳуқуқ тизимининг

<sup>1</sup> Қўшиқов Ш. И. Ҳуқуқий ижодкорликда қонунчилик техникасининг баъзи масалалари // Ҳуқуқ – Право – Law. 2000, 3-сон. -12-бет.

<sup>2</sup> Крафт: Проблемы теории государства и права. – М.: Юристъ. 2001. – С.586.

ташқи шакли сифатида ҳуқуқнинг манбалари тузилишини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар йиғиндисини (уюшмасини) акс эттиради. Ҳуқуқ, ҳуқуқий нормалар қонунчиликдан ташқарида мавжуд бўлаолмайди, амал қилаолмайди.

Қонунчилик ҳужжатлари мураккаб таркибий тузилишини (структурасини) яна куйидаги мезонлар асосида ҳам таснифлаш мумкин: горизонтал, вертикал ва комплекс турдаги қонунчилик тизими.

**Қонунчилик тизимининг горизонтал қурилиши** соҳавий (тармоқ) таснифлаш бўлиб, ҳуқуқий тартибга солишнинг предмети, яъни ижтимоий муносабатлар йўналиши ва мазмунига асосланади. Бу мезонга мувофиқ, ҳуқуқ тармоқларига мос келувчи қонунчилик тармоқлари ажратилади (Масалан, конституциявий ҳуқуқ – конституциявий қонунчилик, фуқаролик ҳуқуқи – фуқаролик қонунчилиги, жиноят ҳуқуқи – жиноят қонунчилиги, меҳнат ҳуқуқи – меҳнат қонунчилиги, маъмурий ҳуқуқ – маъмурий қонунчилик). Ҳар бир ҳуқуқ тармоғига мос равишда қонунчилик тармоғи шаклланади, масалан, фуқаролик – процессуал ҳуқуқига – фуқаролик процессуал қонунчилиги мос келади, ер ҳуқуқига – ер қонунчилиги мувофиқ бўлади.

**Қонунчилик тизимининг вертикал (поғонама-поғона, иерахик) тузилиши** давлат ҳокимияти органларининг ваколатига кўра поғонама-поғона жойлашувини ва норматив ҳуқуқий актларнинг юридик кучига кўра жойлашувини акс эттиради. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими марказида Конституция туради, ундан сўнг конституциявий қонунлар, жорий қонунлар, президент фармонлари, ҳукумат қарорлари, вазирлик ва давлат қўмиталарининг меъёрий ҳужжатлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг меъёрий ҳужжатлари жойлашади. Санаб ўтилган ҳужжатларнинг мана шу жойлашуви уларнинг юридик кучини ҳам акс эттиради.

**Қонунчилик тизимининг комплекс тузилмалари** ҳуқуқий тартибга солиш объектининг хусусияти ва давлат бошқарувининг мазмунидан келиб чиқиб шакллантирилади. Бундай қонунчилик комплекс (мажмуий) тузилмалари қаторига табиат-



ни муҳофаза қилиш қонунчилиги, транспорт қонунчилиги, капитал қурилиш соҳасига оид қонунчилик, фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясига оид қонунчилик, хўжалик қонунчилиги кабиларни киритиш мумкин.

Қонунчилик тизимини янада чуқурроқ таърифлаш мақсадида уни ҳуқуқ тизими билан қиёслаб таҳлил юритамиз.

Аввало, ҳуқуқнинг таркибий тузилиши (структураси) жамиятнинг иқтисодий тизими мазмуни билан белгиланади. Ҳуқуқ тизими қонун чиқарувчи органнинг хоҳишига кўра шакллантирилмайди. Юқорида таъкидланганидек, ҳуқуқ тизимининг элементлари қуйидагилардан иборат: ҳуқуқ нормалари, ҳуқуқ институтлари, ҳуқуқ тармоқлари (баъзан у ёки бу ҳуқуқ тармоғи ичидаги бир турдаги йирик тузилмани «тармоқости ҳуқуқ соҳаси» деб юритилади). Ҳуқуқ тизимининг ривожланиши ва янгиланиши ижтимоий муносабатларнинг такомиллашувига боғлиқ.

Қонунчилик ҳуқуқ нормаларини ўрнатиш, расмийлаштириш ва ҳаётга жорий этиш воситаси ҳисобланади. Қонунчилик ҳужжатлари ҳуқуқий нормаларни умумлаштиради ва расмий ифода этади. Бирок, қонунчилик тизими норматив-ҳуқуқий актларнинг оддий йиғиндиси эмас, балки бундай ҳужжатларнинг мантикий мутаносиб ва уйғунлаштирилган тизимидир. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимини шакллантиришда тартибга солинадиган муносабатларнинг хусусиятлари ва қонун чиқарувчи органнинг истаги, манфаати ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Ҳуқуқнинг ички тузилиши (структураси) қонунчилик тизимини шакллантириш учун объектив асос бўлиб хизмат қилади. Ҳуқуқни ижод этиш ёки қонун чиқариш жараёнида ваколатли орган ҳуқуқ тармоғи ва ҳуқуқ тузилмаларининг хусусиятларидан келиб чиқиб иш тутиши лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тизими ўз ички мантиғига кўра, қуйидаги қонунчилик тузилмаларини камраб олади. Биринчиси – **қонунчилик соҳалари** бўлиб, муайян ҳуқуқ соҳасининг предмети ҳисобланган ижтимоий муносабатларни

тартибга солувчи нормалар йиғиндисидан иборат. Бунинг маъноси шуки, қонунчилик тизимининг ички тузилиши ҳуқуқий тартибга солиш объектлари, яъни ижтимоий муносабатларнинг мазмунига кўра таснифланишидан келиб чиқади. Масалан, инсон ва давлат (унинг ижроия ҳокимият органлари тимсолида) ўртасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ҳақида сўз кетганда, маъмурий ҳуқуқ қоидалари (нормалари) амал қилади, мулкӣ муносабатларни тартибга солиш ҳақида сўз юритганимизда эса фуқаролик ҳуқуқи соҳасига оид нормалар амал қилади ва ҳ.к. Иккинчиси – қонунчилик соҳаси ичидаги йирик тузилма, соҳавий ижтимоий муносабатларнинг муайян турларини тартибга солувчи **қонунчилик институти**ни ифода қилади (масалан, фуқаролик қонунчилиги соҳасининг таркибига кирувчи муаллифлик, мерос, ҳадя, олди-сотди, ижара институтлари). Учинчиси – қонунчилик тизимининг асосини, унинг соҳалари ва институтлари ташкил топишининг бошланғич бўғинини юридик норма, яъни қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг нормаси (қоидаси) ташкил этади. Қонунчилик тизимининг ушбу бошланғич қисмини шартли равишда **қонунчилик нормаси** деб аташ мумкин. Қонунчилик нормаси деганда, Конституциянинг нормасини, қонуннинг нормаси (моддаси)ни, фармоннинг нормасини, ҳукумат қарорларининг нормасини тушуниш лозим бўлади.

Тўртинчиси – ўз мазмунига кўра ижтимоий ҳаётнинг нисбатан мустақил соҳаларини ташкил этувчи ҳар турли ижтимоий муносабатлар мажмуини тартибга солувчи, бир неча ҳуқуқ соҳаларига оид ҳуқуқ нормаларини ўз ичига олувчи норматив тузилма **қонунчиликнинг комплекс соҳаси** (масалан, транспорт, балиқчилик хўжалиги, ҳарбий, темир йўл муносабатларига оид қонунчилик) деб аталади<sup>1</sup>. Масалан, қонунчиликнинг комплекс соҳаси сифатида ҳарбий қонунчилик қуролли кучларнинг жанговар тайёргарлигини, ҳарбий хизмат ўташ тартибини, ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оилалари ҳуқуқлари ва

<sup>1</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.: 12. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси». Давлат илмий нашриёти, 2006. 205-бет.

қонуний манфаатларини таъминлаш ва қўриқлаш билан боғлиқ бўлган давлат, маъмурий, ер, молия, жиноят ва бошқа ҳуқуқ соҳаларига тегишли нормаларни ўз ичига олади.

Юридик адабиётда комплекс ҳуқуқий тузилмалар хусусида аниқ-тиниқ асослантирилган фикрлар йўқ. Шунингдек, қонунчиликнинг комплекс соҳаси мавжудлиги масаласи Ўзбекистон ҳуқуқшунослик назариясида умуман тадқиқ қилинмаган. Шу сабабдан бўлса керак, баъзи илмий асарларда «ҳуқуқнинг комплекс соҳалари» бор, деб янглиш даъво қилиш ҳоллари учрайди<sup>1</sup>. Аввало, шуни эслатиш лозимки, ҳуқуқ соҳаларини шакллантириш (алоҳида ажратиш) мезони ҳуқуқий тартибга солиш предмети ва ҳуқуқий тартибга солиш усули. Улар ҳар бир ҳуқуқ соҳаси учун алоҳида ва ўзига хос ҳодисадир. Ҳуқуқшунос Ў.Ҳ.Муҳамедов комплекс қонунчиликнинг аҳамияти ҳақида шундай фикр билдиради: «Қонунларни ислоҳ қилиш айни шу билан изоҳланадики, тармоқ эмас, балки комплекс қонунларнинг, яъни турли тармоққа тегишли ҳуқуқ нормаларини ўз ичига оладиган қонунларнинг сони кескин кўпайди. Бу шубҳасиз, қонуннинг тартибга солиш имкониятини кучайтиришга хизмат қилади, унинг тартибга солиш функциясини мустаҳкамлайди. Лекин қонуннинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бутун ҳуқуқ тизимидаги бошқарувчилик имконияти сезиларли даражада заифлашади»<sup>2</sup>. Чамаси, бундай хавотирга ўрин йўқ. Комплекс характердаги қонунларнинг пайдо бўлишига ижтимоий ҳаётнинг мураккаблиги ва турли-туманлиги сабаб бўлади.

Иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва бошқа муносабатларнинг ривожланиш эҳтиёжларидан келиб чиқиб, қонунчиликни такомиллаштириш жараёнида комплекс характерга эга бўлган ҳужжатлар қабул қилиниши табиий ҳол. Бу комплекс ҳужжатлар ижтимоий ҳаётнинг бутун-бутун жабҳаларига тегишли бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда, – деб ёзади проф. С.С.Алексеев, – қонунчиликнинг комплекс соҳалари шаклланади, уларда предмети, мавзуси ва мақсадли белгиларига кўра у ёки бу соҳала-

<sup>1</sup> Раҳмонқулов Х.Р. Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳуқуқ тизими. – Т.: 2007, 8-бст.

<sup>2</sup> Муҳамедов Ў.Ҳ. Конституция ва қонун устуқлиги: Ўқув қўлланма. – Т.: 2003, 47-бет.

рига тегишли турли юридик материал бирлашади<sup>1</sup>. Демак, турли ҳуқуқ соҳаларига тегишли нормаларнинг битта норматив-ҳуқуқий ҳужжатда бирлашиши натижасида комплекс қонунчилик ҳужжати вужудга келади.

Россиялик проф.С.В.Поленина ўзининг қонунчилик тизимининг назарий муаммоларига бағишланган монографиясида (1979 й.) қонунчиликнинг комплекс соҳалари мавжудлиги ҳақида батафсил тадқиқот ўтказган. Унинг ёзишича: “Эҳтимол, бир ёки икки комплекс ҳужжатнинг мавжудлиги ҳали тегишли қонунчиликнинг комплекс соҳаси мавжудлигини англамас керак. Қонунчиликнинг комплекс соҳаси мавжудлиги тўғрисида ҳаётда муайян предметли алоқалар ва бошқарув алоқалари туфайли бирлашган комплекс норматив актлар гуруҳининг ички иерархик боғлиқлиги (бўйсунлиши) мавжуд бўлгандагина гапириш мумкин” (57-бет).

Қонунчиликнинг комплекс соҳаси тўла шаклланиб, амал қилиши учун комплекс норматив ҳужжатларнинг тизими (йиғиндиси) мавжуд бўлиши лозим. Шундай қилиб, комплекс мазмундаги ҳужжатларнинг йиғиндиси, мажмуаси қонунчиликнинг комплекс соҳасини ҳосил қилади. Битта қонунчилик ҳужжатида турли ҳуқуқ соҳаларига тегишли нормаларни жамлаш қонун чиқарувчи органга масалаларни кенг қамровли, яъни комплекс тарзда ҳал қилиш имкониятини беради. Масалан, битта қонунчилик ҳужжатида ижтимоий муҳим масаланинг ҳам фуқаровий-ҳуқуқий, ҳам маъмурий, ҳам жинсий-ҳуқуқий ва бошқа жихатлари комплекс тарзда акс эттирилади.

Қонунчиликнинг комплекс (мажмуий) тузилмалари қаторига, масалан, табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги, транспорт қонунчилиги, капитал қурилиш соҳасига оид қонунчилик, фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясига оид қонунчилик, хўжалик қонунчилиги кабиларни киритиш мумкин. Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўтаётган бир шароитда янги ҳуқуқ тармоқлари пайдо бўлмоқда. Масалан, корпоратив ҳуқуқ, бюджет ҳуқуқи, божхона ҳуқуқи, парламент ҳуқуқи, тадбиркорлик ҳуқуқи,

<sup>1</sup> Алексеев С.С. Теория права. С.197.

суғурта ҳуқуқи, ахборотлаштириш ҳуқуқи, ижтимоий таъминот ҳуқуқи, муниципал ҳуқуқ ва бошқалар шулар жумласидандир.

Умуман қонунчилик соҳаларини турли хил кўринишда гуруҳлаштириш мумкин. Масалан, қонунчилик соҳаларини ҳуқуқий тартибга солиш мақсадининг йўналашига кўра қуйидагича блокларга бўлиб гуруҳлаштириш мумкин:

*Биринчи блок* иқтисодий ва бошқаришга оид қонунчилик. Унга қуйидагилар киради:

- хўжалик қонунчилиги;
- қишлоқ хўжалигига оид қонунчилик;
- тадбиркорликка оид қонунчилик;
- молия қонунчилиги (бунга солиқ қонунчилиги ҳам тааллуқли);
- инвестицияга оид қонунчилик;
- патент муносабатларига оид қонунчилик ва бошқа соҳалар.

*Иккинчи блок* ижтимоий соҳага тааллуқли қонунчилик бўлиб, унга қуйидагилар киради:

- меҳнат қонунчилиги;
- муаллифлик масалаларига оид қонунчилик;
- ижтимоий таъминотга оид қонунчилик; (бунга пенсия таъминоти оид қонунчилик ҳам киради);
- уй-жой (турар жой)га оид қонунчилик;
- таълим соҳасидаги қонунчилик;
- соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунчилик;
- никоҳ оила масалаларига оид қонунчилик ва бошқа соҳалар.

*Учинчи блок* – табиат ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга тааллуқли қонунчилик. Унга қуйидагилар киради:

- ер қонунчилиги;
- сув қонунчилиги;
- ўрмон қонунчилиги;
- ҳайвонот дунёсини ҳимоя қилишга оид қонунчилик;
- ўсимликларни муҳофаза этиш соҳасидаги қонунчилик;

– атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишга оид қонунчилик ва бошқа соҳалар.

*Тўртинчи блок* – жамоат тартибини муҳофаза қилишга ва миллий хавфсизликка тааллуқли қонунчилик. Унга қуйидагилар киради:

- суд тизимига ва одил судловга оид қонунчилик;
- прокуратура ва прокурор назоратига оид қонунчилик;
- миллий хавфсизлик органлари фаолиятига оид қонунчилик;
- адвокатурага оид қонунчилик;
- фуқаролик-процессуал қонунчилиги;
- ҳакамлик судларига оид қонунчилик;
- маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид қонунчилик;
- жиноят ишларига оид қонунчилик;
- жиноят-процессуал қонунчилиги;
- жиноят-ижроия қонунчилиги ва бошқа соҳалар.

Қонунчилик тизимида *кодексларнинг* алоҳида ўрни бор. Чунки, кодекслар тизимга солинган қонунлардир. Кодекслар ўз юридик кучи жиҳатидан оддий қонунлардан устун туради. Улар қонунчилик соҳасига кирувчи бошқа қонунлардан ўзининг ички мантикий мукамаллиги, барқарорлиги, ҳуқуқий қоидаларнинг ўзаро мантикий мутаносиблиги билан ажралиб туради. Кодекслар ҳуқуқ тармоғининг асосий қонуни (манбаи) сифатида Конституция ва конституциявий қонунлардан кейинги мавқени эгаллайди. «Қонунчиликни кодекслаштириш орқали тармоқдаги ҳуқуқий нормалар қайта ишланади, ихчамлаштирилади, такомиллаштирилади»<sup>1</sup>. Улардан фойдаланиш бошқа қонунларга нисбатан анча қулайроқдир. Мамлакатимизда шу бугунга қадар 15 та кодекс қабул қилинган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида Фуқаролик кодекси (1-2-қисм, 1995, 1996), Фуқаролик-процессуал кодекси (1997), Жиноят кодекси (1994), Жиноят-процессуал кодекси (1994), Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс (1994), Меҳнат кодекси (1995), Ҳаво кодекси (1993), Хўжалик-процессуал кодекси

<sup>1</sup> *Одилқориев Ҳ.Т.* Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т., 2002, 268-бет.

(1997), Оила кодекси (1998), Ер кодекси (1998), Уй-жой кодекси (1998), Солиқ кодекси (2008), Божхона кодекси (1997), Шаҳарсозлик кодекси (1999), Жиноят-ижроия кодекси (1997) амал қилмоқда.

Қонун ҳужжатларини системалаштиришнинг демократик ҳуқуқий тизимларда анъанага кирган энг фаол шакли **кодекслаштиришдир**<sup>1</sup>. Кодекслаштириш муҳим жараён сифатида тармок, институт ва соҳавий қонунларнинг *манتيқий, тизимли ва лўнда тартиботини* ифода этувчи кодекс шаклидаги мажмуий қонунларни қабул қилиш мақсадини ифода этади. Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг кўплаб соҳаларини самарали ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида ўнлаб кодекслар қабул қилинди. Аммо бу кўрсаткичлар ҳуқуқ тизимида кодекслаштириш ўзининг ниҳоясига етди дегани эмас. Кодекслаштириш ҳуқуқий давлат барпо этиш талабларига мос равишда ривожланидиган узлуксиз фаолиятдир. Таъкидлаш лозимки, кодекслаштириш ҳуқуқ ижодкорлик фаолиятининг алоҳида туридир<sup>2</sup>.

Кодекснинг асосий ижодкори парламент ҳисобланади. Икки палатали парламент шароитида кодекслаштиришни амалга ошириш янада долзарб аҳамият касб этади. Парламент кодекслаштириш ишларига муайян тартибда тегишли мутахассисларни, олимларни жалб этиши зарур. Қолаверса, парламент навбатдаги чакирикда шу йўналишдаги ўз фаолиятини мустаҳкамлаш йўлида нафакат мамлакатнинг ҳаётига оид **муҳим қонунларнинг қабул қилинишига оид дастурни**, балки **Қонунларни кодекслаштириш дастурини** қабул қилиши мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Ушбу дастурда келгусида қабул қилинишига эҳтиёж сезилаётган Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик, Маъмурий-процессуал, Ҳарбий, Соғлиқни сақлаш, Сайлов қонунчилиги, Қонун чиқариш жараёни, Таълим, Экологик, Инвестиция каби кодексларини тайёрлаш юзасидан қонун-

<sup>1</sup>Китобнинг яқунловчи бўлимида кодекслаштириш мавзусига янада батафсилроқ тўхталамиз.

<sup>2</sup>Қаранг: *Шестерюк А.С.* Вопросы кодификации законодательства об охране окружающей среды. – Л., 1984. С.47.

чилик ташаббуси субъектларига *аниқ вазифалар* белгилаб қўйилса, мақсадга мувофиқ бўларди<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 август 304-сонли «Қонун ҳужжатларини туркумлашни такомиллаштириш ва ҳуқуқий ахборотларни тартибга солиши чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган. Ушбу қарорнинг мазмуни, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан кенг фойдаланишни таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш ва амалдаги қонун ҳужжатларини босқичма-босқич туркумлашни ташкил этиш ҳисобланади.

Шунингдек, мазкур қарорда 2000 йил 1 сентябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари давлат ҳисоби жорий этилиши кўзда тутилиб, Ўзбекистон Республикаси меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисобини юритиш функцияси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юклатилиб, икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисоби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш масаласида қарор қилинган. Ушбу қарордан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 30 декабрда «Ўзбекистон Республикасининг меъёрий (норматив)-ҳуқуқий ҳужжатлари давлат ҳисоби тўғрисида» Низом ишлаб чиқилган.

Умуман олганда, қонунчиликни тизимлаштириш ва, айниқса, кодекслаштириш улардан фойдаланишда қулайлик туғдиради. Юқорида таъкидланганидек, мамлакатимизда ҳозирда ўн бешта қонун кодекс ҳолатига келтирилган. Ҳозирда ушбу кодекслар янада такомиллаштирилмоқда, аниқроғи, улардаги нормалар инсон манфаатларидан келиб чиқиб либераллаштирилаётир. Мисол учун Жиноят кодексидagi ўзгаришларга эътибор қаратсак, жазо тизимини эркинлаштиришга доир чора-тадбирлар улкан социал ва ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлди. Бунинг натижасида оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг

<sup>1</sup> *Одшақориев Х.Т., Тультеев И.Т.* Икки палатали парламент. – Т., 2005. 208-бет.



75 фоизга яқини ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди. Жиноят кодексидаги жиноят содир этган шахс етказилган моддий зарарни тўлик қоплаган тақдирда, суд томонидан унга нисбатан озодликдан маҳрум этиш тариқасида жазо тайинлашга йўл қўймайдиган нормалар анча кенгайтирилди.

Мазкур ўзгаришлар қабул қилинганидан сўнг судларнинг озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони тайинлаши 2006 йилда 2000 йилга нисбатан қарийб 20 фоизга камайди. Шунингдек, ярашув институти жорий этилгани ҳам бу борада муҳим роль ўйнамоқда.

2007 йилда Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 1 январдан мамлакатда ўлим жазосини бекор қилиш, шунингдек, фуқароларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратурадан судларга ўтказиш тўғрисида қабул қилинган қонунлари халқаро ҳамжамият томонидан ижобий кутиб олинди ва бутун дунёда катта акс-садо берди.

Ўлим жазоси бундан буён умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилади ва у фақат икки турдаги жиноят, яъни, жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм учун тайинланади. Бунда жазонинг мазкур тури хотин-қизларга, 18 ёшга етмаган ва ёши 60 дан ошган эракаларга нисбатан тайинланмайди<sup>1</sup>.

Яна бир мисол сифатида Солиқ кодексининг янгидан қабул қилинганлигини кўрсатишимиз мумкин. Президент И.А. Каримов Солиқ кодексини янгидиллаш зарурлигини 2005 йилдаёқ қуйидагича таъкидлаган эди: «1997 йилда ишлаб чиқилган ва қабул қилинган Солиқ кодекси иқтисодий ислоҳотлар соҳасида бутунги куннинг янги ва устувор вазифалари талабларига жавоб бермайди. Солиққа тортиш масаласида амалиётда синалган принцип ва ёндашувларни ишлаб чиқиш, бу борада бошқа мамлакатларнинг илғор тажрибасидан фойдаланиш ўта муҳим аҳамиятга эга. Солиқ тизими нафақат солиқларни ундириш,

<sup>1</sup> Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил таракқиёт йўли. – Т.:, 2007. 15-бет.

балки биринчи галда, рағбатлантириш хусусиятига эга бўлиши лозим. Шунга эришмоғимиз керакки, ҳар бир солиқ тўловчи, у хоҳ жисмоний, хоҳ юридик шахс бўлсин, солиқ тўлашдан бўйин товламасдан, даромадларини яширишга уринмасдан, аксинча, ўз ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва даромадини оширишга интилсин... Шу муносабат билан Молия ва Иқтисодиёт вазирликлари, Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги Савдо-саноат палатасини жалб қилган ҳолда, амалдаги солиқ конунчилигини танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиб, шу асосда уни янада соддалаштириш, солиқларни унификация қилиш, солиқ юқини енгиллаштириш, солиқ бошқарувини такомиллаштириш ва эркинлаштиришни назарда тутадиган янги тахрирдаги Солиқ кодексини тайёрлашлари ва тасдиқлаш учун киритишлари зарур»<sup>1</sup>.

Нихоят ушбу ғоя 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган янги Солиқ кодексда ўз аксини топди<sup>2</sup>. Янги Солиқ кодекси тузилиши ва мазмуни жиҳатдан олдингисидан анча фарқ қилади. У икки қисмга, яъни умумий ва махсус қисмларга бўлинади. Шу билан бирга, янги Солиқ кодексда солиқлар ва мажбурий тўловларнинг ёпиқ рўйхатини белгилаш, солиқ ва йиғимлар сонини қисқартириш, айрим солиқлар бўйича солиқ базаларини ва бундай солиқларни ҳисоблаш қоидаларини, шунингдек, тўлаш тартибини имкон қадар соддалаштириш асосий мақсад қилиб олинган. Кодекснинг Умумий қисми хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий жавобгарлигини эркинлаштиришга, назорат қилувчи органлар томонидан текширувларни тартибга солишга, шунингдек, солиқ тўловчиларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қоидаларни ўз ичига олади. Янги кодексда ҳамма солиқ ва мажбурий тўловлар фақат конун ҳужжатлари билан жорий этилиши назарда тутилган. Бундан ташқари, солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар конунлар ва Президент қарорлари асосида

<sup>1</sup> Қаранг: Қаримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: 2005. 88-90-бетлар.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. 2007 йил 25 декабр. 52 (I)–сон. –220 бет.

жорий этилади. Кодексдаги яна бир муҳим жиҳат, унда солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси принципи жорий этилган. Бунга мувофиқ, қонун ҳужжатларидаги бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршиликлар ва ноаниқликлар солиқ тўловчининг фойдасига талқин қилинади. Бу имтиёз солиқ тўловчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги жуда муҳим жиҳатдир. Солиқ текширувларини фақат давлат солиқ хизмати органлари амалга оширади. Шунингдек, режали солиқ текширувлари ваколатли орган томонидан тасдиқланадиган Мувофиқлаштириш режаси асосида ўтказилади.

Бундан ташқари, солиқ текширувларини ўтказишнинг умумий муддати аниқлаб қўйилган. Бу муддат 30 календарь кундан ошмаслиги керак. Режали солиқ текширувлари микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларида кўпи билан тўрт йилда бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларида эса кўпи билан уч йилда бир марта амалга оширилиши белгиланган. Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби солиқ тўловчиларнинг айрим тоифалари (микрофирмалар ва кичик корхоналар, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, лотереялар ташкил қилиш бўйича фаолият юритувчи юридик шахслар, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар) учун ягона солиқ тўловини тўлаш, қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар учун ягона ер солиғи тўлаш, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ тўлашлар назарда тутилган.

Солиқ кодексига соҳага тааллуқли барча норматив ҳужжатлар жамланган. Бу эса унга тўғридан-тўғри амал қилинишини ҳамда бюджет тўловларининг вақтида амалга оширилишини таъминлайди. Шу мақсадда, кодекснинг Махсус қисмида давлат божларини тўлаш тартиби ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш тартибини белгиладиган бўлимлар киритилган. Шунингдек, айрим солиқ турлари бўйича асосий ўзгартишлар, хусусан, юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи бўйича чегириб ташланadиган харажатлар рўйхати келтирилди. Солиқ солинадиган

даромадлар аниқлаштирилди. Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби қўлланилганда, солиқлар рўйхатини белгиловчи янги бўлим киритилди. Жумладан, кишлок хўжалигида товар ишлаб чиқарувчиларга солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини қўллаш мезонлари, шунингдек, солиқ солиш объекти сифатида қаралмайдиган айланмалар ҳам белгиланди.

Янги Солиқ кодексида солиқ солиш *тизимини* такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири солиқ имтиёзларининг мунтазамлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилганлигидир. Айтиш мумкинки, янги Солиқ кодекси нафақат солиқ тўловчига енгилликлар яратади, балки Давлат бюджетига ҳам зиён келтирмайди.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тизими ва ҳуқуқ тизимида халқаро ҳуқуқнинг муайян таъсири кузатилади. Бу табиий ҳол. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган норма ва тамойилларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига устуворлик берилади. Конституцияда халқаро ҳуқуқнинг умумтанолинган нормалари давлат ичидаги қонунчилик нормаларидан устунлиги эълон қилинган. Ўзбекистон томонидан асосий халқаро шартномалар, конвенциялар ва битимлар ратификация қилинган. Ўзбекистон Республикаси парламенти томонидан «Дипломатик ваколатхоналарнинг бошлиқларини тайинлаш ва чакириб олиш тўғрисида»ги (1992), «Дипломатик ходимлар учун дипломатик класс ва даражаларни бериш тўғрисида»ги (1992), «Халқаро шартномалар тўғрисида»ги (1995) қонунларнинг қабул қилиниши, Ўзбекистоннинг халқаро муносабатларда иштироки учун пухта ҳуқуқий замин бўлиб хизмат қилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон парламентининг бошқа давлатлар билан турли шартномаларни тасдиқлаш, давлатимизнинг турли халқаро ташкилотларга аъзо бўлиш, ахдлашувлар ва конвенцияларга қўшилиш тўғрисидаги қарорларни ратификация қилувчи ҳужжатлари қонунчилик тизимимизни янада бойитмоқда.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Қонулар Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида амал қилади. Қорақалпоғистон

Республикаси қонунлари унинг ҳудудида амал қилади. Қонунлар мамлакатимиз ҳудудидаги барча субъектлар, яъни фуқаролар, юридик шахслар, давлат органлари, қорхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун мажбурийдир.

**Қонун ости ҳужжатлар** ҳам Ўзбекистон Республикаси «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонунга кўра, қонунчилик тизимидан жой олади. Қонун ости меъёрий ҳужжатларига қуйидагилар киради: а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари; б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари; в) вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ҳужжатлари; г) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

Ҳозирда Ўзбекистон қонунчилик ҳужжатларини мунтазам ва тартибли эълон қилиб, халққа етказиш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси», «Ўзбекистон Республикасининг қонунлари тўплами», «Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари» тўплами, «Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами», «Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси» нашр этилади. Ўзбекистон норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг ахборот-қидирув компьютерлашган дастурлари яратилган.

#### IV. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ

Норматив-хуқуқий ҳужжат (акт)нинг турларини таҳлил қилишдан аввал, норматив-хуқуқий ҳужжат (акт) тушунчаси ва мазмун – моҳиятига эътибор қаратсак. «Норма» - грекча сўз бўлиб, меъёр, андоза, масштаб, қолип демакдир. Акт (лот. «*actus*» - ҳаркат) – 1) қилмиш, ҳаракат, фаолият; 2) бирор ишни, юридик фактни тасдиқловчи расмий ҳужжат (масалан, *акт тузмоқ*), 3) давлат ҳокимияти органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида чиқарадиган ҳужжат (қонун, фармон, қарор ва бошқалар)<sup>1</sup>.

Акт юридик маънода норматив хуқуқий акт (ҳужжат) сифатида кенг қўлланилади. **Норматив-хуқуқий ҳужжат** – ваколатли давлат органининг белгиланган тартибда қабул қилинган, ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган умумий мажбурий тусдаги қоидаларни ўрнатувчи, ўзгартирувчи ёки бекор қилувчи юридик ҳужжат.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, 94-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасининг Президенти, 98-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари, 104-моддасига кўра маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-хуқуқий ҳужжатларни қабул қилувчи органлар ёки мансабдор шахслар бўлиб ҳисобланади.

Норматив-хуқуқий ҳужжат умуммажбурий хулқ-атвор қоидаларини ўз ичига олади ҳамда ўзининг қуйидаги уч хусусияти билан ижтимоий нормаларнинг бошқа турларидан ажралиб туради: а) улар ваколатли давлат органлари томонидан яратилиб, барча учун умумий мажбурий қоидаларни ўрнатади, ўзгартиради (такомиллаштиради) ёки бекор қилади; б) уларда хуқуқий қоидаларнинг мазмуни, яъни хуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва бурчлари баён этилади; в) норматив-

<sup>1</sup> Қаранг: Локшица С.М. Краткий словарь иностранных слов. – М.: 1980. С.30.

ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган қоидалар бажарилмаган ёки бузилган тақдирда муайян ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқади, қоида бўйича, давлатнинг мажбурлов чораси қўлланилади.

Мамлакатимизда ҳам ҳуқуқнинг асосий манбаи, шакли *норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар* ҳисобланади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳуқуқ ижодкорлик фаолиятининг бевосита маҳсули бўлиб, давлат томонидан ўрнатиладиган ёки маъқулланадиган ҳуқуқий ҳужжатларнинг алоҳида расмий туридир. Бундай ҳужжатлар ҳуқуқ ижодкорлиги субъектлари ўрнатадиган юридик нормаларни ифодалайди. Шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар деганда давлат ваколатли органларининг ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган умумий мажбурий тусдаги қоидаларни ўрнатувчи, ўзгартирувчи ёки бекор қилувчи ҳуқуқ ижодкорлик ҳужжати ҳисобланади. Ҳуқуқнинг норматив ҳужжат шакли демократик ҳуқуқий жамият шароитида мамлакат иқтисодий, сиёсий, маданий ва маънавий ҳаётига давлат йўли билан раҳбарлик қилишнинг энг мақбул шаклидир.

Юридик адабиётларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни уларни чиқарадиган давлат органларининг мавқеига, ҳужжатларнинг юридик кучига кўра қуйидаги туркумларга бўлиниши эътироф этилади:

– умумэътироф этилган халқаро принциплар ва ратификация қилинган халқаро шартномалар;

– қонунлар (Конституция, конституциявий қонун ва жорий қонунлар);

– қонун ости ҳужжатлари (Президент фармонлари, қарор ва фармойишлари, ҳуқумат қарор ва фармойишлари, давлат ва хўжалик бошқарув органларининг қарор, буйруқ ва йўриқномалари, маҳаллий вакиллик ва ижроия ҳокимият органларининг қарорлари ва фармойишлари)<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Шугрина Е.С. Техника юридического письма. – М., 2001. С.6; Саидов А.Х., Таджиханов У.Т., Одиқориев Ҳ.Т. Давлат ва ҳуқуқ асослари. – Т., 2002. –40 бет.

Ўзбекистон Республикаси «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги 2004 йил 14 декабрдаги қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари қуйидагилардан иборат: а) Конституция; б) қонунлар; в) Олий Мажлис палаталарининг қарорлари; г) Президент фармонлари; д) Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари; е) вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ҳужжатлари; ж) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари<sup>1</sup>. Мазкур қонунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳар бири алоҳида индивидуал тартибда келтирилган.

Назаримизда, қонуннинг ушбу моддаси тўла мукамал эмас. Унда Президентнинг норматив қарорлари ва фармойишлари ўз аксини топмаган. Ушбу норматив ҳужжатларни ҳам юқорида тилга олинган қонуннинг 5-моддаси матнига киритиш лозим. (Президент қарори ва фармойишлари ҳақида баёнимизнинг кейинги саҳифаларида тўхталамиз).

Қонунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳар бири юқорида таъкидланганидек, ўзига хос бўлиб, ишлаб чиқарувчи субъекти, қабул қилиниш тартиби, юридик кучи, амал қилиш доираси, тузилиши ва бошқа жиҳатлари билан бир-бирларидан фарқланади ва иерархик мутаносибликка эга.

Ўзбекистон Республикасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида тўхталиб, уларнинг ўзига хос хусусиятларини, шунингдек ўзаро муносабатлари ва фарқларини кўриб чиқамиз.

**Халқаро ҳуқуқий нормалар** Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунида ўз аксини топмаган бўлсада, кўпгина қонунларимизда унинг норма ва принципларининг устунлиги тамойили эътироф этилади (Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 17-модда, Жиноят кодекси 11-модда ва бошқалар). Демак, халқаро ҳуқуқий нормалар миллий қонунчилик орқали жамият ва давлат ҳаётига таъсир этади, қўлланилади.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. – 2001., № 1-2, 8-модда; 2004, № 1-2, 18-модда.



Мустақил Ўзбекистоннинг қонунчилик тизимини шакллантиришда халқаро ҳуқуқ нормаларига доимо алоҳида эътибор бериб келинади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг янги сайлов қонунчилигини (Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонун, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги қонун ва бошқаларни) ишлаб чиқишда Жаҳон сайлов тизимлари форуми, шунингдек ЕХХТнинг Эркин сайловлар бўйича бюроси халқаро меъёрий ҳужжатларидан фойдаланилди. 2000-2004 йилларда республика-мизда парламент ислохотларини амалга оширишда, икки палатали парламентга ўтишда ҳам дунёдаги кўпгина мамлакатларнинг тажрибаси ўрганилиб, халқаро ҳуқуқий нормалар асосида 2002 йилнинг декабрида Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати тўғрисидаги конституциявий қонунлар яратилди.

Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиёти ҳуқуқий асосларини ташкил этувчи қонунлар, яъни «Тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун, «Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари тўғрисида»ги қонун, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонун, Фуқаролик кодекси, Меҳнат кодекси, Хўжалик-процессуал кодекси, «Суғурта тўғрисида» ги қонун, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонун, «Гаров тўғрисида» ги қонун, «Дехқон ва фермер хўжаликлари тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа ҳуқуқий норматив ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилишда бу соҳада катта амалий мерос тўплаган, ривожланган давлатларнинг тажрибасидан, халқаро ҳуқуқий меъёрлардан самарали фойдаланилди.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда халқаро ҳамжамият томонидан тан олинган инсон ҳуқуқларига оид ҳуқуқий ҳужжатлардан, жумладан «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенция (1989 й.), «Аёлларга нисбатан барча камситишларга барҳам бериш тўғрисида»ги Конвенция (1979 й.), Халқаро Меҳнат Ташкилотининг «Эркак ва аёл меҳнатқашлар учун тенг муомала ва тенг имкониятлар тўғрисида»ги Конвенцияларидан кенг фойдаланилган.

1997 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексида ҳам бир қанча халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга асосланлиди. Кодексга Бутунжаҳон валюта фонди ва Европа тараққиёт ва реконструкция қилиш банки мутахассис – экспертлари томонидан хулоса берилди. Кодекс матни уч ойдан ортиқ вақт давомида халқаро экспертизадан ўтказилди. Экспертлар Кодекснинг 60 ортиқ моддалари бўйича ўз таклиф ва мулоҳазаларини бердилар. Олинган таклифлар асосида қонун янада такомиллаштирилди, халқаро стандартларга мослаштирилди ва Олий Мажлиснинг 1997 йил декабрида бўлиб ўтган сессиясида янгитдан қабул қилинди, сўнг ўрнатилган тартибда имзоланиб, амалга киритилди<sup>1</sup>.

Ўзбекистон истиқлол йилларида бир қанча халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан инсон ҳуқуқларига оид 60 та ҳужжатга қўшилди. 2008 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар Дастури тўғрисида» ги Фармони<sup>2</sup> қабул қилинди. Мазкур фармонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ бир қатор чоратадбирлар белгиланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати, Вазирлар Маҳкамаси 2008-2009 йилларда фуқароларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш ва кўриб чиқиш, шунингдек, ушбу соҳада қабул қилинган қонун ҳужжатларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш чоратадбирларини амалга ошириш; етакчи мутахассислар ва олимларни жалб этган ҳолда, таълим муассасаларида ва ёшлар орасида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, шахсни ҳар томонлама камол топтириш, ёшларнинг янги жамият барпо этишда фаол иштирок этиши учун зарур иқтисодий, ижтимоий-социал шароит яратиш, Ватанимиз хавфсизлиги ва фаровон-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг 1997 йил жорий архиви.

<sup>2</sup> Қаранг: Халқ сўзи. 2008 йил 2 май. № 87-сон.

лигини таъминлаш бўйича давлат сиёсатини чуқур ўрганишга доир давра суҳбатлари, семенарлар, маърузаларни тизимли асосда ташкил этиш; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1 ой муддатда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, Инсон ҳуқуқлари (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ва бошқа институтларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни самарли ишлаши учун зарур бошқа шарт-шароит яратишга доир комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ва 2008 йилда амалга ошириши билан боғлиқ масалалар белгиланган.

**Қонунлар** норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида асосий ўринни эгаллайди. Қонун ҳуқуқнинг энг муҳим шакли бўлиб, унда ҳуқуқнинг ҳамма сифатлари мужассамлашади. Албатта, «қонун» ибораси серқирра ва маънодордир. Бу ўринда сўз юридик қонунлар хусусида бормоқда<sup>1</sup>. Қонун давлат олий вакиллик органининг энг юқори юридик кучга эга бўлган актидир. Конституция қонунлар орасида марказий ўринни эгаллайди. Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонунида Конституция алоҳида равишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тури сифатида берилган. Аслида Конституция ҳам қонуннинг бир тури ҳисобланади. Фақатгина у юридик мақоми жиҳатидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан устун туради. Унда жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий асослари, сиёсий тизими мустаҳкамланган, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқарув механизми, фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари белгилаб берилган. Конституция жамият ҳуқуқий тизимининг, бутун қонунчиликнинг ўзагини, юридик заминини ташкил этади. Жорий қонунларнинг барчаси Конституция қоидалари ва принциплари асосида ҳамда уларнинг ижроси йўлида чиқарилади. Қонунлар Конституциядан кейин олий юридик кучга эга ҳужжат ҳисобланади. Қонунларга хос бу жиҳат қуйидагиларда намоён бўлади: 1) қонунни уни

<sup>1</sup> Маълумки, фанда фалсафий қонунлар, иқтисодий қонунлар, ижтимоий қонунлар, мантик қонунлари деган категориялар ҳам мавжуд.

қабул қилган олий вакиллик органидан бошқа ҳеч ким ўзгартира олмайди, бекор қила олмайди ёки янгисини ўрната олмайди; 2) бошқа барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонунга қатъий мувофиқ ҳолда қабул қилинади ва амалга оширилади; 3) бирон-бир қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжат қонунга зид бўлса, у қонунга мувофиқ ҳолга келтирилади ёки бекор қилинади; 4) қонун олий юридик кучга эга бўлган ҳужжат бўлганлиги сабабли уни қабул қилган органдан бошқа ҳеч ким қўшимча тарзда тасдиқлаши ва ҳаракатдан тўхтатаб қўйиши мумкин эмас.

Қонун давлат нуқтаи назаридан энг муҳим деб ҳисобланган ижтимоий муносабатларни мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва тартибга солиш воситасидир. Унда мазкур муносабатларни тартибга солишнинг мажбурий характери ва сиёсий-ҳуқуқий меъёри ўз ифодасини топади. Қонунлар фақат сиёсатнинг ифодаси, сиёсий чора бўлиб қолмасдан, бекиёс ижодий ва тарбиявий вазифани бажарувчи катта маънавий бойлик ҳамдир.

Ўзбекистонда қонун ҳуқуқнинг асосий шакли бўлиб, у давлат олий ҳокимият вакиллик органи томонидан махсус белгиланган тартибда қабул қилинади. У давлат муайян ҳолатлар (муносабатлар)га татбиқ қилиш учун чиқарадиган, айнан ўхшаш турдаги ҳолатларга такрор-такрор қўлланадиган, барча фуқаролар, мансабдор шахслар, давлат органлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган умумий қоидаларни ўз ичига олувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатдир.

Республика қонунларида янгиланаётган ижтимоий тузумимизнинг, ҳуқуқий давлат барпо этишнинг энг муҳим принциплари, ривожланишимизнинг йўналишлари ва дастурий вазифалари ўз аксини топади. Бундай муҳим принциплар, аввало, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мустаҳкамланган. Масалан: давлат суверенитети принципи, халқ ҳокимиятчилиги принципи, инсон ҳуқуқларининг устуворлиги принципи, қонунийлик принципи, демократизм принципи, давлат билан шахснинг ўзаро бурчдорлиги принципи, Конституция ва қонун-

нинг олийлиги принципи, ҳокимиятлар тақсимланиши принципи, ижтимоий адолат принципи, қонун ва суд олдида барчанинг тенглиги принципи, айбсизлик презумпцияси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаруви принципи ва бошқалар.

Шундай қилиб, қонун ижтимоий тараққиёт қонуниятларининг юридик шаклдаги ифодасини ўзида акс эттирган ва энг муҳим ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи, халқ иродасини бевосита ифодаловчи, белгиланган тартибда давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи томонидан ёки референдум йўли билан қабул қилинадиган ва олий юридик кучга эга бўлган норматив ҳужжатдир.

Ҳозирги кунга келиб юридик кучга эга бўлиб, амал қилиб турган қонунлар сони 500 дан ортиқ бўлиб, улар норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида қуйидаги хусусиятларга эга: 1) ҳокимият мазмунидаги олий иродани (халқ иродасини) ифода этади; 2) энг муҳим ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилади ва бунда тартибга солишнинг қатъий чегарасини белгилайди; 3) ҳамма учун бир хилдаги умуммажбурий хатти – ҳаракат қондасини ўрнатади ва лозим бўлганда давлат мажбурлов кучи билан таъминланади; 4) махсус ваколатли давлат органи томонидан алоҳида белгиланган таомил асосида яратилади.

Қонунлар ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларига оид муҳим муносабатларни тартибга солишидан келиб чикиб, уларни гуруҳларга, туркумларга ажратиш мумкин. Адабиётларда қонунларни классификация қилишга доир ҳаракатлар амалга оширилган<sup>1</sup>. Назаримизда, қонунларни ҳар қандай туркумлашнинг мезонини ижтимоий ҳаётнинг асосий соҳалари ташкил этади. Бунда иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий-маърифий соҳалар ҳақида гапириш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик тармоқлари умум-ҳуқуқий классификатори ҳам ана шу соҳаларга асосланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 октябрдаги 454-сонли қарори билан Ўзбекистон қонунчи-

<sup>1</sup> Қаранг: Одилқорисв Х.Т. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т., 2002, 245-247 - бетлар; Мухаммаджонов О.З. Парламент демократик тараққиёт йўлида. – Т., 2004, 71-73 - бетлар.

лиги тармоқларининг умумҳуқуқий классификатори<sup>1</sup> тасдиқланган. Аммо, ҳозирги кунда мазкур классификаторга мунтазам тарзда ҳуқуқий ахборотларни сингдириб бориш ишлари фаол амалга оширилмаяпти. Мазкур жараённи оқилона йўлга қўйиш мақсадида умумҳуқуқий классификаторни доимий тарзда янгилаб бориш учун қонунчилик ахборотлари тизимини мониторинг қилиб бориш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Юқоридаги мезонга таянган ҳолда мамлакатимизда амал қилаётган қонунларни қуйидагича туркумлаш мумкин деб ўйлаймиз:

**I. Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги қонунлар.** Бу тоифадаги қонунларга, аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, шунингдек Олий Мажлис палаталари тўғрисидаги конституциявий қонунлар; Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисидаги қонун; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги қонун, Судлар тўғрисидаги қонун, Прокуратура тўғрисидаги қонун, Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги қонун, Ўзбекистон Республикасининг мудофаа тўғрисидаги қонуни ва бошқалар киради. Ушбу тоифага сайлов ва референдум ҳақидаги қонунчиликни ҳам киритиш тўғри бўлади.

**II. Иқтисодий соҳасига оид қонунлар.** Уларга Мулкчилик тўғрисидаги қонун, Ер кодекси, Тадбиркорлик тўғрисидаги қонун, Корхоналар тўғрисидаги қонун, Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги қонун, Инвестициялар ва хорижий инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонунлар, Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисидаги қонун, Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисидаги қонун, Дехкон ва фермер хўжалиги тўғрисидаги қонунлар, Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисидаги қонун, Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонун, Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисидаги қонун, Хўжалик фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги қонун, Маҳсулотлар ва хизматларни сертификациялаш тўғрисидаги қонун, Банкротлик тўғрисидаги қонун, Санация тўғрисидаги қонун, Концессиялар

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идораларининг мезърий ҳужжатлари Ахборотномаси. 1998, 4 – сон, 7-71 – бетлар.

тўғрисидаги қонун, Эркин иқтисодий зоналар тўғрисидаги қонун, Ижара тўғрисидаги қонун, Меҳнат кодекси, Божхона кодекси ва бошқалар қиради.

**III. Ижтимоий соҳа, яъни таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот масалаларига оид қонунлар.** Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун, Ногиронларни ижтимоий муҳофазаси тўғрисидаги қонун, Таълим тўғрисидаги қонун, Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун, Суғурталаш тўғрисидаги қонун, Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонун, Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисидаги қонун, Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун, Шаҳар йўловчи транспорти тўғрисидаги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисидаги қонун, Оила кодекси, Уй-жой кодекси ва бошқалар.

**IV. Кредит, молия ва солиқ соҳасига оид қонунлар.** Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун, Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисидаги қонун, Қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операциялардан олинадиган солиқлар тўғрисидаги қонун, Валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонун, Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонун, Ўзбекистон Республикасининг пул тизими тўғрисидаги қонун, Солиқ кодекси ва бошқалар.

**V. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга тааллуқли қонунлар:** Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун, Касаба уюшмалари ва уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун, Жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонун, Сиёсий партиялар тўғрисидаги қонун, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонун, Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун, Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун, Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун, Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун, Нодавлат ва нотижораат ташкилотлари тўғрисидаги қонун, Адвокатура тўғрисидаги қонун, Фуқаролик кодекси, Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ва бошқалар.

**VI. Табиат ва атроф – муҳитни муҳофаза этишига йўналтирилган қонунлар.** Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин: Табиатни муҳофаза этиш тўғрисидаги қонун, Давлат санитария назорати тўғрисидаги қонун, Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун, Табиий монополиялар тўғрисидаги қонун, Ўрмон тўғрисидаги қонун, Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун, Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун, Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги қонун, Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонун, Ер кодекси ва бошқалар.

**VII. Қонунийлик, жамоат тартиботи ва хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги қонунларга** қуйидагилар киради: Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепцияси тўғрисидаги қонун, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Хўжалик – процессуал кодекси, Жиноят кодекси, Жиноят – процессуал кодекси, Жиноят – ижроия кодекси, Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисидаги қонун, Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун, Прокуратура тўғрисидаги қонун, Судлар тўғрисидаги қонун, Ҳакамлик судлари тўғрисидаги қонун, Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун, Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги қонун, Давлат сирларини сақлаш тўғрисидаги қонун ва бошқалар.

**VIII. Маданий – маърифий ҳаёт соҳасидаги қонунлар.** Ушбу туркумга қуйидаги қонунлар киради: Ўзбекистон Республикасининг давлат тили тўғрисидаги қонун, Давлат мадҳияси тўғрисидаги қонун, Давлат байроғи тўғрисидаги қонун, Давлат герби тўғрисидаги қонун, Ўзбекистон Республикасининг маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун, Ватан ҳимоячилари кунини белгилаш тўғрисидаги қонун, Ўзбекистоннинг орден ва медалларини таъсис этиш тўғрисидаги қонунлар, Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури, Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва



олиб кирилиши тўғрисидаги қонун, Архивлар тўғрисидаги қонун, Кутубхона иши тўғрисидаги қонун, Байрам кунлари тўғрисидаги қонунлар, Ҳомийлик тўғрисидаги қонун ва бошқалар.

**IX. Илм – фан ва янги технологиялар, жамиятнинг ахборотлаштириш соҳасига оид қонунлар:** – Ахборотлаштириш тўғрисидаги қонун, Ноширлик фаолияти тўғрисидаги қонун, Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисидаги қонун, Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисидаги қонун, Электрон ҳужжат айланиши тўғрисидаги қонун, Электрон тижорат тўғрисидаги қонун, Электрон имзо тўғрисидаги қонун, Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисидаги қонун, Интеграл микросхемалар типологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ва бошқалар.

Қонунларнинг юқорида келтирилган туркумланиши шартли бўлиб, биз бу борада энг сўнги мукамалликка даъво қилмаймиз.

Истиқлол йилларида республикада яратилган барча қонун ҳужжатлари мазмуни кўриб чиқиладиган бўлса, уларнинг **ижтимоий йўналтирилганлиги** яққол намоён бўлади. Ижтимоий ҳимояга йўналтирилганлик қонунчилигимизнинг устувор тенденцияси, асосий хусусиятидир. Республикамизнинг қонунчилик тизими ҳуқуқ тизимига мувофиқ тарзда жамият ҳаётининг барча соҳаларини камраб олади. Қонунчилик тизимига кирувчи тармоқларнинг талайгина қисми ижтимоий соҳадаги муносабатларни тартибга солади. Шу маънода давлатимизнинг **ижтимоий қонунчилиги** ҳақида фикр юритиш мумкин.

**Ижтимоий соҳадаги қонунчилик** деганда, аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳофазалаш, иш билан бандлик ва меҳнат муносабатлари, уй-жой, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маориф, халқ таълими, спорт, маданият, санъат, адабиёт масалаларини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими назарда тутилади. Энциклопедик таърифга кўра, ижтимоий қонунчилик – бу давлат томонидан инсонларнинг ижтимоий ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга қаратилган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий актларнинг

қабул қилиниши ва амалга оширилаётган ҳужжатларнинг йиғиндисидир<sup>1</sup>.

Шу соҳага бевосита бағишланган қонунчилик ҳужжатлари қаторида Меҳнат кодекси, Фуқаролик кодекси, Оила кодекси, Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги, Соғлиқни сақлаш тўғрисидаги, Таълим тўғрисидаги, Ногиронларни ижтимоий муҳофазалаш тўғрисидаги, Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисидаги, Бандлик тўғрисидаги, Суғурта фаолияти тўғрисидаги, Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги, Давлат санитария назорати тўғрисидаги ва бошқа кўплаб қонунларни келтириш мумкин.

Аммо давлат қурилишига, сиёсий демократия ва сайлов тизимини ривожлантиришга, фуқаролик жамияти институтлари мақомига тегишли, ҳуқуқ-тартиботини мустаҳкамлашга ва бошқа соҳаларга оид қонунчилигимизда ҳам инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари, гуманизм принциплари устуворлик қилиши умуман қонунчилигимизнинг ижтимоий мазмун ва маъно касб этиб бораётганлигидан далолат беради.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни ҳуқуқий тартибга солиш назарияси ва амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, бу соҳадаги қонунчилик ривожланиб кенгайиб бормоқда. Қонунчилигимизга халқаро ҳуқуқнинг умуминсоний мезонлари имплементация қилиб борилиши ҳисобига ҳам ижтимоий мазмундаги ҳуқуқий нормалар ва ҳужжатлар ҳажми ортмоқда. Шу боис бугунги кунда ижтимоий соҳадаги қонунчиликни консолидациялаш (умумлаштириш) ва кодификация қилиш эҳтиёжи кун тартибига чиқмоқда. Масалан, пенсия қонунчилигини, ижтимоий таъминот қонунчилигини, транспорт хизмати кўрсатиш қонунчилигини либераллаштириб бориш асосида ислоҳ этиб, уларни кодекслаштириш устида иш бошлаш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Эътироф этиш ўринлики, бир қатор Европа давлатларида ижтимоий қонунчилик кодекслаштирилган. Францияда

<sup>1</sup> Конституциявий ҳуқуқ. Энциклопедик дугат. Масъул муҳаррир Б.Мустафоев. Тошкент, 2006, 139 – бет.

ижтимоий соҳадаги қонунчилик инкорпорация қилинган; Германияда ижтимоий соҳадаги қонунлар умумлаштирилиб “Ижтимоий кодекс” шаклига келтирилган; Швецияда ялпи суғурталаш тўғрисидаги 1962/381 – қонун амал қилади.

Қонунчилигимизда тобора салмоқли ўрин эгаллаб бораётган ижтимоий мазмундаги ҳуқуқий нормалар ва принципларни умумлаштириб, уларнинг тартибга солиш объектлари, предмети ва методини илмий таҳлил этиб, янги ҳуқуқ соҳаси – ижтимоий ҳуқуқ тармоғини асослашга уриниб кўриш ҳуқуқшунослик фанимизнинг долзарб вазифасидир.

Қонунларнинг жамият ҳаётидаги аҳамиятидан келиб чиқиб, уни яратиш ҳам алоҳида масъулият билан ёндашишни талаб этади. «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Қонуннинг 13-моддасига биноан, Қонунлар лойиҳаларини тайёрлашда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг принциплари ва нормалари ҳисобга олинади. Қонунлар лойиҳалари қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқ бўлиши керак<sup>1</sup>.

Шунингдек, қонун лойиҳасини тайёрлаш учун қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти томонидан ишчи гуруҳи (комиссияси) тузилиши мумкин. Ишчи гуруҳи (комиссияси) тартибига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти юридик хизматининг ва бошқа бўлинмаларининг вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идораларнинг тегишли тармоқлар ёки бошқарув соҳаларининг ҳолати ва ривожланиши учун масъул бўлган вакиллари, бошқа манфаатдор давлат органлари, илмий муассасалар, нодавлат ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек фуқаролар киритилиши мумкин.

Мамлакатимизда қонунларнинг ижросини таъминлаш ва ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда Президенти

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006. 10-сон.

деятининг фармон, қарор ва фармойишлари муҳим аҳамиятга эга. Шу бугунга қадар Ўзбекистон Президентининг 4000 дан ортиқ фармонлари, 900 дан ортиқ қарорлари, 2950 дан ортиқ фармойишлари қабул қилинган.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари* қонун ости ҳужжатларнинг юқори чўққисида туради. Президент фармонлари норматив ва индивидуал хусусиятга эга бўлиши мумкин. Фармонлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқ ва уларнинг ижроси юзасидан чиқарилади.

Ўзбекистон Президенти давлат бошлиғи сифатида республика ҳудудида мажбурий тарзда амал қилувчи фармонлар чиқаради. Президентнинг давлат ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи фигура сифатида давлат механизмида тутган қатъий ўрни унинг фармонларини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида эгаллайдиган юксак мавқеини ва ролини белгилаб беради.

Президент фармонлари юридик кучи ва аҳамияти жиҳатидан қонундан кейинги ўринда туради. Бироқ, ҳокимиятлар бўлиниши принципи давлат ва сиёсий тизимимизга жорий этилган ҳозирги шароитда фармонни оддийгина «қонуности ҳужжати» деб тушуниш тўғри бўлмайди. Бундай эскича талқиндан воз кечиш керак. Фармон давлат бошлигининг Конституцияда белгиланган ваколатларини амалга ошириш юзасидан чиқарилган ҳужжатидир. Шу боис уни «қонуности ҳужжати» эмас, балки «конституциявий даражадаги ҳуқуқий ҳужжат» деб аташ тўғри бўлади. Унинг қонун билан муносабатига келганда шунини айтиш лозимки, Президент ваколатига тааллуқли масала бўйича чиқарилган фармонни қонун билан ҳам бекор қилиш мумкин эмас. Масалан: Президент фармони билан тайинланган Бош Прокурор ёки вазирни қонун билан вазифасидан озод этиб бўлмайди. Бундай лавозимларга ҳатто қонун билан ҳам бирор шахсни тайинлаб бўлмайди. Борди-ю, шундай қилинган тақдирда мазкур қонун Конституцияга зид бўлиб, юридик кучга эга бўлмайди. Чунки бу Президентнинг конституциявий ваколатларига дахл қи-

лиш бўлади. Ва аксинча, Конституцияда қонун билан тартибга солиниши кўзда тутилган масала бўйича фармон чиқарилиши мумкин эмас. Ҳокимиятлар бўлиниши принципнинг қатъий талаби ана шундай<sup>1</sup>.

Президент фармонлари юксак нуфузлилиги туфайли мамлакат иктисодиётининг, аҳоли ижтимоий ҳаётининг ҳамда давлат бошқарувининг қонунлар ва ҳукумат қарорлари билан қамраб олинмаган талайгина долзарб масалаларини тез ва самарали ҳал этиш имконини беради<sup>2</sup>.

Президент фармонлари стратегик ва дастурий характерга эга бўлиб, уларда Ҳукумат, у ёки бу вазирлик, давлат қўмитаси муайян йирик мураккаб масалани қандай ҳал этиши кераклигининг аниқ режаси ва йўл-йўриқлари белгилаб берилади. Фармонлар Вазирлар Маҳкамаси ва давлат бошқарувининг бошқа бўғинлари фаолиятига раҳбарлик қилишнинг самарали воситасидир. Бирок, фармонлар ҳукумат қарорлари ўрнини эгаллаб олмайди. Ҳар икки турдаги бу ҳужжатлар Конституция ва қонунда белгиланган ваколатлар доирасида чиқарилади.

Фармон билан қонунга қўшимча ёки ўзгартириш киритиш мумкин эмас, у қонун асосида ва қонун ижросини таъминлаш мақсадида чиқариладиган ҳужжатдир. Шу ўринда қонун билан фармон ўртасидаги муносабатни аниқроқ баён этиш лозим:

*биринчидан*, қонун парламентнинг, ҳокимият олий вакиллик органининг ҳужжати; фармон эса, давлат раҳбарининг олий даражадаги ҳужжати;

*иккинчидан*, қонун ҳамиша норматив характерга эга бўлади; фармон норматив ҳужжат бўлиши ҳам, индивидуал ҳужжат бўлиши ҳам мумкин.

*учинчидан*, қонун ўз юридик кучи жиҳатдан фармондан устун туради; фармон норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иерархиясида қонундан кейинги ўринни эгаллайди. Қонун билан фармоннинг қоидалари ўзаро зид келиб қолган тақдирда, қонун устуворлик қилади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.: 12. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси». Давлат илмий нашриёти, 2006. 205-бет.

<sup>2</sup> *Одилқориев Ҳ.Т.* Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. – Т.: 1995. 47-бет.

Шунинг учун қонуннинг ҳам, фармоннинг ҳам ўзига хос алоҳида тартибга солиш предмети борлигини ёдда тутиш лозим. Конституцияга мувофиқ, фармон билан ҳал этиладиган масала бўйича қонун чиқариш мумкин эмас ва аксинча. Бироқ, барча норматив ва кадрларни тайинлашга оид фармонлар парламент – Олий Мажлиснинг палаталари тасдиғидан ўтиши лозим.

Қонун Конституцияда белгиланган алоҳида катъий ўрнатилган тартибда (одатда, тўрт мажбурий босқичли жараён натижасида) қабул қилинади. Фармонни қабул қилиш эса, қонун ижодкорлиги жараёнидаги сингари махсус босқичларни амалга оширишни талаб этмайди<sup>1</sup>.

Ҳозирда мамлакатимизда Президент фармонларининг ижобий таъсири ва мавқеи тобора ошиб бормоқда. Яъни, фармонлар орқали муҳим ижтимоий муносабатлар ҳуқуқий тартибга солинаётир. Жумладан, 1999 йил 17 мартда “Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент фармони қабул қилинди. Унга кўра, шу йилнинг 1 июлидан бошлаб, аёллар ёшга доир пенсияга чиққандан кейин, ўрта ва кичик медицина ҳодимлари, провизорлар, ногирон болаларнинг интернат уйларида, “Меҳрибонлик» уйларида ишловчи тарбиячилар, шунингдек кутубхоначилар сифатида ишлашни давом эттираётган ва пенсияга чиқиш олдидан шу мутахассисликлар бўйича камида ўн йил стажга эга бўлганларнинг пенсияни тўлиқ миқдорда олиш ҳуқуқи сақлаб қолинадиган бўлди<sup>2</sup>. 1999 йил 14 апрелда эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан алоҳида қонун қабул қилиниб, аёлларнинг пенсияга чиқиш ёши яна бир йилга камайтирилиб, у 54 ёш қилиб белгиланди. Шунингдек, унда бола тарбияси учун шароит яратиш ҳамда аёлларнинг меҳнатдан манфаатдорлигини ошириш мақсадида: 3 ёшгача болалари бор, бюджет муассаса ва ташкилотларида ишлаётган аёлларга иш ҳақини камайтирмасдан, ҳафталик иш вақти 35 соатдан

<sup>1</sup> *Одилқориев Х.Т.* Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. – Т.: 1995, 51-бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари. 1995 – 1999. – Т.: “Алоқат”, 2000, 293-бет.

ошмайдиган муддат белгиланди<sup>1</sup>. Бу аёллар ва болаларга ижтимоий ғамхўрликнинг яққол намунасидир.

2004 йил 25 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борисидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги»ги фармони эълон қилинди<sup>2</sup>. Фармонда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, оилада, жамият ва давлат қурилишида уларнинг ролини кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бунда хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизларни касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал соҳаларда ўстириш, уларнинг фаоллигини ҳамда давлат қурилишида фаол иштирок этиши бўйича умуммиллий сиёсатни амалга ошириш дастури маъқулланди<sup>3</sup>.

Сўнгги ўтган ўн йил давомида мамлакатимиз Президентининг фармон ва фармойишларида соғлиқни сақлаш масаласи устувор вазифалар қаторида кўрилмоқда. Жумладан, 1998 йил 11 ноябрда “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Президент Фармони қабул қилинган эди. Фармонда мамлакатимизда бирламчи тиббий-санитария бўғинларида туб ўзгаришлар амалга ошириш кўзда тутилган. Шунингдек, бу ҳужжатда беморларга вилоят миқёсида ягона стандартлар асосида хизмат кўрсатувчи, юқори технологиялар билан жиҳозланган кўп тармоқли тиббиёт марказлари ташкил этилиши кўрсатилган эди. 2007 йил 22 январда Ўзбекистон республикаси Президентининг “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ишларининг боришини ўрганиш ва бу борадаги ислохотларни янада чуқурлаштиришга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқиш масалалари бўйича Ишчи гуруҳини ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши қабул қилинган. Унда, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурининг бажарилишини чуқур таҳлил этиш ва баҳолаш, шунингдек, соғ-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999, 5-сон, 112-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004, 5-сон, 113-модда.

<sup>3</sup> Хотин-қизлар фаоллигини ошириш – давр талаби. – “Халқ сўзи”, 2004 йил, 22 июнь.

лиқни сақлаш тизимини янада ислох қилишга оид муҳим тамо-йил ва ёндашувлар бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда киритиш мақсадида салмоқли чора-тадбирлар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг молия ва иқтисод соҳасига оид фармонларига ҳам эътибор қаратиш лозим. Масалан, 2006 йилнинг 19 декабрида банк тизимининг барқарор ривожланишини, тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш, уларнинг инвестиция ва иқтисодий таркибий ўзгартириш жараёнларида фаол иштирок этишларини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини оширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>1</sup>ги фармони қабул қилинган. Унда, юридик шахсларнинг тижорат банклари акциялари бўйича дивидент сифатида олинган даромадлари солиқдан озод қилиниши; фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиққа тортиш базасини бирламчи ва қўшимча равишда чиқарилган тижорат банклари акцияларини харид қилишга йўналтириладиган маблағлар суммасига тенг миқдорда камайтириш каби масалалар ўз аксини топганлиги диққатга сазовордир.

Шунингдек, 2007 йил 14 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»<sup>1</sup>ги фармони қабул қилинган. Бу фармонда, хўжалик субъектлари томонидан ишлаб чиқаришни мунтазам модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, уни юқори сифатли ракобатбардош, экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини берадиган илғор замонавий ускуналар билан таъминлашга қаратилган самарали рағбатлантириш тизимини яратиш мақсадида муҳим чора-тадбирлар белгиланган. Жумладан, хўжалик юритувчи субъектларга уч йил мобайнида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга, ушбу мақсадлар учун берилган кредитларни қайтаришга, лизинг объекти қийматини тўлашга йўналтирилган маб-

<sup>1</sup> Қаранг: Халқ сўзи, 2006 йил, 20 декабрь.



лағлар миқдорида, тегишли ҳисобот даври учун ҳисобланган аммортизация маблағларидан фойдаланиш шарти билан, фойдадан олинадиган солиқ базасини камайтириш ҳуқуқи беришган. Шунингдек, ишлаб чиқишга жорий этилган янги технологик жиҳозлар беш йил муддатга мулк солиғидан озод этилиб, солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартиби қўлланиладиган ишлаб чиқариш микрофирмалари ва кичик корхоналари учун беш йил давомида ягона солиқ тўлови тўлашда солиққа тортиладиган базани харид қилинган янги технологик жиҳозлар қийматига тенг, аммо солиққа тортиш базасининг 25 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда камайтирган ҳолда солиқ имтиёзлари жорий этилди.

Мамлакатимизда 2007 йил «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши муносабати билан бир қанча ижтимоий муҳофазага оид фармонлар қабул қилинди. Масалан, шундай фармонлардан бири 2007 йил 19 мартда қабул қилинган «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони-дир.<sup>1</sup> Ушбу Фармонда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурига мувофиқ ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда аниқ йўналтирилган ва табақалашган ёндашувни янада кучайтириш, кам таъминланган оилаларга зарур моддий ёрдам кўрсатиш орқали уларни қўллаб-қувватлашни таъминлаш, ижтимоий хизмат кўрсатиш тизими ходимлари меҳнатини рағбатлантириш ва ҳақ тўлаш механизминини такомиллаштириш, шунингдек, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида изчил чора-тадбирлар белгиланди. Жумладан, давлат бюджетидан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тўлаш учун ажратиладиган бюджет маблағларини 1,5 бараварга ошириш кўзда тутилди. Шунингдек, эҳтиёжманд оилаларга давлат томонидан ижтимоий ёрдам кўрсатиш механизмларини амалга оширишда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари роя этиши лозим бўлган тамойиллар янада такомиллаш-

<sup>1</sup> Қаранг: Халқ сўзи, 2007 йил, 20 март.

тирилди. Ёлғиз фуқаролар, қариялар ва ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида қариялар ва ногиронлар учун интернат-уйлари, уруш ва меҳнат фахрийлари санаториялари, ногиронлар реабилитация марказларининг моддий-техник таъминотини яхшилаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Фармонда тиббий-ижтимоий муассасалар ходимларини моддий рағбатлантириш фонди миқдорини 15 фоиздан 25 фоизгача ошириш, «Мурувват» болалар интернат-уйлари тарбиячилари, ўқув-ёрдамчи ходимлар ва санитарлар иш ҳақини ўртача 10 фоизга кўпайтириш белгилаб қўйилди. Шунингдек, ногирон болалар билан олиб бориладиган ўқув-тарбия ишлари сифатини ошириш мақсадида «Мурувват» интернат-уйлар тарбиячилари учун иш меъёри 3 баравар, яъни ҳар бир тарбиячи учун 15-18 нафар боладан 5-6 нафар болагача камайтирилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ фармонларидан яна бири 2007 йил 17 сентябрда қабул қилинган «Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонидир. Мазкур фармонда, аҳоли даромадлари ва фаровонлиги даражасини муттасил ўстириб бориш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган сиёсатни амалга оширишни давом эттириш, кексалар тўғрисидаги ғамхўрликни ҳар томонлама кучайтириш, уларнинг пенсиялари миқдорини ошириш, шунингдек, пенсия таъминоти тизимини изчиллик билан такомиллаштириб бориш мақсадида инсонпарварлик руҳидаги чора-тадбирлар белгиланган<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг муҳим фармонларидан яна бири 2007 йил 26 февралда қабул қилинган «Халқ таълими муассасаларини молиялаштириш механизмининг такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонидир<sup>2</sup>. Унда халқ таълими муассасаларини молиялаштириш механизмининг такомиллаштириш, молиявий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда таълим муассасаларининг мустақиллигини кенгайтириш ва масъулияти-

<sup>1</sup> Қаранг: Халқ сўзи. 2007 йил, 17 сентябрь.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон овози. 2007 йил, 27 февраль.

ни ошририш, бюджет маблағларини мақсадли ва самарали фойдаланиш, шунингдек, таълим-тарбия жараёнини мувофиқлаштириш ва услубий раҳбарлик қилишни кучайтириш масалалари ўз аксини топган.

2008 йилда ҳам ижтимоий ҳимоя масаласи Президент фармонлари мазмунида асосий ўринни эгаллаб келмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тижорат банкларида аҳоли омонотлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони<sup>1</sup>. Бу фармонда, аҳолининг банк тизимиغا ишончини мустаҳкамлаш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантириш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш учун инвестиция ресурсларининг ғоят муҳим манбаи сифатида аҳолининг эркин пул маблағларини тижорат банклари омонотларига жалб этишни янада рағбатлантириш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар белгиланган. Жумладан, 2008 йил – 2009 йил 1 апрель оралиғидаги даврда истаган киши банкда ўз депозит ҳисобварағини очиши, унга миллий ва хорижий валютада келиб чиқиш манбаларини тасдиқлайдиган ҳужжатларни тақдим этмаган ҳолда исталганча пул маблағларини ~~чекдан~~микдорда қўйиши мумкин. Фармоннинг яна бир муҳим банди шундаки, жисмоний шахслар томонидан қўйилган пул маблағлари 2008 йилнинг 1 апрель – 2009 йил 1 апрелигача бўлган оралиқда солиқ органлари томонидан текширилмайди – чунки улар барча турдаги солиқлардан ва мажбурий тўловлардан озод этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшларга бўлган эътибори «Соғлом авлод учун» халқаро ҳайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги (1993 йил 23 апрель), «Ижодкор ёшларнинг «Истеъдод» республика жамғармасини тузиш ҳақида»ги (1993 йил 4 май), «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида»ги (1996 йил 10 декабрь), «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш

<sup>1</sup> Каранг: Халқ сўзи. 2008 йил, 22 февраль.

жамғармасини тузиш ҳақида» ги (2002 йил 24 октябрь), «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумиймиллий дастури тўғрисида» ги, «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги (2007 йил 18 май)<sup>1</sup> фармонларида ўз аксини топган.

Ёш оилаларнинг эҳтиёж ва талабларига алоҳида эътибор ифодаси бўлган ушбу фармонга махсус тўхталиш лозим. Ёш оилаларга муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шарт-шароитларни яратиш бериш, рўзгорни бутлаш учун маблағ ва кредит билан таъминлаш, маънавий етук, жисмоний соғлом болаларни тарбиялаш вояга етказиш, мустақил ҳаётга кириб келишида уларга ёрдам кўрсатиш, ташаббусни рағбатлантириш омилларини яратиш фармоннинг бош мақсадидир. Шу асосда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ёш оилаларга имтиёзли кредит ажратишнинг соддалаштирилган тартибини белгилаб берувчи «Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли асосда кредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» ишлаб чиқилиб, Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилди. Оилавий тадбиркорликни ташкил этиш учун микрокредитлар, ипотека, истеъмол кредити бериш, касаначиликни қўллаб-қувватлаш мақсадларига 2007 йилда 50,0 миллиард сўм ажратилди. Ушбу маблағ куйидаги соҳаларга йўналтирилди:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил қилиш;
- уй-жой куриш, таъмирлаш ва сотиб олиш (ижарага олиш);
- уй-хўжалигини йўлга қўйиш;
- мебель ва бошқа узоқ муддат фойдаланиладиган ҳаётий зарур товарлар сотиб олиш.

Фармон татбиқ этиладиган ёш оила тоифасига, ҳар бири 30 ёшдан ошмаган, биринчи марта расмий никоҳдан ўтган ёшлар қиради.

Ёш оилалар фармонда белгиланган фаолият йўналишлари натижасида ҳосил қилган даромадлари солиққа тортилмаслиги

<sup>1</sup> Халқ сўзи. 2007йил, 19 май.

белгилаб қўйилди. Хўжалик субъектларига даромад солиғи ёки ягона солиқ тўловини ҳисоблашда солиққа тортиладиган базани ёш оилалар тоифасига кирувчи ходимларга ипотека кредитлари бадаллари тўлашга ва (ёки) мулк сифатида уй-жой сотиб олишга текин берилган маблағлар суммасига тенг ҳажмда, аммо солиққа тортиладиган базанинг 10 фоизидан ошмаган миқдорда, камай-тириш ҳукуқи берилиши назарда тутилган<sup>1</sup>.

2008 йилнинг май ойида «Адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони қабул қилиниши давлатимиз раҳбарининг инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратаётган эътиборининг ифодаси бўлди. Унда адвокатура институтини жамиятни демократик янгилаш жараёни билан узвий боғлиқ равишда ислоҳ қилишга доир кенг камровли масалалар ўз аксини топган.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, муайян масалаларни ҳал этиш юзасидан *Ўзбекистон Республикаси Президенти норматив тусдаги қарорлар* ҳам қабул қилади. Масалан, 2005 йил 10 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастури тўғрисида»ги ПҚ–24 сонли, 2007 йил 7 сентябрда «2007–2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2007 йил 19 ноябрда «2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш тўғрисида»ги, 2007 йил 8 ноябрда «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2007 йил 23 январда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисида»ги, 2007 йил 12 июлда «Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2008 йил 29 февралда «Ёшлар

<sup>1</sup> Халқ сўзи. 2007 йил, 19 май.

йили» Давлат дастури тўғрисида»ги, 2008 йил 23 июнда «Суд конунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида»ги ва бошқа қарорларини келтириш мумкин.

Мисол тариқасида «Ёшлар йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарорини кенгрок кўриб чиқайлик. Унда ёшларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги етилган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш, узлуксиз таълим тизимида ислохотларни янада чуқурлаштириш, реал иктисодиётда ва мамлакат ҳаёт-фаолияти соҳаларида таълим муассасалари томонидан тайёрланадиган мутахассисларга бўлган талабни таъминлаш мақсадида бир қатор аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Жумладан, ушбу ҳужжатда ёшларнинг манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ҳуқуқий базани такомиллаштириш ҳамда мустаҳкамлаш; амалдаги конун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш; таълим ва кадрлар тайёрлаш бутун тизими даражаси ҳамда сифатини тубдан ошириш; мактаблар, ўрта махсус, касб-хунар таълими ва олий ўқув муассасаларидаги таълим стандартлари ва ўқув дастурларини замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда танқидий таҳлил қилиш ҳамда янгилаш, педагог кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этишни такомиллаштириш; ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, ОИТС, гиёвандлик, кашандалик ва бошқа зарарли одатларга қарши кураш бўйича профилактика чора-тадбирларини амалга ошириш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, ёшлар спортини оммавий ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш; олий ўқув юртлари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларининг, шунингдек, муддатли ҳарбий хизматни тугатган ёшларнинг, айниқса, кичик шаҳарлар ва қишлоқларда ишга жойлашиши билан боғлиқ масалалар бутун комплексини ҳал этиш; ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший турмуш шароитларини яратиш; уй-жойни

ободонлаштириш учун зарур маблағлар ва кредитлар бериш; маънавий бой ва жисмонан соғлом болаларни тарбиялаш чоратадбирларининг самарали тизимини амалга ошириш каби масалалар кўзда тутилган.

2007 йил 8 ноябрда қабул қилинган “Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорда эса, банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, тижорат банкларининг рақобатбардошлиги, молиявий барқарорлиги ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш, банкдан ташқари айланмани камайтириш, жумладан озиқ-овқат (деҳқон) бозорларидаги нақд пулларни банк айланмасига жалб этиш ҳамда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар кўламини кенгайтириш мақсадида тезкор чоратадбирлар белгиланган<sup>1</sup>.

Таъкидланганидек, 2008 йил 23 июндаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. У Ўзбекистонда мустақилликка эришилган кундан бошлаб суд-ҳуқуқ тизимида амалга ошириб келинаётган чуқур демократик ислоҳотларни давом эттиради ва ҳуқуқни қўллаш ҳамда суд амалиётини такомиллаштириш, суд обрўсини мустаҳкамлаш, унинг қонун устуворлигини таъминлашга, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини пухта ҳимоя қилишга оид фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган. Қарорда белгиланганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузурида ташкил этилаётган муассаса, авваламбор, тадқиқот маркази ҳисобланади ва унинг вазифаси Олий суд органлари тизимида суд-ҳуқуқ муносабатларини янада ислоҳ қилишнинг иккита муҳим йўналишини амалга ошириш – уни либераллаштириш ва демократлаштириш, шунингдек, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш ҳолатини тадқиқ этиш ҳамда улар бўйича тақлифлар тайёрлашдан иборат<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Халқ сўзи, 2007 йил, 9 ноябрь.

<sup>2</sup> Халқ сўзи, 2008 йил 24 июнь.

Шу ўринда муҳим бир масалага эътибор қаратиш зарур. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонуннинг «назаридан» четда қолган жиддий масалалар ҳам бор. Жумладан, амалиётда Президент фармонидан ташқари мамлакатда бозор иқтисодиётига ўтиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқий ислоҳот ўтказишга мувофиқ келадиган янги қонунлар ишлаб чиқиш ҳамда амалдаги қонунчилик ҳужжатларини ана шу талабларга мослаб такомиллаштириш борасидаги ишларга тубдан таъсир кўрсатиш мақсадида, шунингдек республикамизнинг жаҳон ҳамжамиятига кирганлиги муносабати билан рўй бераётган жараёнлар амалдаги қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқишни ва бошқаришнинг иқтисодий услубларини жорий этишга, жамиятни, унинг иқтисодиётини, ижтимоий ва бошқа соҳаларини сифат жиҳатдан янги ҳолатга кўтариш мақсадида Президент қарорлар ва фармойишлар қабул қилишини яхши тушунамиз. Ушбу институтлар мустақиллик йилларида фаол амал қилиб келадиган бўлса-да, афсуски, ҳозирги кунга қадар қонунда ўзининг юридик ифодасини топгани йўқ. (Юқорида биз мазкур ҳужжатларни «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонунга киритиш зарурлиги ҳусусида тақлиф киритган эдик).

Ўзбекистон Республикаси Конституцияга 2003 йил 24 апрелда киритилган ўзгартиришлар асосида унинг 94 ва 98-моддаларининг янги таҳрири кучга кирганлиги муносабати билан мамлакат норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тизимида Ўзбекистон Республикаси Президенти қарор ва фармойишларининг нуфузи ва аҳамияти янада ортди. Табиийки, улар Ҳуқуматнинг қарор ва фармойишларидан ўз предметига кўра фарқ қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор ва фармойишлари давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 4 февралда қабул қилинган № Р 2118-фармойишига мувофиқ, алоҳида муҳим йўналишлар ва масалалар юзасидан чиқарилади, яъни:

1) солиқ, пул-кредит ва валюта сиёсатининг асосий йўналиш ва параметрлари бўйича;



2) солиқ ва божхона масалаларида имтиёз ва преференциялар бериш бўйича;

3) йиллик ва квартал валюта баланслари, давлатни ташқи қарзлари масалаларни ҳал қилиш бўйича;

4) қимматбаҳо металллар билан бўладиган операциялар ва уларни казиб олишга бўладиган давлат буртмалари бўйича;

5) иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш бўйича;

6) давлат сафарбарлик ва стратегик аҳамиятга эга резервларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш масалалари бўйича;

7) давлат хавфсизлиги ва мудофаа қобилиятини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасини қўриқлаш, давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини қўриқлаш, шунингдек стратегик аҳамиятга молик бошқа масалалар бўйича;

8) ташқи ишлар вазирлиги ва дипломатик хизматларнинг фаолиятини тартибга солувчи масалалар бўйича.

Масалан, 2004 йил 19 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2008 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши қабул қилинган. Унда, педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш тизимини, мактабларнинг олий маълумотли ўқитувчилар билан таъминланиш даражасини танкидий таҳлил қилиш; ўқитувчилар меҳнатини кадрлаш ва рағбатлантириш, айниқса, уларнинг қишлоқ мактабларида муқим жойлашиб қолиши масаласига алоҳида эътибор қаратилиши каби масалалар ўз аксини топган.

**Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари** ҳам қонун ости ҳужжатлари ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон қарор ва фармойишларига мувофиқ қарорлар

шаклида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади. Ўзбекистон Конституциясининг 98-моддасига биноан, Республика Ҳукумати – Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонунларга мувофиқ мамлакатнинг бутун ҳудудида барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилади ва фармойишлар чиқаради. Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг фаолиятига самарали раҳбарликни таъминлаш мақсадида қонунлар, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари норматив-ҳуқуқий характерга эга бўлиб, улар иқтисодиёт, ижтимоий-маданий соҳадаги муносабатларни тартибга солишга ва бошқа ижроия ҳокимият идоралари фаолиятини бошқаришга йўналтирилгандир. Ҳукумат қарорлари ва фармойишлари қонунга ёки Президент фармонига зид келиб қолса, қонун ёки фармон амал қилади. Ҳукуматнинг бундай қарори бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши шарт бўлади. Бу юридик аксиомадир.

Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари фақат Конституция ва қонун билан белгилаб берилган ваколат доирасидагина чиқарилиши мумкин. Президентлик лавозими таъсис этилганидан буён, аксарият ҳолларда, Президент фармонлари ва қарорларида Ҳукуматга топшириқлар ифодаланиб, унга тегишли қарор қабул қилиш вазифаси юклатилади.

Масалан, «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисида» 2007 йил 23 январдаги ПҚ–573–сонли қарорида берилган топшириққа биноан, уни бажариш юзасидан «Ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида ўқиётган ҳамда тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган болаларни моддий таъминлаш нормаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги Вазир-

лар Маҳкамасининг 2007 йил 29 ноябрда 247-сонли қарори қабул қилинган.

Унда етим қолган ва ота-онасининг қаровисиз қолган болаларни моддий таъминлаш нормаларини такомиллаштириш ва тартибга солиш мақсадида, шунингдек жумладан; ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида ўқиётган ҳамда тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган болаларга уларнинг шахсий харажатлари учун ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдоридан пул тўловлари белгилаш; Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ўрта махсус, касб-хунар таълим маркази, таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан биргаликда ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳамда олий таълим муассасаларида ўқиётган етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган болаларни оромгоҳларга, шу жумладан санаторий типидagi оромгоҳларга, пансионатлар ва профилакторийларга, дам олиш уйларига, спорт-соғломлаштириш оромгоҳларига, тиббий кўрсатмалар мавжуд бўлганда эса – тегишли йўналишдаги санаторийларга бепул йўлланмалар билан таъминлаш масалалари назарда тутилди<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги ПҚ-24-сонли «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастури тўғрисида»ги қарорига ва «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 8 январдаги «Муаллифлик ҳақи ва бошқа ҳақ тўлаш ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинган. Унда ижодий жараёни янада рағбатлантириш ва фаоллаштириш, халқимизнинг маънавий-ахлоқий анъаналарини тиклаш ва янада ривожлантириш, бадий жиҳатдан юксак

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг Қарорлар тўплами. – Т.:, 2007. 11 - сон. 67-модда.

асарлар яратиш мақсадида зарур чора-тадбирлар белгиланган<sup>1</sup>. 2007 йил 8 майда эса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил апрелдаги ПҚ-616 қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида Вазирлар Маҳкамаси тегишли қарор қабул қилган<sup>2</sup>.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Вазирлар Маҳкамаси нафақат Президент фармон ва қарорларининг бажарилиши юзасидан қарорлар чиқаради, балки Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва Вазирлар Маҳкамасининг ўзи чиқарган қарорларнинг ижроси юзасидан ва умуман олганда ўз ваколати доирасида, юқори органларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига зид бўлмаган тарзда турли масалаларда қарорлар чиқариши мумкин.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарлари олиб келишни такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида»ги қарори «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 20 августдаги 295-сонли қарорини бажариш юзасидан, шунингдек истеъмолчиларни истеъмол товарларни тўғрисидаги ишончли ахборот билан давлат тилида таъминлаш мақсадида қабул қилинган<sup>3</sup>.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 январдаги «Кимё саноати корхоналарини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш ва кишлок хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатишни

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг Қарорлар тўплами. – Т., 2007. 1 - сон. 4-модда.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг Қарорлар тўплами. – Т., 2007. 5 - сон. 25-модда.

<sup>3</sup> Халқ сўзи. 2002 йил, 6 декабрь.

яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситаларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг яхлит тузилмасини яратиш, уларнинг қишлоқ хўжалигига етказиб берилганлиги учун ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш, худудий агрокимё хизматларининг масъулиятини ошириш, улар ва ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасидаги ўзаро муносабатларни яхшилаш мақсадида қабул қилинган<sup>1</sup>.

Шунингдек, яна бир мисол сифатида Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юкори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги қарорини келтириш мумкин. Унда маҳсулотларни сотишнинг бозор принциплари ва механизмларини кенг жорий этиш, марказлаштирилган тақсимлаш тизимини тугатиш, мулкчилик шаклларида қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектларнинг моддий-техника ресурслари олиши учун тенг шарт-шароитлар яратиш, бозор нархлари шакллантирилиши механизмини такомиллаштириш масалалари назарда тутилган<sup>2</sup>.

Шу билан бирга айтиб ўтиш жоизки, Вазирлар Маҳкамаси Президентнинг норматив ҳужжатларида белгилаб қўйилган масалаларни ҳал қилиш учун мазкур йўналишга дахлдор бўлган вазирлик ва идораларни бирлаштирган ҳолда муҳим сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-маданий масалаларни ҳал этиш учун Вазирлар Маҳкамасининг комплекс ёки мақсадли дастурлари ва тадбирларини ишлаб чиқиш учун ишчи гуруҳлар ташкил этиб, тегишли масала юзасидан томонларнинг нуқтани назарларини ўрганиб чиққан ҳолда қарорлар қабул қилиши мумкин. Ёки мазкур соҳага масъул вазирликни белгилаган ҳолда, бошқа вазирликлар билан узвий биргаликда масалани ҳал қилишни топшириши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг кўриб чиқиши учун масалалар белгиланган тартибда, қоида тариқасида, Ўзбекистон Республи-

<sup>1</sup> Халк сўзи. 2004 йил, 24 январь.

<sup>2</sup> Халк сўзи. 2004 йил, 5 февраль.

каси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларининг лойиҳаси шаклида киритилади.

Лойиҳалар қонунчилик техникаси нуктаи назаридан аниқ ифодаланиши, Конституция ва қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ келиши, кўриб чиқилаётган масаланинг пухта таҳлилини ва ҳолис баҳосини ўз мазмунида мукамал акс эттириши, ижрочилар олдига аниқ мақсад ва вазифалар қўйиши, уларни бажаришнинг аниқ муддатларини белгилаши шарт.

Тайёрланаётган лойиҳа бошқа ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёхуд уларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблашни талаб этса, ушбу ўзгартириш ва қўшимчалар, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисидаги таклифлар тайёрланаётган ҳужжат лойиҳасига илова қилинади ёки у билан айти бир вақтда алоҳида ҳужжат лойиҳаси кўринишида киритилади. Бу ҳолда унга ҳужжат матнининг амалдаги ва таклиф этилаётган тахрирининг тегишли қиёсий жадваллари тушунтиришлар билан бирга қўшиб тақдим этилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари Вазирлар Маҳкамасига киритилгунга қадар уларни қабул қилиш зарурлиги асослари (шу жумладан, қонун лойиҳаси концепцияси, тегишли қиёсий жадваллар) ва келишмовчиликлар (улар мавжуд бўлган тақдирда) бўйича ёзма мулоҳазалар илова қилинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига хулоса бериш учун юборилади, Адлия вазирлиги норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига унинг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги, тегишли муносабатарни ҳуқуқий тартибга солишда ички қарама-қаршиликлар ва нуқсонлар йўқлиги, шунингдек қонунчилик техникаси қоидаларига риоя қилинганлиги юзасидан баҳо беради.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз ҳужжатларида тегишли вазирликларга тўғридан-тўғри маълум масалаларнинг ечимини топиш юзасидан тегишли тошширикларни юклаши мумкин. Мисол учун «Ёшлар йили» Давлат дас-

тури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 февралдаги ПҚ-805-сон қарорига мувофиқ, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, оммавий ахборот воситаларига «Ёшлар йили» Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари кенг кўламда тушунтирилишини, унинг амалга оширилишини, ёшлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантириш ҳамда реал иқтисодиёт тармоқларида талаб этилаётган аниқ касб-хунарни эгаллаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларнинг жамиятда муносиб ўринни эгаллаб, республикани ривожлантиришда ҳал қилувчи куч бўлиб қоладиган, ўз мамлакатининг тўла ҳуқуқли фуқаролари сифатида камол топтириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда республика ва маҳаллий бошқарув органлари, жамоат ҳамда ноҳукумат тузилмаларининг аниқ ҳиссаси мунтазам ёритиб борилишини таъминлаш юклатилган.

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларини ишлаб чиқиш, кўриб чиқиш ва имзолаш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг №Р-2118-сонли фармойишига биноан, Вазирлар Маҳкамаси қабул қиладиган қарор ва фармойишларнинг асосий қоидалари Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилиши шарт бўлиб, улар қуйидаги масалаларга тааллуқли:

1) Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва ялпи иқтисодиётни ҳамда унинг муҳим соҳаларини либераллаштириш (фермер хўжалиқларини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш, мактаб таълими, соғлиқни сақлаш ва бошқа масалаларда давлат дастурларини амалга ошириш) масалалари;

2) Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида;

3) Савдо-иқтисодий Комплексни, иқтисодиётнинг асосий ва қайта ишлаб чиқарувчи соҳаларини истиқболли ва дастурий ривожланишини башоратлаш масалалари;

4) Давлатнинг бюджетдан ташқари маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш масалалари;

5) Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва барча вилоятларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг комплекс дастурлари масалалари;

6) Давлат мулки бўлган объектларни хусусийлаштириш дас-турига оид масалалар;

7) Хорижий инвесторлар иштирокида қўшма корхоналарни яратиш ва йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш;

8) Иқтисодийни модернизациялаш, реконструкция қилиш ва техник қайта қуроллантириш масаласидаги муҳим инвестиция лойиҳалари ҳамда дастурларини амалга ошириш;

9) Маъмурий ислохотларни чуқурлаштириш, бошқарув, таълим тузилмаларини, давлат ва хўжалик бошқарув органларини қайта ташкиллаштириш ва қисқартиришни такомиллаштириш;

10) Халқаро иқтисодий институтлар ва хорижий давлатлар билан ҳамкорлик дастурлари;

11) Халқаро ҳукуматлараро шартнома ва битимларни тасдиқлаш;

12) Ташқи иқтисодий фаолиятда божхона-тариф масалалари;

13) Халқаро иқтисодий институтлар ва донор-мамлакатлар иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишиш учун ҳавола қилинадиган муҳим баланслар ва халқаро соҳавий ҳисоб-китобларнинг қуйидаги принципиал масалалари белгиланган:

1) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг асосий макроиқтисодий параметр ва кўрсаткичлари;

2) Иқтисодий экспорт салоҳияти ва товар экспортининг баъшорати (иш, хизмат) ривожланиши дастурининг параметрлари;

3) Ўзбекистон Республикасининг Инвестициялар дастури параметрлари;

4) Маҳаллий хомашё асосида ишлаб чиқаришни тармоқлаштириш дастури;

5) Муҳим турдаги маҳсулотларга эҳтиёж ва ишлаб чиқариш баланслари;



- 6) Бошқарув ходимларининг максимал миқдори масалалари;
- 7) Пахтачилик, ғаллачилик ва бошқа аграр ишлаб чиқариш соҳалари ривожланишининг асосий параметрлари ва башорати;
- 8) Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари (профессional колледж ва академик лицейлар)га қабул қилишнинг контрол кўрсаткичлари.

Хукумат қарорларининг лойиҳалари манфаатдор ташкилот ва тузилмалар билан ҳамкорликда тайёрланади. Ишлаб чиқилган лойиҳалар белгиланган тартибда манфаатдор вазирликлар, идоралар ва албатта, Адлия вазирлиги билан келишилади.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, иқтисодиёт тармоқларининг алоҳида соҳаларига мамлакат бюджетидан маблағ ажратилиши билан боғлиқ дастурларни тадбиқ этишга тааллуқли қарор ва фармойишлар лойиҳалари албатта – Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан, ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ масалалар – Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги билан келишилади.

Умуман олганда, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари хўжалик ва маданий қурилишнинг энг муҳим масалалари бўйича қабул қилинади. Улар, одатда, умумий хусусиятга ва норматив қоидаларга эга бўлиб, ҳуқуқ манбалари ҳисобланади.

**Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ҳужжатлари.** Ўзбекистон Республикаси «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддасига мувофиқ, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ўз ваколатлари доирасида буйруқлар ва қарорлар шаклида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади. Низомлар, қоидалар ва йўриқномалар тарзида қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар буйруқ ҳамда қарорлар билан тасдиқланади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида ҳамда

уларни ижро этиш учун қабул қилинади. Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари бир неча вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар билан биргаликда ёки уларнинг биттаси томонидан бошқалари билан келишилган ҳолда қабул қилиниши мумкин. Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг тармок бўлинмалари ва ҳудудий органлари норматив-ҳуқуқий тусдаги ҳужжатлар қабул қилишга ҳақли эмас, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Республика вазирликлари, давлат кўмиталари ва бошқа бошқарув идораларининг қонунга, фармонга ва ҳукумат қарорига зид ҳужжатлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан бекор қилиниши кўзда тутилган. Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколати доирасида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Ўзбекистон Конституциясига, қонунларига, Ўзбекистон Президенти фармонларига ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига зид бўлган қарорлари ва фармойишларининг ижросини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга.

Шу боис, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Президент фармонлари ва Ҳукумат қарорларига мувофиқлигини назорат қилиш, шунингдек ижроия органларнинг меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш фаолиятини мувофиқлаштириш муҳимдир. Бундай ваколат, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 8 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони билан Адлия вазирлиги зиммасига юклатилган. Фармонда вазирликлар давлат кўмиталари ва идораларнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган ҳамма учун мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини ҳуқуқий жиҳатдан экспертиза қилиш ҳамда рўйхатдан ўтказишни Адлия вазирлиги олиб бориши ҳам белгилаб қўйилган. Шунини инобатга олган ҳолда ҳамда вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар томонидан меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш билан боғлиқ бўлган фаолиятини тартибга солиш мақсадида 1993 йил 17 июнда Вазирлар Маҳкамаси «Вазирликлар,

давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий-мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларининг ҳуқуқий экспертизаси ва уларни давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 294-сонли қарор қабул қилди. Унда қабул қилинаётган умуммажбурий тусга эга бўлган идоравий меъёрий ҳужжатларнинг қонунийлигини таъминлаш мақсади кўзланиб, уларни Адлия вазирлигида ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва давлат рўйхатига олиш талаби белгиланди. Аммо, афсуски, ушбу қарор бу борадаги илк қадамлардан бири бўлганлиги сабабли, унда амалиёт учун муҳим бўлган кўпгина ҳолатлар эътибордан четда қолиб кетган эди.

Бу эса ўз навбатида, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1997 йил 9 октябрдаги «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 469-сонли қарорининг қабул қилинишига сабаб бўлди<sup>1</sup>. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлашга қаратилган ушбу қарор мамлакатимиздаги ҳуқуқ яратиш фаолиятини янада юқори даражага олиб чиқишга имкон яратди.

Қарорнинг моҳияти шундаки, у умуммажбурий тусдаги идоравий меъёрий ҳужжатларни Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказишнинг мажбурийлигини белгилаб берди. Қарорда белгиланишича, агар шундай ҳужжатлар давлат рўйхатидан ўтказилмаса, улар юридик кучга эга бўлмайди ҳамда тегишли муносабатларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, корхоналар ва ташкилотларга нисбатан жазо қўллашга асос бўлолмайди.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфатларига дахл қилувчи, мазкур бошқарув органи тизимига кирмайдиган корхоналар ва ташкилотлар учун мажбурий кучга эга бўлган меъёрий ҳужжатлари ушбу ҳужжатлар Адлия вазирлигида

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 1997 йил. 10 – сон. 33 – модда.

давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради ва бажарилиши мажбурий.

Ушбу қарор билан Адлия вазирлигига:

– идоравий меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш ва қўллаш, шунингдек қабул қилинган ҳужжатларни эълон қилиш ва манфаатдор шахслар эътиборига етказишни назорат қилиш;

– вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларга ўн кун *муддатда* бажарилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритиш ёки давлат рўйхатидан ўтмаган ҳужжатларни бекор қилиш, бузилган ҳуқуқларни тиклаш, етказилган зарарларни қоплаш тўғрисидаги даъволар билан *суд органларига мурожаат қилиш*, шунингдек, айбдор мансабдор шахсларни тегишли жавобгарликка тортиш масаласини Ҳукумат олдига қўйиш ҳуқуқи берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 469-сонли қарори билан «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларини ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида Низом» тасдиқланди. Адлия вазирлиги тақдим этилган меъёрий ҳужжатни олинган кундан бошлаб 30 кун ичида ҳуқуқий экспертизадан ўтказди. Экспертиза хулосаси Адлия вазирининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Масалан, 2007 йил давомида Адлия вазирлиги томонидан қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш борасида бир қатор аҳамиятли ишлар амалга оширилди. Хусусан, ўтган даврда жами 704 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари кўриб чиқилди. Шундан 180 таси қонун лойиҳалари бўлиб, уларга ҳуқуқий экспертиза хулосалари берилди. Шу билан бирга 251 та идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат рўйхатидан ўтказилди<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2000 йил 19 майда «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 197-сонли қарорини қабул қилди<sup>2</sup>. Ушбу

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг “Инсон ва қонун” ҳуқуқий газетаси. 2008 йил 19 февраль.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2000 йил 5-сон, 26-молда.

қарорнинг мақсади: «Қонун ҳужжатларини амалга оширишнинг таъсирчан механизмини шакллантириш, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларини сифатли тайёрлаш ҳамда уларнинг қонунийлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи идоравий меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилинишини бартараф этишдан, уларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришдан иборат».

Қарорда белгиланишича, фуқароларнинг, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларига тааллуқли меъёрий ҳужжатлар «Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари Ахборотномаси», «Бюллетень нормативных актов министерств, государственных комитетов и ведомств Республики Узбекистан»да албатта эълон қилиниши керак.

Шунингдек, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, барча даражалардаги ҳокимликлар томонидан тадбиркорлик субъектларини ташкил этишни, рўйхатдан ўтказишни ва уларнинг фаолиятини мураккаблаштирувчи, асоссиз равишда қўшимча маълумотномалар ва ҳужжатлар сўрашни назарда тутувчи ҳужжатлар чиқарилиши тақиқланди.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг меъёрий ҳужжатлардан кенг фойдаланишини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш ва амалдаги қонун ҳужжатларини босқичма-босқич туркумлашни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2000 йил 5 августда «Қонун ҳужжатларини туркумлашни такомиллаштириш ва ҳуқуқий ахборотларни тарқатишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 304 – сонли қарорни қабул қилди<sup>1</sup>. Мазкур қарорга мувофиқ, 2000 йил 1 сентябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари давлат ҳисоби жорий этилди. Бундай ҳисобни юритиш

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қарорлари тўплами, 2000. 8-сон, 47-модда.

функцияси Адлия вазирлиги зиммасига юклатилди. Шу қарор иловаси тарзида «Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш тартиби тўғрисида»ги Низом тасдиқланди.

Ҳукумат топшириғи асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 2000 йил 30 декабрда «Ўзбекистон Республикасининг меъёрий (норматив) – ҳуқуқий ҳужжатлари давлат ҳисоби тўғрисида»ги Низомни ўзининг буйруғи билан тасдиқлади (рўйхат рақами 1000).

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 2000 йил 16 октябрдаги 124 – сонли буйруқ билан «Идоравий меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидалари»ни тасдиқлади (рўйхат рақами 979).

«Қоидалар»га мувофиқ, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган меъёрий ҳужжатлар буйруқ, қарор, низом, қоидалар, йўриқномалар ва кўрсатмалар шаклида чиқарилади (бунда буйруқлар ва қарорлар ҳам меъёрий, ҳам яқка тартибдаги хусусиятга эга бўлиши мумкин).

Меъёрий ҳужжатлар бир ёки бир неча императив қоидаларни жорий қилиш зарурати юзага келганда буйруқ шаклида қабул қилинади. Меъёрий буйруқлар вазирлар ва идора раҳбарлари томонидан мустақил ҳолда чиқарилади. Меъёрий ҳужжатлар бир ёки бир неча императив қоидаларни жорий қилиш масаласини коллегиял ҳал қилиш зарурати юзага келганда қарор шаклида қабул қилинади.

«Қоидалар»да вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжат чиқариш бўйича ваколатлари; меъёрий ҳужжатнинг шакли, номи ва амал қилиш муддати; меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш талаблари; меъёрий ҳужжатнинг ички тузилмаси; унинг мазмунини баён этиш тартиби; меъёрий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар кириштириш тартиби; меъёрий ҳужжат лойиҳасини расмийлаштириш талаблари; ҳужжатни қабул қилиш (тасдиқлаш), давлат рўйхатидан ўтказиш ва кучга киритиши масалалари батафсил белгилаб берилган.

Шунингдек, Адлия вазирлиги ташаббусига кўра, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» рўзномалари тахририяти билан ҳамкорликда шу рўзномаларда давлат рўйхатидан ўтишга оид маълумотларни ўз ичига олган алоҳида рукн ташкил этилган. Худди шундай рукн «Солиқ ва божхона хабарлари» ва «Налоговые и таможенные вести» газетасида ҳам ташкил этилган. Ундан газетхон қайси меъёрий ҳужжатлар давлат рўйхатидан ўтганлиги ёки чиқарилганлигини, қандай ҳужжатлар ҳуқуқий экспертизага тақдим этилганлигини, шунингдек давлат рўйхатига олинмайдиган ҳамда давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар билан мунтазам танишиб бориши мумкин.

**Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳужжатлари.** Кўриб чиқилаётган қонуннинг 13-моддасига мувофиқ, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида қарорлар шаклида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, шунингдек юқори турувчи маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари асосида ва уларни ижро этиш учун қабул қилинади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг қуйидаги даражалари мавжуд:

– Халқ депутатлари вилоят (Тошкент шаҳар) Кенгашларининг қарори ва вилоят (Тошкент шаҳар) ҳокимининг қарор ва фармойишлари;

– Халқ депутатлари туман Кенгашларининг қарори ва туман ҳокимининг қарор ва фармойишлари;

– Халқ депутатлари шаҳар Кенгашларининг қарори ва шаҳар ҳокимининг қарор ва фармойишлари (Халқ депутатлари Кенгашлари тузилиши назарда тутилмаган туман ва шаҳарлар бундан мустасно).

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинган ҳужжатлар шу давлат органлари юрисдикцияси таъсир этадиган ҳудуд доирасида амал қилади. Ушбу органлар меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлари ўртасида ҳам иерархик мутаносиблик принципи амал қилади. Қуйи турувчи органнинг ҳужжати юқори турувчи органнинг ҳужжатига мувофиқ бўлиши шарт. Улар юқорида саналган ҳужжатларга зид бўлиб чиқса, тегишли тартибда бекор қилинади.

Хусусан, Ўзбекистон Президенти худди республика бошқарув органларининг ҳужжатлари сингари, ҳокимларнинг қабул қилган гайриқонуний ҳужжатларини ҳаракатдан тўхтатади ва бекор қилади (Конституциянинг 93-моддаси, 13-банди).

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳар бир тури ўзига хос хусусиятларга эга. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳар бирига қўйиладиган талабларни кўриб чиқиш орқали уларнинг бошқа ўзига хосликларни ҳам кўриш мумкин. Шу нуқтаи назардан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзига хос жиҳатларини умумлаштирган ҳолда таҳлил қиламиз.

Турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг юридик кучи бўйича ўзаро нисбати Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган органнинг ваколати ва мақомига, шунингдек ҳужжатларнинг турларига мувофиқ белгиланади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўзига қараганда юқорироқ юридик кучга эга бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бўлиши шарт. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бир-бирига мос келмаган ҳолларда юқорироқ юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қўлланилади. Тенг юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бир-бирига зид бўлган ҳолларда муддати бўйича кейинроқ қабул қилинган ҳужжат қоидалари амал қилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган вазирлик, давлат қўмитаси ёки идоранинг ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини тартибга солиш учун махсус ваколати бўлса, ушбу орган қабул қилган ҳужжат бир хил даражадаги бошқа вазирлик,



давлат қўмитаси ёки идоранинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатига нисбатан юқорироқ юридик кучга эга бўлади («Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддаси).

Шунингдек, ҳар бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўзига хос тузилишга ва реквизитларга эга бўлади. Яъни, булар ҳужжатнинг тури ва номи; ҳужжат қабул қилинган жой, сана ва ҳужжат рақами; тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни имзо қўйиб тасдиқлашга расман ваколати бўлган шахсларнинг фамилияси, лавозими ва имзоларидан иборат бўлади. Масалан, «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасига кўра, қонун лойиҳаси, қоида тарихасида, бўлимлар, кичик бўлимлар, боблар ва параграфларга ажратилади. Қонун лойиҳаси унинг қабул қилиниши сабаблари ва мақсадларига оид тушунтиришни қамраб олган муқаддимага эга бўлиши мумкин. Норматив кўрсатмалар муқаддимага киритилмайди. Бўлимлар, кичик бўлимлар, боблар ва параграфлар сарлавҳага эга бўлади ҳамда рақамланади.

Қонун лойиҳасида норматив кўрсатмалар тартиб рақамига эга бўлган моддалар кўринишида баён этилади. Моддалар қисмларга ажратилиши мумкин. Моддаларнинг қисмлари бандлар, кичик бандлар ва хатбошилари қамраб олиши мумкин. Кодекслар ва бошқа қонунлар лойиҳаларининг моддаларига, қоида тарихасида, сарлавҳа қўйилади. Бўлимлар, кичик бўлимлар, боблар, параграфлар, моддалар, шунингдек моддаларнинг қисмлари, бандлари ва кичик бандлари лойиҳа мавзуи мантиқан ривожланиб боришини таъминлайдиган тарзда кетма-кет жойлаштирилади. Қонун лойиҳасининг матнига: қонун лойиҳасининг ёки унинг айрим қоидаларининг кучга кириш муддати ва тартиби тўғрисидаги; илгари қабул қилинган қонунларни ёки уларнинг айрим қоидаларини мазкур қонун қабул қилиниши муносабати билан ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги қоидалар киритилиши мумкин. Кўрииб турибдики, бундай тузилиш фақат қонун лойиҳаларига хосдир.

Шунингдек, Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг расмий матни куйидаги тарзда ўзига имзо қўйиб тасдикланади: Ўзбекистон Республикасининг қонуни – Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қарорлари – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери томонидан; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарорлари – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси томонидан; Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони – Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори – Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири томонидан; вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари – ҳужжатни қабул қилган орган раҳбари томонидан; маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари – тегишли ҳоким томонидан имзоланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш амалдаги юридик қоидаларга биноан, қонунчилик муассасаси номидан қонун ёки қонуности акти тўлиқ ва аниқ матнининг расмий белгиланган босма нашр ёки оммавий қўлланиладиган нашрда чоп этилади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матбуотда эълон қилиниши улар юридик кучга эга бўлишининг асосий шартидир. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва қонуности ҳужжатлари «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонунда белгиланган тартибда эълон қилинади ва кучга киритилади.

Жумладан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси», «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг тўплами», «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари эълон қилинадиган расмий манбалардир.

«Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами», «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг тўплами», «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари Ўзбекис-

тон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинадиган расмий манбалардир. «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг тўплами», вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг расмий нашрлари Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинадиган расмий манбалардир.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари мазкур органларнинг расмий нашрларида эълон қилинади. Бизнингча, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий эълон қилишни матбуот орқали амалга ошириш аҳолига етказишнинг энг самарали усулларида ҳисобланади.

Чунки, матбуотда эълон қилиш норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан батафсил танишиб чиқиш имконини беради. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ихтиёрий равишда эълон қилиниши мумкин эмас. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат расман эълон қилинганда унинг барча реквизитлари кўрсатилиши лозим.

«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонуннинг талабига кўра, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонунлари ва қонунлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, агар норматив ҳужжатнинг ўзида бошқа муддат кўрсатилган бўлмаса, расмий эълон қилинганидан сўнг *ўн кундан кейин* бутун республика ҳудудида бир вақтда кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг, республика Ҳукуматининг, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳам имзолангандан сўнг расман эълон қилиниши керак. Давлат сири ёки бошқа махфий тусдаги маълумотларни ўз ичига олган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки улар матнининг муайян бир қисми бундан мустасно.

Юқорида таъкидланганидек, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларига дахлдор бўлган ҳужжатлари, шунингдек қорхона, ташкилот ва муассасаларнинг ҳуқуқий мақо-

мини ўрнатадиган ёки идоралараро тусдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, агар ҳужжатнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилган бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг *ун кундан кейин* кучга киради.

Уларни манфаатдор шахслар эътиборига етказиш норматив-ҳуқуқий ҳужжат матни билан эркин танишиш ҳуқуқини таъминловчи ҳар қандай шаклда амалга оширилиши мумкин. Аммо, баъзан амалиётда бу қонданинг бузилиш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда. Масалан, Ўзбекистон республикаси Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлигининг «Электр ва иссиқлик энергияси истеъмолчиларининг тариф гуруҳлари тўғрисидаги низоми» 1998 йил 23 октябрда давлат рўйхатидан ўтказилган бўлишига қарамай, мазкур Низом рўйхатдан ўтказилган санадан эмас, балки ундан илгарирок, яъни 1998 йилнинг 1 июлидан бошлаб қўлланиб келинган. Бу ҳол кўплаб корхона ва ташкилотлардан шикоятлар келиб тушишига сабаб бўлган.

Ушбу номувофиқликни бартараф этиш ва мазкур меъёрий ҳужжатнинг қонунийлигини таъминлаш мақсадида Адлия вазирлиги томонидан назорат тартибда Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлигига 1999 йил 11 январда 20-03-3/10-сонли тақдимнома киритилди. Шунга асосан мазкур вазирлик ўзининг таркибий бўлинмаларига «Электр ва иссиқлик энергияси истеъмолчиларининг тариф гуруҳлари тўғрисидаги низом»ни қўллаш санасини давлат рўйхатидан ўтказилган кундан, яъни 1998 йилнинг 23 октябридан ҳисоблаш зарурлиги тўғрисида хат юборди.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилмаган бўлса, шунингдек, давлат рўйхатидан ўтказилиб, белгиланган тартибда эълон қилинмаган бўлса, кучга кирмаган ҳисобланади, ҳуқуқий оқибат келтириб чиқармайди ҳамда тегишли ҳуқуқий

муносабатларни тартибга солаолмайди, фуқароларга, мансабдор шахсларга ва ташкилотларга нисбатан ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган қоидалар бажарилмаганлиги учун жавобгарлик чораси қўллашга асос бўлмайди.

Ҳатто норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шарҳлашнинг ҳам ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шарҳлаш норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ноаниқликлар топилганда, у амалиётда нотўғри ёки мантқиққа зид тарзда қўлланилган ҳолларда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, қонунларнинг нормаларига Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди шарҳ беради. Қонун ости ҳужжатларига уларни қабул қилган органлар расмий шарҳ беради. Шарҳлаш жараёнида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тузатишлар, қўшимчалар ва аниқлаштирувчи нормалар киритилишига йўл қўйилмайди.

Хуллас, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юридик кучи бўйича ўзаро нисбати норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган органнинг ваколати ва мақоми ҳамда ҳужжатларнинг турларига мувофиқ белгиланади. Шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳар бири ижтимоий муносабатларни тартибга солишда ўз объекти ва предметиغا эга.

## V. ҚОНУНЧИЛИКНИ ТИЗИМЛАШТИРИШ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ҳуқуқий тизимнинг ривожланиб бориши – унинг нафақат мазмунан такомиллашувини, балки ҳажм жиҳатидан кенгайиб боришини, яъни ҳуқуқий нормалар миқдори ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар кўламининг ортиб боришини англатади. Табиий-ки, жамият миқёсида тўпланиб ва тобора кўпайиб бораверадиган қонунчилик ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар массивини (тўпламини) тартибга келтириш, ички мувофиқлашган тизимга солиш эҳтиёжи туғилади. Ҳозирги замон давлатларида ҳуқуқни ижод этувчи турли идоралар томонидан катта ҳажмда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар яратилиши тараққиётнинг зарурий тенденциясига айланган. Шу сабабли давлатлар олдида, қонунчиликни, барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуини тизимлаштириш (систематизация қилиш) вазифаси кўндаланг бўлиб турмоқда.

Муаммонинг долзарблиги яна шу билан изоҳланадики, жамият тараққиётининг эҳтиёжларига эргашган ҳолда тинимсиз амалга оширилиб борадиган ҳуқуқ ижодкорлиги (шу жумладан, қонун ижодкорлиги) маълум бир боскичда тўхтаб турмайди. Аксинча, ижтимоий муносабатларнинг тинимсиз ўзгариб, жўшқин ривожланиб бориши боис қонун яратиш ва ҳуқуқ ижодкорлиги муттасил давом этаверади. Бу жараёнда ҳуқуқий нормалар мазмуни ҳамда тизими такомиллашиб боради, янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар доимий тарзда қабул қилинади, мавжуд меъёрий ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилади, ўз вазифасини ўтаб бўлган ҳужжатлар бекор қилинади. Бундай узвий жараён объектив равишда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш, уларни умумлаштириш, илмий асосланган тизимга келтиришни, яъни систематизация қилишни тақозо этади. Кўпинча масалани ҳал этиш учун тўпламлар ва қонунчилик ҳужжатларининг мажмуалари нашр этилади. Аммо, бу вазиятни вақтинча енгиллаштиргани билан, масалани тўла-тўқис ҳал этмайди. Демак, давлатнинг ваколатли ҳамда

ихтисослашган органлари доимий равишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш билан бевосита шуғулланишлари лозим бўлади. Давлат органларининг қонунчиликни ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ягона, батартиб ва ички мувофиқлашган тизим ҳолатига келтиришга йўналтирилган расмий фаолияти **қонунчиликни тизимлаштириш, система-тизация қилиш** деб аталади<sup>1</sup>.

Қонунчиликни тизимлаштириш нима учун зарур, унинг аҳамияти нимада деган саволларга қуйидагича жавоб бериш мумкин:

*биринчидан*, ушбу тизимлаштириш қонунчиликни ривожлантириш учун зарур, яъни амалдаги меъёрий ҳужжатларни таҳлил этиш ва қайта ишлаш, ҳуқуқий қоидаларни маълум схема асосида туркумлаштириш (гуруҳлаштириш), ушбу ҳужжатларни ички жиҳатдан уйғун, ягона тизимга келтириш ҳуқуқ ижодкорлик фаолияти самарали бўлишининг, қонунчиликдаги зиддиятлар бартараф этилиши, бўшлиқлар тўлдириб борилишининг зарурий шартидир;

*иккинчидан*, қонунчиликни тизимлаштириш ҳуқуқий норматив ҳужжатларни қўллашда қулайлик яратади, чунки бунда зарур бўлган ҳуқуқий нормани излаб топиш, тўғри шарҳлаш ва фойдаланиш имконияти яратилади;

*учинчидан*, қонунчиликни тизимлаштириш мақсадга йўналтирилган ва самарали ҳуқуқий тарбияни ташкил этиш, жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, аҳолини ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш имкониятларини кафолатлайди.

Жамият янгиланаётган, янги ижтимоий муносабатларни вужудга келтириш ва такомиллаштиришга қаратилган ислохотлар ва модернизациялаш жараёнлари авж олаётган ҳозирги шароитда қонун ва ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг суръати ниҳоятда тезкор. Мустақилликка эришганимиздан то ҳозирга қадар юзлаб, ҳатто минглаб янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар яратилди, ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг

<sup>1</sup> Қаранг: Пиголкин А.С. Систематизация законодательства / Общая теория государства и права. Академический курс. Том 2. – М., 1998. с.197; Российская юридическая энциклопедия. – М., 1999. с.890.

характери ва принциплари жиддий равишда ўзгармоқда. Худди мана шундай янгиланишлар ва ўзгаришлар даврида амалдаги норматив-ҳуқуқий базани тизимлаштириш билан шуғулланил-маса, келгусида, уларни излаб топиш ва қўллаш тобора мурак-каблашиб кетади. Ўз навбатида, тизимлаштириш фаолияти қонунчилик ҳужжатларини инвентаризация қилиш, таҳлилдан ўтказиш имкониятини беради. Юридик фанда ва амалиётда қонунчиликни тизимлаштиришнинг ҳуқуқий фаолият тарзидаги қуйидаги шакллари қарор топган:

- 1) меъёрий ҳужжатларнинг расмий ҳисобини юритиш;
- 2) меъёрий ҳужжатларнинг турли тўпламлари ва мажмуа-ларни тузиш ҳамда наشر этиш (қонунчиликни инкорпорация қилиш);
- 3) турли меъёрий нормаларни умумлаштириш асосида йирик ҳуқуқий ҳужжатларни (одатда, муайян масала бўйича) тайёрлаш ва қабул қилиш (қонунчиликни жамлаш, консоли-дация қилиш);
- 4) қонунчиликни кодекслаштириш.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда тўпланган амалиёт ҳамда хорижий мамлакатлар тажрибасига кўра, давлат орган-лари томонидан **норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳисобга олишнинг** сифати, бу фаолиятнинг савияси, тегишли ҳужжат-ларни йиғиш, сақлаш, уларга зарур қўшимча ва ўзгаришларни киритиб боришнинг самаралилиги ҳуқуқ ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқни қўллашнинг юридик маданияти даражасини белгилаб бермоқда. Ҳуқуқшунос Н.П.Азизовнинг таъкидлашича, «Амал-даги ҳуқуқ кўплаб ҳуқуқий нормаларни ўрнатувчи ҳужжатлар-дан таркиб топган. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда турли хил позитив ҳуқуқ манбаларининг норматив-ҳуқуқий мазмуни ифодаланган ва мустаҳкамланган. Ушбу норматив-ҳуқуқий материалларни тартиблаштириш ҳамда улардан фой-даланишни осонлаштириш мақсадида ҳуқуқий нормаларни ўрнатувчи ҳужжатларни тизимлаштиришнинг ҳар хил усул (шакл)лари қўлланилади»<sup>1</sup>. Ана шу жиҳатдан олиб қараганда,

<sup>1</sup> Азизов Н. Қонунчилик мажмуасини яратиш // Ҳуқуқ-Ҳуқуқ-Law. 2005. 3-сон. 20-бет



биз қонунчиликни тизимлаштириш шаклларида бири сифатида эътироф этаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳисобга олишнинг ўрни муҳимдир.

Юқорида биз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат ҳисобини юритиш жорий этилганлигини, бу вазифа асосан Адлия вазирлиги зиммасига юклатилганлигини таъкидлаган эдик. Шу билан бирга айтиш зарурки, Ўзбекистон Республикасининг барча қонунлари Олий Мажлис томонидан расмий тарзда давлат рўйхатидан ўтказилади, давлат реестрига киритилади ва уларга тегишли регистрация рақами берилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари ҳам белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади ва рақамланади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳисобини юритишда, шунингдек, қонунчиликни системалаштиришнинг бошқа шакллари амалга оширишда, аввал таъкидлаганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1998 йил 27 октябрда тасдиқланган 454-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги тармоқларининг умум-ҳуқуқий классификатори” муҳим ўрин эгаллайди<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, бугунги кун талабларидан келиб чиқиб ҳамда келгуси истиқбол манфаатларини кўзлаб, қонунчиликни тизимлаштириш ишларини режалаштириш мақсадга мувофиқдир. Бунда қонунчилик тизимига, унинг таркибий қисмларига таъсир кўрсатувчи барча омилларни эътиборга олиш лозим. Шундай қилинган тақдирда ҳуқуқ тизимининг ва қонунчилик тизимининг ички мутаносиблигига, ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг изчиллиги ҳамда таркибий яхлитлигига, жамланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунига кирган ҳуқуқий қоидаларнинг аниқлаштирилиши ва ҳаётга самарали тадбиқ этилишига эришиш мумкин бўлади.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, “қонунчиликни тизимлаштириш амалдаги ҳуқуқ тизимига қанчалик мувофиқ келса, у

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари тўплами. 1998 йил, октябрь, 10 – сон; Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларнинг меърий ҳужжатлари Ахборотномаси. 1998, 4 – сон, 7 – 71 – бетлар.

шунчалик такомиллашган ҳисобланади. Ҳуқуқ соҳалари бўйича тартиблаштириш, ҳуқуқ тизимини тўлиқ англаш, унинг тармоқларининг барча қирраларини ифодалашга хизмат қилади”<sup>1</sup>.

Қонун ҳужжатларининг аниқ ҳисобини юритиш, авваламбор, ижро, суд ҳокимияти органлари, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, хўжалик юритувчи субъектларнинг кундалик амалий фаолиятида ҳуқуқий нормаларни малакали қўллаш учун зарурдир.

Шу билан бирга, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳисобга олиш қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш сифатини оширишга, кодекслаштирилган қонунчилик ҳужжатларини, ўзгартирилиши ёки кучини йўқотган деб топилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхатини тузишга, ахборот-маълумот ишларини амалга оширишга, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича ҳулосалар тайёрлашга кўмаклашади.

Қонунчиликни тизимлаштириш, унинг у ёки бу шаклини амалга ошириш нафақат парламент балки, деярли ҳар бир давлат ҳокимияти органи зиммасига алоҳида вазифа сифатида юклатилган<sup>2</sup>. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августдаги 182-сонли қарори билан тасдиқланган Низомда<sup>3</sup> давлат бошқарув органларининг юридик хизматларига вазирликка, идорага, бошқа бошқарув органига келадиган ва улар томонидан чиқариладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибли ҳисобга олишни ва сақлашни ташкил этиш, бошқа бўлинмалар билан биргаликда идоровий норматив ҳужжатларни тартибга солиш, бундай ҳужжатларнинг тўпламларини нашр этиш вазифаси юклатилган.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳисобга олишнинг бир нечта турлари мавжуд бўлиб, улар қаторига норматив-ҳуқуқий ҳуж-

<sup>1</sup> Азизов Н.П. Қонунчилик мажмуини яратиш // Ҳуқуқ – Право – Law. 2005. №3, 20 – бет.

<sup>2</sup> Қаранг: Сенатнинг Девони тўғрисидаги Низом // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. 2005. 3-4-сон. 149-модда; Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органлари ва корхоналарида юридик хизмат тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида // Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами. 1993 йил 3-сон 118-модда; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг юридик бўлими тўғрисида Низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2004. 48-49-сон. 496-модда;

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами. 2007 йил 35-36-сон 355-модда.

жатларнинг журнал ҳисоби, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг картотека ҳисоби, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг назорат матнлари ҳисобини юритиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни автоматлаштирилган ҳолда ҳисобга олиш кабилар киради. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳисобга олишнинг ушбу турлари функционал жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади ва ҳар бири ўзига хос аҳамият касб этади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобини юритиш уларни инвентаризация қилиш учун ҳам муҳим ўрин тутади. Бунинг аҳамияти кейин чиқарилган ҳужжатлар олдингиларининг ўрнини босиши натижасида, олдинги ҳужжатларни ёки улардаги алоҳида ҳуқуқий қоидаларни ўз кучини йўқотган деб топишда намоеъ бўлади. Проф. А. С. Пиголкин ушбу фаолият турини «қонунчиликни кучини йўқотган ва янги қонунлар билан ўзгартирилган нормалардан «тозалаш» номини олган»<sup>1</sup> фаолият шакли сифатида таърифлайди. Фикримизча, бу шунчаки «тозалаш» бўлибгина қолмай, балки қонунчиликни инвентаризация қилишдир. Лекин нима бўлганда ҳам қонунчиликни бундай «тозалаш» уни ривожлантиришнинг узвий таркибий қисми бўлиб, ҳуқуқ ижодкорлиги амалиётида тўпланиб қолган ҳуқуқ нормаларини тартибга келтиришга хизмат қилади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳисобга олиш эса ушбу фаолиятга кўмаклашишга мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг картотека ҳисобида маълум бир тизим асосида турли хил карточкалар юритилади. Одатда, бундай ҳисоб қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимиятининг марказий органларида, йирик корхоналар ва муассасаларда юритилади. Одатда, бу органлар ва ташкилотлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг кўп тармоқли турлари билан иш олиб боради. Уларда катта ҳажмдаги ҳуқуқий ахборотга доимий эҳтиёж мавжуддир. Картотека ҳисобини юритиш ана шунинг учун ҳам муҳимдир.

Ушбу органлар ва муассасаларда юритиладиган картотекаларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг асосий кўрсаткичлари, масалан, тури, унинг номланиши, эълон қилинган санаси, ман-

<sup>1</sup> Каранг: *Пиголкин А. С. Подготовка проектов нормативных актов.* – М.: Юридическая литература, 1968. – С.28.

баи бўлиши, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тўла матни бўлиши маъқул. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳисобга олишнинг ўз принциплари бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: ахборот тўпламининг тўла бўлиши; ахборотларнинг ишончли бўлиши; ҳисоби юритилаётган ҳужжатларнинг расмий манбалардан олинган бўлиши; фойдаланишнинг қулай бўлиши ва х.к. Ушбу принципларга амал қилиниши тизимлаштиришнинг асосий мақсади бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланишни осонлаштиради<sup>1</sup>.

Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг назорат матнларини юритиш ҳам норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳисобга олишда муҳим аҳамият касб этади. Бу қонунлар, фармонлар, қарорлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг расмий матнларига уларнинг бекор қилинганлиги, улардаги ўзгартиришлар тўғрисида қайдлар киритиб бориш, ушбу ҳужжатлар ёки уларнинг бир қисмига қайдлар киритиб боришни ўз ичига олади ҳамда ушбу қайдларда улар айнан қайси ҳужжатлар асосида киритилганлиги кўрсатиб борилади.

Қонунчиликни автоматлаштирилган тарзда ҳисобга олиш ҳозирги кунда кенг қўлланилаётган усулдир. Замонавий компьютер техникаси бунга кенг имкониятлар яратиб бермоқда. Қонунчилик ҳужжатлари бўйича автоматлаштирилган ахборотқидирув тизимининг яратилиши норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳисобга олишнинг бошқа турларига қараганда анча устунликларга эга. Хусусан, компьютер хотирасига ўта катта ҳажмдаги ҳуқуқий ахборотни жойлаш мумкин, шу боис қонунчилик ва уни қўллаш амалиёти тўғрисидаги ҳар қандай маълумотни манфаатдор субъект ундан топа олади. Шунингдек, автоматлаштирилган ҳисобга олиш ҳуқуқий ахборотларни жуда тез излаб топиш, уни принтердан чиқариб олиш ва зарур нусхада кўпайтириб олиш имконини беради.

Шундай қилиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳисобга олиш ҳуқуқий ахборотлар йиғиндисининг тўла бўлиши, ҳуқуқ субъектлари учун зарур бўлган барча ҳажмдаги маълумотларни

<sup>1</sup> Общая теория государства и права. Академический курс. Том – 2. – М., 1998, с.199.

қайд этиш ва топиб бериш, ахборот тўпламида бўшлиқлар ва эътибордан четда қолган маълумотлар бўлмаслигига кафолат беради, ахборот базасига киритилган ҳужжатлардан фойдаланиш қулай бўлишига, керакли маълумотларни тезкор қидириб топишга имкон беради.

Қонунчиликни тизимлаштиришда ахборотлаштиришнинг аҳамияти ҳақида сўз борганда, авваламбор шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирги шароитларда *ягона ҳуқуқий ахборот маконининг* яратилиши ҳуқуқий ҳужжатларни таснифлашга замонавий ёндашув яратилишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасида ягона ҳуқуқий ахборот маконини яратиш учун таснифлаш тизимининг шундай шакли яратилиши зарурки, бунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ишлов бериш ва уларни қидириб топишда бир хил ёндашув шаклланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳисобга олиш қонунчиликни тизимлаштиришнинг мустақил шакли бўлиб, у давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари учун қонунчилик ҳужжатларидан фойдаланишда, уларни татбиқ этиш ва қўллашда қулайлик яратади. У давлат органлари, корхоналар, муассасалар ва бошқа юридик шахслар томонидан амалдаги норматив ҳужжатларни йиғиш, сақлаш, уларни маълум тизим бўйича қайта ишлаш, шунингдек манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларга уларнинг сўровлари бўйича маълумотлар беришга хизмат қилади.

Қонунчиликни тизимлаштириш жараёнини методик жиҳатдан таъминлаш, парламент палаталари, давлат бошқарув органларининг юридик хизматларида уларга келадиган ва улар томонидан чиқариладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибли ҳисобга олиш, бундай ҳужжатларнинг тўпламларини нашр этиш мақсадида ёки парламент палаталарининг қўшма қарори билан тасдиқланадиган ёхуд Бош вазирнинг қарори билан тасдиқланадиган ягона «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни юритиш тартиби бўйича Умумий қоидалар»ни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳисобга олишнинг давлат сиёсати даражасидаги энг йирик ва замонавий кўриниши бўлган – Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги тармоқларининг умумҳуқуқий классификаторини жамиятни янгилаш, мамлакатни модернизация этишнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш жараёни билан уйғунлаштириш асосида доимий янгилаб бориш мунтазам йўлга қўйилиши лозим.

Қонунчиликни тизимлаштиришда умумҳуқуқий классификаторнинг аҳамияти ва зарурлиги қуйидагиларда ифодаланади:

– ушбу ҳужжат қонунчиликни тизимлаштириш ва кодекслаштиришнинг асосини ташкил этади;

– у ҳуқуқ нормалари ва норматив ҳужжатларни излаб топишнинг амалий воситасидир;

– қонунчиликнинг тизими ва таркиби ҳақида фойдаланувчиларга ахборот беради;

– фойдаланувчилар манфаатидан келиб чиққан ҳолда меъёрий материални таснифлаш ва бошқача хусусий туркумлашнинг ўзига хос мезони (стандарт) дир;

– амалдаги қонунчиликни таҳлил қилишга кўмаклашадиган воситадир;

– ҳуқуқий таълимни ташкил этишнинг муҳим омилidir;

– қонунчиликни такомиллаштириш бўйича йўналиш ва базадир<sup>1</sup>.

Қонунчиликни тизимлаштиришнинг муҳим шаклларида яна бири уни **инкорпорация қилишдир**. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни инкорпорация тарзида тизимлаштириш шундай ҳужжатларни ўз ичига олган тўпламларни тайёрлаш ва нашр этишда намсён бўлади. Инкорпорация ҳуқуқни янгитдан ижод этиш табиатига эга эмас, бунда “қонунлар, фармонлар, ҳукумат қарорлари, фармойишлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмунига ҳеч қандай ўзгариш киритилмасдан алфавит, хронологик, мавзу бўйича ва бошқа тарзда тизимга солиб нашр этилади”<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Теория государства и права / Под.ред.проф. В.К.Бабаева. – М., 2006, с.390.

<sup>2</sup> Давлат ва ҳуқуқ назарияси // Масъул муҳаррирлар Ҳ.Б.Бобоев ва Ҳ.Т.Одилқориев. – Т., 2000, 272 – бет.

Қонунчиликни инкорпорация қилиш норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳисобга олиш билан бевосита боғлиқдир. Чунки у тегишли меъёрий ҳужжатларнинг тўла-тўқис жамланган база-сига таянади. Бу фаолиятда ҳужжатларни излаб топиш систе-маси хизматидан ҳам фойдаланилади. Зеро, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобини юритиш қонунчилик ҳужжатлари тўғри-сидаги ахборотларнинг тўлиқ бўлиши, ахборотларни қайд этиш ва зарур ҳолда топиб бериш, меъёрий ҳужжатларни эълон қилишнинг расмий манбаларига таянувчи ахборотлар олиш, қонунчилик борасидаги маълумотларни тез ва сифатли излаб топиш имкониятини беради.

Инкорпорация қилиш ишларининг дастлабки вазифаси тизимлаштириладиган ҳужжатларнинг рўйхатини тузиб олиш-дан иборат бўлади, кейин уларга тегишли ташқи ишлов бери-либ, тўплам тузилади. Агар ҳуқуқнинг алоҳида соҳасига оид қонунлар инкорпорация қилинадиган бўлса, шу соҳа предме-тига тегишли барча қонунчилик ҳужжатлари мажмуини аник-лаб (тўплаб) олиш зарур бўлади.

Қонунчиликни инкорпорация қилишнинг моҳиятини ан-глатувчи муҳим хусусияти (принципи) шундаки, норматив-ҳуқу-қий ҳужжатларнинг мазмуни ўзгартирилмасдан, яъни ҳуқуқ ижодкорлик органи ҳужжатни қайси кўринишда ва қандай матнда қабул қилган бўлса, шу ҳолатида тўпламга киритилади. Худди мана шу хусусият (принцип) инкорпорацияни кодифика-ция ва консолидациядан фарқлаб туради. Инкорпорация қонун-чиликни амалда бўлган (назорат) ҳолатида саклаб туриш мақ-садида давлат органлари томонидан мунтазам равишда амалга ошириладиган фаолият сифатида баҳоланади<sup>1</sup>.

Бирок, шу билан бирга норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни инкорпорация қилишда ҳужжатларнинг матнини баён этиш шаклида уларга ҳуқуқ ижодкорлик органи томонидан киритил-ган қўшимча ва ўзгартиришлар инобатга олинади. Мабодо, инкорпорация қилинаётган ҳужжатнинг матнида ўз кучини

<sup>1</sup> Қаранг: Общая теория государства и права. Академический курс в 3-х томах. // Отв. ред. проф. М.Н.Марченко. Т.2. – М., 2001, с.378.

йўқотган, бекор қилинган банд, абзац, модда, бўлим ёки боб бўладиган бўлса, улар чиқариб ташланади. Шунингдек, тўпладан норматив мазмун касб этмайдиган қоидалар, ҳаракатланиш муддати ўтган қоида ҳамда топшириқлар ҳам чиқариб ташланади.

Демак, меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни тўпламга киритишдан аввал уларнинг мазмунига таъсир этмаган ҳолда ташқи ишлов берилади:

– ҳужжат матндан кучини йўқотган модда, банд, абзац, қисмлар чиқарилиб, янги киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар матнга қўшилади;

– матндан норматив хусусиятга эга бўлмаган қоидалар, ёзувлар чиқарилади ва бунинг сабаби изоҳланади;

– тежамкорлик нуқтаи назаридан матндан норматив ҳужжатни имзолаган мансабдор шахслар ҳақидаги маълумотлар чиқариб ташланади.

Инкорпорациядан кўзланган мақсад аҳолининг кенг қатламларига қонунчилик ҳужжатларининг мазмунини етказиш, уларни англаш, улардан фойдаланиш осон бўлишига, барча ҳуқуқ субъектлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида ишончли ахборот олишига эришишдан иборат. Бу ваколатли ва мутасадди идораларнинг малакали, мунтазам фаолияти орқали таъминланади.

Инкорпорация қилиш натижасида қонунлар тўплами, фармонлар тўплами, Ҳукумат қарорлари тўплами кўринишидаги нашрлар вужудга келади. Масалан, XIX асрда машҳур юрист М.М Сперанский раҳбарлигида Россия империяси қонунлари тўплами тузиб чиқилган. Ҳозирда эса мамлакатимизда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси”, “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами” (расмий нашр), “Ўзбекистоннинг янги қонунлари” (1991 йилдан бошлаб йилма – йил хронология тарзида чоп этиладиган даврий тўплам), “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари тўплами”, “Ўзбекистон Республикаси Пре-



зидсентининг фармонлари” (тўплам) ва бошқа нашрлар мунтазам равишда чиқарилади.

Инкорпорация уни қайси давлат идораси амалга оширишига қараб ва қонунчилик ҳужжатлари тўпламининг юридик кучига кўра қуйидаги турларга таснифланади: *расмий инкорпорация, официоз инкорпорация ва норасмий инкорпорация.*

**Расмий инкорпорация** қонунчилик ҳужжатларини уларни чиқарган ҳуқуқ ижодкорлиги органлари томонидан ёки уларнинг топшириғи ёхуд маъқуллаши асосида бошқа ваколатли орган томонидан тизимлаштирилиб тўплам шаклида нашр этилишидир.

Бундай тўпламлар расмий характерга эга бўлиб, уларга ҳуқуқий фаолиятнинг барча жабҳалари ва барча ҳолатларида мурожаат этиш, фойдаланиш ҳамда ҳавола қилиб, таяниш мумкин.

Қонунлар расмий тўпламининг энг юқори шаклларидан бири – *қонунлар мажмуасидир*. Мажмуа – қонунларнинг расмий нашри ҳисобланиб, давлат номидан чиқарилади. Мажмуани яратиш анча вақт талаб этадиган мураккаб жараёндир. Бунда кенг кўламли қонун ижодкорлик фаолияти амалга оширилиб, эскирган ва кучини йўқотган қонунлар бекор қилинади, етишмаётган қонунлар қабул қилинади ва ҳ.к.

**Официоз (ярим расмий) инкорпорация** – қонунчилик ҳужжатларининг уларни системалаштириш ваколатига эга бўлган идоралар томонидан тўплам ёки мажмуа қилиб чиқарилиши (одатда, бундай системалаштириш Адлия вазирлиги томониан амалга оширилади)<sup>1</sup>. Бунда ҳуқуқ ижод этувчи орган бундай тўплам ёки мажмуани расман тасдиқламайди ва шу боис ҳам унга киритилган ҳужжатлар матнлари расмий тусга эга эмас.

**Норасмий инкорпорация** – махсус ваколатга эга бўлмаган ҳар қандай шахслар ёки ташкилотлар томонидан норматив ҳужжатларни системалаштирилган тўплам ҳолида нашр этиш, яъни ҳуқуқ ижод этувчи органлар руҳсатини олмай туриб, ташки-

<sup>1</sup> Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Ҳ.Бобоев ва Ҳ.Одилқориевларнинг умумий тахрири остида. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2000. – 272-б.

лотлар ёки бошқа юридик шахсларнинг қонунчилик ҳужжатларига ташқи ишлов беришлари, тизимлаштиришларидир.

Қонунчилик ҳужжатларининг норасмий тўпламлари ҳуқуқ манбаи бўла олмайди, шунинг учун ҳам ҳуқуқ ижодкорлиги ёки ҳуқуқни қўллаш фаолиятида уларга таянилмайди.

Демак, инкорпорация системалаштиришнинг ташқи жиҳатидангина тизимга келтириш шаклидир. Бу кодекслаштиришдан фарқли ўлароқ, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмунига ўзгартириш киритмай, уларни оддий тўплам шаклига келтиришдир. Бу, авваламбор, қонунчилик ҳужжатларидан фойдаланишни енгиллаштириш мақсадида амалга оширилади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Қонунчилик ҳужжатлари тўплами яратиш «инкорпорациянинг энг юқори кўриниши» дейиш мумкин. Бунда қонунлар ва бошқа муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпланиб, қатъий тартиб асосида тизимга солинади.

*Қонунчилик ҳужжатларини консолидация қилиши (жамлаш).* Ҳуқуқий тизим ривожланиб боргани сайин норматив ҳужжатларнинг сони ва ҳажми ортиб боради. Айни бир турдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи бир қанча ҳуқуқий ҳужжатлар вужудга келиши мумкин. Бу эса ҳуқуқий тартибга солишнинг самарадорлигига салбий таъсир этади, меъёрий ҳужжатларни қўллашни қийинлаштиради. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг уммонида, табиий равишда такрорланишлар, номутаносибликлар, қарама-қаршилиқлар келиб чиқиши мумкин.

Бундай вазиятни бартараф этишнинг йўлларида бири – *қонунчиликни консолидация қилишдир.*

«Қонунчиликни жамлаш норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштиришдан олдин, дастлабки босқич сифатида амалга оширилади. Бунда муайян масалага оид ҳуқуқий ҳужжатлар тўпланади, бирлаштирилади ҳамда умумлаштирилади»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Ҳ.Бобоев ва Ҳ.Одилқорисларнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Иқтисодийёт ва ҳуқуқ дунёси, 2000. – 273-б.

Дарҳақиқат, бу объектив зарурат бўлиб, консолидация амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг барчасини тартибга солишга, уларни йириклаштириш учун дастлабки ишловга олишга кўмаклашади. Қонунчиликни консолидация қилиш, авваламбор, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш, тўплаш, умумлаштириш учун зарур.

Юридик адабиётларда таъкидланишича, «консолидация – тизимлаштириш усули бўлиб, бир мавзуга оид, лекин турли хилдаги бир нечта ҳуқуқий-норматив ҳужжатларни бирлаштиришдир. Консолидациялашган бу янги ҳужжат тегишли тартибда давлатнинг ҳуқуқ яратувчи органи томонидан қабул қилинади. Бунда янги ҳужжат қабул қилиниши билан консолидация қилинаётган барча илгариги ҳужжатлар ўз юридик кучини йўқотади ва ҳаракатдан тўхтади»<sup>1</sup>.

Мазкур таърифда консолидациянинг асосан, ҳуқуқ яратувчилик хусусиятига урғу берилган. Кўриниб турибдики, инкорпорациядан фарқли равишда консолидация системалаштиришнинг расман ҳуқуқ ўрнатовчи шакли бўлиб, бунда эскирган нормалар ўзгартирилади ёки бекор қилинади, янги нормалар қабул қилиниши мумкин.

«Консолидация қилиш – ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштиришнинг шундай шакли бўлиб, унда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мукаммаллаштирилади, тўлдирилади ва янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатга бирлаштирилади»<sup>2</sup>.

Мазкур фаолият ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади ва шунинг учун ҳам консолидация расмий тусга эга эканлиги тўғрисидаги таъкидлар асослидир. Худди кодекслаштиришдаги каби консолидация натижасида ҳам битта ялпи норматив-ҳуқуқий ҳужжат юзага келади. Бироқ, бунда норматив-ҳуқуқий ахборотнинг ўзи қайта ишланмайди, балки такрорлашларни бартараф қилиш мақсадида баъзи ҳуқуқий нормалар чиқариб ташланади.

<sup>1</sup> Қаранг: *Нерсеяни В. С.* Общая теория права и государства. Учебник для юрид. вузов и факультетов. - М.: Норма, 2001.- С. 446.

<sup>2</sup> Қаранг: *Лазарев В. В., Липень С. В.* Теория государства и права. Учебник для вузов. 2-е изд. испр. и доп. – М.: Спарк, 2000. - С.287.

Хуллас, консолидация қилиш – системалаштиришнинг шундай бир шаклики, уни амалга ошириш жараёнида ижтимоий муносабатларнинг битта соҳасида амалда бўлган бир нечта норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмуни ўзгартирилмаган ҳолда ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжатга бирлаштирилади. Консолидациянинг яна бир хусусияти шундан иборатки, у баъзи жиҳатлари билан кодекслаштириш ва инкорпорацияни эслатади. Жумладан, тизимлаштириш шаклига кўра консолидация кўпроқ системали инкорпорацияга яқин туради. Кодекслаштиришга зарурат бўлмаган ҳолатларда консолидациядан фойдаланиш қонунчиликда яхши самара беради. Бунинг боиси кодекслаштиришга зарурат бўлмаган ҳолларда консолидация бир турдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бирлаштириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сонини камайтириш ва шу йўл билан ҳуқуқий тартибга солишни яхшилашнинг самарали воситаси сифатида намоён бўлади.

Консолидациянинг самараси хусусида шуни айтиш мумкин-ки, унинг амалга оширилиши натижасида бир ҳуқуқий тартибга солиш предметиға эга бўлган ва алоҳида-алоҳида ҳолда амал қилиб, ҳатто баъзан бир-бирини такрорлаётган, ўзаро карама-қаршиликка борган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бартараф қилинади, улар йириклаштирилади, қонунчиликда ўзига хос умумлашмалар яратилади.

Бугунги кунда қонунчиликни тизимлаштириш учун дастлабки шарт-шароитлар яратилган бўлиб, уни амалга оширишга тайёргарлик ишларини айнан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни консолидация қилишдан бошлаш мумкин, чунки кейинги йилларда қонунчиликнинг жадал ривожланиши кузатишмоқда ва табиийки, юзага келган норматив-ҳуқуқий массив идоравий норма ижодкорлиги фаолияти натижаларини ҳам умумлаштириш, бирлаштиришни тақозо этмоқда.

Сўнгги вақтларда қонун ҳужжатларида ўзаро номутаносибликлар бўлмаслиги масаласи юридик фан ва амалиёт учун катта аҳамият касб этаётган муаммолардан бирига айланди. Қонунчиликни тизимлаштиришнинг бошқа усуллари каби қон-

солидация қилиш ҳам ушбу муаммони ҳал қилишга кўмаклашадиган жараёндр.

Жамиятдаги турли ижтимоий муносабатлар ривожланиб бориши шароитида амалдаги қонунчиликка тегишли ўзгартиришлар киритилади, натижада ҳуқуқ субъектларининг барча қонунчилик ҳужжатларини билишлари кўп меҳнат ва вақт талаб қиладиган ишга айланади. Тўпланиб қолган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бир-бирига зид бўлиб қолиши, ўзаро мувофиқ келмай қолиши мумкин. Шунингдек, маълум сабабга кўра бекор қилинмаган нормалар амалда бўлиб, ҳуқуқни қўллашда уларни янги қонунчиликка мос келиш-келмаслиги жиҳатидан таҳлил қилиб чиқишга зарурат пайдо бўлади. Шу тариқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни улар тартибга соладиган масала бўйича умумлаштириш, тўплаш, бирлаштириш зарурати вужудга келади.

Бундай вазиятда қонунчиликни тизимлаштириш шаклларида бири бўлган консолидацияга эҳтиёж туғилади. Унинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан танишиш, улардан фойдаланиш ва қўллашни осонлаштиришдаги аҳамияти беқиёсдир. Шу билан бирга, консолидация қилиш ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш ва амалиётда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланишни осонлаштириш воситаларидан бири ҳисобланади.

**Қонунчиликни кодекслаштириш.** Кодекслаштириш норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштиришнинг алоҳида мазмундор, серқирра ва сермаъно шаклидир. Бошқача айтганда, кодекслаштириш – қонунчиликни тизимлаштиришнинг энг юксак шакли. “Кодификация, – проф. А.С.Пиголкиннинг таърифига кўра, – ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасида амал қилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тубдан қайта ишловдан ўтказиб, уларнинг ўзаро ички мутаносиблиги ва ихчамлигини, уюшқоқлигини таъминлаш, қонунчиликни сифат жиҳатдан тартибга солиш (тизимлаштириш) усули бўлиб, бунда норматив массив такрорлашлардан, карама-қаршиликлардан ва

эскирган қоидалардан тозаланеди”<sup>1</sup>. Кодекслаштиришда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар шунчаки, оддийгина тўплаб бирлаштирилмайди, балки ҳуқуқий тизимнинг умумий принципларидан келиб чиқиб, тармоқдаги барча норматив материал мазмунан ва моҳиятан ижодий қайта ишланиб, ички мутаносиб бир бутун ва илмий асосда тизимлаштирилган ягона, янги ҳужжат кўринишида баён этилади<sup>2</sup>.

Қонунчиликнинг ички тизимлилигини таъминлашда уни кодекслаштириш алоҳида муҳим ўрин тутаети. Маълумки, кодекс муайян ҳуқуқ (қонунчилик) соҳасидаги норматив мажмуани (массивни) ифодаловчи, жамловчи янги қонундир. Кодекс унга киритилган ҳуқуқий нормаларнинг мантиқий узвий боғлиқлиги ҳамда мутаносиблиги, ҳуқуқ тармоғига ва қонунчилик соҳасига монанд тизимли жойлаштирилганлиги билан оддий қонунлардан устун туради. Кодекс яратиш жараёнида ҳуқуқ (қонунчилик) тармоғидаги барча ҳуқуқий ҳужжатлар ва қоидалар «тафтишдан» ўтказилиб, янгитдан ислоҳ қилинади. Кодекс тузиш орқали тармоқдаги ҳуқуқий нормалар, турли даражадаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил қилинади, қайта ишланади, ихчамлаштирилади ва такомиллаштирилади<sup>3</sup>.

Қонунчиликни тизимлаштиришнинг асосий шакли (воситаси), ҳуқуқ (қонунчилик) тармоғининг ўзаги, бош манбаи ҳисобланмиш кодекс нафақат тегишли конституциявий принципларни ҳаётга жорий этилишига йўл очаети, балки соҳага оид ҳуқуқий сиёсатни, қонунчиликни ривожлантириш йўналишларини белгилаб беради<sup>4</sup>.

Кодекслаштирилган қонунлар нафақат ижтимоий муносабатларни тартибга солишга хизмат қилади, балки уларни ривожлантиришда ҳам ўзининг самарасини бериб боради. Ҳуқуқ тизимининг барча тармоқлари ва соҳаларида «...кодекс бошқа-

<sup>1</sup> Қаранг: *Общая теория государства и права. Академический курс. Том 2.* – М., 1998, с.208.

<sup>2</sup> Қаранг: *Давлат ва ҳуқуқ назарияси.* Ҳ.Б.Бобоев ва Х.Т.Одилқориевларнинг умумий таҳрири остида. – Т., 2000, 270 – бет.

<sup>3</sup> Батафсилпроқ қаранг: *Одилқориев Х. Т. Конституция ва фуқаролик жамияти.* – Т., 2002. 268 –бет.

<sup>4</sup> Қаранг: *Российская правовая политика / Под. ред. проф. Н. И. Матузова и проф. А. В. Малько.* – М., 2003. С. 197; *Поленина С. В., Сильченко Н. В. Научные основы типологии нормативно-правовых актов.* – М., 1987. С. 94-95.

рувчи ва уйғунлаштирувчи негиз бўлиб, шу тармоққа оид қолган барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар кодексга ҳамоҳанг бўлиши лозим. Кодекс тузиш орқали тармоқдаги ҳуқуқий нормалар мажмуи қайта кўриқдан ўтказилади, қоидалар умумлаштирилиб, ихчам ҳолга келтирилади, улар ўртасидаги қарама-қаршилик ва номувофиқликлар бартараф этилади, эскирган нормалар чиқариб ташланади ва шу тариқа мантиқий уйғунлик ҳамда батартибликка эришилади»<sup>1</sup>.

Жорий ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти каби кодекслаштириш ҳам бундай ҳужжатларни тайёрлаш билан бирга унинг натижаларини ваколатли орган томонидан тасдиқлаш ва эълон қилишни талаб қилади. Демак, кодекслаштириш ҳуқуқ ижодкорлиги шакли бўлиб, бу ўринда унга берилган куйидаги таъриф асослидир. "Кодекслаштириш ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг алоҳида тури бўлиб, унинг мақсади ижтимоий муносабатларнинг маълум соҳасини тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий қоидаларни системали ифодалашни ўз ичига олган, тўпلام ҳолидаги норматив ҳужжатлар чиқариш йўли билан амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришдир"<sup>2</sup>.

Шундай қилиб, қонунчиликни тизимлаштириш амалдаги ҳуқуқ институтларини тартибга солиш мақсадида, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ишлов бериш ва уларни бир тизимга келтириш, ҳуқуқ нормалари мазмунидаги зиддиятларни бартараф қилиш, эскирганларини аниқлаш ва фойдаланишдан чиқариб ташлаш, шунингдек, ижтимоий тараққиёт талабларига жавоб берадиган янги ҳуқуқ нормаларини яратиш фаолиятидир.

Хуллас, кодекслаштириш норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бевосита мазмунига ишлов бериш, яъни эскирган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бекор қилиниб, юридик нормалар қайта ишланиб, бир тизимга солинган ва бунинг натижасида тўпلام ҳолидаги юридик ва мантиқий яхлит ҳужжат тайёрланишидир.

<sup>1</sup> *Обилқориев Ҳ.Т.* Қонун устуворлиги - демократия ва адолат қафолати // Конституция ва қонун устуворлиги Ўзбекистон тараққиётининг қафолати. - Т., 2000. - 67-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: Систематизация законодательства в Российской Федерации / Под. ред. А.С.Пиголкина. - СПб.: Из-во "Юридический центр Пресс", 2003. - С.143 - 144.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, кодекслаштириш расман, яъни ваколатли орган томонидан амалга оширилади ва бу фаолият натижасида мутлақ янги қонун юзага келади. Шундан келиб чиққан ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмуни қайта ишланади, эскирган нормалар бекор қилиниб, ўрнига турдош ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи янгилари яратилади. Одатда, баъзи тармоқлар ва ҳуқуқ институтларини сезиларли янгилашга эҳтиёж туғилганда кодекслаштириш амалга оширилади.

Кодекслаштиришни ҳуқуқ ижодкорлигининг алоҳида, ўзига хос шакли сифатида эътироф этилишига бу фаолият ёки унинг натижаси бўлган кодекс(ёки кодекслашган ҳужжат)нинг ўзига хос хусусиятлари сабаб бўлади.

Қонунчиликни кодекслаштириш қуйидаги *муҳим хусусиятлар* билан характерланади:

1) кодекслаштирилган ҳужжатда, одатда, қонунчиликнинг у ёки бу соҳаси норматив асосларини белгиловчи, шунингдек ижтимоий ҳаётнинг принципиал, ўта муҳим масалаларини тартибга солувчи нормалар мустаҳкамланади;

2) кодекс нисбатан кенг ва муҳим ижтимоий муносабатларни (мулкка оид, меҳнат, никоҳ ва оила, фуқаровий муносабатларни) тартибга солади;

3) кодекслаштирилган ҳужжат қонунчиликни тизимлаштириш ва такомиллаштиришнинг якуний босқичи сифатида ўзаро боғлиқ ҳуқуқий қоидаларни ялпи умумлаштирувчи акт сифатида майдонга чиқади. У давр синовидан ва ижтимоий амалиёт текширувидан ўтган қоидаларнинг ҳамда ҳаёт тақозо этган янги қоидаларнинг ички мувофиқлашган ва ялпи умумлаштирилган нормалар йиғиндиси сифатидаги ягона ҳужжатдир;

4) кодекслаштириш қатъий ва барқарор нормалар яратишга йўналтирилиб, унинг натижасида яратиладиган қонунчилик ҳужжатлари ижтимоий муносабатларни узоқ вақт тартибга солишга мўлжалланади;

5) кодекслаштирилган ҳужжатнинг самарадорлиги қонун чиқарувчи орган шу ҳужжат предметини ташкил этувчи ижти-



мой муносабатларнинг ривожланиш тенденцияларини қанчалик ҳисобга олаолганлигига боғлиқ;

6) кодекслаштиришнинг предмети, одатда, қонунчилик тизимининг соҳаларга ва институтларга бўлинишига боғлиқ. Кодекслаштириш норматив ҳужжатларнинг тизимлилигини мустақкамлайди, уларнинг юридик жиҳатдан ягона ва ички мутаносиблигини таъминлайди. Кодекс, одатда, бир тармоқ таркибига кирувчи ўзаро боғлиқ норматив ҳужжатлар тизимини бошқаради;

7) кодекслашган ҳужжат ҳар доим ҳажм жиҳатдан салмоқли ва структураси жиҳатидан мураккаб бўлади;

8) кодекслаштириш фаолияти билан фақат конституция ва қонунларда ваколат берилган ҳуқуқ ижодкорлиги органлари шуғулланади<sup>1</sup>.

Кодекслаштириш, қоида тариқасида, аввало, ҳуқуқ тармоқларчи бўйича ўтказилади. Ҳозиргача бу борада бир қатор ишлар амалга оширилган. Кўплаб асосий ҳуқуқ тармоқлари ўз кодексларига эга. Масалан, фуқаролик, фуқаролик-процессуал, жиноят, жиноят-ижроия, маъмурий жавобгарлик, оила, меҳнат, ер, хўжалик-процессуал кодекслари ва бошқалар шулар жумласидандир. Агар одатдаги қонун қабул қилиниши унинг амалда бўлишини таъминлаш учун бир ёки бир нечта қонун ости ҳужжати ишлаб чиқишни талаб қилса, кодекслаштириш натижасида эса бутун тармоқ қонунчилиги қайта кўриб чиқилади ва янгиланади. Ижобий томони шундаки, ана шу янгиланиш жараёнида эскирган нормалар аниқланади ва бартараф этилади.

Кодекслаштириш амалдаги ҳуқуқий тартибга солишни умумлаштирар экан, у айна пайтда, ижтимоий тараққиёт талабларига жавоб берувчи янги нормалар ўрнатишга хизмат қилиши лозим. Акс ҳолда кодекслаштиришнинг ҳуқуқий тартибга солишдаги бўшлиқларни тўлдиришга қаратилган аҳамияти пасаяди. Юқорида баён қилинган фикрлар кодекслаштириш - давлат

<sup>1</sup> Проблемы общей теории права и государства / Под общ.ред.проф.В.С.Нерсесянца. – М.: Норма – ИНФРА, 1999, с.360 – 361; Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Т., 2007, 605 – бет.

қонун ижодкорлигининг муҳим шакли эканлиги тўғрисида хулосани тўла-тўқис тасдиқлайди.

Айни пайтда, кодекслаштириш қонунчиликни такомиллаштириш муҳим шакли ва воситаси ҳамдир. Пировардида, кодекслаштириш натижасида янги, тўплам ҳолатидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат юзага келади ва у барқарор мазмун касб этади. У маълум бир масала бўйича илгари амалда бўлган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўрнини эгаллайди.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, кодекслаштириш - ҳар доим ҳуқуқнинг ривожланишидаги, унинг шакли ва мазмуни такомиллашишидаги сифат жиҳатдан янги босқичдир.

Кодекслаштиришнинг яна бир муҳим жиҳати қонунчиликни ички мантиқий тартибга келтириш ва янгилашдир. Бу икки ҳолат кодекслаштиришга ҳуқуқ ижодкорлигининг энг мукамал, олий шакли сифатида ёндашишга имкон беради. Кодекслаштириш жараёнини оқилона ташкил этиш, қўйилган вазифаларни энг мақбул муддатларда бажариш ва ижтимоий муносабатларни самарали ҳуқуқий тартибга солиш имконини беради.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш мумкинки, ижтимоий тараққиётнинг қонуниятларини ҳар томонлама ва чуқур ҳисобга олиш кодекслаштириш фаолиятининг самарали, унинг натижалари эса ҳаётий бўлишининг зарур шарт ҳисобланади. Бу эса жамият тараққиётининг истикболлари кодекслаштирилаётган ҳужжатда аниқ ва тўла акс этишига кафолат беради.

Қонунчиликни кодекслаштиришда автоматлаштирилган ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва ундан фойдаланиш зарур. Ушбу тизим мураккаб жараёндаги ишларни енгиллаштиради, харажатларни камайтиради, кодекслаштиришнинг сифатини яхшилади. Шу билан бирга, бундай ахборот тизими бир қатор ишларни автоматлаштириш орқали бажариб, кодекслаштириш жараёни самарали бўлишини таъминлайди.

Кодекслаштириш жараёнида замонавий ахборот технологияларидан оқилона фойдаланиш зарурлиги шунда кўринадики, бунда фақат кодекслаштирилган ҳужжат яратибгина қолмай,

балки қонунчиликни кодекслаштиришнинг автоматлаштирилган ахборот тизимини, жумладан маълумотлар базасини ҳам яратишга эришилади.

**Кодекс** - муайян ҳуқуқ (қонунчилик) соҳасидаги устувор нормаларни ифода этувчи, мужассамлаштирувчи қонун. У катта миқдордаги турли хил нормаларни қамраб олса ҳам, ички мувофиқликка эга бўлган ягона бир бутун ҳужжатдир. Унинг таркибий қисмлари (нормалар, институтлар) ўзаро узвий алоқадор бўлиб, муайян тизим тарзида жойлаштирилади. Анъанага кўра, қонунчилик соҳаларида уйғунлаштирувчи ва бошқарувчи фаол марказ ролини тегишли кодекслар ўйнайди. Кодекс оддий қонундан ўзининг мукамаллиги, сайқал топганлиги, барқарорлиги билан фарқ қилади. Агар муайян қонунчилик соҳасида бир вақтнинг ўзида кодекс ва бир неча қонун ҳужжатлари мавжуд бўлса, улар ичида кодекс юридик кучи ҳамда тартибга солиш имконияти жиҳатидан устунлик қилади. Кодекслар ички мантиқининг пишиқлиги, нормаларининг ўзаро мувофиқлаштирилганлиги билан ажралиб туради. Кодекслаштирилган ҳужжатлар ўзининг ҳуқуқий тартибга солувчи таъсир кучини ва аҳамиятини узоқ муддат давомида сақлаб қолади<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, қонунчиликни тизимлаштириш унц такомиллаштириш ва истиқбол сари ривожлантиришнинг омили сифатида муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини ривожлантиришнинг бош йўналиши сифатида кодекслаштириш ўз аҳамиятини бугун ва истиқболда тўла сақлаб қолади.

Ҳуқуқ ва қонунчилик соҳаларида бирлаштирувчи ва умумлаштирувчи ялпи кодексларни яратиш қонунчилигимиз ривожланишининг келгусидаги муҳим тенденцияси бўлиб қолади, десак хато бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий ва қонунчилик тизимларида амалга оширилаётган демократлаштириш, либераллаштириш ва модернизациялаш жараёнлари қонунчиликни тизимлаштиришнинг, айниқса кодекслаштириш-

<sup>1</sup> Қаранг: Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Ҳ.Бобоев ва Х.Одилқориевларнинг умумий таҳрири остида. – Т.:, 2000, 271 – бет.

нинг сифат жиҳатдан янги босқичи бошланишига туртки бериши табиийдир. Шубҳасиз, кодекслаштиришнинг янги босқичи халқаро ва миллий ҳуқуқий тажрибага таянган ҳолда пухта илмийлик ва изчиллик асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тизими бугунги кунда жадаллик билан ривожланаётган жўшқин ижтимоий тизимдир. Қонунчилик тизимининг мукамаллик даражаси, ўз навбатида, мамлакатдаги барқарор иқтисодий, ижтимоий, сиёсий вазият ҳамда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятида намоён бўлади. Нафақат ҳуқуқшунослар, балки мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча фуқароларнинг қонунчилик тизими тўғрисида муайян тасаввурга эга бўлишлари, юксак демократия ғояларига асосланган фуқаролик жамияти сари олға бораётган давлатимизнинг ўз олдига қўйган буюк мақсадига эришишида муҳим аҳамият касб этади.

Қонунчиликни изчил ҳаракатланувчи тизим сифатида таҳлил қилиш, унинг барча таркибий қисмларини узвий алоқадорликда ўрганиш имконини беради. Қонунчилик тизимининг алоҳида таркибий қисмлари тегишли ижтимоий муносабатларни тартибга солиш жараёнида ажралмас тартибда ўзаро боғлиқ бўлади ва бир-бирига таъсир кўрсатади. Бундай тартибга солиш ягона мақсадга, яъни мамлакатда мустаҳкам ҳуқуқий тартибот ва қонунийликни қарор топтириш, янада кенгрок таърифланадиган бўлса, жамият барқарорлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини раво рўёбга чиқариш, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга йўналтирилган.

Мамлакатимиз ўз давлат мустақиллигига эришганидан сўнг, моҳият ва мазмун жиҳатдан мутлақо янги демократик қонунчилик тизимини шакллантиришга киришди. Албатта, қонунчилик тизими бир қанча йўналиш бўйича шакллантирилмоқда. Замон руҳига ёт, ягона мафқурани ўрнатувчи, бозор муносабатларига тўсқинлик қилувчи собиқ тоталитар тузумдан қолган нормалар бекор қилинди, баъзи бирлари эса моҳиятан ўзгартирилди ва аксарият қоидалар мутлақо янгидан қабул қилинди. Аввал амалда бўлган қоидалар янги мазмун, демократик руҳ билан суғорилди-ки, бу нормалар яхлит тизимнинг таркибий қисмларига айлантирилди.

Қонунчилик тизими ҳар бир давлатнинг ўзига хос хусусиятлари: географик жихатдан жойлашуви, тарихи, тили, дини, халқининг ижтимоий табиати, менталитети, урф-одатлари ҳамда миллий қадриятларини инobatга олган ҳолда яратилиб, шу мамлакат фуқароларининг истак ва манфаатларини ўзида акс эттириши лозим. Шундагина у амалий самарали бўлади ва тараққиётга хизмат қилади.

Қонунчилик ҳамиша давлатимиз ҳуқуқий фаолиятининг энг масъулиятли ва серқирра жабҳаси бўлиб қолаверади. Шу боис ислохотлар даврида қонунчилик фаолиятига ва қонунчилик тизимига бу қадар катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Қонунчиликда назарда тутилган барча принциплар ва қоидаларни ҳаётимизга жорий этиш уларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб етишдан бошланади. Шу боис, қонунчиликнинг туб маъно-мазмунига етиб бормоқ учун уни теран идрок этмоқ ва шу асосда ҳуқуқий қоидаларни ҳаётимиз таркибий қисмига айлантормоқ барча давлат идоралари, мансабдор шахслар, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг ўта масъулиятли вазифаси ҳамда шарафли бурчидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда қонун яратиш фаолияти ва қонунчилик аввалгилардан фарқли ўлароқ тубдан янги демократик принципларга таянмоқда. Хусуан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мустаҳкамлаб қўйган суверен давлатчилик, халқ ҳокимиятчилиги, Конституция ва қонуннинг устунлиги, демократизм, ҳокимиятлар тақсимланиши, қонунийлик, ижтимоий адолат, фуқаролар ҳуқуқлари ҳамда эркинликларининг муқаддаслиги, ошкоралик каби принциплар шулар жумласидандир.

Қонунчилигимиз мазмуни ва руҳи тобора инсонпарварлашиб бормоқда, ўзида миллий хусусиятларни, халқнинг одил судлов ва адолат тўғрисидаги тасаввурларини ифода этиб, халқнинг бой тарихи, миллий-маданий ва маънавий қадриятларига асосланмоқда.

Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида қонунчилик стратегиясининг мазмунини белгилашда

халқаро стандартларга содиқ бўлиб, ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тизимидаги миқдор ва сифат ўзгаришларини тараққиёт қонуниятлари асосида олдиндан кўра билиб, уларни ҳисобга олмоқда. Мазкур стратегия вақт, даврийлик нуқтаи назаридан қонунчилик тизимининг бевосита ҳозирги пайтдаги ва шунингдек, унинг келгусидаги ривожланишини ўз ичига олади. Ҳажми, кўлами жиҳатидан эса қонунчилик стратегияси мамлакатнинг бутун ҳуқуқий тизимини, ҳуқуқнинг тармоқлари, институтлари ва нормаларини ҳамда давлатимиз қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари йиғиндисини қамраб олади.

Назаримизда мукамал ва барқарор қонунчилик тизимини яратиш учун мутасадди ва ваколатли давлат идоралари қуйидаги вазифаларга эътибор қаратишлари лозим.

биринчидан, давр руҳи билан ҳамоҳанг бўлиши учун, эскирган ҳуқуқий актларни мунтазам равишда янгиси билан алмаштириб бориш;

иккинчидан, бир масала бўйича кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўлишининг олдини олиш. Яъни, ижтимоий муносабатларнинг такрор равишда ҳуқуқий тартибга солинишига йўл қўймаслик;

учинчидан, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда бўшлиқ ва қарама-қаршилиқларни бартараф этиш.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидан бораётган мамлакатимизда қонунчилик ҳам илғор демократик йўналишда бойиб, ривожланиб ва такомиллашиб боришини таъминлаш лозим.

Бундай шароитда «қонунчилик қайси йўналишда ва қай тарзда ривожлантирилиши лозим», деган саволга қуйидагича жавоб бериш мумкин: *биринчидан*, иқтисодий, сиёсий, хўжалик ва ижтимоий-маданий соҳанинг ўта муҳим ва долзарб масалалари бўйича қонунларни қабул қилиш, уларни мунтазам янгилаб, такомиллаштириб бориш; *иккинчидан*, давлат идоралари ҳуқуқий мақомини, сиёсий тизимнинг бошқа таркибий қисмлари мақомини демократия ва ҳуқуқий давлатчилик принцип-

лари асосида такомиллаштиришга қаратилган қонунчиликни қарор топтириш; *учинчидан*, шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш, уларга қатъий риоя этиш, уларни муҳофаза этишга қаратилган қонунлар комплексини яратиш ва шу орқали жамиятда мустаҳкам қонунийлик муҳитини, чинакам демократик ҳуқуқий давлатни вужудга келтиришга кўмаклашиш.

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик тизими пухта илмий заминга асосланиб ривожланиши шарт. Қонунчилик фаолиятининг барча жиҳатлари ҳуқуқшунослик назарияси томонидан мушоҳада этилиши, мустақил давлат қонунчилигининг пухта илмий концепцияси вужудга келтирилиши лозим. Қонунчиликни такомиллаштириш манфаатлари қонун яратиш фаолиятини ҳуқуқий, ижтимоий, руҳий ва ташкилий томонларини ҳамда таомил тартибларини назарий ўрганишни талаб этади. Шу боис, Ўзбекистоннинг янги қонунчилик тизимини назарий тадқиқ этиш ўта муҳим сиёсий, илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Энг муҳим хулоса шуки, ҳуқуқий тартибга солиш механизми жамиятда турли-туман ижтимоий муносабатларга мунтазам равишда ва муайян кетма-кетликда таъсир этиш жараёнидир. Бу жараёни қонунчилик тизимсиз тасаввур этиб бўлмайди ва у узлуксиз такомиллашиб борадиган муҳим ижтимоий институтдир. Демократик жамият тараққиёти қонунчилик олдига ўзининг янги-янги талабларини қўяверади ва шу аснода қонунчилик ижтимоий манфаат ва эҳтиёжларга мос равишда ривожланиб, такомиллашиб бораверади.



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ  
НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ТЎҒРИСИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси,  
2001 й., 1-2-сон, 8-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда;  
Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами,  
2004 й., 51-сон, 514-модда)*

*Мазкур Қонунга қуйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар  
киритилган*

*ЎзР 12.12.2003 й. 568-II-сон Қонуни,*

*ЎзР 03.12.2004 й. 714-II-сон Қонуни*

**I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

**1-модда. Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари**

Ушбу Қонун норматив-хуқуқий ҳужжатлар тушунчаси, турлари ва уларга қўйиладиган асосий талабларни белгилайди.

**2-модда. Норматив-хуқуқий ҳужжат тушунчаси**

Ушбу Қонунда белгиланган шаклда қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида қонун ҳужжатлари нормаларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжат норматив-хуқуқий ҳужжат деб ҳисобланади.

**3-модда. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикаси норматив-хуқуқий ҳужжатларининг турлари ва уларга қўйиладиган асосий талаблар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам белгиланади.

**4-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилувчи органлар ёки мансабдор шахслар**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилувчи органлар ёки мансабдор шахслар (бундан буён матнда органлар деб юритилади) ҳисобланадилар.

*(4-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрдаги 714-II-сон Қонуни таҳририда - Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда)*

## **II. НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА ЎЗАРО НИСБАТИ**

**5-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари**  
Қуйидагилар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади:

- а) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
- б) Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;
- в) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари;

*(5-модданинг «в» кичик банди Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрдаги 714-II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда)*

- г) Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари;
- д) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;
- е) вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳужжатлари;
- ж) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

## **6-модда. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонун ҳужжатлари ҳисобланади ва улар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари мажмуини ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари қонунлар ҳисобланади.

*(6-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрдаги 714-II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари қонун ости ҳужжатлари ҳисобланади.

## **7-модда. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги**

Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси олий юридик кучга эга ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасида қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида ва уни ижро этиш учун қабул қилинади ҳамда унинг нормалари ва принципларига зид келиши мумкин эмас.

## **8-модда. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари**

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатларни тартибга солиди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ёки референдум ўтказиш орқали қабул қилинади.

## **9-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қабул қилинади.

*(9-модда Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрдаги 714-II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда)*

## **10-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари**

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун фармонлар шаклида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

## **11-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига мувофиқ қарорлар шаклида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

## **12-модда. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари**

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ўз ваколатлари доирасида буйруқлар ва қарорлар шаклида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади. Низомлар, қоидалар ва йўриқномалар тарзида қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади. Низомлар, қоидалар ва йўриқномалар тарзида қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар буйруқ ҳамда қарорлар билан тасдиқланади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг, Ўзбекистон Республикасининг Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қабул қилинади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари бир неча вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргаликда ёки уларнинг биттаси томонидан бошқалари билан келишилган ҳолда қабул қилиниши мумкин.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг тармоқ бўлинмалари ва ҳудудий органлари норматив-ҳуқуқий тусдаги ҳужжатлар қабул қилишга ҳақли эмас, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

*Вазирликлар ва идораларнинг таркибий бўлинмалари ва ҳудудий органлари умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатлар қабул қилишга ҳақли эмас, қонунчилик билан уларга бундай ҳуқуқ берилган ҳоллар бундан мустасно. Вазирликлар ва идоралар меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш бўйича берилган ваколатни бошқа органларга, шу жумладан ўзларининг таркибий бўлинмалари ва ҳудудий органларига беришга ҳақли эмас.*

**13-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида қарорлар шаклида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, шунингдек, юқори турувчи маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари асосида ва уларни ижро этиш учун қабул қилинади.

**14-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро нисбати**

Турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг юридик кучи бўйича ўзаро нисбати Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган органнинг ваколатига ва мақомига, шунингдек, ҳужжатларнинг турларига мувофиқ белгиланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўзига қараганда юқорироқ юридик кучга эга бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бўлиши шарт.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бир-бирига тўғри келмаган ҳолларда юқорироқ юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қўлланилади.

Тенг юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бир-бирига тўғри келмаган ҳолларда кейинроқ қабул қилинган ҳужжат қоидалари амал қилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган вазирлик, давлат қўмитаси ёки идорасининг ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини тартибга солиш учун махсус ваколати бўлса, ушбу орган қабул қилган ҳужжат бир хил даражадаги бошқа вазирлик, давлат қўмитаси ёки идорасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатига нисбатан юқорироқ юридик кучга эга бўлади.

### **III. НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН АСОСИЙ ТАЛАБЛАР**

**15-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тайёрланишини ташкил этиш**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқаётган орган, қоида тариқасида, лойиҳани тайёрлаш юзасидан комиссия тузади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлашга манфаатдор давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, айрим фуқаролар жалб этилиши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи орган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳасини тайёрлашни давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларга, айрим фуқароларга белгиланган тартибда топшириши ёки шартнома асосида буюртма бериши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи орган бир неча давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларга, айрим фуқароларга муқобил лойиҳалар тайёрлашни топширишга

ёки улар билан шартномалар тузишга, шунингдек, энг яхши лойиҳа учун танловлар эълон қилишга ҳақлидир.

Иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари, давлат бошқаруви-нинг бошқа соҳаларига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлашга тегишли тармоқлар ёки бошқарув соҳаларининг ҳолати ва ривожланиши учун маъсул бўлган вазирликлар, давлат қўмиталари ёки идоралари жалб этилади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норма-тив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича ишини мувофиқлаштириб туриш, қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбе-кистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

**16-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни тайёрлашда норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қўлланиш амалиётини ҳамда жамоатчилик фикрини ўрганиш**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни тайёрлашда лойиҳани ишлаб чикувчи орган:

лойиҳа мавзусига доир қонун ҳужжатларининг қўлланилиш тажрибасини ўрганади ва ҳисобга олади, ҳуқуқий тартибга солишга бўлган жамоатчилик эҳтиёжини, қонун ҳужжатларининг самарадорлигига таъсир этувчи сабаблар ва шароитларни аниқлайди;

давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш ор-ганлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бир-лашмалари, шунингдек фуқароларнинг таклифларини, оммавий ахборот воситаларининг материалларини, илмий муассасалар, олимлар ва мутахассисларнинг тавсияларини, жамоатчилик фикрини аниқлашнинг бошқа воситалари маълумотларини умум-лаштиради ва улардан фойдаланади;

бошқа давлатлардаги қонунчилик йўли билан тартибга солиш тажрибасини ҳисобга олади.

Қонун лойиҳалари қонун ҳужжатларида белгиланган тар-тибда умумхалқ муҳокамасига қўйилиши мумкин. Бошқа норма-тив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари жамоатчилик ёки мута-хассислар муҳокамасига қўйилиши мумкин.

*Батафсил маълумот олиш учун Ўзбекистон Республикасининг «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида» ги Қонунига қаранг.*

**17-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳасини норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органга киритиш**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тайёрланган лойиҳаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органга тақдимнома билан киритилади, тақдимномада ҳужжатни қабул қилишнинг зарурлиги асослаб берилади, уни ишлаб чиқувчилар кўрсатилади, ҳужжат мазмунининг қисқача тавсифи берилади, лойиҳа қайси давлат органи, шунингдек ташкилот билан келишилган бўлса, шу орган ва ташкилотларнинг рўйхати келтирилади, келишмовчиликларнинг мазмуни ҳамда улар ҳақидаги асослантирилган фикр қисқача баён этиб ўтилади. Зарурат бўлганда, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига уни асослаш учун молиявий-иқтисодий ҳисоб-китоблар, статистика маълумотлари ва бошқа ахборотлар илова қилинади.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлмаган вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва бошқа органлар ёки нодавлат ноижорат ташкилотлари томонидан тайёрланган қонун лойиҳалари, агар лойиҳани тайёрлаш тўғрисидаги топшириқда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси муҳокамасига тақдим этилади.

*(17-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрдаги 714-II-сон Қонуни таҳририда - Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда)*

**18-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг экспертизаси**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши шарт.

Ҳуқуқий экспертиза давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонун ҳужжатларига, шунингдек, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги текширилади.



Хукукий экспертиза норматив-хукукий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаган органнинг ёки норматив-хукукий ҳужжатни қабул қиладиган органнинг юридик хизмати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилиши мумкин. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив хусусиятга эга бўлган қарорлари лойиҳаларининг юридик экспертизаси вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан амалга оширилади.

*(18-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрдаги 568-II-сон Қонуни таҳририда — Олий Мажлис Ахборотномаси, 2004 й., 1-2-сон, 18-модда)*

Киритилган лойиҳанинг сифатига баҳо бериш учун норматив-хукукий ҳужжатни қабул қилувчи органнинг қарорига бинан норматив-хукукий ҳужжатнинг лойиҳаси бошқа хил (иқтисодий, молиявий, илмий-техникавий, экология ва ўзга) экспертизадан ҳам ўтказилиши мумкин. Экспертлар сифатида тегишли лойиҳани тайёрлашда илгари бевосита иштирок этмаган ташкилотлар ва шахслар жалб этилади. Экспертиза ўтказиш учун бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан олимлар ва мутахассислар таклиф этилиши мумкин. Экспертлар норматив-хукукий ҳужжатнинг лойиҳасига баҳо беришда мустақилдир ҳамда экспертиза ўтказишни топширган органнинг нуқтаи назари билан боғлиқ эмаслар.

**19-модда. Норматив-хукукий ҳужжатнинг мазмунига нисбатан қўйиладиган талаблар**

Норматив-хукукий ҳужжатнинг матни лўнда, оддий ва равон тилда баён этилади. Норматив-хукукий ҳужжатда фойдаланиладиган тушунчалар ва атамалар уларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида қабул қилинган мазмунига мувофиқ, турлича шарҳлаш имкониятини истисно этадиган тарзда бир хилда қўлланилади. Эскирган ҳамда кўп маънони англатадиган сўзлар ва иборалар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар, киноялар қўлланилишига йўл қўйилмайди.

Норматив-хукукий ҳужжатда уни амалга оширишнинг хукукий воситалари, шу жумладан молиялаштириш манбалари,

рағбатлантириш, мукофотлаш ва назорат қилиш чора-тадбирлари кўрсатилиши мумкин.

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари, шунингдек мансабдор шахслар ва фуқароларнинг мажбуриятларини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ушбу мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик чоралари (агар бундай чоралар қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлмаса ёки махсус ҳужжатда белгиланиши керак бўлмаса) назарда тутилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатга уни қабул қилиш сабаблари ва мақсадларини тушунтиришдан иборат бўлган муқаддима киритилиши мумкин. Норматив кўрсатмалар муқаддимага киритилмайди.

Қонунларда норматив кўрсатмалар тартиб рақамига эга бўлган моддалар тарзида баён этилади. Қонунларнинг моддалари қисмларга бўлиниши мумкин. Моддаларнинг қисмларида бандлар, кичик бандлар ва хатбошилар бўлиши мумкин. Бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда норматив кўрсатмалар тартиб рақамига эга бўлган бандлар тарзида баён этилади. Бандлар кичик бандларга ва хатбошиларга бўлиниши мумкин.

Ҳажм жиҳатдан йирик норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун жиҳатдан яқин бўлган моддалари (бандлари) параграфлар ва бобларга бирлаштирилади. Зарур ҳолларда боблар бўлимларга ва кичик бўлимларга бирлаштирилиши мумкин. Бўлимлар, кичик бўлимлар, боблар ва параграфлар сарлавҳаларга ва тартиб рақамларига эга бўлади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қонун ҳужжатларига киритилаётган юридик, техникавий ва бошқа махсус атамаларнинг таърифлари берилиши мумкин.

Зарур ҳолларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатда юқорирок юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг айрим қоидалари мазкур ҳужжатларга ҳавола қилинган ҳолда айнан такрорланади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, қоида тариқасида, худди шундай юридик кучга эга бўлган амалдаги

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг норматив кўрсатмалари қайта айнан такрорланмайди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг моддаларида (бандларида) унинг бошқа моддаларига (бандларига), шунингдек, амалдаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, уларнинг айрим қоидаларига ҳаволалар норматив кўрсатмаларнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатиш зарурати бўлган ҳолларда ёки такрорлашларга йўл қўймаслик учун қўлланилади.

### **20-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг расмий матнини имзо қўйиб тасдиқлаш**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг расмий матни қуйидаги тарзда имзо қўйиб тасдиқланади:

Ўзбекистон Республикасининг қонуни — Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қарорлари — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери томонидан;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарорлари — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси томонидан;

*(20-модданинг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрдаги 714-II-сон Қонунига мувофиқ учинчи ва тўртинчи хатбошилар билан алмаштирилган — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони — Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси томонидан ёки унинг топшириғига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан; вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари — ҳужжатни қабул қилган орган раҳбари томонидан; маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари — тегишли ҳоким томонидан.

## **21-модда. Норматив - ҳуқуқий ҳужжатларининг реқвизитлари**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қуйидаги реқвизитларга эга бўлади: ҳужжатнинг тури ва номи; ҳужжат қабул қилинган жой, сана ва ҳужжат рақами; тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни имзо қўйиб тасдиқлашга расман ваколати бўлган шахсларнинг фамилияси, лавозими ва имзолари.

## **22-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказишга тақдим этиш**

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида уларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этади.

*Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон қарори билан тасдиқланган «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларини ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида»ги Низом ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2000 йил 16 октябрдаги 124-сон буйруғи билан тасдиқланган «Идоравий меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидалари» (рўйхат рақами 979, 16.10.2000 й.)га асосан амалга оширилади.*

## **23-модда. Янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганлиги муносабати билан илгари қабул қилинган ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш**

Янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганлиги муносабати билан илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга зарур ўзгартиришлар ёки қўшимчалар киритилади ҳамда илгари қабул қилинган барча ҳужжатлар ёки уларнинг қисмлари, агар улар янги норматив кўрсатмаларга зид бўлса ёхуд янги ҳужжат билан тўлалигича қамраб олинган ёки амалда ўз аҳамиятини йўқотган, лекин расман ўз кучини йўқотган деб эътироф этилмаган бўлса, ўз кучини йўқотган деб эътироф этилмоғи керак.

#### **IV. НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ, УЛАРНИНГ КУЧГА КИРИШИ ВА АМАЛ ҚИЛИШИ**

**24-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилишга қўйиладиган талаблар**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий нашрларда эълон қилиниши керак. Ҳамманинг эътибори учун расман эълон қилинмаган қонун асосида ҳеч ким судланиши, жазога тортилиши ёки мол-мулкидан маҳрум қилиниши мумкин эмас.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат расман баён тарзида эълон қилинишига йўл қўйилмайди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат расман эълон қилинганда унинг барча реквизитлари кўрсатилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни норасмий нашрларда эълон қилишга, шунингдек уларни қонун ҳужжатларининг электрон маълумот тизимлари орқали тарқатишга бу ҳужжатлар расмий манбаларда эълон қилинганидан сўнг ҳамда барча реквизитлари, эълон қилинган расмий манбалари ва кучга кириш санасини кўрсатиш шарт билан рухсат этилади.

**25-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилишнинг расмий манбалари**

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси», «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг тўплами», «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари Ўзбекистон Республикасининг қонулари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари эълон қилинадиган расмий манбалардир.

*(25-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрдаги 714-II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда)*

«Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами», «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг тўплами», «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинадиган расмий манбалардир.

«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг тўплами», вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг расмий нашрлари Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинадиган расмий манбалардир.

*(25-модданинг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмлари Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрдаги 568-II-сон Қонуни таҳририда — Олий Мажлис Ахборотномаси, 2004 й., 1-2-сон, 18-модда)*

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари мазкур органларнинг расмий нашрларида эълон қилинади.

**26-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг кучга кириши**

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, агар ҳужжатларнинг ўзида бошқа муддат кўрсатилган бўлмаса, расман эълон қилинганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

*(26-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрдаги 714-II-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари тегишинча Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда кучга киради ва улар эълон қилиниши шарт.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, агар ҳужжатнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилган бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида барча манфаатдор шахслар эътиборига етказилиши лозим. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни манфаатдор шахслар эътиборига етказиш норматив-ҳуқуқий ҳужжат матни билан монеликсиз (эркин) танишиш ҳуқуқини таъминловчи ҳар қандай шаклда амалга оширилиши мумкин.

**27-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг орқага қайтиш кучи**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқага қайтиш кучига эга эмас ва улар амалга киритилганидан кейин юзага келган муносабатларга нисбатан татбиқ этилади.

Қонун, у амалга киритилишига қадар юзага келган муносабатларга нисбатан, агар бу ҳоллар қонунда бевосита назарда тутилган бўлса, татбиқ этилиши мумкин. Агар қонун хатти-ҳаракатлар содир этилган пайтда жавобгарликка сабаб бўлмаган ёки энгилроқ жавобгарликка сабаб бўлган хатти-ҳаракатлар учун юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлигини белгилаш ёки кучайтиришни назарда тутса ёхуд юридик ва жисмоний шахсларга моддий зарар келтирса, қонунга орқага қайтиш кучини бериш мумкин эмас.

**28-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилиш муддати**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат, агар унинг матнида бошқа изоҳ берилмаган бўлса, муддатсиз амал қилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат амал қилишининг вақтинчалик муддати бутун ҳужжат учун ёки унинг қисмлари учун белгилалиши мумкин. Бундай ҳолда унда ҳужжат (ёки унинг қисми) қайси муддатга ёки қандай ҳодиса юз бергунига қадар ўз кучини сақлаб қолиши кўрсатилиши зарур.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган орган белгиланган муддат тугагунига ёки ҳодиса юз бергунига қадар ҳужжатнинг амал қилишини янги муддатга, бошқа ҳодиса юз бергунига қадар узайтириш тўғрисида ёки ҳужжатга муддатсиз тус бериш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

## **29-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг шахслар доираси бўйича амал қилиши**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва юридик шахсларига, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эллик юридик шахсларга, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга татбиқ этилади.

## **30-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат амал қилишининг тугатилиши**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат (унинг қисми) қуйидаги ҳолларда амал қилишини тугатади:

норматив-ҳуқуқий ҳужжат (унинг қисми) мўлжалланган муддат тугаганда ёки ҳодиса бошланганда;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат (унинг қисми) қонунда белгиланган тартибда конституциявий эмас деб топилганда;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат (унинг қисми) ўз кучини йўқотган деб топилганда;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат қонунда назарда тутилган ҳолларда бекор қилинганда.

## **V. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР**

### **31-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шарҳлаш**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шарҳлаш норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ноаниқликлар топилган, у амалиётда нотўғри ёки мантиққа зид тарзда қўлланилган ҳолларда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ қонунларнинг нормаларига Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди шарҳ беради.

Қонун ости ҳужжатларига уларни қабул қилган органлар расмий шарҳ беради.

Шарҳлаш жараёнида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тузатишлар, қўшимчалар ва аниқлаштирувчи нормалар киритилишига йўл қўйилмайди.



### **32-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мунтазам нашр этиш**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилувчи органлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тўпламлари ва мажмуаларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нашр этади ёхуд уларни бошқа органлар ва ташкилотлар нашр этиши тўғрисида топшириқлар беради.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бир тизимга солинган мажмуаларини нашр этади, мажмуаларни назорат ҳолатида сақлайди, уларга қўшимчалар нашр этади, уларни қайта нашр этади.

### **33-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат томонидан ҳисобга олиш**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат томонидан ҳисобга олиш бундай ҳужжатларни марказлашган тарзда йиғиш ва рўйхатга олишдан, уларнинг фондларини ҳамда бу ҳужжатлар ҳақидаги марказлашган ахборотларни яратиш ва назорат ҳолатида сақлаб туришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат томонидан ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**Ўзбекистон  
Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2000 йил 14 декабрь,  
160-П-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР  
МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ҚОНУНИЙЛИГИНИ  
ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

*Ушбу Қарорга ЎЗР ВМ 19.05.2000 й. 197-сон Қарорига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган*

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Белгилансинки:

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига даҳл қилувчи, мазкур бошқарув органи тизимига кирмайдиган корхоналар ва ташкилотлар учун мажбурий кучга эга бўлган ёки идоралараро тусдаги (умумий мажбурий тусдаги) меъёрий ҳужжатлари ушбу ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин, агар ҳужжатнинг ўзида кечроқ муддатда кўрсатилмаган бўлса, кучга қиради ва бажарилиши керак;

*(1-банднинг иккинчи хатбошици Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 197-сонли қарори таҳририда)*

давлат рўйхатидан ўтказилмаган меъёрий ҳужжатлар кучга қирмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди ҳамда тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, корхоналар ва ташкилотларга бирор-бир жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди;

меъёрий ҳужжатнинг давлат рўйхатидан ўтказиш тартиб рақами ва санаси кўрсатилмаган ҳолда тарқатилиши ва эълон қилиниши тақиқланади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган қоидалар вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг мазкур қарор қабул қилинганда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтган меъёрий ҳужжатларига татбиқ этилмайди.

Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг фуқароларнинг, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларига тааллуқли умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатлари «Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари Ахборотномаси» — «Бюллетень нормативних актов министерств, государственных комитетов и ведомств Республики Узбекистан» да албатта эълон қилиниши керак.

*(1-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 197-сонли қарорига асосан хатбоши билан тўлдирилган)*

2. Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларини ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги илова қилинаётган Низом тасдиқлансин.

Кўрсатиб ўтилган Низомни қўллашга доир тушунтиришлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан берилади.

*(2-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 197-сонли қарорига асосан хатбоши билан тўлдирилган)*

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига:

вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш ва қўллаш шунингдек, қабул қилинган меъёрий ҳужжатларни эълон қилиш ва манфаатдор шахслар эътиборига етказиш бўйича ишини назорат қилиш; *(3-банднинг иккинчи хатбошида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 197-сонли қарори таҳририда)*

вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларга ўн кун муддатда бажарилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритиш ёки давлат рўйхатидан ўтмаган ҳужжатларни бекор қилиш, бузилган ҳуқуқларни тиклаш, етказилган зарарларни қоплаш тўғрисидаги даъволар билан суд органларига мурожаат қилиш, шунингдек,

айбдор мансабдор шахсларни тегишли жавобгарликка тортиш масаласини Ҳукумат олдига қўйиш ҳуқуқи берилсин.

Кўрсатиб ўтилган даъволар судга берилганда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги давлат божи тўлашдан озод қилинсин.

4. Адлия вазирлигига юкланган вазифаларни таъминлаш учун Адлия вазирлиги марказий аппаратининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўлими негизида икки бўлимдан иборат Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси ташкил этилсин.

Мазкур Бошқарма ходимлари сони 9 нафардан иборат этиб (техник ходимлардан ташқари) белгилансин.

Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги марказий аппарати тузилмасида ташкил этилаётган Бошқарма учун зарур маблағлар ажратсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан «Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари Ахборотномаси» – «Бюллетень нормативных актов министерств, государственных комитетов и ведомств Республики Узбекистан» нашр этилиши маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги, Давлат матбуот қўмитаси, «Ўзулгуржибиржасавдо» уюшмаси ва «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни билан биргаликда кўрсатиб ўтилган бюллетеннинг ўз вақтида нашр этилишини таъминлаш билан боғлиқ ташкилий, молиявий ва моддий-техник масалаларни 1997 йил 1 ноябргача ҳал этсин.

6. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий-мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларининг ҳуқуқий экспертизаси ва уларни давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» 1993 йил 17 июндаги 294-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1993 й., 6-сон, 25-модда);

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий-мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларининг ҳуқуқий экспертизаси ва уларни давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» 1993 йил 17 июндаги 294-сон қарорига қўшимча киритиш тўғрисида» 1994 йил 15 июндаги 300-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 йил, 6-сон, 29-модда).

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

Вазирликлар юкланган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда Вазирлик тўғрисидаги низомни ва марказий аппарат тузилмасини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрласин.

**Вазирлар  
Маҳкамасининг  
Раиси**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
1997 йил 9 октябрь,  
469-сон

**Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил  
9 октябрдаги 469-сон қарори билан**

**ТАСДИҚЛАНГАН**

**Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий  
ҳужжатларини ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан  
ўтказиш тўғрисида**

**НИЗОМ**

*Ушбу Низомга ЎзР ВМ 19.05.2000 й. 197-сон Қарорига  
мувофиқ ўзгартиришлар киритилган*

Мазкур Низом вазирликлар, давлат қўмиталари, идораларнинг меъёрий ҳужжатларини (кейинги ўринларда «меъёрий ҳужжатлар» деб аталади) ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини, шунингдек, уларга қўйиладиган асосий талабларни белгилайди.

**I. Умумий қондалар**

1. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг (кейинги ўринларда «вазирликлар ва идоралар» деб аталади) меъёрий ҳужжатларини, уларнинг амал қилиш муддатидан (доимий ёки вақтинча) ҳамда улардаги маълумотларнинг хусусиятидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиши.

Мазкур Низом мақсадлари учун идоралар деганда вазирлик ёки давлат қўмитаси ҳисобланмаган, ижро этиш ва (ёки) фармойиш бериш функциялари, шунингдек, умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш ҳуқуқи берилган бошқарувнинг умумдавлат органлари ёхуд махсус ваколатли бошқарув органлари (агентликлар, комиссиялар, марказлар, бошқармалар ва бошқалар) тушунилади.

*(1-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 197-сонли қарорига асосан хатбоши билан тўлдирилган)*

2. Вазирликлар ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги:

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи;

идоралараро тусга эга бўлган;

мазкур бошқарув органи тизимига кирмайдиган корхоналар ва ташкилотлар учун мажбурий кучга эга бўлган меъёрий ҳужжатлари ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

Белгиланган тартибда ваколатли давлат органлари томонидан рўйхатдан ўтказиладиган стандартлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатлар, шунингдек, стандартлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатларга тегишли бўлмаган техник қоидалар ва нормалар мазкур Низомга мувофиқ Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилмайди. Қоидалар ва нормаларни техник ҳужжатларга тегишли деб топиш Адлия вазирлиги билан келишув бўйича амалга оширилади.

*(2-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 197-сонли қарорига асосан хатбоши билан тўлдирилган)*

3. Вазирликлар ва идоралар меъёрий ҳужжатларни қабул қилишда ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун уларни ўн кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этадилар.

Давлат рўйхатидан ўтмаган меъёрий ҳужжатлар қўлланилганлиги аниқланган тақдирда Адлия вазирлиги тегишли вазирлик ёки идорага ушбу ҳужжатни бекор қилиш ва бажаришдан чақириб олиш тўғрисида тақдимнома киритади. Вазирликлар ва идоралар ўн кун муддатда Адлия вазирлигининг талабини бажаришлари шарт. Адлия вазирлиги «Халқ сўзи» — «Народное слово» газеталарида ва бошқа оммавий ахборот воситаларида мазкур меъёрий ҳужжатнинг ноқонунийлиги тўғрисидаги ахборотни эълон қилишга ҳақлидир.

*(3-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 197-сонли қарори таҳририда)*

4. Бир нечта вазирлик ва идора қабул қилган меъёрий ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказишга тақдим этиш ҳужжатни тасдиқлаганлар орасида биринчи бўлиб кўрсатилган органга юкланади.

## **II. Меъёрий ҳужжатларга қўйиладиган талаблар**

5. Меъёрий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига мувофиқ бўлиши керак.

Меъёрий ҳужжатлар Идоравий меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш ва уларни қабул қилиш қоидалари талабларига мувофиқ тайёрланиши ва қабул қилиниши керак.

*(5-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 197-сонли қарорига асосан хатбоши билан тўлдирилган)*

Вазирликлар ва идоралар ўз ваколатлари доирасида меъёрий ҳужжатларни буйруқлар, қарорлар, низомлар, Қоидалар, йўриқномалар ва кўрсатмалар шаклида қабул қиладилар.

Меъёрий ёзма кўрсатмалар (хат, телефонограмма, хусусий масалалар бўйича тушунтиришлар ва бошқалар)нинг ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланмаган ҳужжатларга, шунингдек, яқка тартибдаги хусусиятга эга бўлган ҳужжатларга киритилишига йўл қўйилмайди.

Вазирликлар ва идоралар ҳуқуқий тартибга солишни талаб қиладиган масалалар пайдо бўлган тақдирда, агар ушбу масалаларни меъёрий тартибга солиш ўз ваколатларига кирса, тегишли меъёрий ҳужжатларни ўз вақтида қабул қилишлари керак. Адлия вазирлиги вазирликлар ва идораларга тегишли меъёрий ҳужжатни қабул қилиш зарурлиги, уни ишлаб чиқиш муддати ҳақида тақдимнома хиритишга ҳақлидир.



Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини бажариш юзасидан меъёрий ҳужжат қабул қилиш муддати, агар бошқа муддат белгиланмаган бўлса, бир ойдан ошмаслиги керак.

*(6-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 197-сонли қарори таҳририда)*

7. Меъёрий ҳужжатда мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг қайси Қонунини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қайси қарорини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қайси Фармонини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қайси қарорини (уларнинг моддалари ёки бандларини) бажариш юзасидан ёки улар асосида чиқарилаётганлиги мажбурий тартибда кўрсатилади.

8. Меъёрий ҳужжат тузилмаси ҳуқуқий тартибга солиш мавзуси изчил ривожлантирилишини, шунингдек, бўлажак ҳужжат бир хилда тушунилиши ва қўлланилишини таъминлаш керак.

Меъёрий ҳужжат ўз мазмунига мос қисқача номланиши керак. Агар меъёрий ҳужжат қабул қилиниши мақсадлари ва сабаблари тушунтирилиши талаб этилса, унда кириш қисми берилди. Меъёрий тусга эга бўлган қоида кириш қисмига киритилмайди.

*(8-банднинг тўртинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 197-сонли қарорига асосан чиқарилган)*

Меъёрий ҳужжат қоидалари аниқ ва ёрқин адабий тилда баён қилиниши керак. Фойдаланиладиган тушунчалар ва атамалар турлича таъқин қилинишини истисно қилиш учун уларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида қабул қилинган аҳамиятига мувофиқ бир хилда қўлланилади. Зарур ҳолларда махсус атамалар ва тушунчаларнинг қисқача таърифи берилди, умумий қабул қилинган қисқартмалар қўлланади ва бошқа қисқартиришлар тушунтирилади. Эскирган ва кўп маъноли сўзлар ва иборалар, образли қиёслашлар, мажозлар, сифатлашлар қўлланилишига йўл қўйилмайди.

Меъёрий ҳужжатларда амалдаги қонун ҳужжатлари қоидалари сўзма-сўз такрорланиши тақиқланади. Меъёрий ҳужжатлар матнига амалдаги қонун ҳужжатларига ҳавола қилиш кирити-лишига фақат истисно ҳоллардагина йўл қўйилади.

Мазкур меъёрий ҳужжатнинг бошқа бандларига, шунинг-дек, вазирликлар ва идораларнинг илгари қабул қилинган меъё-рий ҳужжатларига ҳавола қилиш уларнинг ўзаро алоқасини кўрсатиш ёки такрорга йўл қўймаслик зарур бўлган ҳоллардагина қўлланилади.

Меъёрий ҳужжатнинг ҳар бир бандида битта меъёрий кўр-сатма бўлиши керак. Ҳужжатнинг ҳар бир мустақил банди тўлик ва тугалланган мазмунга эга бўлиши керак.

Агар меъёрий ҳужжатда рўйхатлар, жадваллар, графиклар, хариталар, схемалар, ҳужжатлар, бланкалар намуналари келти-рилса, улар, одатда, иловаларда берилиши керак. Меъёрий ҳуж-жатнинг тегишли бандларида Ушбу иловаларга ҳавола қилинади.

Амалдаги меъёрий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимча-лар киритиш йўли билан ҳал этиш мумкин бўлган масалалар бўйича ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш шаклидаги ҳужжат-лар қабул қилинади.

*(8-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 197-сонли қарорига асосан хатбоши билан тўлдирилган)*

9. Меъёрий ҳужжатда қуйидаги реквизитлар бўлиши керак: ҳужжат шаклининг белгиланиши;

*(9-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 197-сонли қарори таҳририда)*

- тартибга солиш мавзусини белгиловчи ном;

ҳужжатнинг тартиб рақами, қабул қилинган санаси ва жойи;

вазирлик ёки идора раҳбарининг ёхуд унинг вазифасини бажарувчи шахснинг ушбу орган муҳри билан тасдиқланган имзоси. *(9-банднинг беешинчи хатбошиси Ўзбекистон Респуб-ликаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 197-сонли қарори таҳририда)*

10. Агар меъёрий ҳужжатнинг қабул қилиниши мазкур орган томонидан илгари қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар ўз кучини йўқотиши эътироф этилишини ёки уларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини талаб этса, ундай ҳолда ушбу қоидалар тақдим этилган меъёрий ҳужжатда ёхуд бошқа ҳужжатда акс эттирилиши керак.

#### 11. Меъёрий ҳужжатга:

меъёрий ҳужжатни чиқариш учун асос (вазирлик ва идора ваколати, меъёрий ҳужжатга кирган масалаларни ҳал этишни топшириш ёки бундай ҳуқуқ бериш юзасидан юқори органнинг қарори, ҳужжат қабул қилиниши учун асос бўлиб хизмат қилган бошқа ҳолатлар);

мазкур орган томонидан ушбу масала бўйича илгари қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар;

ушбу масала бўйича илгари бошқа органлар томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар ва давлат рўйхатидан ўтказишга тақдим этилган ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан уларни ўзгартириш ёки ўз кучини йўқотган деб эътироф этиш тўғрисида таклифлар тайёрлаш ҳақидаги маълумотлар мавжуд бўлган маълумотнома илова қилинади.

12. Тайёрланган меъёрий ҳужжат вазирлик ёки идора раҳбари томонидан имзолангунга қадар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан текширилиши керак.

*(12-банднинг биринчи хатбошичи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 197-сонли қарори таҳририда)*

Тақдим этилган меъёрий ҳужжатга ушбу органнинг юридик хизмати раҳбари томонидан виза қўйилган, илова қилинган маълумотнома эса имзоланган бўлиши керак.

### **Ш. Ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби**

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тақдим этилган меъёрий ҳужжатни олинган кундан бошлаб 30 кун ичида ҳуқуқий экспертизадан ўтказди.

14. Зарурат бўлса, экспертизадан ўтказишда Адлия вазирлиги қўшимча ҳужжатларни талаб этиш, шунингдек, меъёрий ҳужжатлар бўйича хулосалар бериш учун мутахассислар ва илмий ходимларни штатдан ташқари экспертлар сифатида жалб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

15. Агар тақдим этилган меъёрий ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлган ва мазкур Низомнинг II бўлимида кўрсатилган талабларига жавоб берган тақдирда, Адлия вазирлиги уни давлат рўйхатидан ўтказди.

Меъёрий ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказиш Адлия вазирининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Меъёрий ҳужжат, агар ҳужжатнинг ўзида янада кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга кирази ва бажарилиши керак.

*(15-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 197-сонли қарорига асосан хатбошилар билан тўлдирилган)*

16. Агар меъёрий ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлса, мазкур Низомнинг II бўлими талабларига жавоб бермаса, ёхуд манфаатдор органлар билан келишиш мажбурий ҳисобланганда бундай органлар билан келишилмаган бўлса, меъёрий ҳужжатни рўйхатдан ўтказиш рад этилиши мумкин. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган меъёрий ҳужжатлар Адлия вазирлиги томонидан тегишли хулосалар билан уларни тақдим этган органларга қайтарилади.

Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган меъёрий ҳужжатлар Адлия вазирлигининг хулосалари ҳисобга олинган ҳолда пухта ишланган тақдирда давлат рўйхатидан ўтказиш учун такроран тақдим этилиши мумкин. Бунда қонунларни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини бажариш юзасидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тақдимномасига кўра қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар-

ни мукаммаллаштириш ва давлат рўйхатидан ўтказишга такрорий тақдим этиш муддати бир ойдан ошмаслиги керак.

*(16-банднинг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 197-сонли қарори таҳририда)*

17. Меъёрий ҳужжатнинг асл нусхаси давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин унга берилган рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами билан биргаликда уни тақдим этган органга қайтарилади, икки нусхаси ҳисобга олиш ва эълон қилиш учун Адлия вазирлигида қолади.

#### **IV. Яқуний қондалар**

18. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ўзгарган тақдирда вазирликлар ва идоралар давлат рўйхатидан ўтказилган ўз меъёрий ҳужжатларини қонун ҳужжатларига мувофиқ-лаштириш ҳамда ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун тегишли ўзгартириш ва қўшимчаларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этишлари керак. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги вазирликлар ва идоралардан уларнинг давлат рўйхатидан ўтказилган меъёрий ҳужжатларини қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолга келтиришни талаб қилишга ҳақлидир.

Вазирликлар ва идоралар ушбу ҳолда ўн кун муддатда ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун ўзлари қабул қилган меъёрий ҳужжатлардаги ўзгартириш ва қўшимчаларни Адлия вазирлигига тақдим этишга мажбурдир. Ушбу қоида бажарилмаган тақдирда Адлия вазирлиги меъёрий ҳужжатни давлат реестридан чиқаришга ҳақлидир, бу меъёрий ҳужжатни юридик кучга эга эмас деб ҳисоблаш учун асос бўлади.

Меъёрий ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ушбу ҳужжатни қабул қилган орган томонидан, ёхуд бунга вакил қилинган орган томонидан мазкур ҳужжат қабул қилинган тартибда амалга оширилади.

Низоли масалалар пайдо бўлган, шунингдек, меъёрий ҳужжатни қўллаш билан боғлиқ бўлган янги ҳолатлар аниқланган тақдирда, Адлия вазирлиги масала белгиланган тартибда ҳал эти-

лишигача меъёрий ҳужжатнинг (ёки унинг тегишли қисмининг) амал қилишини тўхтатишга ҳақлидир. Мазкур бандда ва мазкур Низомнинг 20-бандида назарда тутилган меъёрий ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш ҳамда уни қайта кучга киритиш Адлия вазирининг буйруғи билан расмийлаштирилади, унинг нухаси тегишли органга жўнатилади.

*(18-банднинг биринчи ва тўртинчи хатбошилари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 197-сонли қарори таҳририда)*

19. Меъёрий ҳужжатларни қабул қилган орган тугатилган ёки қайта ташкил этилган тақдирда унинг ҳужжатлари ўз кучини йўқотган деб ҳисобланиши, уларнинг тарқатилиши, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши ҳақидаги масалалар унинг ҳуқуқий вориси ёки юқори турувчи орган томонидан ҳал этилади.

20. Вазирликлар ва идоралар томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун муддатда барча манфаатдор шахсларга етказилиши керак. Меъёрий ҳужжатни манфаатдор шахсларга етказиш меъёрий ҳужжатнинг матни билан тўсиқсиз (эркин) танишиш ҳуқуқини берувчи ҳар қандай шаклларда амалга оширилиши мумкин. Мазкур қоида бажарилмаган тақдирда Адлия вазирлиги вазирлик ёки идора томонидан тегишли чора-тадбирлар кўрилмагунча меъёрий ҳужжатнинг амалда бўлишини тўхтатиб қўйишга ҳақлидир. Белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши ва нашр этилиши (эълон қилиниши) керак бўлган меъёрий ҳужжатлар давлат рўйхатидан ўтказилгунга қадар бажариш учун юборилишига йўл қўйилмайди.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар «Халқ сўзи» — «Народное слово» газеталарида мунтазам равишда эълон қилиб берилиши шарт.

*(20-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 197-сонли қарори таҳририда)*

21. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли органларга улар қабул қилган меъёрий ҳужжатлар бўйича тушунтириш бериш зарурлиги тўғрисида тақдимномалар киритишга

ҳақлидир. Рўйхатдан ўтказилган меъёрий ҳужжатлар бўйича барча тушунтиришларнинг нусхаси мажбурий тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига жўнатилади.

*(21-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 197-сонли қарорига асосан хатбоши билан тўлдирилган)*

*«Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами»,  
1997 й., 10-сон, 33-модда.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР  
МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТУРКУМЛАШНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ҲУҚУҚИЙ  
АХБОРОТЛАРНИ ТАРҚАТИШНИ ТАРТИБГА  
СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан кенг фойдаланишини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш ва амалдаги қонун ҳужжатларини босқичма-босқич туркумлашни ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 2000 йил 1 сентябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари давлат ҳисоби жорий этилсин.

Ўзбекистон Республикаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисобини юритиш функцияси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисоби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари мажмуасини нашр этишни ташкил қилиш юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича 1-иловага\* мувофиқ таркибда комиссия тузилсин.

\* 1-илова берилмайди.

Комиссия 2000 йил 1 ноябргача Вазирлар Маҳкамасига:

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари мажмуаси схемаси, унинг материалларини шакллантиришнинг асосий принциплари ва тайёрланган бўлимларни кўриб чиқишга тақдим этиш тартиби тўғрисида таклифларни;



Ўзбекистон Республикаси Қонунлари мажмуасини тайёрлаш ва нашр этишнинг Мажмуа бўлимларини чоп этиш муддатлари назарда тутилган режасини киритсин.

Комиссияга Ўзбекистон Республикаси Қонунлари мажмуасини тайёрлаш ва нашр этишни ташкил қилиш бўйича таклифларни ишлаб чиқишда қатнашиш учун вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларни жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

3. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш тартиби тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси ва «Матбуот таркатувчи» акциядорлик компанияси билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпламининг ҳамда Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатлари ахборотномасининг даврий равишда, ҳар ойда икки марта нашр этилишини, шунингдек уларнинг очиқ обуна йўли билан тарқатилишини таъминласин;

Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотларининг туркумланган ягона электрон базаси)нинг шакллантирилиши ва ишлашини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси, Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги ҳамда «UzPAK» маълумотларни узатиш давлат тармоғини ривожлантириш ва ундан фойдаланиш корхонаси билан биргаликда 2000 йил 1 ноябргача Адлия вазирлиги марказий аппаратининг маҳаллий компьютер тармоғини ишга туширсин;

Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси билан биргаликда 2000-2001 йиллар мобайнида Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини шакллантиришга доир ишларни амалга оширсин, шунингдек тендер асосида тегишли ахборот-қидириш тизимини ишлаб чиқсин ва жорий этсин.

5. Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги ҳамда «UzPAK» маълумотларни узатиш давлат тармоғини ривожлантириш ва ундан фойдаланиш корхонаси:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда вазирлик меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларини элект-

рон почта тизими орқали тегишли органлардан олишини 2000 йил 1 сентябргача ташкил этсинлар;

яратилаётган маълумотлар электрон базасидан давлат ҳокимияти республика ва маҳаллий органлари, бошқа базадан фойдаланувчиларнинг тармоқ орқали фойдалана олишларини 2000 йил 1 ноябргача таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ёрдам кўрсатсинлар.

#### 6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг:

Адлия вазирлигининг Меъёрий ҳужжатларни ҳисобга олиш ва туркумлаш бўлими негизида Вазирлик марказий аппарати ходимларининг мавжуд сони доирасида Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармасини ташкил этиш тўғрисидаги;

Адлия вазирлигининг Ахборот-юридик марказини Адлия вазирлиги ҳузуридаги хўжалик ҳисобидаги Ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш марказига айлантириш, мавжуд штатларни Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармасига бериш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда Ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш маркази уставини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, унинг фаолиятига доир ташкилий масалаларни ҳал этсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш департаменти меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни нашр этиш, Қонун ҳужжатлари миллий базасини шакллантириш ва маҳаллий ҳисоблаш тармоғини барпо этиш учун зарур материаллар ва асбоб-анжомлар сотиб олиш, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш маркази фаолиятини ташкил этиш учун грант маблағларини жалб қилиш тўғрисидаги масалани халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар билан ишлаб чиқсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш маркази олиб келинаётган асбоб-ускуналар ва материаллардан даромад (фойда) солиғи, мол-мулк солиғи ва божхона тўловлари (божхонада расмийлаштирилганлиги учун олинадиган тўловлар бундан мустасно)

тўлашдан, бўшаб қолган маблағлар Марказнинг моддий-техника базасини ривожлантиришга, маҳаллий ҳисоблаш тармоғи ва Қонун ҳужжатлари миллий базасини барпо йўналтирган ҳолда, истисно тариқасида уч йил муддатга озод қилинсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. Т. Султонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар  
Маҳкамасининг  
Раиси**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2000 йил 5 август,  
304-сон

**Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил  
5 августдаги 304-сон қарорига**

**2-ИЛОВА**

**Меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

*Мазкур Қарорга ЎзР ВМ 26.05.2005 й. 135-сон Қарорига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган*

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларини Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотларининг туркумланган давлат ягона электрон базаси) орқали Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўпламида, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъерий ҳужжатлари ахборотномасида, шунингдек норасмий тартибда тарқатишнинг асосий шартларини белгилайди.

Меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий ва норасмий нашрларда, шу жумладан, электрон маълумотлар базаси орқали уларни эълон қилиш йўли билан тарқатилади, махфий тусга эга бўлган ёки эълон қилинмайдиган ҳужжатлар матнлари бундан мустасно.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланадиган расмий матбуот нашрларида меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг нашр этилиши меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг расмий нашрлари ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами ва Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъерий ҳужжатлари ахборотномаси Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун ҳужжатларининг расмий даврий нашрлари ҳисобланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўпламига янгидан қабул қилинадиган:

Ўзбекистон Республикаси қонунлари;  
Олий Мажлис қарорлари;  
Конституциявий суд қарорлари;  
Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг меъёрий тусдаги барча матнлари киритилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўпламида эълон қилинадиган ҳужжатлар тегишли тартиб рақамлари бўлган моддаларга жойлаштирилади. Ҳужжатларга иловалар ҳам ҳужжатлар жойлаштирилган моддаларга жойлаштирилади.

5. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномасига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилган умумий мажбурий тусдаги идоравий меъёрий ҳужжатлар киритилади.

6. Меъёрий ҳужжатлар матнлари Ахборотномада уларнинг тартиб рақамлари ва Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган санасига мувофиқ изчил тадрижий тартибда жойлаштирилади.

7. Катта ҳажмдаги меъёрий ҳужжатлар матнлари Ахборотномага киритилмаслиги мумкин. Бунда матнлар уларни қабул қилган органлар томонидан алоҳида нашр ҳолида эълон қилиниши керак.

8. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами ва Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси ҳар ойда икки марта, ўзбек ва рус тилларида чиқади ҳамда очиқ обуна йўли билан тарқатилади.

9. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига меъёрий тусдаги қуйидаги ҳужжатлар матнлари киритилади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари;  
Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари,  
Олий Мажлис қарорлари;  
Конституциявий суд қарорлари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;

идоравий меъёрий ҳужжатлар.

Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси шаклланишига қараб унга жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари босқичма-босқич киритиб борилади.

10. Ташкил этилаётган маълумотлар электрон базасидан давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган давлат ҳокимияти ва бошқарувининг республика ва маҳаллий органлари текин фойдаланадилар, бошқа фойдаланувчилар маълумотларни узатиш идоралараро тармоғи, Интернет глобал тармоғи, шунингдек бошқа каналлар орқали белгиланган тартибда фойдаланадилар.

11. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 октябрдаги 454-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик тармоклари умумҳуқуқий классификатори асосида шакллантирилади.

12. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида қўлланган қонунчилик классификацияси Ўзбекистон Республикаси давлат ва хўжалик бошқаруви органларида қонун ҳужжатларини туркумлашда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик тармоклари умумҳуқуқий классификаторини тижорат мақсадлари учун маълумотларнинг туркумланган базасида қўллашда эталон ҳисобланади.

13. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўпламининг ўз вақтида нашр этилишини таъминлаш ва Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини тўлдириш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати аппаратлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган кундан бошлаб бир кун мобайнида уларнинг матнларини қоғоз ва электрон матн-

ларда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига жўнатиладилар. Бунда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг электрон матнлари электрон почта тизими орқали Адлия вазирлигига жўнатилади.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг келиб тушган матнларидан уларнинг давлат ҳисобини юритиш ва Ўзбекистон Республикаси Қонунлари мажмуасини шакллантириш учун ҳам фойдаланилади.

*(13-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 26 майдаги 135-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2005 й., 21-сон, 154-модда)*

14. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси ўз вақтида нашр этилишини таъминлаш, шунингдек Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини тўлдириш учун тегишли органлар ўз меъёрий ҳужжатларини Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказишда вазирликка ушбу ҳужжатларнинг электрон матнларини электрон матнларда ёки электрон почта тизими орқали тақдим этадилар.

15. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни норасмий нашр этиш, шунингдек яратилаётган қонун ҳужжатлари маълумотлари электрон базаси давлат ва ҳўжалик бошқаруви барча органлари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин ва уларда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг барча реквизитлари, шунингдек улар эълон қилинган расмий манбалар ва кучга кириш санаси кўрсатилган бўлиши керак.

16. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилишнинг расмий манбаларидан давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ўзларига юкланган вазифаларни бажариш мақсадида уларни қўллашда мажбурий равишда фойдаланадилар. Бунда давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўз марказий аппаратларига, таркибий ва худудий бўлинмаларига ўз вақтида келиб тушишини, шунингдек меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг туркумлаштирилган ҳисоби юритилишини таъминлашга мажбурдирлар.

17. Ўзбекистон Республикаси Қонунлар тўпламини ва Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идора-

ларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномасини нашр этишни ташкил этиш, Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини ташкил этиш ва унинг ишлашига умумий раҳбарлик Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини шакллантириш ва доимий равишда янгилаб бориш, маълумотлар базасини сақлаш, маълумотлар электрон базасидан белгиланган тартибда фойдаланишни таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш маркази томонидан амалга оширилади.

*«Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами»,  
2000 й., 8-сон, 47-модда.*



**Идоравий меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш  
ва қабул қилиш қоидалари**  
(Рўйхат рақами 979, 2000 йил 16 октябрь)

*(Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив ҳужжатларининг бюллетени, 2000 й., №20.)*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2000 йил  
«16» октябрдаги 124-сон буйруғи билан «ТАСДИҚЛАНГАН»

**Идоравий меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш ва уларни  
қабул қилиш ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур қоидалар Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон қарорининг (ЎР ҚТ. 1997 й., 10-сон, 33-модда; 2000 й., 5-сон, 26-модда) 2-бандига, «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибни такомиллаштириш тўғрисида»ги 2000 йил 19 майдаги 197-сон қарорининг (ЎР ҚТ, 2000 й. 5-сон. 26-модда) 4-бандига мувофиқ ишлаб чиқилган ва вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини тайёрлаш, расмийлаштириш, қабул қилиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва кучга кириш тартибини белгилайди.

**I Боб. Умумий қоидалар**

**1§. Меъёрий ҳужжатни қабул қилиш (чиқариш)  
бўйича ваколатлар**

1. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон қарори (ЎР ҚТ. 1997 й. 10-сон. 33-модда; 2000 й., 5-сон, 26-модда) билан тасдиқланган.

«Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларини ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида»ги Низомга мувофиқ, умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларни (матнда бундан буён – меъёрий ҳужжатлар) қабул қиладилар.

Мазкур қондаларда идоралар деганда вазирлик ёки давлат қўмитаси ҳисобланмаган, ижро этиш ва (ёки) фармойиш бериш функциялари, шунингдек, умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш ҳуқуқи берилган бошқарувнинг умумдават органлари ёхуд махсус ваколатли бошқарув органлари (агентликлар, комиссиялар, марказлар, бошқармалар ва бошқалар) тушунилади.

2. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар (кейинги ўринларда - вазирликлар ва ёки идоралар деб аталади) ўз ваколатлари доирасида меъёрий ҳужжатлар қабул қиладилар.

Меъёрий ҳужжатни қабул қилиш, агар Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, фармойишлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида вазирлик ёки идорага тегишли бўлган масалаларни меъёрий тартибга солиш ёки муайян меъёрни ҳужжатларни қабул қилиш ваколати белгиланган бўлса, вазирлик ёки идора ваколатига киради.

Вазирликлар ва идораларнинг таркибий бўлинмалари ва ҳудудий органлари умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатлар қабул қилишга ҳақли эмас, қонунчилк билан уларга бундай ҳуқуқ берилган ҳоллар бундан мустасно. Вазирликлар ва идоралар меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш бўйича берилган ваколатни бошқа органларга, шу жумладан ўзларининг таркибий бўлинмалари ва ҳудудий органларига беришга ҳақли эмас.

3. Вазирликлар ва идоралар ҳуқуқий тартибга солишни талаб қиладиган масалалар пайдо бўлган тақдирда, агар ушбу масалаларни меъёрий тартибга солиш ўз ваколатларига кирса, тегишли меъёрий ҳужжатларни ўз вақтида қабул қилишлари керак. Адлия вазирлиги вазирликлар ва идораларга тегишли меъёрий ҳужжатни қабул қилиш зарурлиги, уни ишлаб чиқиш муддати ҳақида тақдимнома киритишга ҳақлидир.

Конунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини бажариш юзасидан меъёрий ҳужжат қабул қилиш муддати, агар бошқа муддат белгиланмаган бўлса, бир ойдан ошмаслиги керак.

## **2 §. Меъёрий ҳужжатнинг шакли, номи ва амал қилиш муддати**

4. Меъёрий ҳужжатлар буйруқлар, қарорлар, низомлар, қоидалар, йўриқномалар ва кўрсатмалар шаклида қабул қилинади (чиқарилади). Меъёрий ҳужжатларни бошқа шаклларда қабул қилиш(чиқариш)га йўл қўйилмайди. Меъёрий ёзма кўрсатмалар (хат, телефонограмма, хусусий масалалар бўйича тушунтиришлар ва бошқалар)нинг ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланмаган ҳужжатларга, шунингдек, яққа тартибдаги хусусиятга эга бўлган ҳуқуқий ҳужжатларга киритилишига йўл қўйилмайди. Таркибида меъёрий ёзма кўрсатмалар бўлган меъёрий тусга эга бўлмаган ҳужжатлар бекор қилинади ва қўлланилмайди.

5. Меъёрий ҳужжатнинг шакли ҳужжатнинг вазифасига ва унда ўрнатилган ёзма кўрсатмалар хусусиятига боғлиқ. Бунда буйруқлар ва қарорлар ҳам меъёрий, ҳам яққа тартибдаги хусусиятга эга бўлиши мумкин.

6. Меъёрий ҳужжатлар бир ёки бир неча императив қоидаларни жорий қилиш зарурати юзага келганда буйруқ шаклида қабул қилинади. Меъёрий буйруқлар вазирлар ва идора раҳбарлари томонидан мустақил ҳолда чиқарилади.

7. Меъёрий ҳужжат бир ёки бир неча императив қоидаларни жорий қилиш масаласини коллегиял ҳал қилиш зарурати юзага келганда қарор шаклида қабул қилинади. Қарор шаклидаги меъёрий ҳужжатлар давлат қўмиталари, бошқа идораларнинг мазкур идоралар номидан қарор қабул қилиш ваколати берилган коллегиял органлари томонидан, шунингдек қўшма ҳужжат сифатида икки ёки ундан ортиқ вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қабул қилинади.

8. Меъерий ҳужжатлар, агар уларнинг асосий мазмуни умумий белгилар асосида бирлаштирилган муносабатлар мажмуини тартибга солишга қаратилган ўзаро тизимли боғланган қоидаларни ўрнатиш ҳисобланса, низомлар шаклида қабул қилинади.

9. Меъерий ҳужжатлар, агар уларнинг асосий мазмуни муайян муносабатларни тартибга солишга қаратилган алоҳида ҳуқуқий меъёрларни ўрнатиш ҳисобланса, қоидалар шаклида қабул қилинади.

10. Меъерий ҳужжатлар, агар уларнинг мазмуни аниқ бир муносабатларни тартибга солиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишга ёки Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган меъерий ҳужжатлар қоидаларига ойдинлик киритиш ва аниқлаштиришга қаратилган алоҳида ҳуқуқий меъёрларни белгилаш ҳисобланса, кўрсатмалар шаклида қабул қилинади.

11. Меъерий ҳужжатлар, агар уларнинг асосий мазмуни конун ҳужжатлари қоидаларини қўллаш тартибини белгилаш ҳисобланса, йўриқномалар шаклида қабул қилинади.

12. Низомлар, қоидалар ва йўриқномалар шаклидаги меъерий ҳужжатлар тегишли буйруқлар ёки қарорлар билан тасдиқланади (мазкур қоидаларга 1 ва 2-сон иловалар).

Битта буйруқ ёки қарор билан бир нечта низом, қоидалар ёки йўриқномаларни тасдиқлашга йўл қўйилмайди.

Амалдаги меъерий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш йўли билан ҳал қилиниши мумкин бўлган масалалар юзасидан ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида ҳужжатлар қабул қилинади.

13. Меъерий ҳужжат ўз мазмунига мос за тартибга солиш мавзусини акс эттирувчи қисқача номга эга бўлиши керак.

Агарда низом, қоидалар ёки йўриқнома буйруқ ёки қарор билан тасдиқланаётган бўлса, буйруқ ёки қарорнинг номида қайси ҳужжат тасдиқланаётганлиги кўрсатилиши керак (мазкур қоидаларга 1 ва 2-сон иловалар).

14. Меъерий ҳужжатлар муайян муддатга (вактинчалик) ёки номуайян муддатга (доимий) қабул қилиниши мумкин. Меъерий ҳужжатларнинг амал қилиш муддати:

- а) аниқ сана билан (одатда, бир йилдан кўп бўлмаган);
- б) маълум ходисанинг юз бериши ёхуд меъёрий ҳужжатнинг мақсадига эришилганлиги билан чегараланиши мумкин.

### **3 §. Қўшма меъёрий ҳужжатлар**

15. Меъёрий ҳужжат бир нечта вазирликлар ва идоралар томонидан қўшма ёки улардан бири бошқалари билан келишилган ҳолда қабул қилиниши (чиқарилиши) мумкин.

16. Қўшма меъёрий ҳужжатлар қарорлар шаклида қабул қилинади (тасдиқланади) ёхуд бىр нечта вазирликлар ва идораларнинг қўшма кўрсатмалари шаклида чиқарилади (ушбу коидаларга 3- ва 5-сон иловалар).

## **II Боб. Меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш**

### **1 §. Меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашни ташкил этиш**

17. Меъёрий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш вазирликлар ва идораларнинг бир ёки бир нечта таркибий бўлинмаларига, уларнинг вазифалари ва ваколатларини ҳисобга олган ҳолда, юклатилади. Бунда лойиҳанинг тайёрланиши учун масъул бўлган мансабдор шахслар доираси, унинг тайёрланиш муддати, зарурат бўлган тақдирда, мазкур ишга жалб қилинадиган ташкилотлар аниқланади.

Меъёрий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашда вазирликлар ва идораларнинг юридик хизматлари иштирок этади.

18. Муҳимрок ва мураккаб меъёрий ҳужжатлар, шунингдек бир неча вазирликлар ва идоралар томонидан чиқариладиган ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш учун ишчи гуруҳлари тузилиши мумкин.

19. Меъёрий ҳужжат лойиҳалаш ишлари жараёнида лойиҳага доир Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, тегишли меъёрий ҳужжатларни қўллаш амалиёти, кўриб чиқиладиган масала бўйича илмий адабиёт ва даврий матбуот материаллари, шунингдек, агар ўтказилган бўлса, социологик ва бошқа тадқиқотлар маълумотлари ўрганилиши керак. Бундан ташқари, лойиҳада

счимини топаётган масалалар хусусиятини ҳисобга олган ҳолда бошқа давлатларнинг қонун ҳужжатлари, халқаро шартномалар ва бошқа ҳужжатлар ўрганилиши лозим.

Меъёрий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорларига мувофиқ бўлиши керак.

## 2 §. Меъёрий ҳужжатнинг тузилмаси

20. Меъёрий ҳужжат тузилмаси ҳуқуқий тартибга солиш мавзуси изчил (мантиқий) ривожлантирилиши, шунингдек бўлажак ҳужжат бир хилда тушунилиши ва қўлланилишини таъминлаш керак.

21. Агар меъёрий ҳужжат қабул қилиниши мақсадлари ва сабаблари тушунтирилиши талаб этилса, лойиҳада кириш қисми муқаддима берилади. Меъёрий тусга эга бўлган қоида муқаддимага киритилмайди.

Меъёрий ҳужжатда мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг қайси қонунини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қайси қарорини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қайси фармонини, фармойишини ёки қарорини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қайси қарорини (уларнинг моддалари ёки бандларини) бажариш юзасидан ёки улар асосида чиқарилаётганлиги мажбурий тартибда кўрсатилади.

22. Меъёрий ёзма кўрсатмалар араб рақамларида белгиланиб нукта қўйилган бандлар шаклида расмийлаштирилади ва сарлавҳага эга бўлмайди. Меъёрий ҳужжат бандларининг рақамланиши ўсиб боровчи изчил тартибда бўлиши керак. Бандлар ҳарф ёки рақам билан белгиланган бандчаларга бўлиниши мумкин.

Меъёрий ҳужжатда хатбошиларининг бошланишида дефис ёки бошқа белгилардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

23. Меъёрий ҳужжатлар ҳажмига қараб параграфлар ва бобларга бўлиниши мумкин. Параграфлар «§» белгиси билан белгиланади араб рақамлари билан рақамланади ва сарлавҳаларга эга

бўлади. Боблар рим рақамлари билан рақамланади ва сарлавҳаларга эга бўлади.

### 3 §. Меъёрий ҳужжат мазмунини баён этиш

24. Меъёрий ҳужжатнинг ҳар бир бандида битта меъёрий кўрсатма бўлиши керак. Ҳужжатнинг ҳар бир мустақил банди тўлиқ ва тугалланган мазмунга эга бўлиши керак.

25. Меъёрий ҳужжатларда қонун ҳужжатлари қоидаларнинг сўзма-сўз такрорланишига йўл қўйилмайди.

Меъёрий ҳужжатларда қонунчиликнинг айрим қоидаларини такрорлашга ушбу ҳужжатлар ва уларни нашр этишнинг расмий манбалари (агар улар расман нашр этилган тақдирда) кўрсатган ҳолда, масалани тўлароқ баён этиш учунгина йўл қўйилиши мумкин.

26. Меъёрий ҳужжатлар матнига амалдаги қонун ҳужжатларига ҳавола қилиш киритилишига фақат истисно ҳоллардагина йўл қўйилади. Қонун ҳужжатларига уларнинг айрим қоидаларини такрорламасдан ҳавола қилинганда ҳам нашрнинг расмий манбаларини (агар улар расман нашр этилган тақдирда) кўрсатиш шарт.

27. Меъёрий ҳужжатда вазирликлар ва идораларнинг давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган бошқа меъёрий ҳужжатларнинг айрим қоидаларини такрорланиши уларга ҳавола қилинганда, уларнинг номланиши уларни қабул қилган (чиқарган) вазирликлар ва идораларнинг тўлиқ номи, қабул қилинган (чиқарилган) санаси, рақами, давлат рўйхатидан ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан берилган рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами, давлат рўйхатидан ўтказиш санаси, шунингдек нашрнинг расмий манбаси (агар Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари; Ахборотномаси ёки бошқа расмий манбада нашр этилган тақдирда, мазкур қоидаларга 5-сон илова) кўрсатилиши зарур.

28. Давлат рўйхатидан ўтказиш учун келиб тушган ҳужжатда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган, бироқ давлат рўйхатидан ўтмаган меъёрий ҳужжатга ҳавола қилишга йўл қўйилмайди.

29. Вазирликлар ва идораларнинг давлат рўйхатидан ўтказилмайдиган ёки меъёрий тусга эга бўлмаган ёхуд тавсия тусидаги меъёрий ҳужжатларига ҳавола қилишга уларнинг қоидаларига умумий мажбурий тус бермаслик шарти билан йўл қўйилади (стандартлаштириш, техник қоидалар ва нормалар бўйича ҳужжатларга ҳавола қилишлар бундан мустасно).

30. Мазкур меъёрий ҳужжатнинг бошқа бандларига, шунингдек, вазирликлар ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларига ҳавола қилиш уларнинг ўзаро алоқасини кўрсатиш ёки такрорга йўл қўймаслик зарур бўлган ҳоллардагина йўл қўйилади.

31. Меъёрий ҳужжат қоидалари аниқ ва ёрқин баён қилиниши керак. Қоидаланиладиган тушунчалар ва атамалар турлича талқин қилинишини истисно қилиш учун уларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида қабул қилинган моҳиятига мувофиқ бир хилда қўлланилади. Зарур ҳолларда, махсус атамалар ва тушунчаларнинг қисқача таърифи берилади, умумий қабул қилинган қисқартмалар қўлланади ва бошқа қисқартиришлар тушунтирилади. Эскирган ва кўп маъноли сўзлар ва иборалар, образли киёлашлар, мажозлар, сифатлашлар қўлланишига йўл қўйилмайди.

32. Агар меъёрий ҳужжатда рўйхатлар, жадваллар, графиклар, хариталар, схемалар, ҳужжатлар, бланкалар намуналари, услубиётлар келтирилса, улар, одатда, иловалар тарзида расмийлаштирилиши керак, ҳужжатнинг тегишли бандларида ушбу иловаларга ҳавола қилиниши керак.

Меъёрий ҳужжатга, шунингдек, тавсия тусидаги ҳужжатлар (намунавий уставлар, шартномалар, низомлар, услубий тавсияномалар ва ҳоказолар) ҳам, уларнинг қоидаларига умумий мажбурий тус бермаслик шарти билан, илова қилиниши мумкин. Мазкур ҳужжатлар Адлия вазирлигида ҳуқуқий экспертизадан ўтказишнинг предмети ҳисобланмайди.

#### **4 §. Меъёрий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар лойиҳаларини тайёрлаш**

33. Меъёрий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар тегишлича буйруқлар ва қарорлар билан киритилади. Илгари чиқарилган ҳужжатлар ёки уларнинг қисмларини ўзгартириш, тўлди-



риш ёки ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги қоидалар буйруқ ёки қарорнинг (бекор қилинаётган меъёрий ҳужжатни, бобларни, бандларни, бандчаларни ва хатбошиларни кўрсатган ҳолда) матнига киритилади ёхуд ҳужжатга илова тариқасида расмийлаштирилади (мазкур қоидаларнинг 5, 6, 7, 8, 9-сон иловалар).

Кўрсатмалар шаклида қабул қилинган меъёрий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар ҳам кўрсатмалар шаклида киритилади (мазкур қоидаларга 6-сон илова).

Ўзгартириш ва қўшимча киритилаётган меъёрий ҳужжат матнида ўзгартириш ва қўшимча киритилаётган ҳужжатнинг номидан кейин Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказиш санаси ва рақами мажбурий тартибда кўрсатилади (мазкур қоидаларга 5, 6, 7, 9, 10 ва 11-сон иловалар). Ўзгартирилаётган ёки қўшимча киритилаётган ҳужжат «Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари Ахборотномаси»да нашр қилинган бўлса, Ахборотноманинг сони кўрсатилади (мазкур қоидаларга 5-сон илова).

34. Агар аҳамиятга эга бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурати ёки айнан бир масала бўйича бир нечта ҳужжатларнинг мавжудлиги аниқланса, у ҳолда уларни мувофиқлаштириш мақсадида ягона янги ҳужжат ишлаб чиқилади. Ушбу ҳужжатнинг лойиҳасига янги, шунингдек илгари қабул қилинган (чиқарилган) ҳужжатлардаги ўз кучини сақлаб қолаётган меъёрий кўрсатмалар киритилади.

Агар бир меъёрий ҳужжатга қўп маротаба ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган бўлса, у ҳолда мазкур меъёрий ҳужжатнинг янги таҳрири ишлаб чиқилади.

35. Меъёрий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда, шунингдек янги таҳрирни ишлаб чиқишда киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг аниқлигини етарлича назорат қилишни таъминлаш учун жадваллар тарзида расмийлаштирилган синопсислар (таққослашлар) тузиш тавсия этилади. Синопсис жадваллар, одатда, учта устундан иборат бўлади: биринчи устунда ҳужжатнинг амалдаги таҳрири матни, иккинчисида янги таҳрирнинг тўлиқ матни, учинчисида эса ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш асослартирилиши берилади. Биринчи ва

иккинчи устунларда ўзгартирилаётган матн қалин шрифт ёхуд курсив ёки тагига чизилган ҳолда ажратилади.

36. Собик ССЖИ нинг вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатларида ҳал қилинган масалаларни ҳуқуқий тартибга солишни ўзгартириш зарурати юзага келганда, ўзгартиришлар, унда Ўзбекистон Республикасида собик ССЖИнинг вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари ҳужжатларининг айрим қоидалари ёхуд бутун ҳужжат қўлланилмаслигини кўрсатган ҳолда, янги меъёрий ҳужжат қабул қилиш йўли билан расмийлаштирилади.

### **III Боб. Меъёрий ҳужжатни расмийлаштириш, қилиши ва қабул қилиш**

#### **1 §. Меъёрий ҳужжат лойиҳасини расмийлаштириш**

37. Меъёрий ҳужжатнинг матни А4 форматдаги қоғоз варагининг бир томонида масштаб кичрайтирилмаган ҳолда жойлашиши лозим.

38. Буйруқлар ва қарорлар матнлари Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвирланган тегишли бланкларда ёзилиши ва уларни қабул қилаётган (чиқараётган) орган(органлар)нинг номи бўлиши керак.

39. Иловалари бўлган меъёрий ҳужжатнинг бетлари ўсиб борувчи изчил тартибда рақамланиши лозим. Бетнинг тартиб рақами, одатда, варақнинг юқори ўнг бурчагида «2» рақамидан бошлаб ёзилади. Биринчи бетида «i» рақами қўйиш тавсия этилмайди.

40. Одатда, стандарт варақда 1,5 қатор оралиғида ёзилиши керак; ҳар бир бет ҳошияси: юқоридан ва пастдан 2 см, чапдан 3 см, ўнгдан 2 см чекинишга эга; хатбоши беш-олти белгига тенг ва бир хилда бўлиши керак.

Матнни компьютерда ёзилишида *Times new Roman 12* ёки шунга ўхшаш шрифтни қўллаган ҳолда Microsoft Word редакторидан фойдаланиш тавсия қилинади.

41. Тайёрланган меъёрий ҳужжат лойиҳасининг грамматика қоидаларига мувофиқлиги текширилади.

Меъёрий ҳужжат матнида ўчириш ва тузатишларга йўл кўйилмайди.

42. Меъёрий ҳужжат лойиҳасини грамматика қоидаларига мувофиқлиги текшириб чиқилганидан сўнг вазирликлар ва идораларнинг юридик хизмати лойиҳанинг қонунчиликка ва қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлигини текширади.

Меъёрий ҳужжат лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқ деб топилса, лойиҳа юридик хизмат раҳбари томонидан имзоланади. Имзоланган лойиҳани ҳар бир бетининг орқа тарафига имзо қўйиш билан амалга оширилади.

Меъёрий ҳужжат лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқ эмас деб топилса, юридик хизмат лойиҳани тегишли хулоса билан лойиҳани тайёрлаш учун масъул бўлган таркибий бўлинмага қайтаради.

43. Юридик хизмат меъёрий ҳужжат лойиҳасини имзоланган билан бир вақтда мазкур лойиҳа бўйича, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон қарори (ЎР ҚТ, 1997 й., 10-сон, 33-модда; 2000 й., 5-сон, 26-модда) билан тасдиқланган «Вазирликлар, Давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларини ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатида ўтказиш тўғрисида»ги Низомнинг 11 банди талабларига мувофиқ, маълумотнома тайёрлайди.

Маълумотномада:

а) меъёрий ҳужжатни чиқариш асослари:

1) вазирлик ёки идорага меъёрий ҳужжат ишлаб чиқиш топширилган қонун ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотлар (номи, санаси, рақами, расмий нашр этиш: манбаси, моддалари, бандларининг рақами), шунингдек юқори органлар топшириғининг рақами ва санаси (топшириқ нусхаси маълумотномага илова қилинади);

2) меъёрий ҳужжатни чиқариш бўйича вазирлик ёки идоранинг ваколатини белгиловчи қонун ҳужжатлари тўғрисида маълумотлар (номи, санаси, тартиб рақами, расмий нашр этиш манбаси, моддалари, бандларининг рақами);

б) мазкур орган томонидан ушбу масала бўйича илгари қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар;

в) ушбу масала бўйича илгари бошқа органлар томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар ва ушбу ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан уларни ўзгартириш ёки ўз кучини йўқотган деб эътироф этиш тўғрисида таклифлар тайёрлаш ҳақидаги маълумотлар;

г) меъёрий ҳужжат лойиҳасини асослаш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар акс эттирилади.

44. Юридик хизмат мавжуд бўлмаган тақдирда, меъёрий ҳужжат бўйича маълумотнома меъёрий ҳужжатни тайёрлаш учун масъул бўлган таркибий бўлинма томонидан тайёрланиши ва вазирлик ёки идора раҳбари ёхуд унинг тегишли ўринбосари томонидан имзоланиши мумкин.

## **2 §. Меъёрий ҳужжат лойиҳасининг келишилиши**

45. Агар келишилиши қонунчиликка мувофиқ мажбурий ҳисобланганда, шунингдек меъёрий ҳужжатда бошқа вазирликлар ва идораларнинг манфаатларига ёки ваколатларига дахл қилувчи қоидалар ва меъёрлар мавжуд бўлганда, меъёрий ҳужжатнинг лойиҳаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишилиши лозим.

Келишилиши лозим бўлган меъёрий ҳужжатлар кўрсатмалар шаклида қабул қилинмайди.

Келишилаётган меъёрий ҳужжат лойиҳаси вазирликлар ва идоралар раҳбарлари томонидан имзоланган ва тегишли орган муҳри билан тасдиқланган ҳолда унинг келишилганини кўрсатувчи якуний қоидаларни ўз ичига олиши лозим. Шу билан бирга лавозим ва исм-шарифи, шунингдек келишилиш санаси кўрсатилиши керак (мазкур қоидаларга 2-сон илова). Меъёрий ҳужжат келишилгандан кейин, одатда, ўн кун ичида қабул қилиниши (тасдиқланиши) лозим.

46. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва республика бюджети масалалари билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар лойиҳалари тегишлича Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги ва Меҳнат вазирлиги билан,

ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан, ташқи сиёсий фаолият билан боғлиқ масалалар бўйича – Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан келишилиши лозим.

47. Вазирликлар ва идоралар томонидан ходимларнинг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқларига тааллуқли меъёрий ҳужжатлар лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ва тегишли касаба уюшмаси билан келишилган ҳолда кўриб чиқилади ва қабул қилинади.

48. Атроф табиий муҳитга, шу жумладан табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган хўжалик ва бошқа фаолиятни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси томонидан ўтказиладиган мажбурий давлат экологик экспертизасидан ўтказилади.

49. Меъёрий ҳужжатларни келишиш давомида вазирликлар ва идоралар ўртасида келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, бундай ҳужжат келишмовчиликлар бартараф қилингунига қадар қабул қилиниши мумкин эмас. Агарда келишмовчиликларни бартараф қилишнинг имкони бўлмаса, меъёрий ҳужжатни тайёрлашга масъул бўлган вазирлик ёки идора бу масалани батамом ҳал қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ёхуд бошқа юқори органга мурожаат қилиши лозим.

### **3 §. Меъёрий ҳужжатни қабул қилиш (тасдиқлаш)**

50. Меъёрий ҳужжатлар тегишли буйруқ, қарор ёки йўриқнома вазирлик ёки идора раҳбари ёки унинг вазифасини бажарувчи шахс томонидан имзолаш йўли билан қабул қилинади (тасдиқланади). Имзолар тегишли органнинг муҳри билан тасдиқланади.

51. Қўшма буйруқлар, қарорларни қабул қилишда имзолар ҳар бир вазирлик ва идора учун тартибга солинаётган масаланинг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда кетма-кет жойлаштирилади. Тартибга солинаётган масала бир нечта вазирликлар ва идоралар

учун тенг аҳамиятга эга бўлганда, имзолар тегишли органлар номларининг алфавит тартибида жойлаштирилади.

52. Низомлар, қоидалар ва йўриқномалар шаклида қабул қилинадиган меъёрий ҳужжатлар уларни тасдиқлаган тегишли буйруқ ёки қарорга илова қилинади. Бунда низомлар, қоидалар ёки йўриқномаларнинг юқори ўнг бурчагида «тасдиқланган» (тегишли келишиқдаги) сўзидан, санаси ва тартиб рақами кўрсатилган ҳолда ҳужжатнинг бош келишиқдаги номидан иборат бўлган тасдиқлаш махсус ёзуви қўйилади (мазкур қоидаларга 2-сон илова).

53. Қабул қилинган меъёрий ҳужжатда қуйидаги реквизитлар бўлиши керак:

а) меъёрий ҳужжат шаклининг белгиланиши;

б) меъёрий ҳужжатнинг номи;

в) меъёрий ҳужжатнинг тартиб рақами, қабул қилинган санаси ва жойи;

г) вазирлик ёки идора раҳбарининг ёхуд унинг вазифасини бажарувчи шахснинг ушбу орган муҳри билан тасдиқланган имзоси, шу жумладан лавозими ва фамилияси.

Бир нечта вазирликлар ва идораларнинг қўшма қабул қилган меъёрий ҳужжатлари ягона санага эга бўлиши керак.

Агар вазирлик ёки идора раҳбарига икки ёки ундан ортиқ лавозимдаги вазифаларни бажариш юклатилган бўлса, у ҳолда реквизит сифатида унга ушбу вазирлик ёки идора номидан имзолаш ҳуқуқини берувчи лавозими кўрсатилади.

Вазирлик ёки идора раҳбарининг вақтинчалик меҳнатга лаёқатсиз бўлганида, таътил ёки бошқа сабаб туфайли бўлмаганида унинг вазифасини бажаришни юклаш тўғрисида тегишли вазирлик ёки идора раҳбари томонидан имзоланган (тасдиқланган) фармойишли ҳужжатда кўзда тутилган бўлиши керак.

54. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилаётган (тасдиқлаётган) меъёрий ҳужжатлар ҳисобини юритиш бўйича алоҳида дафтарга меъёрий ҳужжат ҳақида қуйидаги маълумотлар киритилади:

а) шакли ва номи;

б) қабул қилинган (тасдиқланган) санаси ва рақами;

в) ҳужжат келишилган органлар (улар мавжуд бўлса);  
г) ҳужжатни имзолаган мансабдор шахснинг исм-шарифи ва лавозими;

д) ҳужжат тайёрланиши учун масъул бўлган таркибий бўлинманинг номи, шу жумладан масъул ходимнинг, фамилияси, исм-шарифи ва лавозими.

Меъёрий ҳужжатга меъёрий ҳужжатлар ҳисобини юритиш дафтаридаги тартиб рақамига мутаносиб рақам берилади.

55. Меъёрий ҳужжат битта асл нусхада қабул қилинади. Қўшма меъёрий ҳужжатлар ҳужжатни тасдиқлаган органлар сонига мутаносиб равишда қабул қилинади.

#### **IV Боб. Меъёрий ҳужжатнинг давлат рўйхатидан ўтказилиши ва кучга кириши**

##### **1§. Меъёрий ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказиш учун жўнатиш**

56. Меъёрий ҳужжат қабул қилинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказиш учун жўнатилади. Агар кўрсатилган муддатнинг охири иш куни бўлмаган кунга тўғри келса, у холда давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим қилиш муддати кейинги иш кунига қадар узайтирилади.

Меъёрий ҳужжатни белгиланган муддат давомида давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим қилиш факти Адлия вазирлиги девонхонаси томонидан кузатув хатига қўйилган санадан, агар меъёрий ҳужжат почта орқали юборилган бўлса, алоқа бўлими томонидан жўнатма қабул қилинган санадан қайд қилинади.

57. Бир нечта вазирликлар ва идораларнинг қўшма қабул қилган меъёрий ҳужжати давлат рўйхатидан ўтказишга тақдим этиш ҳужжатни имзолаганлар орасида биринчи бўлиб кўрсатилган органга юклатилади.

58. Меъёрий ҳужжатлар Адлия вазирлигига вазирлик ва идора раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан 3 нусхада (асли ва 2 та нусхаси) тақдим қилинади. Давлат сирини ташкил этувчи маълумотлар ёки махфий тусдаги маълумотлар бўлган меъёрий ҳужжатлар 2 нусхада (асли ва 1 та нусхаси) тақдим қилинади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5

августдаги 304-сон қарори билан тасдиқланган «Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 14 бандига мувофиқ, Адлия вазирлигига ушбу ҳужжатларнинг электрон версиялари электрон ташувчиларда (флорпи диск, CD-ROM) тақдим қилинади ёхуд улар электрон почта тизими орқали вазирликка юборилади.

Бир нечта вазирликлар ва идоралар қўшма қабул қилинган меъёрий ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказишга тақдим этилганда тақдим этилиши керак бўлган нусхалар сони меъёрий ҳужжатни тасдиқлаган органлар сонига мутаносиб равишда кўпаяди.

Меъёрий ҳужжатга меъёрий ҳужжатни тақдим қилган орган юридик хизмати раҳбари томонидан имзоланган маълумотнома (бир нусхада) илова қилинади. Маълумотномада имзолаган шахснинг фамилияси, исм-шарифи, лавозими, телефон рақамлари кўрсатилиши керак.

Кузатув хатида ёхуд маълумотномада:

вазирлик ёки идоранинг меъёрий ҳужжатни тайёрлашга масъул бўлган таркибий бўлинмаси раҳбари ва ходимининг;

Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган меъёрий ҳужжатни олишга ваколати бўлган шахсларнинг фамилияси, исм-шарифи, телефон рақамлари кўрсатилиши зарур.

Меъёрий ҳужжат вазирлик ёки идора раҳбари вазифасини бажарувчи шахс томонидан имзоланган тақдирда, маълумотномада вазирлик ёки идора раҳбари вазифасини бажаришни юклаш, шунингдек мазкур вазифаларни бажариш муддати кўрсатилган тегишли фармойишли ҳужжатининг реквизитлари бўлиши керак.

59. Агар меъёрий ҳужжат давлат рўйхатидан ўтказиш учун такроран жўнатилган, шунингдек агар у рўйхатдан ўтказиш рад этилган ҳужжат ўрнига қабул қилинган (чиқарилган) холда, маълумотномада Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилганлиги ёки меъёрий ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказилмасдан қайтарилганлиги тўғрисидаги хатининг (хулосасининг) санаси ва тартиб рақами кўрсатилиши керак.

60. Меъёрий ҳужжатнинг таржимасида таржимон имзоси, таржима ихтисослаштирилган ташкилот томонидан амалга оши-



рилган тақдирда, ушбу ташкилотнинг мухри билан тасдиқланган раҳбарнинг имзоси бўлиши керак.

61. Вазирликлар ва идораларнинг умумий мажбурий тусга эга бўлган кундаги меъёрий ҳужжатлари ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун жўнатилиши лозим:

а) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг фуқаролик, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатлари ва мажбуриятларига, уларни амалга ошириш кафолатларига, кўрсатилган ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятларни амалга ошириш механизмларига дахл қилувчи;

б) идоралараро тусга эга бўлган;

в) меъёрий ҳужжатни тасдиқлаган вазирлик ёки идора (қўшма тасдиқлаган икки ёки ундан ортиқ идора) тизимига қирмайдиган корхоналар ва ташкилотлар учун умумий мажбурий кучга эга бўлган. Корхоналар ва ташкилотлар вазирликлар ёки идораларнинг тўлиқ бўйсунувида бўлсалар, мазкур органларнинг тизимига қирувчи корхона ва ташкилотлар ҳисобланадилар. Бўйсунув тўғридан тўғри (мазкур тизимнинг барча юқори бўғинларига вертикал равишда) ёки бевосита (бевосита юқори органга) бўлиши мумкин. Корхоналар ташкилотлар, агар вазирликлар ва идораларга қайсидир алоҳида муносабатлар юзасидан (масалан, ҳисоб юритиш қоидалари, маблағ билан таъминлаш, услубий раҳбарлик масалалари бўйича ва хоказо) бўйсунувда бўлсалар, уларнинг назорати остида бўлсалар ёхуд вазирлик ёки идора корхона ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш вазифасини бажарса, вазирликлар ёки идоралар тизимига қирувчи ҳисобланмайди.

Бунда юқорида кўрсатиб ўтилган белгилардан бири ёки бир нечтасига эга бўлган меъёрий ҳужжатлар давлат рўйхатидан ўтказиш учун жўнатилади.

Меъёрий ҳужжатлар амал қилиш муддатидан (доимий, вақтинчалик (маълум бир муддатга қабул қилинган), шунингдек уларни ташкил қилган қоидаларнинг қандай тусда бўлишидан, шу жумладан давлат сирини ташкил этувчи маълумотларга ёки махфий маълумотларга эга бўлишидан қатъи назар давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

## 62. Давлат рўйхатидан ўтказилмайди:

а) якка тартибдаги (аниқ бир ҳуқуқий муносабатларни бевожута юзага келтирувчи, ўзгартирувчи ёки бекор қилувчи, унинг амал қилиши бир марта қўллаш билан тамом бўлувчи, ўз мазмунига кўра юридик факт ҳисобланувчи ҳужжатлар), шу жумладан шахсий тусдаги (лавозимга тайинлаш ёки озод қилиш, рағбатлантириш ёки жазо бериш ва шунга ўхшаш), тезкор-фармойишли тусдаги (бир марталик топшириқлар) ҳуқуқий ҳужжатлар ва ҳоказо;

б) юқори турувчи давлат бошқаруви ёки ижроия ҳокимияти қарорларини бошқарув ёки ижроия ҳокимияти органи тизимидаги органлар ва ташкилотлар эътиборига етказувчи ҳужжатлар;

в) белгиланган тартибда ваколатли давлат органлари томонидан рўйхатга олинмаган стандартлаштириш бўйича ҳужжатлар (стандартлар, стандартлаштириш бўйича қоида ва нормалар, техник-иктисодий маълумотлар классификаторлари);

г) стандартлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатларга тегишли бўлмаган техник қоидалар ва нормалар. Меъёрий ҳужжатларни техник қоида ва нормаларга тегишли деб топиш Адлия вазирлиги билан келишув бўйича амалга оширилади, бунинг учун улар вазирлик ва идоралар томонидан мажбурий тартибда Адлия вазирлигига тақдим этилади;

д) тавсия тусидаги ҳужжатлар. Тавсия тусидаги ҳужжатлар тасдиқланмайди;

е) хусусий мурожаатлар бўйича амалдаги қонунчилик меъёрларига тушунтиришлар. Вазирликлар ва идоралар фуқаролар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан тушунтиришлар бериш ҳақидаги мурожаатлар бўлган тақдирдагина амалдаги қонунчилик меъёрларига тушунтиришлар берадилар. Қонунчиликка тушунтиришлар бериш ҳуқуқи қонунчилик билан берилган бўлиши лозим. Бунда қабул қилинаётган тушунтиришлар мазкур қоидаларнинг 75-банди талабларига жавоб бериш, шунингдек мурожаат қилган шахсга қаратилган бўлиши лозим. Агарда тушунтиришларни тайёрлаш давомида қонунчилик меъёрларини қўллаш юзасидан айрим масалаларни меъёрий тартибга солиш зарурати аниқланса, вазирлик ва идоралар ўз ваколат-

лари доирасида тегишли меъёрий ҳужжатни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ёхуд юқори органларга меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш бўйича таклифлар киритишлари лозим. Тушунтиришлар бериш зарурати қонун ҳужжатлари меъёрларини қўллаш амалиётидан келиб чиққан ҳолларда вазирликлар ва идоралар тегишли меъёрий ҳужжатни қабул қилишлари шарт.

ж) умумий мажбурий тусга эга бўлмаган бошқа ҳужжатлар.

63. Кўрсатиб ўтилган ҳужжатларнинг ушбу қоидаларнинг 61-бандида санаб ўтилган мезонларга мувофиқлаш юзасидан шубҳа туғилган ҳолда, бундай ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказишга жўнатилиши керак. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳуқуқий экспертиза ўтказилганидан кейин давлат рўйхатидан ўтказиш зарурлиги масаласи юзасидан яқуний қарорга келади.

## **2 §. Меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш**

64. Меъёрий ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказиш ўз ичига олади:

а) ҳужжатнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги юзасидан ҳуқуқий экспертизани;

б) ушбу ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказиш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилишни;

в) рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами беришни;

г) меъёрий ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идоралари меъёрий ҳужжатлари давлат реестрига киритишни;

д) меъёрий ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идоралари меъёрий ҳужжатлари давлат реестридан чиқаришни.

65. Меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ҳужжат олинган кундан бошлаб ўттиз кун ичида амалга оширилади. Агар кўрсатилган муддатнинг охири иш куни бўлмаган кунга тўғри келса, у ҳолда давлат рўйхатидан ўтказиш муддати ундан кейинги биринчи иш кунига қадар узайтирилади.

66. Меъёрий ҳужжатни рўйхатдан ўтказиш рад этиши мумкин, агарда:

а) ҳужжат Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлса;

б) ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон қарори (ЎР ҚТ, 1997 й., 10-сон, 33-модда; 2000 й., 5-сон, 26-модда) билан тасдиқланган «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларини ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида»ги Низомнинг II бўлими талабларига жавоб бермаса, шу жумладан ҳужжат белгиланган тартибни бузган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим қилинган бўлса;

в) ҳужжат манфаатдор органлар билан келишиш мажбурий ҳисобланганда бундай органлар билан келишилмаган бўлса.

Меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим қилиш тартиби бузилганлиги сабабли давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилганда, ҳуқуқий экспертиза ўтказилмайди.

67. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган кундан бошлаб ўн кун ичида вазирлик ёки идора раҳбари ёки унинг вазифасини бажарувчи шахе рўйхатдан ўтказиш рад этилган меъёрий ҳужжатни бекор қилиш тўғрисида тегишли ҳужжат чиқаради ва унинг нусхасини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига жўнатади (ушбу қоидаларнинг 66 бандининг «в» бандчасида кўрсатилган асослар бўйича давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган ҳоллар бундан мустасно). Мазкур ҳужжат ҳуқуқий нормаларни ўз ичига олмадлиги ва давлат рўйхатидан ўтказишга зарурат бўлмаслиги лозим. Меъёрий ҳужжатни бекор қилиш тўғрисидаги ҳужжат билан жўнатилаётган кузатув хатида Адлия вазирлигининг давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилганлиги тўғрисидаги хатнинг санаси ва рақамини кўрсатиш зарур.

Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган меъёрий ҳужжат бекор қилинганидан кейин Адлия вазирлиги ҳулосаси ҳисобга олинган ҳолда пухта ишлаб чиқиши ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун қайта тақдим қилиши мумкин. Бунда қонунларни, Ўзбе-

кистон Республикаси Олий Мажлиси қарорларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини қарорларини бажариш юзасидан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тақдимномасига кўра қабул қилинган меъёрий ҳужжатларни мукамаллаштириш ва давлат рўйхатидан ўтказишга такрорий тақдим этиш муддати бир ойдан ошмаслиги керак.

Ушбу қоидаларнинг 66-бандининг «в» бандчасида кўрсатилган асослар бўйича давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилганда, вазирликлар ва идоралар бир ой ичида мазкур ҳужжатни келишишлари ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун такроран тақдим этишлари ёхуд меъёрий ҳужжатни бекор қилиш тўғрисидаги ҳужжатнинг нусхасини Адлия вазирлигига жўнатишга мажбурлар.

68. Меъёрий ҳужжат вазирлик ёки идорага бу ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим қилган органнинг илтимосига кўра, рўйхатдан ўтказилмасдан Адлия вазирлиги томонидан қайтарилиши мумкин. Бундай ҳолда вазирлик ёки идора Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тегишли хатни, шунингдек мазкур меъёрий ҳужжатни бекор қилиш тўғрисидаги ҳужжат нусхасини жўнатади.

69. Агар давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим қилган ҳужжат ҳуқуқий экспертиза ўтказилиши натижасида Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказилмайди деган қарорга келинса, мазкур ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этган органга мазкур қарорга келиш асослари кўрсатилган тегишли хулоса юборилади. Агар бундай ҳужжатга ўзгартиришлар киритилса, ҳуқуқий экспертиза ўтказиш учун Адлия вазирлигига тақдим этилади.

70. Меъёрий ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказиш Адлия вазирининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги буйруқ асосида меъёрий ҳужжат рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами берилган ҳолда вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатлари Давлат реестрига (кейинги ўринларда «Давлат реестри деб аталади) киритилади. Давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги белги (давлат рўйхатидан ўтказиш тартиб рақами, санаси ва

Адлия вазирлигининг гербли муҳри) вазирликлар ва идоралар раҳбарларининг имзоларидан кейин буйруқ, қарор ёки кўрсатманинг пастки қисмига қўйилади.

Меъёрий ҳужжатнинг асл нусхаси унга рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами берилиб, Давлат реестрига киритилганидан кейин вазирлик ёки идоранинг ходимига тилхат орқали берилади. Агар ҳужжат давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин бир сутка мобайнида олинмаса, у Адлия вазирлиги томонидан почта орқали давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этган органга юборилиши мумкин.

71. Давлат рўйхатидан ўтказилган меъёрий ҳужжатларга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар, шунингдек рўйхатдан ўтказилган меъёрий ҳужжатларни ўз кучини йўқотган (бекор қилинган) деб топиш тўғрисидаги ҳужжатлар ушбу қоидаларда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

### **3 §. Адлия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилган меъёрий ҳужжатларнинг кучга кириши**

72. Меъёрий ҳужжат давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради ва бажарилиши керак. Ўн кунлик муддат давлат рўйхатидан ўтказиш кунини ҳисобга олган ҳолда ҳисобланади. Меъёрий ҳужжатнинг амал қилishi ўнинчи кундан кейинги кундан бошланади.

Агар ҳужжатнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилган бўлса, унда меъёрий ҳужжат шу санадан бошлаб кучга киради.

Агар қонунчиликда ёки ҳужжатнинг ўзида унинг кучга кириш шарти сифатида эълон қилиниши белгиланган бўлса, унда мазкур ҳужжат расмий манбаларда эълон қилиниши керак ва, агар ҳужжатнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради. Меъёрий ҳужжат давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кунлик муддат ўтмасдан эълон қилинган бўлса, унда мазкур ҳужжат ушбу банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилариға мувофиқ кучга киради.

73. Вазирликлар ва идоралар томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун муддатда барча манфаатдор шахсларға етказилиши

керак. Вазирликлар ва идоралар қабул қилинган меъёрий ҳужжатларни мажбурий тартибда тарқатиш учун ташкилотлар, массасалар ва корхоналар рўйхатини, шунингдек мазкур орган томонидан қабул қилинадиган меъёрий ҳужжатлардан манфаатдор бўлиши мумкин бўлган шахслар (жисмоний ва юридик) нинг тахминий рўйхатини белгилаши лозим. Зарур ҳолларда, Адлия вазирлиги меъёрий ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказишда қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар билан таништирилиши лозим бўлган шахсларнинг энг кам рўйхатини белгилашга ҳақли.

Меъёрий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказиш меъёрий ҳужжатнинг матни билан тўсиқсиз (эркин) танишиш ҳуқуқини берувчи ҳар қандай шаклларда, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, расмий нашрларда, жамоат жойларидаги осмаларда ва бошқа жойларда эълон қилиш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Бунда меъёрий ҳужжатни қўллашга масъул бўлган шахслар меъёрий ҳужжат билан шахсан таништирилиб, тилхат олинishi лозим. Белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши ва нашр этилиши (эълон қилиниши) керак бўлган меъёрий ҳужжатлар давлат рўйхатидан ўтказилгунига қадар бажариш учун жўнатишга йўл қўйилмайди. Мазкур талаблар бузилган тақдирда, меъёрий ҳужжатлар кучга кирмаган ҳужжат сифатида қўлланилмайди.

74. Меъёрий ҳужжатни эълон қилишда ва тарқатишда давлат рўйхатидан ўтказиш тартиб рақами ва санаси кўрсатилиши шарт.

Меъёрий ҳужжатни расмий ва норасмий нашрларда, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида ва электрон маълумотлар базаларида эълон қилинганда (тарқатилганда), шунингдек қайта кўчириб ёзиш йўли билан тарқатилганда Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказиш тартиб рақами ва санаси ҳужжатнинг биринчи бети чап юқори бурчагига қўйилади.

## **V Боб. Яқуний қоидалар**

### **1 §. Адлия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилган меъёрий ҳужжатларга тушунтиришлар бериш**

75. Вазирликлар ва идоралар рўйхатдан ўтказилган меъёрий ҳужжатларнинг тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлай-

дилар. Меъёрий ҳужжатни қўллаш бўйича тушунтиришлар бериш зарурати юзага келган тақдирда, меъёрий ҳужжатни қабул қилган (чиқарган) орган тегишли тушунтиришлар бериши зарур. Бунда тушунтиришлар бериш мақсадида меъёрий ҳужжатнинг фақат сўзма-сўз матнидан (унинг қисми, банди ва ҳақозо) фойдаланишга йўл қўйилади. Меъёрий ҳужжат (унинг қисми, банди ва ҳақозо) мазмунидан фарқ қилувчи, янги меъёрий қоидалар ҳосил қилувчи бошқа тушунчалар, терминлар ва шарҳлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

76. Адлия вазирлиги тегишли органларга улар қабул қилган меъёрий ҳужжатлар бўйича тушунтиришлар бериш зарурлиги тўғрисида тақдимномалар киритишга ҳақли.

77. Меъёрий ҳужжатлар бўйича тушунтиришлар манфаатдор шахсларга меъёрий ҳужжатнинг ўзи қандай тартибда етказилган бўлса, шундай тартибда етказилади.

78. Рўйхатдан ўтказилган меъёрий ҳужжатлар бўйича барча тушунтиришларнинг нусхаси мажбурий тартибда Адлия вазирлигига жўнатилади.

79. Меъёрий ҳужжат қоидаларини қўллашда тўлиқ тушунтириш бериш имкони бўлмаган тақдирда, вазирлик ёки идора меъёрий ҳужжатга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга ва уларни ушбу қоидалар билан белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим қилишга мажбур.

## **2 §. Меъёрий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, бекор қилиш**

80. Вазирликлар ва идораларнинг амалдаги меъёрий ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ўзгариши, шу жумладан вазирликлар ва идораларнинг янги меъёрий ҳужжатлари қабул қилиниши муносабати билан, шунингдек уларни қабул қилган вазирликлар ва идораларнинг ташаббуси бўйича киритилади.

81. Янги меъёрий ҳужжат тайёрланаётганлиги муносабати билан илгари қабул қилинган тегишли ҳужжатларга ёки уларнинг қисmlарига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки ўз қучини



йўқотган деб топиш тўғрисидаги таклифлар бундай ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш билан бир вақтда тайёрланиши лозим.

82. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ўзгарган тақдирда, вазирликлар ва идоралар давлат рўйхатидан ўтказилган ўз меъёрий ҳужжатларни қонунчиликка мувофиқлаштириши ҳамда ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун тегишли ўзгартириш ва қўшимчаларни Адлия вазирлигига тақдим этишлари керак. Мазкур меъёрий ҳужжатлар қонунчиликка мувофиқлаштирилгунга қадар қонунчиликка зид бўлмаган қисмларигина амалда бўлади.

Адлия вазирлиги вазирликлар ва идоралардан уларнинг давлат рўйхатидан ўтказилган меъёрий ҳужжатларини қонунчиликка мувофиқ ҳолга келтиришни талаб қилишга ҳақлидир. Вазирликлар ва идоралар ушбу ҳолда ўн кун муддатда ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун ўзлари қабул қилган меъёрий ҳужжатлардаги ўзгартириш ва қўшимчаларни Адлия вазирлигига тақдим этишга мажбурдир. Ушбу коида бажарилмаган тақдирда Адлия вазирлиги, тегишили орган (органлар) ни кейинчалик хабардор қилган ҳолда, меъёрий ҳужжатни Давлат реестридан чиқаришга ҳақлидир, бу меъёрий ҳужжатни юридик кучга эга эмас деб ҳисоблаш учун асос бўлади.

83. Агар меъёрий ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ўзгариши муносабати билан қайта кўриб чиқишда ёхуд вазирлик ёки идораларнинг ташаббуси билан айрим меъёрий ҳужжатларни бекор қилиш зарурати юзага келганда, вазирликлар ва идоралар меъёрий ҳужжатни бекор қилиш тўғрисидаги тегишли буйруқ, қарор ёки кўрсатмани Адлия вазирлигига тақдим этадилар.

Бекор қилиш тўғрисидаги тақдим этилган ҳужжат ва Адлия вазирининг тегишли буйруғи асосида Давлат реестрига меъёрий ҳужжатни реестрдан чиқариш тўғрисидаги тегишли ёзув кирита олади. Меъёрий ҳужжат уни бекор қилиш тўғрисидаги ҳужжатда кўрсатилган санадан, агар сана кўрсатилмаган бўлса - бекор қилиш тўғрисидаги ҳужжат қабул қилинган санадан бошлаб ўз кучини йўқотади.

84. Меъёрий хужжатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек кучини йўқотган деб топиш ушбу хужжатни қабул қилган орган томонидан ёхуд бунга вакил қилинган орган томонидан мазкур меъёрий хужжат қабул қилинган тартибда амалга оширилади.

Қўшма ёки бошқа идоралар билан келишилган ҳолда қабул қилинган (чиқарилган) меъёрий хужжатлар, қўшма ёки бу идоралар билан келишган ҳолда ўзгартирилади, қўшимчалар киритилади ёки ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

Меъёрий хужжатларни қабул қилган орган тугатилган ёки қайта ташкил этилган тақдирда унинг хужжатлари ўз кучини йўқотган деб ҳисобланиши, уларнинг тарқатилиши, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши ҳақидаги масалалар унинг ҳуқуқий вориси ёки юқори орган томонидан ҳал этилади.

85. Вақтинчалик тусга эга бўлган меъёрий хужжатлар уларнинг амал қилиш муддати тугаган кундан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади. Бундай хужжатларни вазирликлар ва идоралар Адлия вазирлигига ўз кучини йўқотган деб топиш ёки, лозим бўлганда, амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги тегишли хужжатни тақдим этиб ўз кучини йўқотган деб топишлари ёки амал қилиш муддатини узайтиришлари шарт.

Ушбу қоида бажарилмаган тақдирда, Адлия вазирлиги меъёрий хужжатни Давлат реестридан чиқаришга ҳақли. Бунда меъёрий хужжатни қабул қилган (чиқарган) вазирлик ёки идорага меъёрий хужжатни Давлат реестридан чиқарилганлиги тўғрисида хабарнома жўнатилади.

### **3-§. Меъёрий хужжатнинг амал қилишини тўхтатиш**

86. Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган меъёрий хужжатнинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тўхтатилиши мумкин:

а) низоли масалалар пайдо бўлган, шунингдек меъёрий хужжатни қўллаш билан боғлиқ бўлган янги ҳолатлар аниқланганда;

б) давлат рўйхатидан ўтказилган меъёрий хужжатларни белгиланган муддатда барча манфаатдор шахсларга етказилиши таъминланмаганда.

Ушбу банднинг «а» бандчасида кўрсатилган ҳолатда Адлия вазирлиги меъёрий ҳужжат тегишли қисмининг амал қилишини тўхтатишга ҳақли.

Меъёрий ҳужжатнинг (унинг қисмининг) амал қилиши уни тўхтатиш асослари бартараф қилинган тақдирда қайта кучга киритилиши мумкин.

Адлия вазири томонидан тегишли буйруқ қабул қилинган кундан бошлаб меъёрий ҳужжат (унинг қисми)нинг амал қилиши тўхтатилган ёки қайта кучга киритилган деб ҳисобланади, ушбу буйруқнинг нусхаси тегишли органга юборилади.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН РЎЙХАТГА ОЛИНГАН

30.12. 2000 й. №1000

*(Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идоралари норматив ҳужжатларининг бюллетени, 2000 й., №24.)*

## Ўзбекистон Республикасининг меъёрий (норматив) -ҳуқуқий ҳужжатлари давлат ҳисоби тўғрисида

### НИЗОМ

#### 1-§. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг меъёрий (норматив)-ҳуқуқий ҳужжатлари давлат ҳисобини юритиш тартиби, шунингдек реестр юритиш ва унинг маълумотларидан фойдаланиш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари давлат ҳисоби ўз ичига ушбу ҳужжатларни марказлаштирилган тартибда йиғиш, ҳисобга олишни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 октябрдаги 454-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги соҳаларининг умумҳуқуқий таснифномаси асосида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни индекслаш, тизимлаштирилган картотека юритиш, улар фондларининг назорат ҳолати ҳамда бундай ҳужжатлар тўғрисидаги марказлаштирилган ахборотни барпо этиш ва қўллаб туришни олади.

2. Ўзбекистон Республикаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисобини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (матн давомида - Адлия вазирлиги) амалга оширади.

## 2-§. ДАВЛАТ ҲИСОБИ ЮРИТИЛАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР

3. Қуйидаги меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат ҳисоби юритилиши керак:

а) Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари;

в) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;

г) вазирликлар, давлар қўмиталари ва идораларининг меъерий ҳужжатлари;

д) жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

4. Эълон қилинган ҳамда эълон қилинмаган меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларнинг амал қилиш муддатидан (доимий ёки вақтинчалик) ва уларда келтирилган маълумотлар хусусиятидан қатъи назар (шу жумладан «Хизматда фойдаланиш учун», «Матбуот учун эмас», «Эълон этилмайди» белгилари қўйилганлари; «Махфий», «Тамоилага махфий» белгили ҳужжатлар бундан мустасно) давлат ҳисобига олинishi керак.

5. Қуйидагилар давлат ҳисобига олинмайди:

а) «Махфий», «Тамоилага махфий» белгиси қўйилган ҳужжатлар;

б) шахсий тусдаги: мансабга тайинлаш, бошқасига ўтказиш ёки мансабдан озод этиш тўғрисидаги; орден ва медаллар билан мукофотлаш, фахрий ва ҳарбий унвонлар бериш, мукофотлаш ва шахсий пенсия тайинлаш тўғрисидаги; аниқ шахсларга имтиёз ва афзалликлар бериш тўғрисидаги ва шу каби бошқа ҳужжатлар;

в) сессиялар, кенгашлар, конференциялар ва ҳоказоларнинг чақириш тўғрисидаги ҳужжатлар;

г) аниқ шахсларга ва аниқ воқеалар шарафига ҳайкаллар, бюстлар, монументлар барпо этиш тўғрисидаги ҳужжатлар;

д) меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини юқори турувчи органлар кўриб чиқиши ҳамда тасдиқлашига киритиш тўғрисидаги ҳужжатлар;

е) илгари белгиланган тартибни ижро этишни ташкил этишга йўналтирилган ва меъерларни ўз ичига олмаган ҳужжатлар (шу

жумладан бутун мазмуни бошқа органларнинг ҳужжатлари тўғрисида хабардор қилишдан иборат бўлган ҳужжатлар);

ж) меъёрномага доир кўрсатмалар бўлмаган бошқа ҳужжатлар.

6. 5-бандда кўрсатилган ҳужжатлар белгиларига фақат қисман мувофиқ келадиган ҳужжатлар ўзининг қолган қисмида давлат ҳисобига олиниши керак.

### **3-§. МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ ҲИСОБИ УЧУН ЙЎНАЛТИРИШ ТАРТИБИ**

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги «Қонун ҳужжатларини тизимлаштиришни такомиллаштиришга ва ҳуқуқий ахборот тарқатилишини тартибга солишга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 304-сон қарори билан тасдиқланган Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш тўғрисидаги низомнинг 13-бандига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 йил №8, 47-бет), меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнлари Адлия вазирлигига уларни қабул қилган органлар томонидан қабул қилинган кундан бошлаб бир кун мобайнида қоғоз ва электрон ифодаловчиларида юборилади. Бунда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг электрон версиялари Адлия вазирлигига электрон почта тизими орқали юборилади. Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган меъёрий ҳужжатлари матнлари қоғоз ва электрон ифодаловчиларида Адлия вазирлигининг идораларнинг меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тақдим этилади.

8. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар Адлия вазирлигига босмадан чиқарилиб, оқ-қора ижрода ўзбек ва рус тилларида юборилади.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар келиб тушганда 1-иловада кўрсатилган шаклда, 2-илова талабларига мувофиқ рўйхат карталари тўлдирилади.

#### **4-§. МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ ҲИСОБИГА ОЛИШ ВА УЛАР ФОНДЛАРИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ**

9. Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат ҳисобига олиш реестрини (матн давомида - реестр) 3-иловага биноан юритади.

Адлия вазирлигига келиб тушган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар реестрда рўйхатдан ўтказилиб, ҳар бир ҳужжатга махсус рақам берилади.

10. Ўз кучини йўқотган деб топилган, аввал рўйхатга олинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, рўйхатдан ўтказилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазкур Низомнинг 9-бандига биноан реестрга киритилиши керак.

Реестрга киритилган тузатишлар, ўзгартишлар ва тўлдиришлар бунга ваколатли шахслар имзоси билан тасдиқланади.

11. Реестрга меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар киритилади: ҳужжатнинг реестрдаги тартиб рақами; рўйхатга олиниш рақами; рўйхатга олиниш санаси; ҳужжатни қабул қилган органнинг номи; ҳужжат тури; ҳужжат номи; ҳужжатни қабул қилиш санаси ва унинг рақами; ҳужжатнинг кучга киритилиш санаси тўғрисидаги маълумотлар; ҳужжатнинг расмий нашрларда эълон қилиниши тўғрисидаги маълумотлар; ҳужжатнинг амал қилиш муддати; ҳужжатнинг умумҳуқуқий таснифнома бўйича коди; ҳужжатга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги маълумотлар; ҳужжатнинг бекор қилиниши тўғрисидаги маълумотлар.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатни рўйхатга олиш рақами икки ҳарфдан иборат бўлиб, улар меъёрий ҳужжат турини кўрсатади (ЎҚ - Ўзбекистон Республикаси қонунлари, ОҚ - Олий Мажлис қарорлари, ПФ - Президент фармонлари, ВҚ - Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, ИҲ - Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари, МҲ - Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари; рус тилида: ЗУ - закон Республики Узбекистан, ПО - постановления Олий Мажлиса, УП - указы Президента, ПК - постановления Кабинета Министров, ВА

- нормативные акты министерств, государственных комитетов и ведомств, МА - решения органов государственной власти на местах), шунингдек олтига рақамдан ташкил топади (дастлабки икки рақам ҳужжат қабул қилинган йилнинг охирига икки рақамдан иборат, қолган тўрт рақам эса ҳужжатнинг реестрдаги тартиб рақамидир).

12. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнлари хронологик тартибда тизимлаштирилади ва махсус йиғмажилдлар ҳамда маълумотларнинг электрон базаларида сақланади.

13. Ўзбекистон Республикаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисоби реестри Ўзбекистон Республикаси ахборий тизимининг таркибий қисми, ундаги меъёрий ҳужжатларнинг матнлари эса расмий ҳужжатлар ҳисобланади.

14. Ўзбекистон Республикаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисоби реестри қоғоз ва электрон ифодаловчиларда юритилади.

15. Барча юридик ва жисмоний шахслар реестрдан ахборот олишлари ва ундан фойдаланишлари мумкин.

Реестрдан кўчирмалар ва ахборот бериш тартибини Адлия вазирлиги белгилайди.

16. Давлат ҳисобига қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида Адлия вазирлигида меъёрий ҳужжатларнинг давлат фонди ташкил этилади.

17. Адлия вазирлиги меъёрий ҳужжатларни фондларга ўз вақтида жорий этишни ва тегишли ўзгартишлар киритиш йўли билан уларни назорат ҳолатида ушлаб туришни таъминлайди.

18. Фондларнинг сақланиши ва ишончлилиги учун шахсан жавобгарлик Адлия вазирлигининг мансабдор шахслари зиммасига юкланади.



**Меъерий-ҳукукий ҳужжатнинг рўйхат картасини  
тўлдиришга доир  
ТАЛАБЛАР**

Рўйхат картасининг матни ёзув машинкасида ўзбек ва рус тилларида ёзилиши керак. Тузатишлар қора туш ёки қора сиёҳда аниқ қилиб киритилиши шарт.

Рўйхат карталари ҳар бир ҳужжатга бир нусхада тузилади.

Рўйхат картасига уни тўлдириш чоғида куйидаги маълумотлар киритилади:

**01, 02, 03 Рўйхат рақами ва санаси, Умумҳукукий таснифнома бўйича кодлар** - реестрда рўйхатга олиш рақами ва санаси, шунингдек Умумҳукукий таснифнома бўйича кодлари кўрсатилади.

**04 Ҳужжатнинг номи** - реестрга киритилган ҳужжатнинг номи кўрсатилади.

**05,06 Қабул қилинган сана, ҳужжат рақами** - ҳужжат қабул қилинган кун, ой ва йил ҳамда унга қабул қилинган пайтда берилган рақам араб рақамларида кўрсатилади.

**07 Ҳужжат тури** - ҳужжатнинг тури кўрсатилади («қонун», «фармон», «қарор», «фармойиш», «буйруқ», «йўриқнома», «қоидалар» ва ҳоказо).

**08 Ҳужжатни қабул қилган орган** - ҳужжатни қабул қилган органнинг тўлиқ расмий номи кўрсатилади.

**09 Расмий эълон қилиш манбалари** - куйидагилар кўрсатилади: ҳужжатнинг расмий эълон қилиниш манбалари номи, нашр қилинган йили, чиқарилиш ва модда рақами, моддалари бўлмаган тақдирда - ҳужжат матни бошланадиган чиқарилиш саҳифаси рақами.

**10 Кучга кириш санаси** - ҳужжат ёки унинг айрим қисмларининг кучга кириш ва амалга киритиш санаси алоҳида белгиланган ҳолда устун тўлдирилади.

**11 Амал қилиш муддати** - ҳисобга олинadиган ҳужжат ёки унинг адоҳида жисmlарининг амал қилиш муддати вақтинча бўлганида устун тўлдирилади.

**12 Ҳужжатнинг ҳажми** - ҳужжат матнидаги саҳифалар миқдори кўрсатилади, иловалар ҳам киради.

**13, 14 Ҳужжатдаги ўзгаришлар, ҳужжатни бекор қилиш** - ҳужжатни ўзгартирадиган, тўлдирадиган ёки бекор қиладиган ҳужжатларнинг расмий реквизитлари кўрсатилади.

**15, 16, 17 Рўйхат картасини тўлдириш санаси, рўйхат картасини тўлдирган масъул шахс мансаби ва исм-шарифи** - рўйхат картасини ҳужжатларни расмийлаштириш учун масъул шахс имзолаб, картани тўлдириш санаси, масъул шахснинг мансаби, фамилияси ва исми шарифи кўрсатилади.

У ёки бу устунларни тўлдириш учун асослар бўлмаган тақдирда устун чизиб қўйилади.

## МУНДАРИЖА

<b>СЎЗ БОШИ</b> .....	3
I. Қонунчилик тушунчаси ва моҳияти.....	7
II. Қонунчилик тизимининг принциплари ва функциялари.....	19
III. Қонунчилик тизимининг таркибий тузилиши.....	43
IV. Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг турлари.....	69
V. Қонунчиликни тизимлаштириш ҳолати ва истикболлари.....	117
<b>ХУЛОСА</b> .....	140
<b>ИЛОВАЛАР</b> .....	144

**Одилқориев Хожиакбар Хожимуродович -**  
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги  
Хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар  
иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий химоя  
қилиш бошқармасининг Бош маслаҳатчиси

# **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНЧИЛИК ТИЗИМИ**

Бадий муҳаррир: Ҳ. Исломова  
Техник муҳаррир: Ш.Рахимов  
Компьютерда саҳифаловчи: Н.Т.Аҳматжонов  
Мусахҳих: С.Худаёров

Теришга берилди. 10.06.2008 йил.  
Босишга руҳсат этилди. 24.07.2008 йил.  
Шартли босма табағи 14,2. Нашриёт-ҳисоб табағи 16.  
Адади 2000. Буюртма № 65.

Баҳоси шартнома асосида.

«АЛ-ФАБА-СЕРВИС» босмахонасида чоп этилди.  
100047 Тошкент шаҳри, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 23 А уй.

ISBN 978-9943-332-07-2



9 789943 332072